

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қайд рақами \_\_\_\_\_

**Тасдиқлайман  
Ўқув ишлари бўйича проректор**

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022-й.

**ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Фан:** “Жаҳон адабиёти тарихи”

**Билим соҳаси:** 100000 “Гуманитар соҳа”

**Бакалавриат таълим йўналиши:** 5120100 – “Филология ва тилларни  
ўқитиш (ўзбек тили)”

Андижон – 2022

Фаннинг ўқув-услугий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017-йил 1-мартдаги 107-сонли буйруғига асосан тайёрланган. Мазкур мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018-йил 25-августдаги 744-сонли буйруғи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг \_\_\_\_\_-йил \_\_\_\_\_-августдаги \_\_\_\_\_-сонли баённомаси билан маъқулланган намунавий ўқув дастури асосида тузилди.

**Тузувчи:**

**Мирзаева С.Р** – АДУ ўзбек адабиётшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори

**Такризчилар:**

**Абдуллаева Д.** – АДУ ўзбек адабиётшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори.

**Эшанова З.** – АДУ ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

Фаннинг ўқув-услугий мажмуаси Бухоро давлат университети Филология факультети ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг \_\_\_\_\_-йил \_\_\_\_\_ - августдаги \_\_\_\_\_-сонли йиғилишида кўриб чиқилди ва факультет ўқув-услугий кенгаши муҳокамасига тавсия қилинди.

**Кафедра мудир** \_\_\_\_\_ **ф.ф.д. (DSc) З.Мамажонов**

Фаннинг ўқув-услугий мажмуаси Андижон давлат университети Филология факультети ўқув-услугий кенгаши \_\_\_\_\_-йил \_\_\_\_\_-августдаги \_\_\_\_\_-сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун тасдиқланди.

Илмий кенгашининг \_\_\_\_\_-йиғилишида тавсия қилинган (20\_\_\_\_-йил \_\_\_\_\_ - августдаги \_\_\_\_\_-сонли баённома)

**Факултет декани** \_\_\_\_\_

АДУ ўқув методик кенгаши раиси \_\_\_\_\_

АДУ ўқув методик кенгаши баённомаси \_\_\_\_\_

АДУ АРМ раҳбари \_\_\_\_\_

## МУНДАРИЖА

Т/р	Ўқув-услубий мажмуа элементлари	бетлар
1	Маърузалар матни	4
2	Амалий машғулотлари ва семинар машғулотлари учун материаллар	
3	Мустақил таълим мавзуларини ўзлаштириш бўйича зарур услубий кўрсатмалар	
4	Глоссарий	
5	Иловалар: - фан дастури; - ишчи дастури; - тарқатма материаллар; - тестлар; - баҳолаш мезонлари ва фанни ўрганиш бўйича бошқа тарқатма материаллар)	

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

### 1-маъруза

#### Кириш. Миф ва жаҳон адабиёти. Энг қадимги Шарқ адабиёти

##### РЕЖА:

1. Жаҳон адабиёти ва унинг энг қадимги манбалари.
2. Шарқ ва Антик адабиётнинг ўзаро таъсирида мифологиянинг ўрни.
3. Қадим Миср адабиёти намуналари.
4. Қадимги Хитойнинг илк адабий ёдгорликлари.
5. Қадим Ҳиндистон адабиётининг ўзига хос хусусиятлари.

*Таянч тушунчалар:* жаҳон адабиёти, миф, асотир, мифология, Шарқ мифологияси, қадим Шарқ адабиёти, антик адабиёт, маданий алоқалар, героизм, трагизм, драматизм, коллизм, адабий жанрлар (эпос, лирика, драма), бош қаҳрамон, ёрдамчи қаҳрамон, сюжет, адабий таъсир, муштараклик.

Жаҳон адабиёти фани бўйича маълумотлар жуда катта ҳажмда бўлиб, у фақатгина антик адабиётни эмас, балки бугунги кунгача бўлган давр адабиётини ўз ичига қамраб олади. Бунга Антик адабиётдан ташқари Ўрта асрлар адабиёти ва унинг ижтимоий сиёсий характерини ёритиш, илк ўрта асрлардаги лирика. Халқ қаҳрамонлик эпослари, рицар-куртуаз адабиётига, антик адабиётнинг таъсири, ўрта асрлардаги шаҳар адабиёти унинг тараққиёт босқичларини ўз ичига олади. XVII аср классицизм адабиёти, боракко адабий оқими ва XVIII аср маърифатчилик адабиёти, XIX аср реализм ва танқидий реализм адабиёти вакиллари ҳамда XX аср жаҳон адабиётидаги тараққийпарвар адибларнинг ижоди янги ижодий йўналишлар, жаҳон адабиётида Нобель мукофоти совриндорлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади.

Чет эл адабиёти ўз ичига 5 қисмни олади:

**Антик адабиёти (қадимги замон адабиёти).** Бу ўз эраиздан аввалги XII асрдан илгари, бизнинг эраиздан IV-V асрларигача бўлган даврни олади. Бу адабиётда қабила тузумининг емирилиши, қулчилик тузуми, қулларнинг оғир аҳволи акс этади.

**Ўрта асрлар ва уйғониш даври адабиёти.** Бу адабиёт ўз ичига V асрдан то, XVII асрларгача бўлган даврни олади. Қабила, уруғчилик тузуми емирилган, феодализм юзага келган бир вақт бўлади. Христиан дини, черков жуда кучаяди. Кишилар динга, феодализмга хизмат қилишга ундалади, нариги дунёдаги роҳат учун бу дунёда азоб чекиш керак, деган дин тарғиботи ўсади. Хуллас, ўрта асрлар адабиётининг тузилиши дин билан боғланган бўлади.

Бу даврда антик адабиёт йўқолади, чунки у турмуш севинчини куйлар эди, бу эса ўрта аср диний адабиётининг манфаатлари билан сиғишмас эди. Лекин XIV-XVI асрларда ҳунар, саноатнинг ўсиши билан мамлакатлар идеологиясида катта ўзгаришлар рўй беради, кишилар онгида уйғониш бўлади, эскиликка қарши кураш бошланади, шунинг учун бу давр уйғониш даври деб аталади. Динга қарши улғу гуманист ёзувчилар етишиб чиқади: Сервантес, Шекспир ва бошқалар. Масалан: Шекспир ўзининг “Ромео ва Джульетта”, “Гамлет”, “Отелло” трагедияларида феодализм муносабатларини қақшатади, минг йиллик феодализм урф-одатларини емириб ташлайди, ҳақиқий севгини тарғиб қилади. Масалан: “Отелло”да қора танли мавр (араб) билан оқ танли қиз Дездемона ўртасидаги севгини катта жасорат билан тасвирлайди.

**3. XVIII аср маърифат даври адабиёти.** XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида ёш ва у вақтда прогрессив бўлган буржуазия давлатни қўлга олиш учун феодализмга қарши кураш олиб борди, бу кураш идеология қуроли бўлган маърифатчилик адабиётида акс этди. Бу адабиёт дин, ўрта асрчилик феодализм муносабатларини танқид қилди, маърифатчилик ғояларини олға суради. Бу адабиёт биринчи француз буржуа (1789-1794) революция сини ғоявий жихатдан тайёрлашда катта роль ўйнайди. Бунга:

Бомаршенинг “Фигаронинг тўйи”, “Севилия саргароши” номли комедияси мисол бўла олади.

Маърифатчи ёзувчи Жонатан Свифт "Гулливернинг саёхатлари" асарида Англия феодал муносабатларини қаттиқ танқид қилади.

Фридрих Шиллер "Макр ва муҳаббат" номли трагедиясида ёвузликни фош қилади. (Германия феодализмиди).

Буржуазия давлатни ўз қўлига олгач, халқ оммасини алдайди, энди у реакцион сиёсат тутайди. Маърифатчилик адабиёти ҳам кризисга учрайди.

**XIX аср чет эл адабиёти.** Бу вақтда буржуазия феодал аристократия устидан узил-кесил тантана қилади. Буржуа жамияти юксалади, унинг вакиллари эса турли йўллар билан, турли найранглар билан бойлик орттиришни ўйлайди.

Бу вақтдаги реализм адабиёти ўлаётган аристократия ва ғалаба қозонаётган буржуазиянинг ва унинг ярамас қиёфасини очиб ташлайди. Шунинг учун бу адабиётни танқидий реализм адабиёти (критичекий реализм) дейилади. Масалан: Улуғ француз реалисти Бальзак ва унинг «Одамзод комедияси» деган романлар серияси асарини кўрсатиш мумкин.

XIX асрнинг 30-40 йилларида ишчилар синфининг курашини акс эттирувчи революцион адабиёт юзага келади.

Бу даврдаги революциялардан сўнг буржуазия ўзининг реакцион қиёфасини жуда очиқ кўрсатиб қўяди. 1871 йилга Париж Коммунаси вақтида буржуа қонли террор билан революцияни бостиради.

#### **Антик дунё адабиёти ва унинг мифологияси.**

Антик адабиёт ўз ичига халқ адабиётини олади. 1- Юнон, яъни грек адабиёти. 2- Рим, яъни Румо адабиёти.

Антик адабиёти бизгача бўлган эрада, яъни кулчилик жамиятида юзага келган. Милоддан аввалги V-IV асрларда грек трагедиясида, яъни сахнасида шундай актуал масалалар қўйилганки, улар ўз қийматларини то кейинги замонларгача йўқотган эмас. Бу масалалар давлат билан шахс ўртасидаги масалалардир. Антик дунё адабиётида ҳозирги адабий жанрларнинг бошланғич нуқтаси бўлган. Масалан: Трагедия, комедия. Эпос, лирика, сатира сўзлари антик терминлардир. Сатира сўзи римча, бошқалари эса грекчадир. Шу тариқа антик маданияти ва адабиёти ўзидан сўнгги жамият маданиятига ва уйғониш давр адабиётига катта таъсир кўрсатган.

**Грек мифологияси.** Антик адабиётни ўрганишимиздаги биринчи восита мифологиядир. Антик адабиёти мифология асосида юзага келгандир.

Мифология миф, афсона ва эртақдардан иборат. Буюк адиб Горький мифология халқ бадиий фаолиятининг алоҳида бадиий усткурмаси, деб кўрсатилган.

Мифология ҳали кишилар онги жуда паст бўлган пайтида юзага келган. Шунинг учун инсонлар ўзларига турли туман худолар яратганлар. Масалан, мифологиянинг кўрсатишича, энг аввалги худо Уран, сўнг Гея вужудга келган, буларнинг бирлашувидан Крон, Океан. Рейлар туғилган. Крон билан Рея бирлашувидан яна бошқа худо авлодлари юзага келган, шулардан бири Зевс эди. Зевс катта бўлгач, отасини тахтдан тушириб, ўзи тахтга чиқди. Унинг ҳукмронлигига қарши чиққан худоларни Зевс қаттиқ қўллик билан бошқаради. Зевс Олимп тоғларида яшовчи худоларнинг Худоси бўлиб қолади. Милоддан илгариги XII асрда вужудга келган «Иллиада» ва «Одиссея» афсоналарида Зевс булутларни ҳайдовчи худо сифатида тасвирланади.

Антик дунё, хусусан Миср, Бобил, Юнонистон каби минтақалар билан Марказий Осиёнинг маданий алоқалари қадим-қадим замонларгача бориб боғланади. Мифларни қадимги юнон адибларидан Гесиод ва Гомерларнинг, юнон драматурглари Эсхил, Софокл, Эврипид ҳамда анча кейинроқ яшаган ёзувчиларнинг асарларида кўрамиз. Шунинг учун ҳам юнон мифларини ҳар хил манбалардан тўплаб бир тизимга йиғишга тўғри келган.

Ҳеч қачон ҳеч қайси халқ, элат бошқа халқлардан узилиб қолган, ўз ҳолича яшаган эмас, акс ҳолда ҳеч қандай тараққиёт бўлмаган бўлар эди.

Энг қадимий ва антик даврларда узоқ масофаларни от-уловда босиб ўтиш анча мушкул бўлган вақтларда аждодларимиз Миср, Бобил, Марказий Юнонистон каби минтақалар билан алоқа қилганлар. Ипак йўлининг кўп қисми мамлакатимиздан ўтиши хунармандчилик, савдо-сотикнинг эрта ва кенг ривожланишига олиб келди. Аждодларимиз шунчалик ишчан ва уддабурро бўлганларки, Византия императорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига самарқандликларни, умуман, ватанамиз вакиллариини жалб этганлар.

Антик, айниқса, юнон маданияти, адабиёти ҳеч қачон Шарқ адабиёти ва маданиятидан айрим, ажралган ҳолда бўлмаган. Ҳар икки минтақанинг алоқаси икки даврни бошдан кечирди: бири милоддан аввалги биринчи минг йиллик адабиётнинг шаклланиш даври бўлса, иккинчиси ва якунловчиси эллинизм даврини ўз ичига олади. Бу даврдаги Шарқ ва Ғарб адабиёти бир-биридан фарқ қилса-да, бир-бирига қарама-қарши эмас.

Ўзаро муносабат, бир маданият ва адабиёт иккинчисини бойитиши узоқ ўтмишдан бошланган бўлса керак деган фикр, қараш Гопатшоҳ билан Минотавр, грек мифологияси Марказий Осиё халқларининг исломга қадар бўлган миф, афсона ва фольклор асарлари ўртасидаги ўхшашликларни аниқлаганимиздан кейин келиб чиқди.

Умуман, ҳар икки минтақа адабиётлари учун муштарак ҳодиса бу мифология, асотирлар заминиди бадий адабиёт намуналарининг яратилганлигидир. Бир сўз билан айтганда, мифлар қадим адабиётнинг қон томири бўлган.

Мифология муайян халқ томонидан яратилган мифологик тасаввурларнинг изчил тартибга солинган тизими, асотирлар мажмуидир. Масалан, юнон мифологияси, ҳинд мифологияси, ўзбек мифологияси. Инсоният маънавий тараққиётининг илк босқичи сифатида муҳим амалий аҳамият касб этган мифология ибтидоий маданиятнинг негизи, оламни идрок этишининг асосий воситаси, бадий тафаккурнинг ибтидоси ҳисобланган. Унинг асосини қадимий одамнинг коинот, табиат, инсон, само жисмлари, нарса ва ҳодисалар, унинг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирлар ташкил этади.

Мифологиянинг архаик қатлами куёш, ой ва юлдузлар тўғрисидаги шамсий, қамарий ва астраль мифлар, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги самовий мифлар, одамзотнинг яратилиши ҳақидаги антропогеник мифлар, қадимий эътиқодий қарашларни ўзида ифода этган тотемистик, анимистик ва культ мифларидан ташкил топган. Деҳқончилик маданияти юксак даражада ривожланган ҳудудларда эса табиий-иклимий ўзгаришларнинг метафорик-рамзий талқинлари асосига қурилган тақвимий (календарь) мифлар ва ўлиб-тирилувчи табиат культлари ҳақидаги мифлар кенг тарқалган. Хусусан, Осирис (Қадим Миср), Адонис (Финикия), Дионис (Юнонистон), Сиёвуш (Ўрта Осиё) ҳақидаги мифологик сюжетлар шу тариқа юзага келган. Ўзининг илк тараққиёт босқичида энг содда ибтидоий ишончлардангина иборат бўлган мифология инсоният тафаккурининг тадрижий ривожиди олам, табиат ва жамият ҳақидаги аотирий сюжетлар, мифик образ ҳамда тасаввурлар силсиласини ўз ичига олган мукамал тизимга айланган.

Мифлардан ҳикоя қилинишича, ерда даставвал даҳшатли маҳлуқлар: ДЕВлар, оёқлари ўрнида баҳайбат илонлар биланглаб турган ГИГАНТлар, катталиги тоғдай ЮЗ-ҚЎЛЛИКлар, пешонаси ўртасида биттагина чакчайган кўзи бор ваҳший КИКЛОП (ЦИКЛОП)лар, Ер ва осмоннинг даҳшатли болалари -- қудратли ТИТАНлар яшаган. Юнонлар ГИГАНТлар ва ТИТАНлар образида табиатнинг ёвуз кучларини гавдалантирганлар. Мифларнинг ҳикоя қилинишича, табиатнинг бу ёвуз кучлари дунёда тартиб ўрнатган ва унга ҳуқумронлик қилган Чақмоқ, Булут осмон илоҳи ЗЕВС томонидан жиловланган ва бўйсундирилган. ТИТАНлар ўрнига ЗЕВС салтанати бунёдга келган.

Гомер эпослари мифология асосида яратилган. Эпик асар деб катта, қаҳрамони халқ бўлган дostonларга айтилади.

Милоддан илгариги XII асрда греклар билан кичик Осиёдаги Троя шаҳари ўртасида 10 йил уруш бўлиб, бу урушда греклар ғалаба қозонадилар. Натижада Троя уруши қаҳрамонларини куйлаган дostonлари юзага келади. Бу дostonларни (бахшилар) юзага келтирадилар. Шундай ном билан бизгача келган бахши Гомердир.

Гомер афсонавий шоир булиб, V асрда яшаган грек тарихчиси Геродот Гомерни ўзидан 400 йил илгари яшаганлигини айтади. Демак, Гомер милоддан илгариги IX асрда яшаган. Баъзи бир буржуа олимлари Гомер номидаги «Илиада» ва «Одиссея» дostonларини турли кишилар томонидан яратилган деб даъво қиладилар. Баъзилари бу асарларнинг композицион қурилишида бирлик бор, шунинг учун бир киши томонидан яратилган, дейдилар. Бизга шуниси маълумки, бу дostonлар мифология асосида яратилган халқ ижодиётидан иборатдир.

Ўзининг сўнги такомиллаштиришни бир киши қўлига топганки, бу Гомердир. Мил.авв. VI асрда Тиран-физистират саройида бу дostonларни ёзиб олганлар.

А) «Илиада» ва «Одиссея» дostonларида ҳар хил даврнинг қатлами из қолдирган. «Одиссея», «Илиада»дан тахминан 100 йил (бир аср) кейин яратилган.

Б) «Илиада» ва «Одиссея»да бирлик элементлари мавжуд.

В) «Илиада» ва «Одиссея»да бир қатор уйғунсизликлар, келишмовчиликлар сюжет ҳаракатда етказилмаган.

Г) Кичик қўшиқлар эпосга қадар бўлган, поэмага кичик қўшиқларнинг йиғиндиси деб қараш нотўғридир, қўшиқ қисқа, поэма кенг бўлади.

«Илиада» ва «Одиссея» кенг поэмалардир.

Д) Ҳар иккала асардаги уйғунсизликлар шуни кўрсатадики, «Илиада» билан «Одиссея»кенг поэма бўлганлари учун бирқатор янги мижозлар билан тўлдирилган.

**«ИЛИАДА» достони.** «Илиада» икки сўздан иборат, яъни Илион (қадимги Троя шаҳарнинг номи, Одас-қўшиқ деганидир. Достон 24 қўшиқдан иборат бўлиб, гекзаметрда (олтили шеърий ўлчовда) ёзилган.

Биз юқорида грек адабиёти мифология асосига қурилган деган эдик, «Илиада»нинг асосида ҳам миф ётади. Бу миф шундан иборат: “Бир куни худо Зевс Олимп тоғида яшовчи барча худоларни чақириб, зиёфат беради, бу зиёфатга жанжал худоси Эридани чақирмайди. Бундан ғазабланган Эрида Зевсдан ғч олмоқчи бўлади. Зиёфат вақтида осмондан «Энг гўзалига» деган бир олма ташлайди. Худолар ўртасида жанжал чиқиб, ниҳоят олма учта чиройли мабуда (аёл) худолар ўртасида талаш бўлиб қолади. Улардан бири Гера Зевснинг хотини, иккинчиси Афина уруш ва донолик худоси, учинчиси Афродита гўзаллар худоси эди. Бу нарсани Зевс ҳам хал қилолмайди. «Сизлар пастга тушингар, инсонларга мурожаат қилсангизлар, инсонлар олмани кимга тегишли эканлигини айтиб берадилар»дейди Зевс.

Мабудалар ерга тушиб, Троя подшоси Приамнинг ўғли Парисга йўлиқадилар. «Шу олмани менга хукм қилиб берсанг, сени давлатманд қиламан» дейди Гера. Афина эса уни донишманд ва қудратли қилишга ваъда беради.

Гўзал Афродита бўлса Парисга дунёдаги энг гўзал хотинни олиб бермоқчи бўлади. Парис олмани Афродитага хукм қилиб беради. Шу вақтдан бошлаб Афродита Троялилар дўстига, Гера билан Афина эса Троялиларнинг душманига айланадилар. Бир неча вақтдан сўнг Парис Грецияга саёхат қилиб бориб, шох Менслайнинг саройига мехмон бўлиб қиради ва унинг гўзал хотини Еленани олиб қочиб кетади. Ғазабланган шох Менслай қабила бошлиқларидан Агамемнон, Ахилес, Одиссей ва барчаларини чақириб, қўшин тузади ва Трояга қарши уруш бошлашга буюради. Фақат Агамемнон ўз боласини худоларга қурбон қилгач, шамол пайдо бўлиб, харбий кемалар Троя томон кетадилар. Тўққиз йил Трояни қамал ҳолда сақлаган греклар ўнинчи йилда уни қўлга оладилар.

**Сюжети.** Урушнинг ўнинчи йили Атаменон билан Ахиллес ўртасида жанжал чиқади. Атаменоннинг қўлида Аполлон худосининг (куёш худоси) қохининг (ердаги

Авлиёси) кизи Хриссида асира эди. Қизнинг отаси қизини олиб кетгани келади лекин, Атамемнон уни бермайди. Ғазабланган қизнинг отаси худонинг нафратини тилайди. Шундан кейин урушда грекларнинг ахволи ёмонлашади. Атамемнон бу ишга худоларнинг аралашганини сезиб, қизни отасига қайтариб беради, лекин Ахиллес қўлидаги иккинчи асира қиз Брисеидани тортиб олади. Атемемноннинг манманлигидан хафа бўлган Ахиллес урушга қатнашмай қўяди.

Греклар енгилла бошлайдилар. Атемемнон Ахиллес билан ярашиши учун унинг олдига Одиссейни юборади, лекин Ахиллес ярашмайди. Грекларнинг зўрайиб қолганини эслаб Ахиллес ўз дўсти Патроклни урушга юборади. Патрокл Трояликларга қарши жангда ўлади, уни Трояли қахрамон, Троя шохининг ўғли Гектор ўлдиради.

Икки ўртада қон тўкишни тўхтатиш учун урушга сабабчи булган Менелай билан Парисни олишуви хал қилсин деб таклиф қиладилар. Яккама-якка жангда Трояли Парис енгиллади, ўлимга маҳкум этилганда, гўзал Афродита келиб уни олиб қочиб кетади ва ўлимдан сақлаб қолади. Ахиллес ўз дўсти Патроклнинг ўлимига чидаёлмай темирчи худо Гефестнинг ясаган қуроли билан қуролланиб, Атамемнон билан сиртдан ярашиб, яна жангга киришади. Троя шаҳари яқинида Гекторни учратиб, уч марта қувиб ва нихоят уни ўлдиради, асосий душмани сифатида уни аравага судратиб масҳара қилади. Троя шохи, Гекторнинг отаси чол Приам Ахиллес олдига катта тўлов билан келиб, Гекторнинг жасадини қайтариб олишга муваффақ бўлади. Трояликлар ўз қахрамонининг жасадини куйдириб, у билан (Гектор) хайрлашадилар. Достон бир хулқий масала атрофида воқеани тасвирлайди, у ҳам бўлса Ахиллесдаги ғазабнинг туғилиши ва унинг кучайиши ҳамда Трояликларга қарши бу ғазабнинг қаратилишидир. Достондаги қахрамонлар ўша замонга хос бўлган хусусиятларини уларнинг кучларини, уларнинг заиф томонини акс эттиради. қахрамонлар ўз кучларига қараб ҳаракат қиладилар. Масалан: Ҳар бир қахрамоннинг ўзига хослиги бор. Масалан: Ахиллес жўшқин, пешқадам, Нестор доно, Атамемнон шохларча улуғвор, Одиссей донишманд ва хийлакор сифатида тасвирланади.

Достоннинг стили ва эпик асарга мансуб бўлган улуғворлик ва тантаналикка эга. Достонда қадимги қабила ер аристократиясининг ҳаёти акс эттирилган. Халқ ҳаётига жуда кам ўрин берилган. Масалан: жангчи Терсит урушга қарши норозилик билдирганда, Одиссей жим туришга мажбур қилиши тасвирланган.

Терсит эса автор томонидан салбий образ сифатида тасвирланган. Бу достон қадимги инсонлар ҳаётини акс эттирган ёдгорлик сифатида қимматлидир.

**“ОДИССЕЯ” достони.** Трояли Парис Ахиллесни ўлдиргач, (унинг товонидан ўк билан ўлдиради). Ахиллес Товони деган сўз шундан қолган. Одиссей бошлиқ греклар бир хийла ишлатади. Греклар гўёки чекинган каби орқага кетиб, у ерда от қолдирадилар. Трояликлар греклар енгилдилар, деб ёғоч отни ғалаба ёдгорлиги сифатида саройга олиб келадилар. Лаокоон деган киши бунга қарши турганда, дарёдан ажрархон чиқиб, уни бўғиб улоқтиради. Ёғоч отни Троя шаҳри ичкарига олиб кириб қўядилар. Кечаси унинг ичидан греклар чиқиб, сарой дарвозасини очадилар ва Трояни енгадилар. Урушдан сўнг грек қахрамонлари ўз ватанларига қайтадилар. Уларнинг қўплари йўлда халок бўлиб кетади, баъзилари узоқ йиллардан сўнг ватанларига қайтиб келадилар. Шундайлардан бири қахрамон Одиссей эди. Агар Иллиадада Троя уруши тасвирланса, «Одиссея»да грек қахрамонларнинг ўз ватанларига қайтишлари ва денгиз саргузаштлари ва шу билан бирга оила драмаси кўрсатилади. Одиссей 10 йиллик Троя урушида бўлган даврда унинг саройини «Ошиқлар» эгаллайди ва унинг хотини Пенелопани, сен энди эрга чиқ деб, қистай бошлайдилар. Унинг ўғли Телемах ёш бўлганлигидан хушторларга қаршилик кўрсатолмайди. Шунинг учун худо Афина Одиссейнинг дўсти сифатида келиб телемахга кема тайёрлаб беради. Телемах энди кема билан отасини қидириб кетади. Бу вақтда йўлда Одиссейни пари Калипсо яхши кўриб қолиб уни кетишига йўл бермай турган эди.

Афина худолар мажлисини чақириб, Одиссейни уйига кетиш масаласини қўяди. Бу масаладан сўнг Калипсо Одиссейга руҳсат беради. Одиссей ўз ўртоқлари билан бир оролга келади. У ердаги бир ғорга киради, мехмон бўлиш учун ғорнинг эгасини кутади.

Бу юрнинг эгаси кўр дев Циклоп Полифем бўлиб, кечкурун келиб қўйларни ғорга киргизади ва ғорнинг оғзига тош қўйиб қўяди. Ғорга кириб олов ёққанда одамларни кўради. Одиссей унга, бизни меҳмон қил деб дўқ уради. Ғазабланган дев икки кишини ерга уриб, ютиб юборади. Ўлим хавфи бошқаларга ҳам яқинлашганда, Одиссей ҳийла ишлатади. У девга қараб: Инсонларнинг ажойиб бир ичимлиги бор, агар сен еган гўштларингдан сўнг ўшани ичсанг, жуда ҳам роҳатланасан, дейди. Дев ичкиликни (вино) ичиб кайф қила бошлайди. Дев Одиссейдан, сенинг отинг нима, ким бўласан?, деб сўрайди. Одиссей: «Ҳеч ким» деб жавоб беради.

“Сени бу қилган яхшилигинг учун сени энг охирида ейман”, - дейди дев ва уйкуга кетади. Шу пайтда Одиссей найзани қиздириб, унинг соғ кўзига босади. Чидолмаган дев наъра тортади. Қўшни ғордаги девлар дарҳол етиб келиб, ташқаридан туриб, «Сенга ким озор берди?» деб сўрайдилар. Дев эса «Ҳеч ким» деб жавоб беради. Сен бизни овора қилдинг деб, улар ҳафа бўлиб қайтиб кетадилар. Дев тонг отгач, сенларни тутиб ейман, дейди ва молларни бирма-бир текшириб ташқарига чиқара бошлайди.

Одиссей билан унинг шериклари молларнинг қорнига ёпишиб чиқиб кетадилар. Бундан ташқари Одиссейнинг нариги дунёга саёхати, аждаҳо ҳавфидан қутилмаганлиги ва яна кўп воқеалар тасвирланади. Одиссей кемага тушиб келаётганида денгиз худоси Посейдон ўғли Пожипемни кўр қилиб қўйгани учун Одиссейга қарши бўрон юборади. Кемаси ҳалокатга учрайди, ўзини эса тўлқин бир қирғоққа чиқариб ташлайди. Бу қирғоқдаги бир мамалакат шохининг қизи ўртоқлари билан денгиз бўйига чиққан эди. Улар Одиссейни саройга олиб бориб, унинг шарафига катта зиёфат уюштирадилар. Бахшилар 10 йиллик Троя уруши ва унинг қаҳрамонлари ҳақида қўшиқ айтади. Бу қўшиқда Одиссейнинг номини ҳам тилга оладилар. Бу вақт Одиссей кўзидан ёш чиқади. Сўнг ундан сўраганларида, у Троя урушида қатнашган қаҳрамон Одиссей эканлигини айтди. Одиссейни катта дабдаба билан ўз ватанига жўнатадилар. Одиссей сарой воқеаларини эшитади ва ошиқлардан ўч олиш учун режа тузади. Одиссей ўз саройига гадоё қиёфасида бориб яшай бошлайди.

Одиссейнинг хотини ошиқларига бир шарт қўйган эди: Мен Одиссей учун бир гилам тўқимоқдаман, шуни тўқиб бўлиб, кейин турмушга чиқаман, дейди, кундузи гилам тўқийди, кечалари эса, гиламни бузади, кўп вақт ўтказаверади.

Ниҳоят, Пенелопа, кимки Одиссей ўқидан нишонга урса, унга тегаман, дейди. Ошиқлар Одиссейнинг ўқ ёйини кўтара олмайдилар ҳам. Одиссей нишонга уради ва ўғли Телемах билан бирга ошиқларни улоқтиради, ўз юртини яна қўлга олади.

Бу дoston ҳам 24 қўшиқдан иборат бўлиб, «Илиада»дан сўнг ижод этилган. Асар қаҳрамони Одиссей донишманд ҳам ҳийлакор у азоб чекади охирида ғалаба қилди. Асарнинг қиймати ҳам шу ерда Бу икки асарда Гомер қабила аристократиясининг идеологи сифатида майдонга чиқади.

Нафақат Шарқ, балки бутун дунё маданиятининг бешиқларидан бири бўлган Мисрдаги энг қадимги ёдгорликлар милoddан аввалги учинчи минг йилликка, сўнгилари эса милoddнинг бошларига оиддир. Миср адабиёти намуналари бизгача кўплаб иероглиф, иератик ва демотик матнларда етиб келган. Миср адабиёти дунёдаги энг қадимий адабиётлардан биридир. Бу адабиётининг асосий жанрлари: эртақлар, қиссалар, мадҳиялар ва дуолар, дидактик асарлар, масаллар, дostonлар, севги лирикаси ва бошқалардир.

Бадий адабиёт ёдгорликлари билан бирга Миср адабиётига эҳром матнлари ва адабий салоҳиятга эга бўлган шохлар ва амалдорларнинг битиклари ҳам киритилади. Миср адабиёти қадимда бошқа халқлар адабиётига, жумладан, юнон адабиёти (айниқса, юнон-рим) га ҳам таъсир кўрсатган. Баъзи сюжетлар юнонлар орқали Европа халқлари адабиётига кириб келган.

Хитой адабиёти жаҳонда энг қадимий адабиётлардан бири бўлиб, уч минг йиллик анъаналарга эга. Ушбу адабиётининг биринчи йирик шеърий асари «Шицзин» («Кўшиқлар китоби»), милoddан аввалги XI - VI асрлар) халқ кўшиқлари ва диний

маросим мадҳиялари мажмуасидан иборат. Милоддан аввалги биринчи минг йилликка мансуб бадий наср фалсафа, тарих, география ва бошқаларга доир асарлар билан узвий боғлиқ («Шан шу» — «Тарихий ривоятлар китоби» ва бошқалар). Сима Цяннинг (милоддан аввалги I аср) «Ши цзи» («Тарихий хотиралар») китоби Хань даври (милоддан аввалги 206 -, милодий 220-йиллар) насрининг йирик ёдгорлиги ҳисобланади.

Шеърятнинг муҳим қисмини ташкил этган лирик ва сатирик халқ қўшиқлари (юэфу) да халқ ҳаёти ўз ифодасини топган. IV аср охири -- V аср бошларида яшаган йирик новатор шоир Тао Юаньмин (365—427) шеърятга ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадалардан иборат бўлди. Мамлакатни Тан сулоласи (618— 907) бирлаштиргач, адабиёт ривожини учун қулай шароит яратилди. Худди ўша даврда вэнь янь - хитой адабий тили узил-кесил шаклланди.

VII - X асрларда Чэнь Цзиан, Ван Вэй шеърлари машҳур бўлди. Адабиётнинг янада тараққий этишида Ли Бо, Ду Фу ва Бо Цзюйи каби шоирларнинг таъсири катта бўлди. X – XIII асрларда шоирлардан Ван Аньши, Су Ши, Лю Юн, Лу Ю, шоира Ли Цинч-жао машҳур бўлган. Оуян Сю тарихий ва фалсафий мавзуда асарлар яратди.

Ҳинд адабиётининг уч минг йилдан кўпроқ анъанаси ведалар – санскрит тилидаги диний гимнлардан бошланади. Милоддан аввалги X – IV асрларда халқ оғзаки ижодида йирик эпик достонлар — «Маҳабхарата» ва «Рамаяна» шаклланди. Қадим ҳинд адабиёти ёдгорликлари - пуранлар муқаддас матнлари бу достонлар матнларига яқин. Қадим ҳинд эртаклари тўпламларидан «Панчатантра», «Хитопадеша», «Веталапанчавиншати», «Шуксаптати» машҳур. Муаллифлик адабиёти милодий I аср бошларида пайдо бўлди. Санскрит адабиётининг буюк шоири ва драматурги Калидасатр Бхаса (III-IV асрлар) ва Шудрака (V-VI аср) ҳам машҳур драматург бўлишган. Санскрит адабиётида Бховабхуги (VIII аср) ҳам сезиларли из қолдирди. Дандин (VII аср) нинг «Ўн шахзода саргузашти» романи санскрит бадий насрининг чўққиси ҳисобланади. Милоднинг дастлабки асрларидан дравид тилларида, жумладан, тамил тилидаги адабиёт ривожланди. Тахминан VII асрдан ўрта асрлар адабиётининг тарихи бошланади. Санскрит ва тамил тилидаги адабиёт билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам адабиёт вужудга келди.

Умуман, энг қадимги Шарқ адабиёти жаҳон адабиётининг бешиги сифатида, узоқ ўтмишдаги кишиларнинг мифологик тасаввурлар тўғрисида маълумот берувчи улкан хазина сифатида дунё маданиятида бекиёс аҳамият касб этгандир.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Аристотель. Поэтика. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1980.
2. Алимухаммедов А. Антик адабиёт тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1975.
3. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1987.
4. Алексеев М.П. и др. История зарубежной литературы (средние века и возрождения). Москва, Высшая школа, 1987.
5. Артаманов С.Д. История зарубежной литературы XVII-XVIII в.в. Москва, Просвещение, 1978.
6. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Тошкент, Муסיқа, 2006.
7. Дўстмухаммедов Қ. Нобел мукофотини олган адиблар. Тошкент, Маънавият, 2002.
8. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Тошкент, Маънавият, 1999.
9. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
10. Саидов У. Европа маърифатчилиги ва Миллий уйғониш. Тошкент, “Академия”, 2004.
11. Саримсоқов Б. Абсурд манисизликдир. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2002.
12. Сувон Мели. Данте ва Навоий. “Жаҳон адабиёти” журнали, 1998, 2-сон.
13. Толстой Л.Н. Шекспир ва драма тўғрисида. “Жаҳон адабиёти” журнали, 1998, 11-12 сонлар.

14. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, Ўқитувчи, 1979, 1983.
15. Ҳессе Х. Жаҳон адабиёти кутубхонаси. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2003, 6-сон.
16. Куронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. Тошкент, Фан, 2008.
17. Қаямов О. Чет эл адабиёти тарихи. (V-XVII асрлар). Тошкент, Ўқитувчи, 1979.

## 2-майруза

### ҚАДИМГИ ЮНОН ВА РИМ АДАБИЁТИ

#### РЕЖА:

1. Қадимги юнон ва Рим адабиётининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Гомер, Ҳесиод, Эсхил, Софоклларнинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Одиссея”, “Илиада” асарларининг ғояси, ўрганилиши ва бадиияти.
3. Софоклнинг “Шоҳ Эдип”, “Антигона”, “Эдип Калонда” асарларининг ғояси, сюжети
4. Эсхил асарларининг ғояси, сюжети.
5. Гомер асарларининг жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳамда ўзбек адабиётига таъсири.

*Таянч тушунчалар:* антик давр адабиёти, ўрта асрлар, уйғониш даври адабиёти, феодализм, капитализм, соцреализм, модернизм, сентементализм, героизм, трагизм, драматизм, коллизм, адабий жанрлар (эпос, лирика, драма), бош қаҳрамон, ёрдамчи қаҳрамон, сюжет, конфликт, ситуация, адабий таъсир, муштараклик.

Қадимги Юнонистон ва Рим халқлари қолдириб кетган буюк маънавий мерос, шу икки халқ яратган маданият, санъат ва адабиёт инсоният тарихида антик маданият, антик адабиёт деб юритилади. “Антик” сўзи лотинча (antiguus) сўздан олинган бўлиб, “қадимги” деган маънони билдиради.

Юнонистонда (Грецияда) пайдо бўлиб, кейинчалик юксак камолот босқичига кўтарилган бу маданият, аввало, эраиздан олдинги III асрда Рим маданиятининг, кейин эса бошқа кўпгина халқларнинг маданияти ва адабиёти ривожланишига туртки бўлган.

Юнон-Рим маданияти, санъати ва адабиётига нисбатан қўлланадиган “антик” сўзини фақат Европага татбиқан англаш керак. Чунки Европа халқлари ўзларининг маданий тараққиётлари йўлида асосан Юнон-Рим маданияти билан алоқадор бўлганликлари учун шу халқларга тегишли бўлган маънавий бойликларни энг қадимий деб ҳисоблаганлар. Лекин аслида “антик” атамаси Юнон-Рим адабиётларигагина татбиқ этилиши унчалик тўғри эмас. Негаки, маданиятнинг асл бешиги Шарқ мамлакатлари бўлган; дастлабки адабиёт ёдгорликлари олдин Миср, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Бобил (Вавилония) каби мамлакатларда яратилган.

Юнон адабиёти ҳеч бир халқнинг адабиётига суянмасдан мустақил равишда пайдо бўлган адабиётдир. Ҳозирги замон адабиётида мавжуд бўлган бадиий шаклларнинг кўпчилиги, услуб воситалари шу халқнинг кашфиётидир.

Юнон-Рим халқларининг бадиий асарларида инсониятнинг асрий муаммоларига ечим излаш, ботирлик жасоратини, курашчанликни, ватанпарварликни, инсон қудратини куйлаш ғояси етакчилик қилади. Уларда пасткашлик, қўрқоқлик, сотқинлик каби чиркин иллатларга нафрат билдирилади. Шунинг учун ҳам бу халқларнинг узок ўтмишида яратилган асарлари ханузгача кадрланиб келмоқда.

Антик адабиётнинг ғоялари, бадиий образлари Европада қанчадан-қанча улуг қалам соҳибларига, санъат даҳоларига илҳом бағишлади.

Хурофот асоратларига, зоҳидлик ғояларига қарши аёвсиз кураш бошлаган Уйғониш даврининг улуг зотлари қўлида антик дунёнинг илму фани, санъат ва адабиёти, фалсафий таълимотлари энг кучли қурол бўлиб хизмат қилди. “Уйғониш” сўзининг

дастлабки маъноси ҳам “қадимги маданиятни қайта тиклаш, янгитдан оёққа бостириш демакдир.

XVII аср Европа классицизм адабий оқими ҳам 100-150 йил давомида антик дунё бадий ижодиға тақлид шиори остида ривожланган.

Ўрта Осиё, жумладан, ўзбек адабиётининг антик давр маданияти билан алоқаларидан гувоҳлик берадиган манбалар бир қанча.

Эрамиздан олдинги V аср юнон жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва маданий жиҳатдан юксак тараққиёт босқичига кўтарилган давридир. Бу тараққиёт Эрон-Юнон урушларидан кейин Афина давлатининг кучайиши ва демократияға томон ривожланиб бориши билан маҳкам боғлиқ бўлиб, чиндан ҳам юнон элининг олтин асри деб аталишға арзийдиган буюк давридир. V асрға қадар юнон тупроғининг энг илғор маданий маркази Кичик Осиёдаги Иония вилояти ҳисобланиб келинган бўл-са, роса ярим аср (499—449) давом этган Эрон-Юнон урушида юнонлар ғалаба қозонганларидан кейин илму фан, санъат ва маданият маркази Афина давлатига кўчади. Адабиёт соҳасида Афинанинг мавқеи шу қадар улутки, V—IV асрлар адабиёти шу муаззам шаҳар ўрнашган Аттика вилоятининг номига нисбат берилиб, юнон адабиётининг аттика даври деб аталади.

Эронийлар билан бўлган урушнинг захматларшға кўпроқ тотган ва душман устидан ғалаба қозониш ишига бошқалардан кўра ортиқроқ хисса кўшган афиналиклар, урушдан кейин юнон тупроғидаги юз элликдан *ортик* шаҳар давлаглари ораси-да ғалаба имтиёзларини ўз қўлларида сақлаб қоладилар. Эн-дилиқда Юнонистон тупроғига туташган денгиз сувларида уларнинг ёлғиз ўзлари ҳукмронлик қила бошлайдилар. Бу ҳолат янгидан-янги савдо бозорларини қўлга киритишға, Қора денгиз соҳиллардаги мустамлакалар билан олди-еотди ишла-рини ривожлантиришға кенг йўл очади ва Афинани ғалла билан узлуксиз таъминлаш масаласини ҳал этади.

V асрнинг ўрталарига келиб Афина юнон давлатлари орасида энг бақувват, энг йирик, 150 дан ортиқ айрим давлатлардан ташкил топган катта иттифоқнинг тепаеида гурувчи, сувда ва қуруқликда ўз ҳукмини юритувчи забардаст бир давлатға айланади, иттифоқчиларидан олинандиган беҳад-беҳисоб ўлпонлар Афина давлатининг хазинасини ниҳоятда бойитиб юборади.

Баъзи давлатларни иқтисодий жиҳатдан ўзига итоат эттириш, яна бир хиллари билан савдо алоқалари боғлаш, мустамлакаларнинг бойлигини талаш, мамлакат ичидаги халқни эксплуатация қилиш орқасида V асрнинг оқирларига келиб Афина давлати Юнон тарихида кўрилмаган юксак иқтисодий маъмурчилик даражасига кўтарилади ва шу билан бирга, бутун юнон оламининг энг йирик маданий марказига, олимлар, шоирлар, файласуфлар, ҳайкалтарошлар, рассомлар ва турли-туман ижод аҳллари-нинг маконига айланади.

Афина ўзининг иқтисодий ва маданий амолотиға асосан асрнинг 50-30-йилларида, яъни Афина давлати тепасида Перикл турган вақтда эришади, шу сабабли бу даврни кўпинча «Перикл асри» деб ҳам атайдилар.

Перикл (яшаган вақти тахминан 500—429 йиллар) аристократ хонадонида туғилиб, замонасига нисбатан жуда яхши билим олади; Эрон уруши вақтида анчагина харбий маҳорат кўрсатади, Афина давлати тепасида турганида ўзининг соҳиб тадбирлиги билан кенг шуҳрат қозонади; сиёсий фаолият бобида ўзидан олдин ўтган дўсти, оташин демократ Эфиальтнинг ишларини давом эттириб, аристократларнинг қаршилиқ-ларини тамоман енғади ва мамлакатда узил-кесил демократия тузумини ўрнатади ва 15 йил давомида (445—430) ҳар йили Афина давлатининг энг олий лавозими — стратегликка сайланади. Афина давлати демократик асосға қурилган тузум бўлишиға қарамай, улуг тарихчи Фукидиднинг айтишича, унинг барча ишларини ёлғиз бир киши, яъни Периклнинг ўзи бошқарган.

Перикл ўз замонасининг ниҳоятда ишбилармон давлат арбоби, оташин *нотик*, одамларда ташаббускорлик иштиёқини уйғотишға моҳир, илму фан, санъат ва

адабиётга ошно бир шахс эди. У бутун юнон оламидан файласуфлар, олимлар, шоирлар ва санъат аҳллари Афинага тўплайди. Периклга яқин турган ва унинг ишларида кўмаклашган улуғ зотлар орасида файласуфлардан Анаксагор, Сократ, «Тарих фаниянинг отаси» Геродот, улуғ трагик Софокл, ажойиб хайкалтарош Фидий ва шуларга ўхшаш умумюнон маданиятини юксак поғона-ларга кўтарган яна бирмунча шахсларни кўрамиз.

Перикл замонасида илмий-фалсафий таълимотлар, айниқса жуда кенг ривож топади. Олимлар, мутафаккирлар ўз асарларида табиат ҳодисаларини, шктимой қонунларни очишга, уларни изохлашга ва шу йўеинда мавжуд демократик тузум-нинг тўғри ва бамаъни зканлигини исботлашга уринадилар.

Эски диний эътиқодларнинг аста-секин сусайиб бориши, илохий кучларни коинот ҳодисаларида ахтариш (паятеизм), инсонни маъбудларнинг кул ҳолатидан бутун борликнинг ҳукмрони даражасига кўтариш, унинг идрок ва истеъдодига таҳсин Ўқиш, истиқболга чугсур умид билан қараш—бу давр фалсафий очимларининг асосий хусусиятидир. Янги тушунчалар ўз ифодасини даставвал Анаксагор (500—428 йиллар) фалсафасида топади. Перикл билан дўстона муносабатда бўлган, унинг сиёсатини кўллаб-қувватлаган ва ҳукмроннинг истагига кўра замонасининг илмий-маданий ҳаракати тепасида турган бу мутафаккир олим, эски диний эътиқодларни инкор этиб, бутун коинотни беҳисоб зарралардан таркиб топган аба-дият маъносида тушунади. Чунончи, куёш билан ой, қадимгилар айтганидек, илохий кучлар эмас, балки бир умр ловул-лаб ёниб турадиган жисмлардир. Анаксагор инсон онги, кудрат ва истеъдодини жуда юксак баҳолайди.

Бу даврнинг илмий ва фалсафий фикр-ғояларини бошқалардан кўра тўлароқ акс эттирган, ибтидоий материализм оқимида асос солган улуғ мутафаккир Демокритдир (460—370), Демокрит ўз замонасида мавжуд бўлган ҳамма билимлар (астрономия, физика, математика, биология, география) бобида жуда кўп йирик-йирик асарлар ёзди; унинг асарларни орасида, шунингдек поэзия, санъат, тарих, дехдончилик, ҳарбий техника ва бошқа турли-туман масалаларга аталган китобларни ҳам кўрамиз. Маркснинг таъбирича «ғонлар орасида биринчи энциклопедик ақл эгаси» Демокрит ўзининг нодир салоҳияти ва кенг билими асосида нзчил материалистик фалсафий таълимот яратади. Унинг айтишича, бутун борлик кўзга кўрин-майдиган майда-чуйда зарралардан — атомлардан тузилгандир, атомларнинг шаклига қараб коинотдаги борлик нарсалар турлича бўлади; жамики тирик мавжудот, шунингдек, одам ва унинг «жони» ҳам атомлардан яратилган. Беҳисоб атомлардан ташқари коинот бепоён бўшли!(дан ҳам иборатдир; атом-лар мана шу бўшлиқда бетўхтов ҳаракат қиладилар; бутун борлик табиат, бизнинг фикр, сезги ва ҳисларимиз шу атомларнинг ҳаракати натижасида турилади; атомлар ва уларнинг ҳаракати абадийдир: ҳеч нарса йўқликдан пайдо бўлмайди ва ҳеч нарса ном-нишонсиз йўқчилик кетмайди; табиатдаги ўзгаришлар атомларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишлари оқибатидир. Шундай қилиб, Демокрит батафсил материалистик фалсафа таълимотини яратади, аммо унинг материализми, ҳозирча фақат механистик материализм эди. Демокрит табиатдаги ҳамма ҳодисаларни ёлғиз механика асосида таърифлаган.

Демокрит ижтимоий-сиёсий масалалар билан ҳам чуқур танишиб, қадимги юнонлар ўртасида кенг тарқалган узоқ ўтмишдаги «олтин давр» афсоналарини инкор этади. Унинг фикрича, инсониятнинг илк даврларида одам боласи баайни ҳайвон сингари яшаган, кун кечирини машаққатлари натижасида аста-секин маъмурчиликка эришиб, маданият асосларини қура бошлаган. Давлат тузуми бобидаги таълимотларида Демокрит шак-шубҳасиз демократик тузумнинг афзаллигини эътироф қилади. Бироқ, Демокрит юксак қиммат берган бу демократия шубҳасиз, қулчилик асосига қурилган демократиядир. Афсуски, шундай забардаст мутафаккирнинг биронта асари бизга қадар етиб келган эмас.

V асрнинг иккинчи ярмида бутун Эллада тупроғида ижтимоий ҳодисаларни ўрганш ишини ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган янги илмий-фалсафий оқим пайдо бўлади. Бу оқимнинг вакиллари ўзларини «софистлар» деб атаганлар. Даставвал «софист» сўзи остида «доншманд», «билимдон», «олим» деган маънолар ифода этилган бўлса, кейинчалик бу ибора фалсафа муаллимларига тақилган лақабга айланиб ке-тади. Қадимги Юнонистонда мактабхонлик ишлари нихоятда еуст бўлганлиги важдан софистлар шацарма-шахар кезиб, шахсий суҳбатларда ёки жамоат олдида илму фан асослари-ни ташвиқ қилардилар. Материалистик файласуфлар ўз ўцувчи ва тингловчиларига табиат ҳодисалари ҳақида гапирган бўлсалар, софастлар асосан ижтимоий насалалар тўғрисида сўзлайдилар.

Софистлар бу даврнинг ҳар томоклама билимдон кишилари бўлиб, ўэ замондошлари зехнини бойитиш, уларни илму маърифат ютуқларидан баҳраманд этиш бобида жуда катта ишлар қиладилар, булардан сабоқ эшитган ёшлар фақатгина астрономия, геометрия, музика ва шу каби илмлар соҳасида тушунча орттириш билан чекланб чолмай, балки одам боласи ҳаётни қандай уюштириши, давлатни қай тарика тузиши ва сиёсатни чайси усулда олиб бориши тўғрилида ҳам таълим оладилар. Софистлар бир хил олимлар сингари оламдан юз ўгириб ўз хилватхоналарида китоб титишдан ўзга нарсаки билмаган дарвиш табиат кимсалар бўлмасдан, ҳаётнинг энг чайноч ерларида, оломон ўртаснда жўшчинлик билан ўз илм-ларини ёйган илму фан жарчилари бўлганлар. Улар кўпчилик ўртасида ўрнашиб колган тушунча ва эътиқодларни дадиллик билан рад етадилар, уларга путур етказадилар. Чунончи, йирик софистлардан бири бўлмиш Протагор «Ҳамма нарсанинг андазаси одамдир», дейди ва бу даъвоси билан инсоннинг онгида ҳосил бўладиган тушунча ва таассуротлардая ташқари бўлак «олам»нинг бўлиши мумкин энаслигини исботлашга уринади. Протагор изҳор қилган фикрнинг муҳимлиғи шундаки, бу файласуф ўзининг шу даъвоси билан инсоннинг кадр-қимматини оширади, уни бутун коинотнинг марказида турадиган улуг куч даражасига кўтаради; одам боласининг такдири ва ҳаёт-мамотини ғайри табиий кучлар, илохий тушунчалар билан эмас, балки унинг ўз изми ва иродаси билан боғлайди. Протагор фалсафасининг революцион моҳияти хдм шундадир. Протагор бирмунча эҳтиёткорлик билан маъбудларнинг борлигига шак келтириб «Мен маъбудларнинг бор-йўқлигини ёки уларнинг қиёфаси қандайлигини билмайман, чунки бу нарсани англашга халал берадиган бир канча сабаб-лар бор, бу сабаблар— маъбудлар ҳачидаги тасаввурнинг ноаниқлиги ва инсон умрининг қисқалигидир», дейди. Протагорни бу хилдаги фикрлари учун даҳрийликда айблаб Афинадан бадарға қилганлар.

Юқорида айтганимиздек, софистлар давлат масалаларига, айниқса, катта аҳамият берадилар. Шу муносабат билан табиий ҳуқук назарияси софистлар таълимотида инчунун кенг ривож топади. Шу назарияга кўра бутун мавжудотнинг асосий андазаси қилиб табиат қонунлари олинади, яъни ҳар бир нарса турли-туман усул-тартиблар ва инсоний ғоялар азалдан табиий бир хрл сифатида мавжудлигига, ё бўлмаса, одамлар томонидан жорий этилганлигнга қараб баҳоланади. Чунончи, Платон, Ариетотель каби файласуфлар ҳар қандай давлат тузумига азалдан маъбудлар изми билан барпо этилган нарса, деб қараган бўлсалар, софистларнинг кўпчилиги бу фикрни рад этиб, энг биринчи давлат одамлар ўртасида ўзаро келишиш натижасида пайдо бўлган, деб даъво қиладилар ва кўпчилик-нинг хоҳиши билан маъкул топилган давлат тузумини чинакам қонуний тузум деб биладилар (Протагор). Софистлар давлат фалсафасининг демократик моҳияти ҳам ана шундадир. Уларнинг бир хиллари бу соцада яна ҳам сўл ғояларни олдинга сурадилар. Чунончи, Протагор билан Гипшга жамиятдаги ижтимоий ва маънаий тенгеизликни чаттиқ қоралайдилар. Гипшийнинг айтишича, барча одамлар—ака-укалар, ягона она-табиатнинг болаларидир. Шу сабабдан эркин кишилар билан куллар ўртасида тафовут бўлиши керак эмас.

Софистлар фалсафий билимлардан ташқари яна бирмунча ижод соҳаларида ҳам жуда улуғ ишлар қилганлар.

Жаҳон маданиятининг бебаҳо ёдгорликларидан бири бўлган ва Гиппократ номи остида бизга қадар етиб келган муолажа санъати ҳақидаги қаттақон асар ҳам софистлар доирасида яратилгандир. Гиппократга қадар беморларни даволаш иши фақатгина маъбудларга, инс-жинсларга сиғиниш, кўчириқ ва ирим-чиримларга асосланган бўлса, эндиликда одам организмни ўрганиш орқасида касални илмий асосда шифолаш ишлари ҳам пайдо бўлади ва медицина аста-секин чинакам фан даражасига кўтарила боради. Шу хилдаги илмий тадқиқотлар натижаси ўлароқ инсон фаолиятининг бошқа турли-туман соҳаларига доир кўлланмалар ҳам яратилади. Чунончи, Протагор ва Продик башарият тарихида биринчи бўлиб грамматика дарслигини ёзадилар; нотиклик санъати ва логика асосларини ишлаб чиқишда ҳам софистларнинг хизматлари жуда қаттақдир.

Софистларнинг фаолиятгоҳлари асосан Афина шаҳари бўлган, улар мамлакатнинг турли полисларидан бу азим шаҳарга тўпланиб, кўпроқ шу ерда ижод қилганлар, аммо улар ёққан янги илм машъалининг нурлари бутун Элладаларнинг узоқ-узоқ ерларини ҳам ёритар, замондошларинанг дилини равшан қилиб, кўзларидан зулмат пардасини кўтарар эди. Замонасининг улуг тарихчилари Геродот билан Фукидид софистларнинг таъсирини жуда чуқур ҳис қилганлар ва ўз асарларида уларнинг назарияларини ёрқин акс эттирганлар. Эврипиднинг трагедиялари софистларнинг фикрлари билан тўлиб-тошган, бу фикрлар томошагоҳлардан кенг халқ оммаси қулоғига эшитилар эди.

V аср Афина шаҳри илму фан билан бирга ажойиб санъат макони ҳам бўлган. Бир қатор гениал архитекторлар, хайкал-тарошлар ва рассомлар қўли билан шу асрда яратилган мислсиз санъат ёдгорликлари бутун инсониятнинг кейинги давр-лари учун гўзалликнинг ажойиб тимсоли ва юксак намунаси бўлиб келмоқда. Санъатнинг бунчалик кенг ривожланиши ҳам Перикл ташаббуси билан, Афинада бошланган қаттақон қурилиш ишлари билан боғлиқдир. Перикл истайдикки, илм, маърифат, маданият маркази бўлган бу улуг шаҳар гўзалликда ҳам бутун юнон элида яққою-яғона бўлсин!

Қарийб эллик йил давом этган кизғин қурилиш ишларида фақат Афинанинг эркин фуқароси ҳамда қулларгина эмас, шунингдек, Юнонастоннинг ҳамма ерларидан тўпланган инженерлар, меъморлар, хайкалтарошлар, рассомлар ва бопца турли-туман касб усталари қатнашадилар. Бу замонда қад кўтарган энг йирик иншоотлардан бири, Афина билан унинг яқинидаги Пирей гавани оралиғида бундан анча бурун қурилган иккита девор ўртасида Периклнинг хоҳиши билан солинган учинчи девор бўлди. Йўл-йўлакай Пирей гавани янги муҳофаа иншоотлари билан мустаҳкамланди, натижада Афина билан Пирей бирга қўшилиб яғона метия қалъага айланди. Мисли қўрилмаган ана шу буюқ қурилш ишлари орасида Периклнинг диққатини кўпроқ жалб этган масала — Афинанинг ички қалъаси Акрополни безатиш бўлган.

Бир замонлар бино қилинган бу истекком, Эрон-Юнон уруши вақтида вайрон бўлиб, ўзининг қалъалик қийматини йўқотиб қўйган эди; тамомила янгидан қурилган Акрополь баайни юнон санъатининг ажойиб отхонасига айланади.

Акрополга қираверишда ҳар иккала томондан баҳайбат устунлар билан қўтарилган дарвозахона—Пропилеялар бино-қорлик санъатининг гоят кўркем ва ҳашаматли намунасидир; унинг икки ёнбошидаги усти ёпик галереяларнинг деворлари Афина давлатининг жанговар ўтмишини тасвирловчи суратлар билан нацшланади. Акрополнинг ичидаги энг ажойиб бино қунармандлик, донишмандлик ва таракқиёт маъбудаси бокира Афинанинг ибодатхонаси—Парфеион бўлган. Ву ибодатхонанинг ўртасига ўрнатилган маъбуданинг ўн тўрт метрли ҳай-қали нучул фил суяги билан олтидан ясалган. Ҳайкалга сарфланган маблағ Афина шаҳрининг йигирма йиллик

бюджетига баравар бўлган. Парфенондан ташқари Акрополда Аттиканинг афсонавий подшоҳи Эреxfейга аталиб Эреxfион ибодатхонаси ва яна бир 1?анча бинолар курилади. Шу ишлар баробарида Акрополнинг ҳовли саҳни гулзорлар, дарахтлар билан безатилади; мрамрдан, бронзадан қилинган ҳайкаллар билан ясатилади. Чунончи, Пропилеяларнинг чап томонига ўр-натилган ва ўзининг бутун курол-аслаҳалари билан тасвир-ланган Афинанинг ҳайкали шу қадар ҳашаматли эдики, унинг Чўлидаги найзанинг ялтироқ учи гўё маяк сингари узок-узоклардан кўринар ва денгизчилар шунга қараб Афинага йўл олар эдилар.

Акрополь ташқарисида ҳам бир қанча ибодатхоналар курилади. Буларнинг ичида санъаткорлик жихатидан энг маш. хурлари денгиз маъбуди Посейдон ҳамда Афинанинг афсонавий улуғ подшоҳи Тезей шарафига курилган ибодатхоналардир.

Юнон архитектурасининг бекиёс намуналарини яратган ажойиб санъаткорлар орасида энг улуғлари Парфенонни бино этган Иктин ва Калликрат, Пропилеяларни курган Мнесикл бўлган.

Перикл даврининг ҳайкалтарошларидан бизга кўпрок маълум бўлгани Фидийдир. Шу замондаги бутун курилиш ишларига раҳбарлик қилган бу одамнинг ўзи ҳам ўткир санъат-кор эди. Акрополнинг ичида ўрнатилган Афинанинг олтин ва фил суякларидан ясалган иккита катта ҳайкали ҳамда Олимпдаги Зевс ҳайкали (бу ҳам олтин билан фил суягидан ясалган) шу улуғ санъаткорнинг бемисл ижоди самаралари-дир. Фидий билан биргаликда ва унинг разқбарлигида кўпдан-кўп шоғирдлар ҳам ишлаган, аммо номлари гарих саҳифаларидан ўчиб кетган бу шоғирдларнинг ҳар қайсиси ўз ҳолича юксак талантли кишилар еди. Фидийнинг қўл остида унинг шоғирдлари 276 метр узунликдаги Парфенон деворларини ва пештоқларини безайдилар. Бу нақшинкор деворлардан кўчирилган ва зқозирги вақтда Москвадаги А. С. Пушкин номли Тасвирий санъат музейида сақланадиган нусхалар то шу кунга Задар бизни таажжублантиради. Бу нақшларнинг ҳар бири, айниқса, бениҳоят нафис ишланган аёллар жасади шаффоф либослар остида худди нафас олаётгандек туюлади!..

Бу замонда яратилган санъат ёдгорликларининг барчасида аллақандай басавлат улуғворлик ва кишини ҳаяжонга солади-ган салобат бор. Мана бу серсавлат, улуғвор ва махрбатли ҳашаматлар—Афина демократик республикаси энгилмас қудратининг рамзи бўлган. Ҳайкалтарошлар ўз асарларида асосан мифологик мавзуларни тасвирлайдилар, аммо улар тасвирлаган маъбудлар ҳамда паҳлавонларнинг киёфасида қаддя-қрмати келишган, бақувват, басавлат одамларнинг сиймолари курсатилади. Чунки бу даврда япон идеологиясининг бошқа срақаларида бўлгани каби инсоннинг гўзаллиги ва улуғворлигини намойиш қилиш санъаткорларнинг ҳам асосий мақсади бўлган. Ву давр санъат ахлларининг улуғлиги шундаки, улар шгсоният тарихида биринчи марта ўз ижодларини катъий ва анш> илмий асосга куриб, одам боласининг танасидаги хатто энг кичик аъзоларии ҳам жуда аниқ мутаносиб уйғунлашда тасвирлаганлар, шу билан абадий барҳаёт гўзаллик яратганлар.

Плутарх (эрамизнинг 45—120 йилларида яшаган) “Перикл вақтида бунёд этилган бадий ёдгорликни таърифлаб шундай дейди: Бу замонда улуғликда ажиб, содаликда ва кўркамликда бекиёс асарлар яратилди. Буларнинг ҳар бири шунчалар гўзал эдики, уларга кўз ташлаган кишининг назарида ҳар қайсиси азал-азалдан қад кўтариб тургандек, ўзининг дилнавозлиги билан то шу кунга қадар аллақандай навқирон ва шу дамнинг ўзида пайдо бўлгандек сезилар, шунчалар беғуборки, гўё асрларнинг қўли уларга тақалмай ўтгандек туюлар эди”.

Бироқ Афинанинг гуллаб-гуркираши унча узснда чўзилмади. Афина давлати билан Пелопоннес иттифоқи ўртасида бошланган даҳшатли уруш (431—404 йиллар)бу шаҳарни, йўк фақат бу шаҳарнигина эмас, бутун Юнонистонни ҳалокатга сургади. Пелопоннес урушига деярли жамики юнон олами ва хатто чет давлатлар (Македония, Эрон) ҳам қатнашади. Бутун Эллада тупроғи бўйлаб 27 йил давом этган ўзаро кон тўқишлар натижасида Юнон давлатларининг ижтимоий ва сиёсий зиддиятлари

ниҳоятда кескинлашиб, бутун мамлакат оғир инқирозга юз тутди. «Узоққа чўзилиб кетган бу уруш вақтида,—деб ёзади Фукидид (1—23),— Элладанинг бошига ҳеч қачон тушмаган кулфатлар тушди. Дарҳақиқат ҳеч қачон бунчалик кўп шаҳарлар қўлдан кетмаган, вайрон бўлмаган... уруш туфайли ё бўлмаса ўзаро ихтилофлар важдан одамлар шунчалар кўп қувгин қилинмаган, қонлар бу қадар тўкилмаган эди... Бундан ташқари ниҳоятда кенг миқёсда тўсатдан рўй берган зилзила... қурғоқчилик ва буларнинг оқибати ўларо бошланган даҳшатли очарчилик, ниҳоят, каттакон офатлар келтирган ва беқисоб одамларнинг ёстиғини қуритган юқумли касадликлар... Буларнинг ҳаммаси бир варакайига уруш билан бирга ёғилди».

Пелопоннее уруши бир томондан Юнониетондаги йирик-йирик шаҳар давлатлари ўртасида тобора кескинлашиб бораётган иктисодий ва сиёсий рақобат ва юнон тупроғида ўз ҳукмини юргизишга интилиш, иккинчи томондан, полислар ўртасидаги сиёсий тузумлар қураши туфайли юз беради. Шунини қайд этиб ўтиш керакки, бир неча йиллар давомида бутун мамлакатда иккита сиёсий тузум ҳукм сурарди. Булардан бири—демократия тузуми, иккинчиси—аристократия тузуми эди. Де-мократик усул-тартибда бўлган полисларни Афина давлати қўллаб-қувватлар, аристократик тузум тарафдорларига—Спарта ҳукумати қўмақлашар эди. Бу иккала давлат ўз рақибининг кучайиб кетишидан чўчиб, бир-бирининг еиёсий тузумини узлуксиз қоралар, турли йўллар билан бир-бирига путур етказар эди.

Афина давлатини ва, шу билан бирга, бутун Элладани ҳалокатга олиб келган яна бир сабаб, Афина билан унинг иттифоқчилари ўртасидаги муносабатлар бўлган. Эрон уруши даврларида, душманга қарши ялписига қурашиш мақсадлари юзасида Афинанинг етакчилигида туғилмиш каттакон Гонон давлатлари иттифоқи, аввал бошда ҳамма иттифоқдошларнинг баб-баравар ҳукмдорлиги асосида тузилган эди. Аммо душман устидан ғалаба қозонилгандан сўнг, бу иттифоқнинг барча аъзолари урушдан кейин кучайиб кетган Афинага қарам бўлиб қоладилар, Афинани бутун Юнон тупроғида энг бақувват дав-латга айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Перикл, иттифоқдошлардан пул қисобида олиядиган ўлпонларни ўзи истаганича кўпайтиради (масалан, иттифоқ тузилган вақтда йилига 460 талант, яъни олтин билан бир миллион оўмга яқин ўлпон олинган бўлса, Пелопоннес уруши вақтида бу миқдор бора-бора 1300 талантга етади) ва уларни хоҳлаган ерига сарфлайди. Жумладан Афинадаги ҳашаматли бинолар ҳам итти-фоқчилардан йиғилган солиқлар ҳисобига қурилгандир. Териклнинг ишларидан нафратланган иттифоқ аъзолари, Афина шаҳрини топган-тутган пулига пардоз-андоз ва ясан-тусан қиладиган фоҳишага ўхшатадилар. Бу ҳам етмаганидек, Афина давлати фақат эронийларга қарши урушлардагина эмас, қатто Юнонистоннинг бошқа давлатлари билан бўладиган ўзаро урушларда қатнашиш учун ҳам иттифоқдошлардан ян-гидан-янги лашкарлар беришни талаб этади. Афина давлатининг зулми борган сайин зўрайиб, иттифоқчиларнинг ички ишларига ҳам аралаша бошлайди, ҳаттоки кўз-қулоқ бўлиб туриш учун ўз фуқароларидан кўплаб кўчириб келиб, иттифоқчиларнинг ерларига жойлаштиради. Мана шу зулм ва адолатсиёликларга норозилик билдирган, ё бўлмаса иттифоқдан ажралиб чичишга интилган аъзолари бошқаларга ибрат тарзида афиналиклар қаттиқ жазолар эдилар. Илгари ахён-ахёнда рўй бериб турган норозилик исёнлари, уруш вақтига келиб жуда авж олади ва, ниҳоят, 404 йили Афина давлати мағлубиятга учраганидан кейин иттифоқ таркаб кетади.

Афина демократик давлатининг ағдарилишидаги энг муҳим сабаб, албатта, унинг ички иқтисодий-сиёсий аҳволи бўлган. Афина демократиясини таърифлашда шу нарсани яхши эсда тутиш зарурки, бу демократия зинҳор-зинҳор Афина давлатидаги ҳамма аҳолига бир текисда эркинлик берган демократия эмас, балки кулчилик асосига қурилган демократия эди. Афина фуқароси ҳуқуқидан мамлакат аҳолисининг кўпчилиги қисмини ташкил қилган қуллар ва метеклар (яъни бошқа ерлардан келиб, Афинада турғун бўлиб қолган кишилар) ҳамда аеллар тамомила мақрум этилган

эди. Юнон давлатлари, ва шахсая, Афина кукуматининг иқтисодий жиҳатдан тобора тараккий этиб бориши, фачатгина цулчиликнинг ўеиши билан боғлиқ бўлган. Кулларнинг кўпайиши эса ўз навбатида, уларнинг ахволини кундан-кунга оғирлашувига ва, энг ёмони, кулдор-ларнинг маъявий жиҳатдан бузиляши ҳамда мамлакат иқтисодининг инцирозга юз. тутипгага сабаб бўлган.

Хуллас, кулчилик асосига қурилган демократик давлат иқтисод бобида қанчалик тараккий этмасин, маданият соҳасида нечоғлик юксак даражага кўгарилмасин, башартики шу жамиятда яшовчи кишиларнинг барчаси унинг ноз-неъматларидан баб-баравар баҳраманд бўлмасалар, бу жамиятнинг абадий баркамол қолиши мумкин эмаслиги антик дунё тимсолида яққол кўринади.

V—IV асрлар юнон тарихи, чиндан ҳам, воқеаларга гоят бой, бениҳоят маамундордир. Ана шу улуғ ўзгаришлар муносабати билан Афина шаҳар давлатида туғилган муҳим-муҳим сиёсий ва ахлоқий муаммолар адабиётга беқисоб мавзулар ҳада килиб, уядан ўзининг инъикосини вутар, турли-туман масалалар-ни ҳал этишда кўмаклашувини талаб килар эди, Улуғвор бу ҳодисаларнинг эндиликда эски лирик кўшиқлар қажмига сигмаслиги шубҳасиздир. Поэзия адабиётнинг ҳамон асосий тури бўлиб давом этгани билан, янги қаёт шароитларида унинг қаноти беҳад кенг ёйилади, имкониятлари мнслсвз улғайиб кетади, Илгариги поэзия кўпроқ юкори табақаларнинг манфаатларига каратилган, айрим шахсларнинг кайфиятларини ифода этган бўлса, демократик давр аттика адабиёти Афина граждандарига мурожаат қилнб, замонанинг ижтимоий ва сиёсий талаблари билан тақозо этилган муҳим давлат масалаларини ечишга уринади. Бу масалалар орасида энг муҳимлари—давлат билан фуқаро ўртасидагн, айрим шахслар билан коллектив ўртасидаги муносабатлар проблемаларини ҳал қилиш, мавжуд шароитларда одам боласининг вазифалари ва ахлоқ доираларини белгилаш, унга йўл-йўриқлар кўрсатишдан иборат бўлган. Бинобарин, халқ оммаси манфаатларига яқивлик, актуаллик, замонавийлик, одампарварлик—аттика адабиётининг асосий хусусиятидир.

Жамиятдаги зиддиятларни, кураш ва тўқинишларни ҳаммадан кўра мукамал ва муфассал ифода этшшш эплай оладиган бирдан-бир адабий жанр, албатта, драматургия бўлган. На эпик достонлар ва на лирик асарлар бу вазифаларнинг, шубҳасиз, тўла уддасидан чиқа олмас эди. Ҳаракат, шеърият ва мусика тўқимасидан таркиб топиб, ягона уйрун шакл касб этган драма адабиёти, поэзиянинг имкониятларини жуда кенгайтириб юборади; унинг оммабоплиги, конфликтларга бойлиги, таъсирчанлиги — бутун V аср юнон адабиётида пешқадамлик қилншини таъминлайди.

Гомер достонлари билан бир қаторда драматик адабиёт юнонларнинг жаҳон маданиятига кўшган бебаҳо ҳиссаларидир.

Гомер милоддан аввалги 9-асрда Юнонистонда яшаб ўтган. Айрим қадимшунослар милоддан аввалги 7-асрда яшаган дейишади. Гомернинг барча асарлари Юнон-Троя уруши воқеалари билан боғланган. Ривоятларда Гомердан илгари Музе, Эвмолп, Тамир, Олен каби шоирлар яшаб ўтганлиги қайд қилинади. Бироқ уларнинг ҳаети ва ижоди ҳақида бизгача маълумотлар етиб келмаган.

Гомер юнон адабиётининг бошловчисидир. Бу улуғ шоирни жаҳон адабиётининг энг биринчи шоири деб таърифлаш мумкин. Гомердан бизгача иккита йирик достон - “Илиада” ва “Одиссея” етиб келган. Бундан ташқари, Гомер номи билан боғлиқ 15-20 шеърдан иборат гимнлар ҳам мавжуд. Гарчи бу асарларнинг барчаси мифологик характерда, маъбуд-маъбудалар, афсонавий қахрамонлар билан боғлиқ бўлса-да, улар тарихий-эстетик аҳамиятга эгадир.

Юнонлар қидимги Трояни Илион шаҳри деб аташган. “Илиада” Илион ҳақидаги достондир. “Одиссея” – достон бош қахрамони, Итака подшоҳи Одиссей номи билан аталади. Достонда Троя урушидан ғолиб, музаффар қайтаётган юнон паҳалволни Одиссейнинг ажойиб ва ғаройиб денгиз сафари ҳақида ҳикоя қилинади.

Яна Юнон-Троя урушининг келиб чиқиш сабабларини ифодалаовчи “Киприя” достонини ҳам Гомер номи билан боғлашади. Бу достондан айрим парчаларгина бизгача етиб келган.

Гомер асарлари мифологик характерда бўлса ҳам, ниҳоятда ишонарли. Унинг асарларини кўлдан қўймай ўқигингиз, воқеаларнинг ниҳоясини билгингиз келади.

Қадимда одамлар жуда ишонувчан, эътиқодли, садоқатли бўлганмикан, деб ўйланиб қоласиз. Кўшин Трояга жўнаш учун қирғоққа тўпланган. Кемага ўтириб, сафарга отланиш керак. Бироқ шамол йўқ. Денгиз маъбуди Посейдон ҳам бу ишга аралашган бўлиши мумкиндир. Кохинларнинг хабар беришига караганда, қурбонлик бериш керак экан. Яна қандай денг, ўз қизини қурбонлик қилиши даркор. Ниҳоят шамол туриб, тўлқинлар кемаларни Троя томон олиб кетади. Юнонлар Трояни 10 йилдан зиедроқ қамал қилади. Бироқ Троянинг мустақкам деворларидан, харсангтошдан бино бўлган дарвозаларидан ичкарига кириш осон эмас. умуман биргина Елена учун қирғинбарот урушининг, беҳуда қон тўкишининг кимга кераги бор.

Гомернинг улуғлиги-ер юзида биринчи бўлиб, севги деган туйғунинг улуғворлигини намоён этди. Бу туйғуни қирғинбарот уруш билан ҳам, зўравонлик билан ҳам йўқ қилиб бўлмайди.

Ҳар қанча уринмасинлар Трояни ишғол этолмайдилар. Ҳатто Юнон паҳлавони Ахилл бор кучини ишга солиб ҳар қанча чиранмасин, барибир Трояга кира олмайди. Троя хийла ишлатиб, еғоч от ишлатиб бир амаллаб Трояга кириб, дарвозани Менелай қўшинларига очиб беришади. Троянинг кулини кўкка созуриб, Еленани олиб, Спартага қайтадилар. Воқеа жуда қизиқарли. “Илиада” достонининг қисқача мазмуни шу билан яқун топади. Спарта подшоҳи Менелай оғир жангга отланиш олдидан Юнон паҳлавонлари, юрт подшоҳларини, дўстларини тўплаб, машварат ўтказган, уларни ярашишга чақирган эди. Улар ичида Итака подшоҳи Одиссей ҳам бор эди.

“Одиссей” достонида Троядан ўз юртига қайтаётган Одиссейнинг денгиз сафари куйланади. “Одиссей” достони “Илиада” достонидаги воқеалардан ҳам қизиқарли саргузаштларга бой. Денгизнинг асов тўлқинлари гоҳ у оролга, гоҳ бошқа қирғоқларга олиб кетади. Одиссей шериклари билан Қуеш маъбудаси Гелиоснинг муқаддас водийсига бориб қолади. Шундан кейин улкан қўйларини боқиб, ғорда яшаб юрган бир кўзли девга йўликади. Айниқса, паризод Кирка қасрига боришда Одиссей анча ташвишга тушади. Паризод ўзининг олтин қадахларга куйилган майи билан **Одиссей шерикларини тўнғизга айлантириб, оғилга қамаб қўйганди.**

Одиссей хабарчи Термис ердами билан Кирканинг макрига учмасдан, шерикларини ўз ҳолига келтиради. Паризод Кирка Одиссейга ялиниб-елворади ва паҳлавон билан умргузаронлик ўтказиш нийяти борлигини маълум қилади.узоқ сафарда бўлиб толиққан, боз устига уйдан чиқиб кетганига ўн йилдан ошгани учунми, Паризоднинг бу таклифига Одиссей рози бўлиб, у билан кайфу-сафо қилиб яшай бошлайди. Кунлардан бир куни Паризод ўз севгилисидан Одиссейни нариги дунегга сайру сафарга олиб кетади. Одиссей нариги дунеда хотини ва фарзандларини тушида кўриб ўз юртига қайтиш ташвишига тушиб қолади.

Тадқиқотчилар “Одиссей” достонининг якуний қисмини “Алпомиш” достони воқеаларига қислаб, икки достон бир-бирига яқинлигини айтишмоқда. Шубҳасиз, кўпгина халқ ижоди намуналарига ўхшаш сюжетлар жуда кўп. Негаки, дуне халқларининг орзу-ниятлари, эзгу ўйлари бир-бирига ҳамоҳангдир. Жаҳондаги ҳамма халқлар ҳам тенглик бўлишини, мардлик, жасорат, яхшиликни куйлайди. Гомер асарлари халқ оғзаки ижодига асосланган. Халқ дилидан куйланган шеър барҳаётдир.

Гесиод милоддан аввалги 8-7 асрларда яшаб ўтган. Кичик Осиедаги Ким деган жойда туғилган бўлса-да, тақдир тақозоси билан Беотия вилоятига бориб, юнон адабиётининг улуғ шоирига айланган. Ундан бизгача “Меҳнат ва кунлар” поэмаси мерос бўлиб қолган. Шоирнинг такаббур, енгил-елпи ҳаётга ўрганган Перс исмли укаси борлигига ҳам аниқлик киритилган. Перс отасидан қолган барча меросга эга чиқади.

Эҳтимол, укасидан ранжиган Ҳесиод она шахри Кимни ташлаб кетишга мажбур бўлгандир. У ўз поэмасида укаси Персга қарата панд-насихатларни баен этади. Поэма инсонни емонлик сари қадам қўймасликка, яхшилик, меҳнатни севишга даъватдир. Гарчи мифологик сюжетдан иборат бўлса-да, ундаги дидактик руҳ маъбуд-маъбудалар ҳаётдан кўра, инсонлар ҳаётига яқин. Достондан аллегорик характердаги масаллар ҳам ўрин олган. Ҳесиод масал жанрининг асосчисидир.

Ҳесиод меҳнатни қадрлайди. Аслида ўзи ҳам эртадан-кечгача тер тўкиб тирикчилиқ ўтказди. Отасидан қолган катта давлатни созуриб, ердам сўраб, ялиниб-елвориб келган укаси Персни ҳалол меҳнат қилишга чақиради. Тер тўкмасдан, жолн куйдирмасдан, қинғир-қийшиқ йўллар билан бойлик орттирган кимсалар устидан захархандалиқ билан кулиб, уларга қарши нафрат ўти билан суғорилган сатрлар битади.

Қадимшунос олимлар Ҳесиодни Гомердан бир қадар устун қўйишади. Ҳаттоки, юнон адабиёти бошловчиси, жаҳон адабиёти бешигини тебратган шоир, деб кўкларга кўтаришади. Бу даъволарини исботлаш учун Ҳесиоднинг таржимаи ҳолини мисол қилиб келтиришади. Шоир туғилиб ўсган Ким шахри ҳақида озми-кўпми маълумот сақланган. Бунинг устига кейинчалиқ турли хил сабабларга кўра, Беотия вилоятига борганлиги, Аскра деган жойда яшаб, умргузаронлик қилганлиги ҳақида манбалар мавжуд. Ҳесиоднинг номи ҳаётлигидаёқ Гешкок тоғининг чор атрофидаги катта-кичик қишлоқ ва шаҳарларга ейилиб борган, Юнонистоннинг бошқа вилоятларига ҳам маълум ва машҳур бўлган.

Ҳесиод ижодида уруш мавзуси асосий ўриндадир. Унинг деярли барча асарлари Юнон-Троя атрофида бўлиб ўтган уруш воқеаларига боғишланган. Биргина гўзал Еленани деб қанчадан-қанча кишилар қон тўкишган. Ахир, бутун бошли Троя ер билан яксон бўлди. Унинг устига ўн йилдан ортиқ қамал азобини тортган шаҳар аҳлининг чеккан азобларини айтмайсизми?!

Ҳесиоднинг “Меҳнат ва кунлар” асари панд-насихат, дидактика мавзусига бағишлангани учун ҳам Юнон педагогикаси саҳифаларини безатиб турибди, ҳаттоки Фарбдаги кўпгина давлатларда педагогика тарихини ўқитишда асосий қўлланма вазифасини ўтайди.

Қадимги Юнон адабиётида мифологик характердаги ҳикоялар жуда кўп топилади. “Меҳнат ва кунлар” поэмасида айрим маъбудалар инсониятнинг евуз душмани, айримлари инсониятнинг халоскори, мадаккори сифатида талқин этилади. Прометей, Дионис, Деметра кабилар инсоннинг дўсти, ҳар доим ердам берувчиси сифатида таърифланган.

Ҳесиод Зевс образига катта урғу беради. Муқаддас оловни Олимп тоғидан олиб, инсонга ҳадя этгандан сўнг, Прометей Зевснинг қаҳрига учраб, оғир жазога мубтало бўлади. Зевс бу билан чекланиб қолмасдан инсонга евузликлар қилиб, беадад қирғинлар келтиради. Ясама гўзал Пандорани Прометейга ҳадя этади. Аслида бу гўзални Зевснинг топшириғи билан темирчилар пири Гефест тупроқ билан сувдан ясаб, унинг ичига касаллик тарқатувчи захар солиб юборган. Бир куни ундан захар отилиб чиқиб, ҳамма еқни захарлаб, натижада сон-саноксиз инсонлар қирилиб кетган. Одатда маъбуд ва маъбудаларни улуғлашган. Ҳесиод, бошқалардан фарқли ўлароқ, маъбуд ва маъбудалардан нафратланади. Уларни қарғайди, инсон зотининг душмани деб билади.

Поэмадан кенг ўрин эгаллаган “Бургут ва булбул” масали ҳам мазмунан ниҳоятда бойдир. Шоир булбулни оғир меҳнат қилиб, машаққатли ҳаёт кечирувчи оддий халқ вакилига, бургутни золим, бой-бадавлат кишиларга ўхшатади. Асардаги воқеалар “Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан”, деган халқ мақолини эслатиб туради. Бургут панжалари орасида булбулни чангаллаб, осмонга учиб, хохласа қонини ичиб, эзиб ташлаши мумкин. Бечора булбул қанча қичқирмасин, ҳар қанча типирчилмасин ожизлигича қолади.

Ҳесиоднинг хосиятли ва хосиятсиз кунлар, ой ва йиллар тақвимига оид нақллари ҳам руҳият билан боғлиқ лавҳаларди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, поэманинг илмий-маърифий аҳамияти ҳам каттадир.

Жаҳон адабиётида “Трагедиянинг отаси” деб шуҳрат қозонган Эсхил Юнон тупроғидаги Эливсин деган шаҳарчада дунегга келади. Йигитлик даврида Эрон-Юнон урушида, Марафон, Платея, Саламин шаҳарлари учун бўлган шиддатли жангларда иштирок этади.

Ижодий фаолияти давомида 90 га яқин трагедия етган бўлиб, бизгача фақат еттитаси етиб келган. “Эронийлар”, “Фиванинг етти душмани”, “Илтижоғўйлар”, “Занжирбанд Прометей”, “Орестея”, “Агамемнон”, “Хоефорлар”, “Эвменидалар” шулар жумласидандир.

Эсхилнинг барча трагедиялари қатори, “Занжирбанд Прометей” трагедияси мифологик характерга эга бўлиб, биз учун тарихий аҳамият касб этади. Трагедия қаҳрамони Прометей виқорли Кавказ тоғига занжирбанд қилинар экан, бепоен скифлар ўлкасига, амазонкаларнинг ястаниб етган кенг водийларига нигоҳ ташлайди.

Эсхилнинг “Занжирбанд Прометей” асари инсон қалбини ром этади. Прометей Олимп тоғидаги муқаддас оловни яширин тарзда олиб, инсонга ҳадя этмоқчи бўлади. Ахир, бунинг нимаси гуноҳ? Яхшилик қилиш савоб-ку!

Бундай воқеалар жуда кўп бўлган. Бир пайтлар Дионис ҳам инсоннинг ниҳоятда қашшоқ яшаётганини кўриб, чидай олмаган. Олимп тоғидаги куч-қувват, гўзаллик бағишловчи Эмброзия, Нектар муқаддас таомларини ўзининг яқин дўстларига, инсон зотига улашган эди-ку! Бу яхшилиги учун ўшандан буен то ҳозиргача инсоният уни олқишлайди. Прометей эзгулик йўлида муқаддас оловни ҳадя этса нима бўлибди?

Бу воқеани эшитган Зевс тутакиб кетади. Ниҳоятда дарғазаб бўлиб, қаҳрланиб, “Ўғли гуноҳи учун узр сўраши кераклигини” айтади. Бироқ, Прометей бу таклифга рози бўлмагач, ўғлини жазолашга азму қарор қилади. Шундан сўнг, Прометейни Кавказ тоғининг баланд чўққисига занжирбанд қилишни буюради. Прометейни ечиб бўлмас мустаҳкам занжир билан баланд чўққининг тепасига занжирбанд қиладилар. Прометейнинг Кавказ тоғи чўққисига занжирбанд қилиниши диққатга сазовор.

Юстин ва Помпей, Трог асарларида таъкидланганидек, фессалияликлар колхидлар юртига, Кавказ ўлкаларига олтин жунли терини кидириб келар экан, ғаройиб ва ажойиб воқеаларни ўз кўзлари билан кўриб ҳайратга тушадилар. Айтишларича, қадим замонларда бу улуғвор Кавказ тоғларида Прометей занжирбанд қилинган экан. Бу ҳақда Эсхил ўзининг “Занжирбанд Прометей” трагедиясида шундай сатрларни битади:

Ернинг олис ҳудудига, кимсасиз жойга,  
Ваҳший скиф ебонига мана биз келдик.  
Эндиликда қиладиган вазифанг, Гефест,  
Ота амрин бажо айлаб-бу бадкирдорни  
Осмон қадар юксаклашган метин қояга  
Занжир билан ўраб-чирмаб банди этишдир.  
Сенинг порлоқ чечагингни, муқаддас ўтни,  
Ўғирлаб у фонийларга армуғон қилди.  
Шу гуноҳчун жазо бергай маъбудлар унга,  
Зеро нукул элпарварлик қилавермасдан,  
Зевс тахтин севмакликни ўрганиб олсин.

Бу ўринда Эсхил ўз қаҳрамони Прометейнинг скифлар ўлкасидаги баланд қояга занжирбанд қилинганини таъкидламоқда. Бундан кўринадики, скифлар номи ўша антик замонлардаёқ олис Фессалия вилоятига етиб борган. “Бир неча кун ўтгач, - деб езади Арриан ўзининг “Александрнинг юриши номли мемуар асарида, - Александрнинг олдида абийлар деб номланган скифларнинг элчиси келади. Гомер уларни ўз поэмасида жуда адолатпарвар кишилар, деб айтган. Скифлар адолатпарвар ва ҳақиқатгўй бўлганликлари

учун ҳам ҳеч кимга қарам эмасди”. Мана шу фикрдан ўша қадим замонлардаёқ скифлар узоқ Элладага маълум ва машҳур бўлганлиги маълум.

Курсий Руф ҳам ўзининг “Александр Македонский тарихи” асарида Прометейнинг Кавказ тоғларида занжирбанд қилинганлиги ҳақида қимматли фикрларни келтириб ўтади. Муҳими шундаки, юнонликлар қадимда шимол томонларга – Ғарбий Европа томондаги этакларга эмас, Шарқ томонга – Осиё ўлкаларига кўпроқ қизиққанлар. Шунинг учун ҳам қадимги Юнон адабий едгорликларида кўпроқ скифлар мамлақати, Кавказ тоғлари, Панта бўйлари, колхидлар ўлкаси тилга олинади.

Фессалияликларнинг қадимги ёдномаси бўлган “Эллада қаҳрамонларида Прометей Кавказ тоғларида занжирбанд қилингани ва бундай оғир жазога маҳкум этилишининг сабаблари шундай ҳикоя қилинади: ясон “Аргон” деган тез юрар кема қуриб, олтин жунли терини олиб келиш учун Греция қаҳрамонлари билан учта денгиздан сузиб ўтиб, Колхидага боришга чақирганда қудратли Геракл ҳам жусур аргонавтларга қўшилади.

Бироқ йўлда “Аргон” номаълум бир ўлка қирғоғида тўхтаганда Геракл қирғоқ яқинидаги ўрмонга кириб, узоққа кетиб қолади ва ўз вақтида кемага қайтиб келмабди, шунда аргонавтлар уни ташлаб кетибдилар. Геракл эса куруқликдан мамлақатнинг ичкарасига йўл олибди ва кўп ўтмай бир тоққа етибди. Унинг қаршисида ажиб бир еввойи ўлка намоён бўлибди. Юксак тоғлар тизилиб турар, улар этагида яккам-дукам дарахтлар ўсган, чўққилар эса мангу қор билан қопланган экан. Қаҳрамон тоққа кўтарилган сари йўл оғирлашиб, ўтиб бўлмайдиган бўла бошлабди. Охири у денгиз четида қад кўтариб турган ялонғоч қояга чиқибди. Шунда бирдан Гераклни биров чақириб қолибди, у қайрилиб қараб, қояга миҳлаб қўйилган Титанни кўрибди. Геракл ростгўйлик маъбудаси Фемиданинг ўғли Прометейни танибди. Қадим замонда ер юзиде одам жуда кам экан. Улар ўлка кетидан қувиб, ҳайвонларни овлаб юришар, хом гўшт, еввойи мева ва илдизларни ейишар, ҳайвонларнинг терисини епиниб юришар, егингарчиликда ғорларга ҳамда дарахтларнинг қавагига бекинишар эканлар. Уларнинг ақли еш боланикидай экан, улар ўз ҳаётларини қуришга ожиз, еввойи ҳайвонлар ва табиатнинг даҳшатли кучи қаршисида ҳимоясиз эканлар. Прометейнинг одамларга раҳми келиб, уларга ердам қилмоқчи бўлибди. У ўз дўсти, Зевснинг ўғли – темирчилик худоси ва устаси Гефестнинг олдига жўнабди. Гефестнинг устахонаси Лемнос оролидаги енар тоғнинг тагида экан. Катта кўрада муқаддас ўт ловуллаб енар, бу ўт бўлмасе ҳеч қандай иш, ҳеч қандай ҳуран бўлмас экан. Гефестнинг устахонасида бир кўзли уста паҳлавон – Киклоплар ишлашар экан. Гефестнинг ўзи олтиндан қуйган иккита ҳайкал устахонада тирикдай юриб тураркан. Чўлоқ темирчи юрганида уларга таянар экан. Прометей Гефестни иш устида учратибди. Темирчи худо чакмоқ чақар, Зевсга ўтли яшин ўқ-ейлар ясар экан. Прометей Гефестнинг моҳирлик билан ишлашини томоша қилиб турибди. Киклоплар босқон билан кўрадаги ўтга дам берибди, устахона ичида ялт-юлт этиб, учқунлар уча бошлабди, шунда Прометей муқаддас учқундан биттасини ушлаб олибди-да, кўлидаги қамиш, поя ичига бекитибди. Прометей муқаддас ўт учқуни солинган ана шу қамишни одамларга келтириб берибди, шундан кейин одамлар шу учқундан ер юзиде гулханлар ендириб, ўчоқ ва кўраларга ўт екишибди. Бироқ, дуне ҳукмрони Зевс Прометейдан қаттиқ ғазабланиб, муқаддас ўт ўғриси қаттиқ жазолашга аҳд қилибди. Прометейни дуненинг бир чеккасидаги кимсасиз тоғли ўлкага олиб бориш учун ўз хизматкорларини юборибди. Гефестга эса Титанни тоққа занжир билан боғлаб қўйишни буюрибди. Прометей ўз дўсти бўлгани учун бу ишни бажариш Гефестга жуда оғир бўлибди, бироқ Зевснинг хоҳиши шундай экан. Гефест Прометейнинг қўл-оёғига кишан урибди, маҳкам занжир билан уни катта тошга боғлабди, кўксига олмос тиг уриб, қояга миҳлаб ташлабди. Зевс Прометейга бир умр, асрлар бўйи шу қояга занжирбанд бўлиб қолишни амр қилибди.

Геракл Прометей боғланган занжирни узиб ташлаб, унинг кўкрагидан олмос тигни суғуриб олибди. Озод қилинган Прометей қаддини ростлабди, кўкрагини тўлдириб нафас олибди ва чароғон кўзлари билан ер юзига, унга озодлик олиб келган, худолар билан яраштирган қаҳрамонга боқибди. Зевс Гефестга Прометей боғланган занжирнинг бир

ҳалқасидан узук ясаб, унга Титан михлаб қўйилган қоя парчасидан кўз солишни буюрибди. Зевс Прометейга бу узукни асло қўлидан қўймай, ҳамма вақт тақиб юришни буюрибди, бу дуне занжирбанд қилинганлигига ишора экан.

Софокл Афинанинг олий давлат лавозими стратегликка (мил.авв.441) сайланади. Самос деб номланган қирғинбарот жангларда иштирок этади. Олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида 120 дан кўпроқ асар езади. Бироқ уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган.

Антик замонларда кенг тус олган драматик шоирлар мусобақасида 4 марта ғолиб бўлган. Софокл ўз замонасида кўп вариантларда тарқалган Эдип Лай ҳақидаги афсоналарга катта қизиқиш билан қарайди. Бундай афсоналар сюжети асосида “Шоҳ Эдип”, “Эдип Калонда”, “Антигона” деб номланувчи трилогия езади. Бундан ташқари “Аске”, “Электра”, “Филоктен”, “Грахиари аеллар” асарлари ҳам жаҳон адабиётининг қадимий дурдоналаридандир.

Юнонлар билан мисрликлар ўртасида ўз шаҳарларининг қадимийлигини исботловчи баҳслар ҳали давом этарди. Албатта, маданият ва санъатнинг қадимдан ривожланганлиги хусусида гап кетганда Афинага тенг келадигани йўқ. Бироқ мисрликлар Фива шаҳри бир вақтлар гуллаб-яшнаганида Афинанинг тамал тоши ҳам қўйилмаган эди, деб истехзо қиладилар. Эҳтимол шундай бўлгандир. Қадимда Фива қирқ дарвозали мустақкам шаҳар бўлган эмиш. Уларнинг тили ҳозирги араб тилига ўхшамаган, бошқача бўлган. Яна бир исбот учун Миср эҳромларини кўрсатишади.

Фива подшоҳи Лай бефарзандликдан қийналар эди. Подшоҳликнинг ҳам интиҳоси бўлади. Бир куни келиб, кексайиб қолса тожу тахтни кимга топшираман, деб кўп ўйланар экан. Кўпдан буен қийнаб юрган бу дардини ибодатхона кохинларига етказганларида, кохинлар Лайнинг фарзанд кўражаги ҳақида ваҳий келганлигини хабар қилишади. Аммо бу ўғил фарзанд йиллар ўтиб отасини ўлдиражаги ҳам шоҳга етказилади. Ҳақиқатдан ҳам, ойлар ўтиб Лайнинг хотини ўғил фарзанд туғади. Подшоҳ Лай хурсанд бўлиш ўрнига саросимада қолади. Ахир, кохинларнинг каромати тўғри бўлиб чиқди-да.

Бир кун келиб ўғлининг ўлдириб қўйишидан чўчиган Лай ярим тунда чақалокни хизматкори қўлига топшириб, ҳеч кимга сездирмасдан ўрмондаги йиртқич ҳайвонларга ташлаб келишни буюради. Йўлда кетаётганда чақалокқа раҳми келиб хизматкор ўғилчани қўшни мамлакат подшоҳлигига бериб қайтади. Йиллар ўтиб кучли бўлиб ўсган болакай сафар қилиб келиш ниятида йўлга тушади. Дарадаги торгина йўлда хаел суриб кетаётган йигитга безатилган аравани қўриқлаб келатган қўриқчи дағдаға билан “Қоч йўлдан!” дейди. Бундан ғазабланган йигитча соқчини оти билан пастликка улоқтиради. Бундан саросимага тушган иккинчи соқчи найзасини ўқтайди. Иккинчи соқчи ҳам ўлдирилганини кузатиб турган аравадаги бир чол ҳассаси билан дўқ-пўписа қилади. Йўловчи чолнинг ҳассасини тортиб олиб, бошига чунон урадики, қария бечора тил тортмай ўлади. Бу фожиадан хабардор бўлиб турган орқадаги учинчи соқчи қочиб қолади. Шундан сўнг йўловчи йигитча ҳеч нарсани кўрмагандек бамайлихотир Фива шаҳрига кириб келади. Ғам-андухга ботган шаҳарликлар денгизда Сфинкс деган махлуқ пайдо бўлганлигини, шаҳар аҳлини еб қуритаётганлигини айтишади. Бироқ Сфинкс балосидан қутилиш осон эмас. бу баҳайбат махлуққа ҳеч ким бас кела олмайди. У шундай мураккаб топишмоқлар берадики, жавоб топа олмагани шу захоти ютиб юборади. Подшоҳ саройида ақлли, билимдон бўлиб ўсган йўловчи шаҳзода Сфинкснинг “Қандай махлуқ эрталаб тўрт, кундуз куни икки, кечаси уч оеклаб юради” деган саволига “одам” деб жавоб берганидан сўнг, махлуқ денгиз қаърига тушиб кўздан ғойиб бўлади. Бу воқеадан беҳад шодланган Фиваликлар йигитни ҳеч иккиланмай Фива тахтига ўтқазивади ва унга Эдип деб ном беришади. Қадимий одатларга кўра, шоҳ Эдип Лайнинг хотинига уйланади. Маликадан икки қиз, иккита ўғил кўради.

Йиллар ўтиб Фивада даҳшатли вабо касали тарқалади. Касалликка даво топилмаганлиги сабабли халқ ибодатхонага мурожаат қилади. Улар аввалги шоҳ Лайнинг қотили топилган куни бу балодан қутилиши мумкинлигини башорат қилишади. Анча

йиллар олдин бу воқеадан хабардор бўлиб, қочиб қолган соқчини топиб, ҳақиқатни билиб оладилар. Минг афсуски, Лайнинг қотили шоҳ Эдип бўлиб чиқади. Хизматкор Эдипнинг чақолоқлигидан тортиб ҳозиргача бўлган воқеани сарой аҳлига сўзлаб беради. Бу мудҳиш воқеадан даҳшатга тушган малика ичкарига кириб кетади. Шоҳ Эдип ўз онасига уйланганлиги ва ундан бир нечта фарзанд кўрганлигини англаб, хотинининг ортидан боарди. Не кўз билан кўрсинки, у ўзини осиб кўйган эди. У саросимада онасининг еқасидаги тўғноғични олиб икки кўзини ситиб ташлайди. Икки кўзи сўқир Эдип халқнинг ва фарзандларининг қаҳрига учрайди. Шу тариқа шоҳ Эдип фожиаси якун топади.

Ривоят қилишларича, шоҳ Эдип шаҳарни ташлаб кетгандан сўнг Фиванинг бошига мусибат тушиб, харобага айланибди.

Қадимги Фива, Афина, Рим каби мухташам шаҳарлар бўлиб, улар душман бостириб кириши мумкин бўлмаган мустаҳкам деворлар билан ўралган бўлган. Шунинг учун мамлакат шаҳар номи билан аталиб, шаҳар-давлатлар дейилган.

Софоклнинг кўпгина асралари ман шундай шаҳар-давлатлардаги воқеаларга бағишлангандир. Не-не шаҳарлар, давлатлар йўқ бўлиб кетди, лекин Софоклнинг номи хали-ҳамон яшаб келмоқда.

Гомердан сўнг яратилган эпик дostonларнинг ҳаммаси, унинг қандай афсоналар ҳақида ҳикоя қилишларига қараб айрим циклларга (туркумларга) бўлинади. Масалан: Троя урушидан баҳс этувчи дostonлар «ТРОЯ ЦИКЛИ» (туркуми) дostonлари, Фива шаҳри ҳақида тўқилганлари «ФИВА ЦИКЛИ» (туркуми) дostonлари деб аталади. Шунга асосан бу дostonларга Туркум дostonлар (цикл дostonлар) номи берилган.

Туркум дostonларда кўпинча халқ оғзида айтиб юрилган мифларнинг маълум бир қисми баён этилади. Шу билан бирга бир дoston воқеанинг бошланиши ҳақида гапирса, иккинчиси унинг кейинги қисмини давом эттиради. Чунончи, Троя туркумига кирган «КИПРИЯ» поэмасида Троя урушининг сабаблари, яъни «ИЛИАДА» дostonи воқеасига қадар бўлиб ўтган воқеалар тасвир этилган. Бунда ернинг одамзод наслидан Зевсга шикоят ва Зевснинг одам боласига қирон келтириш мақсадида уруш оловини ёқишга қарор беради. Шундан кейин маъбудлар ҳукмрони ўз кизи Еленани бунёд этади. Денгиз маъбудаси ФЕТИДАНИ ФЕССОЛИЯ ПОДШОҲИ ПЕЛЕЙГА хотинликка узатади. Тантанали тўйга адоват маъбудаси ЭРИДДАдан бошқа Олимп тоғининг ҳамма маъбуд ва маъбудалари таклиф этилган. Бундан қаттиқ ранжиган Эридда «СОҲИБЖАМОЛГА» деган сўз ёзилган олтин олмани билдирмасдан базмгоҳ ахиллари орасига ташлайди. Бу «адоват олмаси» эди. Бу олма ГЕРА, АФРОДИТА ва АФИНА лар ўртасида дарҳол ихтилоф туғдиради. Зевс бу жанжални Троя яқинидаги «Ида» тоғи этагида мол боқиб юрган ПАРИС деган подачининг измига ҳавола қилади. Сўнгра Афродитанинг олмани олиши, Париснинг Еленани олиб қочиши воқеалари билан бу дoston ниҳоясига етади. Дostonнинг кейинги воқеалари Агамемнон бошчилигида Троя урушига отланиш тараддудига бағишланади.

Троя уруши тугагандан кейин қимматбаҳо ўлжалар билан ўз юртларига қайтаётган Юнон саркардаларининг саргузаштлари «Қайтиш» номи остида тарқалган бир нечта дostonларда тасвир этилади.

Троя уруши афсоналарининг хотима қисми «ТЕЛЕГОНИЯ» дostonида тасвир этилган. Бу дoston асосан Одиссейнинг сўнгги кунларига бағишлангандир.

**Гомер мадҳиялари.** Шоирнинг поэмаларидан ташқари Гомер гимнлари остида бизга қадар каттакон кўлөзма тўплам ҳам етиб келган. Тўпламда ҳаммаси бўлиб 34 та дoston бор. Шулардан иккитаси «Илиада ва Одиссея»дир, кейинги иккита асарни ҳисобга олмаганимизда қолган дostonларнинг кўпчилиги 15-20 шеърдан ошмайди. Тўпламга кирган мадҳияларнинг энг йириги маъбуд ва маъбудалардан Гермес (жарчи), Апполон (ёруғлик, санъат, шеърят), Диметра (ҳосилот маъбуди), Афродита (гўзаллик), Дионис (Зевс билан Смеладан туғилган думдор эчки туёқ ҳамроҳлари сатирлар ҳамда ҳосилдорлик, май, шодлик ва сархушлик раҳномоси) ларга бағишланган.

ДИМЕТРА—мадҳиясида ҳосилот маъбудасининг қизи ПЕРСЕФОНА нинг йўқолиши, жаҳаннам ҳукмрони АИД қизни олиб қочиши, ер юзининг ҳосил бермай қолиши, маъбудларнинг илтимосига асосан Диметранинг Олимп тоғига қайтиши ҳикоя қилинади.

АППОЛОН шарафига айтилган икки мадҳиянинг бирида санъат маъбудининг туғилиши, иккинчисида ПИФОН деган аждаҳо билан олишиб уни енгганлиги ва ДЕЛЬФА ибодатхонасини бино қилганлиги ҳикоя қилинади.

ГЕРМЕС ҳақида айтилган мадҳия ўзининг ўйноқи услуби ва ҳажвий мазмуни билан тўпламнинг бошқа мадҳияларидан фарқ қилади. Асарнинг муаллифи фирибгар маъбуднинг кирдикорларини унинг табиатига монанд ибораларда таъриф этади. САВДО ВА ЎҒИРЛИК маъбуди эрталаб туғилади, туш пайтига келиб тошбақа косасида етти торли кифара ясайди, кечқурун ўз акаси Апполоннинг сигирларини ўғирлаб кетади.

АФРОДИТАга айтилган мадҳияда гўзаллик маъбудасининг Троялик чўпон йигит Анхисга бўлган муҳаббати ва муҳаббатнинг самари ўлароқ латин халқини ер юзига таратган ЭНЕЙ нинг дунёга келиши баён этилади. Бу асар муҳаббатномага ўхшайди, ўзининг бадиий қиймати билан тўпламдаги ҳамма мадҳиялардан устун туради.

ДИОНИСга бағишланган мадҳияда унинг қароқчилар томонидан ўғирлаб кетилиши, узоқ вақт бандиликда ушлаб туриши, бадалига катта жарима талаб қилиши Диониснинг кема ҳавозаларида бош-бош узум пайдо қилиши, кейин шароб қилиб сепиб юбориши ва бир айланиб шер тусига кириши, қароқчиларнинг ундан кўрқиб ўзларини денгизга отиши ва дельфинларга айланиб қолиши воқеалари таърифланади.

Гомер мадҳиялари юнон мифологияси ва динини ўрганувчи кишилар учун жуда қимматбаҳо манбадир.

Гесиоднинг адабий фаолияти. Ўз замонасидан норози бўлган деҳқон оммаси айниқса унинг камбағал ва қашшоқ табақалари, тўқлик ва маъмурчилик кунлари қабилида тасаввур этилган узоқ патриархал даврларни қўмсайди. Мана шу кайфиятлар тамомила янги адабий жанрни—дидактик (панд насихат) эпосни туғдиради. Дидактик эпоснинг юнон адабиётидаги энг биринчи намунаси Гесиоднинг «Меҳнат ва кунлар» поэмасидир.

Гесиодни эрамиздан олдинги VIII-VII аср бошларида яшаган деб тахмин қиладилар.

«Меҳнат ва кунлар» достонидан ташқари «Теогония» (маъбудларнинг пайдо бўлиши), «Аёллар жадвали» номи билан аталувчи асарлар ҳам бевосита Гесиоднинг номи билан боғлиқ.

Юнон лирикасининг турлари. Юнон тилидаги «лирика» сўзи чолғу асбоби лиранинг номидан келиб чиққан бўлиб, маъноси «муסיқа жўрлигида ижро этилувчи шеър» демакдир.

Бу атама лирик шеъриятнинг ривожланган давридан анчагина кейин тахминан эрамиздан аввалги III–II асрларда эллинизм замонаси олимлари томонидан истеъмолга киритилган. Шу пайтга қадар юнонларнинг ўзлари мазкур туркумга алоқадор бўлган асарларнинг ҳаммасини «Мелос», «Мелика» яъни «Кўшиқ» деб атаганлар. Маълумки, асрлар давомида қадимги юнонлар лирик шеъриятни бошқа турли воситалар, масалан, кўшиқ, муסיқа асбоби ҳатто рақс билан боғлаган ҳолда тасаввур этиб келганлар. Шу сабабли ҳар бир лирик шоир бир вақтнинг ўзида ҳам муаллиф, ҳам бастакор, ҳам рақс устаси бўлган. Даврлар ўтиши билан лириканинг Ямб ҳамда Элегия деб аталувчи баъзи оддий турлари аста-секин мусиқадан узоклашиб фақатгина ўқиш учун мосланган адабий жанрга айланиб қолади. «Мелос» ибораси эса ёлғиз кўнгил ҳисларини ифода этувчи шеърга нисбатан ишлатилади, бу тоифа асарларнинг муסיқа билан боғлиқлиги яна узоқ вақтлар давом этади. Лириканинг турларга ажратиш аломатларидан бири вазндир. Эпик достонларнинг гекзаметр ўлчовидан бошқа шаклларда ёзилган асарларнинг ҳаммаси лирикага қўшилган ва шу мезон асосида уларни «элегия», «ямб» ҳамда «мелос» турларига ажратганлар.

Асл лирика деб танилган ва узок асрлар муסיқавий куй хусусиятини сақлаб қолган «мелос» жанри ўзининг мазмуни ва қандай воқеаларга аталганлигига қараб яна икки туркумга бўлинади: якка хонанда томонидан ижро этилувчи–монодик лирика ва кўпчилик томонидан ижро этилувчи–хор лирика.

Қадимги замон эллин тилида ёзилган шеърий асарларнинг ҳаммаси узун ва қисқа хижолаарнинг алмашуви асосига қурилгандир. Буни аниқроқ ифодалаш учун, одатдагидек қисқа бўғинларни эгри чизик (U), узун бўғинларни тўғри чизик (-) шакллари билан белгиласак, шу белгиларнинг маълум тартибда такрорланиши юнон шеъриятининг вазини ҳосил қилади.

Юнон шеъриятидаги ГЕКЗАМЕТР вазни олти туроқдан иборат бўлиб, бу туроқларнинг ҳар қайсиси ДАКТИЛЬ деб аталган бир узун икки қисқа (- U U) бўғиндан ташкил топади. Шеърнинг оҳангдор бўлиши учун охириги туроқ СПОНДИЙ деб аталувчи икки узун хижо (- -) билан алмаштириб талаффуз этилади ва натижада тубандаги шеърий мисра ҳосил бўлади.

ЭЛЕГИЯ – нинг ватани Кичик Осиёдаги Фрегия вилояти бўлган. Бу жанрнинг номи ҳам чамаси шу ернинг халқи тилидаги *elegn* (қамиш) сўзидан олинган бўлиб, бу тоифа асарларнинг ушбу ўсимликдан ясалган муסיқа асбоби флейта (най) жўрлигида ижро этилишига ишора қилинса керак. Ҳозирги замон адабиётшунослик илмида ҳазин туйғуларни ифода этувчи шеърий асарлар шу ном билан юритилади. Элегияни бу маънода тушуниш қадимги юнонлар учун тамомила бегона. Элегик асарларда улар аксинча рухий тетиклик кайфиятларини, ботирлик ғояларини, жанговор ҳисларни талқин этганлар. Бирок элегиянинг хусусиятларини белгилайдиган асосий ўлчов унинг мазмуни эмас, балки вазнидир. Шу қоидага кўра «Элегик байт» деб аталувчи махсус вазнда ёзилган ҳар қандай шеърий асарни мазмунидан қатъий назар, шу жанрга киритганлар. Элегик байтнинг биринчи мисраси гекзаметр. Иккичи мисраси–ПЕНТАМЕТР номи билан юритилдиган беш туроқли вазндан таркиб топгандир. Пентаметрнинг гекзаметрдан фарқи шуки, учинчи ва олтинчи туроқларидаги қисқа хижолаар тушириб қолдирилган. Шу сабабли мисрани икки тенг қисмга ажратадиган учинчи туроқнинг узун хижосидан сўнг пауза қилмок лозим.

ЯМБ–атамасининг келиб чиқиш тарихи ҳам анча қоронғу. Қадимги ривоятларда бу сўзни маъбуда ДЕМЕТРА афсонаси билан боғлайдилар. Ўз қизи Персефонинг йўқолганлигидан қаттиқ изтироб чеккан Деметра, (қизини зулмат маъбуди Аид ўғирлаб ер остига олиб кетади) маъбудларга ғзаб юзасидан Эливсин подшоҳи Келей хонадонига энага бўлиб ёлланади. Шу хонадоннинг Ямб деган шўх ва ўйноқи қизи ғалати аскиялар, қизик-қизик гаплар айтиб маъбуданинг кўнглини очишга уни бироз кулдиришга муяссар бўлган экан.

Афсона ЯМБ (вазнининг) шеърларининг мазмунига қараб тўқилган бўлса керак. Чунки бу жанрнинг ўзи халқ адабиётида ҳазил-мутойибаларни, танқидий фикрларни ифода этувчи шеърий вазндан олинган.

Бу жанрнинг ташки аломатлари, барча лирик асарлар каби, яна ўша вазн хусусиятлари билан белгиланиб асосан ЯМБ (U-) ҳамда трохей (-U) деб аталувчи туроқлардан тўқилади. Бу туроқлар ниҳоятда қисқалиги важдан, уларни жуфт-жуфт қилиб ишлатганлар ва натижада “ямб учлиги” номи остида шуҳрат топган олти туроқли вазн майдонга келган.

Бизга маълум бўлган энг қадимги элегия жанрида ижод қилган шоирлардан бири Каллиндир. Шоирдан бизгача 23 йўл шеър етиб келган. Кейинги шоирлар Спарталиқ ТИРТЕЙ дир, унинг элегиялари бутун Юнон оламида жуда кенг тарқалган. Шоирнинг асарлари жангга кетаётган лашкарларнинг жанговор кўшиғига, мактаб талабаларини ватанпарварлик руҳида тарбияловчи дарсликка айланиб кетган.

Инсоннинг шахсий туйғулари биринчи марта Юнонистоннинг йирик шоири Тиртейнинг замондоши АХИЛОХ (VII асрнинг ўрталари) ижодида ўзининг ёрқин

ифодасини топади. Бу шоирлар қаторига 635-559 йилларда яшаб ижод этган Солонни ҳам кўшишимиз мумкин. Шоир Феогнид ҳам шулар жумласидандир.

МОНОДИК лирика–поэзиянинг оддий турлари ҳисобланган Ямб ва Элегия билан бирга VII-VI асрларда модоник яъни яккахон лирика ҳам бениҳоя тез тараққий этади. Шеърятнинг бу тури халқ адабиёти ва мусиқанинг бевосита таъсири остида бунёд бўлади. Бу жанрнинг ватани бўлмиш Кичик Осиёнинг ғарбий қирғоғидаги каттагина Лесбос оролида туғилиб ўсган икки улуғ шоир АЛКЕЙ, САПФО лар ихтиро этган турли туман вазнлар билан МОНОДИК лирикани мислсиз юксак санъаткорлик чўққисига кўтардилар. Унинг мазмунини ўша пайтга қадар юнон поэзиясида кўрилмаган чуқур инсоний ҳис ва туйғулар билан суғордилар. Сапфонинг 2 та шеъри бизгача тўлиқ етиб келган.

Кейинги шоирлардан бири АНАКРЕОНТ–у ўз шеърларида фақатгина май ва севгини мадҳ этади.

Драманинг ҳамма тури диний маросимлардан келиб чиққанлиги сабабли қадимги юнонлар бунга этикод билан қараганлар.

Эсхил жаҳон адабиётида санъат гултожи трагедиянинг отаси сифатида танилган. Эсхил Перикл даврида яшади. Демократик жамият тарафдори шоир ўз асарларида ижтимоий-сиёсий қарашларини унчалик яширмаган.

Унинг «Ористея» трилогесида Троя уруши ва унинг мудҳиш оқибатларини тўлақонли очиб беради. Эсхил ижодининг чўққиси «Занжирбанд Прометей». Шоир Асқар Қосимов ушбу асарни таржима қилган. Софоклнинг «Шоҳ Эдип» трагедияси Асқад Мухтор томонидан таржима қилинган.

Шу асрнинг яна бир йирик трагедиянависи Эврипиддир. Унинг 92 асаридан 17 та етиб келган Эврипид ўз асарларида санъатдаги инсон тасвирини, ҳаётдаги инсон тасвирига яқинлаштиради, тақдирнинг шафқатсиз зарбаларига бардош берувчи қахрамон қалбида мардлик олийжаноблик самимий муҳаббат туйғулари билан бирга ҳар хил тубанликлар, ёвузликлар ҳам яширинганлигини ўз асарларида «Электра» трагедиясида қахрамон аёл мутлақо ёвуз сифатида олинса, «Медея»да гўзаллик донолик, муҳаббат ва садоқат тимсоли, бошига кетма-кет мусибат бахтсизликлар ёғилган аёл сифатида кўрсатилган.

Комедия трагедияга нисбатан кейинроқ ривожланган. Юнон комедияси 2 қисмга ўрта аср ва янги давр комедияларига бўлинади. Аристофон қадимги комедиянинг ягона вакили. Комедия сўзи-юнонча комослар кўшиғи деган маънони билдиради. Комос деб эса тўйдан кейин кўчаларда тўда-тўда бўлиб хурсандчилик қилувчи кишилардир.

V-IV асрлардаги насрий шакл юнон адабиётининг етакчи туридир. Тарихий прозанинг биринчи вакили-Геродот.

Фукидид-тарихий прозанинг иккинчи вакили. Нотиқлик санъатининг асл ватани Сицилиядир. Уни V асрда адабий жанр ҳолида сафистлар яратганлар. Лийсинг, Демосфен, Цицерон ва бошқалар ўз нутқларида халқ ҳаёти ва ижтимоий ҳаётдаги тенгсизликларни қоралаб халқни ўз нутқлари билан озодликка чақирганлар.

Фалсафий прозада Платон, Аристотель машҳур.

V асрга қадар юнон тупроғининг энг маданий маркази Кичик Осиёдаги Иония вилояти ҳисобланиб келинган бўлса, роса ярим аср (499-449) давом этган Эрон-Юнон урушида Юнонлар ғалаба қозонганларидан сўнг, илму-фан, санъат ва маданият маркази Афина давлатига кўчади. Адабиёт соҳасида Афинанинг мавқеи шу қадар улуғки, V-IV асрлар адабиёти шу муаззам шаҳарда ўрнашган АТТИКА вилоятининг номига нисбат берилиб, ЮНОН АДАБИЁТИНИНГ АТТИКА ДАВРИ деб аталади. Афина ўзининг иқтисодий ва маънавий камолотига V асрнинг 50-30 йилларида, яъни Афина давлати тепасида ПЕРИКЛ турган вақтда эришди.

Перикл ўз замонасининг ниҳоятда ишбилармони, давлат арбоби, оташин нотиқ, одамларда ташаббускорлик иштиёқини уйғотишга моҳир илму-фан, санъат ва адабиётга қизиққан бир шахс эди. У бутун юнон олаmidан файласуфлар, олимлар, шоирлар ва

санъат аҳллари Афинага тўплайди. Периклга яқин турган, унинг ишларига яқиндан кўмаклашган улуғ зотлар орасида файласуфлардан Анаксагор, Сократ, тарих фанининг отаси Геродот, трагедия жанрининг асосчилари Софокл, ажойиб ҳайкалтарош Фидий ва шуларга ўхшаш умумжаҳон маданиятини юксакларга кўтарган зотларни кўрамиз.

Юнон драматургиясининг барча турлари трагедия, комедия, сатиралар драмаси ана шу диний расмлар ва булар қатори айниқса Дионис маросимлари асосида майдонга келган. Афсоналарнинг ҳикоя қилишига қараганда Дионис Зевс билан Семела деган қиздан туғилганмиш. Дионис ўзининг одамтахлит, аммо думдор эчки туёқ ҳамроҳлари–сатирлар билан бирга дунёни кезиб юрган пайтларида инсоннинг оғир ва ғамгин ҳаётини кўради-да, одам боласини бахтиёр, хушнуд қилиш мақсадида маъбудлар таоми амврозияни Олимп тоғидан уларга келтириб бермоқчи бўлади. Бироқ Олимп хукмдорлари ёш маъбуднинг ниятларини пайқаб қолишади. Дионис амврозияни ерга кўмиб қочади. Кўп ўтмай шу жойдан ток новдалари ўсиб чиқади, унинг ёкутсимон соҳир мевалари одамларга бахт ва шодлик келтиради. Диониснинг бу ўзбошимчалигидан қаттиқ ғазабланган отаси Зевс ўз ўғлини Олимп тоғидан бадарға қилади. Дионис ер юзида оғир машаққатлар билан ҳаёт кечириб оламдан ўтади. Фалакка кўтарилиш олдида ҳар йили икки марта ўз шарафига байрам ўтказишни Дионис одамларга васият қилган.

Трагедиянинг бевосита Дионис маросимлари билан боғлиқ бўлганлигига ва тўғридан-тўғри шоду-хуррамлик маъбуди шаънига тўқилган дифирамб қасидаларидан ўсиб чиққанлигига Аристотель ҳам сира шубҳа қилмайди. «Поэтика» асарининг 4 бобида қатъий фикрлар айтади.

Эсхилнинг 90 га яқин трагедиядан иборат бой меросидан бизга қадар фақат еттитаси етиб келган. “Эронийлар”, “Фиванинг етти душмани”, “Илтижоғўйлар”, “Занжирбанд Прометей”, “Орестея” трагедиясига кирадиган “Агамемнон”, “Хоэфорлар” ҳамда “Эвменидлар” трагедиялари. Бу трагедияларнинг “Эронийлар” дан бошқаси мифологик мавзуларда ёзилган.

Жаҳон адабиёти тарихига Софокл (асосан) Эдип ҳақидаги ривоятлар асосида ёзилган асарлари “Эдип шох”, “Эдип Колонда” ва “Антигона” трагедиялари билан киради. Софоклнинг бу асарларидан ташқари бизга қадар яна тўртта трагедияси етиб келган. Шундан учтаси: “Аякс”, “Электра”, “Филактей” Торя афсоналари мавзуида ва биттаси “Трахинали аёллар” Геракл ҳақидаги ривоятлар асосида ёзилгандир.

ЭВРИПИД – қадимги Юнон трагедиясининг учинчи вакили. 92 та асаридан бизга қадар 17 та трагедия ҳамда битта сатир драмасининг тўла ҳолда етиб келишини таъминлайди. Булар тубандагилар: “Алкестида”, “Медея”, “Гераклидлар”, “Ипполит”, “Гекуба”, “Геракл”, “Илтижоғўйлар”, “Троялик аёллар”, “Электра”, “Ион”, “Ифигения Тавридада”, “Елена”, “Андромаха”, “Финикиялик қизлар”, “Орест”, “Вакх қизлар”, “Ифигения Авлидада ва Киклоп” номли битта сатир драмаси. Бу асарларнинг ҳаммаси юнон таомилига кўра, Эсхил ҳамда Софоклнинг трагедиялари сингари мифологик афсоналар мавзуида ёзилгандир. Эврипиднинг юнон трагедиянавислигига киритган янгиликларини тўлароқ акс эттирган асари “Медея” трагедиясидир. Асарнинг воқеасини Эврипид “Аргонавтлар” афсонасидан олган. (Бу афсона ҳақида 1957 йилда Ўзбек Давлат Бадий адабиёти нашриёти босиб чиқарган “Эллада қахрамонлари” китобидан тўла маълумот олиш мумкин.)

“Медея”– хўрланган муҳаббат ва рашк трагедиясидир. КОМЕДИЯ–турли-туман қизиқчиликлар билан томошабинни кулдириш ёки ҳаётда учрайдиган баъзи бир манфий ҳодисаларни масхаралаш–комедиянинг асосий мақсадидир. Дастлабки комедиянавис шоирлар ўзларининг асарларида ана шу нуқсонларни фош этишга, кулги ва сатира ёрдами билан уларни бартараф этишга интиланлар. Шу сабабли «Қадимги Атика комедияси» деб аталмиш махсус адабий оқим майдонга келади. Ўтқир сиёсий жўшқинлик, демократия душманларига қарши мурасасизлик - қадимги аттика комедиясининг асосий хусусиятидир. Мазкур жанрда ижод қилган кўпдан-кўп шоирлар орасида фақат уч кишининг номи бизга маълум. Булар–Кратин, Эвполид ҳамда Аристофондир. Булардан

факатгина Аристофаннинг асарлари сақланиб қолган. У «Ахарнликлар» комедиясида ўзининг бутун тинчликсевар ғояларини асарнинг бош қахрамони, оддий деҳқон ДИКЕОПОЛ (адолатпарвар фукаро) образи орқали кўрсатган. ЛИСИСТРАТА–комедиясини Аристофан Пеллепоннес урушининг йигирманчи йилида (411), бутун юнон элини ҳалокат ёқасига келиб қолган бир пайтда ёзади. Асарнинг бош қахрамони Лисистрата (урушни тўхтатувчи)деган соҳибтадбир, серфаросат бу аёл, юнон тупроғидаги барча хотин-қизларни тўплаб уларни ўз эрлари ҳамда жазманлари билан яқинлик қилмасликка ва шу йўсин барча эркакларни беҳуда қон тўкишни тўхтатиб, бир-бирлари билан сулҳ тузишга мажбур этишга даъват этади. Аёллар ўз олдиларига қўйган мақсадларига, яъни урушни тўхтатиб тинч ҳаёт кечиришга эришадилар. Аристофан ижодининг дастлабки даврларида ёзилиб, бевосита Афина демократик идора усулини тасвирлашга бағишланган энг ўтқир сиёсий асар «СУВОРИЙЛАР»(424) комедиясидир. Драматург бу асарни ҳам Клеонга қарши ёзади, бироқ «Ахарнликлар» комедиясида Афина ҳукмронига сал-пал тегиб ўтган бўлса «Суворийлар» да бу зотни асарнинг бош қахрамони қилиб олади ва унинг кирдикорларини шафқатсиз фош этади.

Бу асарларидан ташқари «Арилар», «Қурбақалар», «Давлат» деб омланадиган комедия асарларини ҳам яратганлиги унинг бу жанр устаси ва бошловчиси эканидан далолат беради.

**Тарихий проза**–асари бизга қадар тўла ҳолда етиб келган тарихий прозанинг энг биринчи номоендаси Геродотдир. Геродотдан қолган асарлар ичида энг муҳими ва қимматли маълумотлар билан жаҳон тарихини бойитиб келаётган асарининг номини «Тарих» яъни «Тадқиқот» деб атаган. Александрия олимлари бу асарни тўққиз бобга бўлиб, ҳар бирини юнон мифологиясидаги тўққизта муза номи билан атаганлар. Асар яқиндагина бўлиб ўтган Эрон-Юнон урушига бағишлангандир.

Тарихий прозанинг иккинчи вакили **Фукидид**дир. Бу адиб ҳақида ҳам етарли маълумот йўқ. Олимлар уни 470-460 йиллар орасида туғилган бўлса керак деб тахмин қиладилар. 424 йили Пеллепоннес урушида қатнашиб, Фракия қирғоқларидаги Афина флотига қўмондонлик қилади ва йирик бир ҳарбий хатоси учун давлат жиноятчиси ҳисобланиб, Афинадан ҳайдалади. Тахминан 400 йилларда вафот этади. У ўз асарини Пеллепоннес уруши воқеаларига бағишлайди.

Нотиклик санъати-жамоат олдида сўзга чиқиб, унга бирон нарсани тушунтириш ёки исботлаб бериш зарурати қадим-қадим замонлардан бери одамларни дилкашликка, сўзамолликка рағбатлантириб келган. Ҳатто Гомер ҳам ўз поэмаларида Нестор, Менелай ва Одиссейнинг гапга ниҳоятда чечан бўлганликларини қайд этиб ўтади. Бироқ нотикликнинг қадимги намуналари ёзма шаклда бизгача етиб келмаган. Аста-секин бу санъат ривожланиб асосан икки турга ажралиб боради: Сиёсий нотиклик. Суд нотиклиги кейинчалик унинг учинчи тури юзага келади.

Эпидектик – яъни тантанали нутқ нотиклари пайдо бўлади.

Эпидектик нотиклар улуғ зотларни ва машҳур воқеаларни мадҳ этиб тантанали йиғинларда нутқ сўзлаганлар.

Нотиклик санъатини биринчи марта адабий жанр даражасига кўтарган ва унга илмий тус берган кишилар Софистлар бўлганлар. Нотиклик санъатининг назарий асослари «Риторика» илми яратилган.

Риторика (оратор, нотик)нинг асл ватани Сицилия бўлган. Қадимги риториканинг асосчилари деб Сицилиялик Корак ҳамда Тисей деган нотикларни кўрсатадилар. Бироқ улар ҳақида бизгача ҳеч нарса етиб келмаган.

Горгий асосан мифологик мавзуларда тантанали нутқлар сўзлаган, унинг номи остида бизга қадар «Елена» ва «Полимед» сарлавҳали иккита ёзма нутқ етиб келган. Горгийнинг айтишича нотикнинг энг муҳим вазифаси тингловчини ишонтириш, уни мафтун этиш, ром қилишдир.

Эллинизм даврининг олимлари Афинада яшаб, шу ерда ижод қилган бир талай машҳур сўз санъаткорларининг орасидан 10 тасини энг улуғлари деб биладилар. Улар

қуйидагилар: Антифонт, Андокид, Лисий, Исократ, Исей, Ликург, Демосфен, Эсхил, Гиперид ва Динарх. Бизгача мана шу сўз санъати усталарининг асарлари етиб келган холос.

Нотиклик санъатини янада юксак босқичларга кўтарган иккинчи буюк зот Демосфендир. Ундан бизга қадар 61 та нутқ ва 6 та мактуб етиб келган.

Фалсафий проза—эрамиздан олдинги V-IV асрларда илму-фан тараққиёти, санъат, адабиёт, тарих ва нотиклик соҳаларидаги ютуқлар билан бир қаторда юнон фалсафаси бениҳоя кенг ривож топди. Фалсафий тафаккурнинг асосий оқимлари бўлган материализм ҳамда идеализм таълимотлари шу даврда такомиллашади. «Идея» сўзининг ўзи ҳам биринчи марта фалсафий истезмолга Платон томонидан киритилган. Платоннинг қарашича бирдан-бир тузум деб тушунилган бу давлатда жамият аъзолари 3 тоифага бўлинади: Файласуфлар—мамлакатни идора қилишлари керак. Соқчилар—мамлакатни кўриқлашлари керак. Мехнаткашлар— (деҳқон ва косиблар) ҳамма фуқарони боқишлари, кийинтиришлари лозим. Платон идеал давлатида бугун эътиборни файласуфларга қаратади. Платоннинг бизга қадар 41 та асари етиб келган.

Аристотель ўзининг санъат ва адабиёт ҳақидаги фикрларини «Поэтика» асарида баён қилади.

**Биринчи Рим шоири** юнонистонлик Ливий Андроник (284-204) бўлган. Андроник қадимги Сатурн вазнида “Одиссея” достонини латин тилига таржима қилади.

Гнней Невий ҳам худди Андроник сингари ўзининг трагик асарларининг мазмунини юнон ёзувчилари асарларидан олган.

Невий трагедиялари қахрамонлари сахнага Рим сенаторлари қиядиган алвон хошияли устки либос, яъни ПРОТЕКСТА кийиб чиқадилар. Шу сабабли мазкур асарларни ПРОТЕКСТАТА деб атаганлар. Невий ёзган протекстаталардан биз фақат иккитасининг номинигина биламиз. Булар “Ромул” ва шоирнинг замондоши Клавдий Марцелнинг Кластидий шаҳри яқинида галлар билан бўлган жанги ҳақидаги “Кластидий” трагедиясидир. Невий талантининг энг юқори чўққиси “Пун уруши” достонидир. Рим миллий достончилигига асос солиш жиҳатидан бу асар латин адабиёти тарихида муҳим ўрин тутади. Достон яқинда бўлиб ўтган биринчи Карфаген уруши воқеаларига бағишланган. Бироқ асарда худди Гомер достонларида бўлгани каби, реал тарихий ҳодисалар мифологик афсоналар билан чатишган ҳолда тасвир этилади.

Дастлабки Рим шоирлари орасида энг йириги, албатта Квинт Энний (239-169) бўлган. Унинг асарлари – “Гекуба”, “Ифигения”, “Александр”, “Медея” трагедиялари. Энний ўзининг ўткир маҳоратини “Анналар” (Солномалар) достонида янада кенгрок намоёниш қилган. 60 000 мисрадан иборат 18 боб (Бизга қадар 1200 мисраси етиб келган) салмоқдор бу асар Эннийнинг Трояни ташлаб қочишдан бошланиб, то шоирнинг замонасига қадар давом этган бугун Рим тарихини ўз ичига олади.

2) ПЛАВТ—улуғ Рим комедиянависи. Унинг энг ўткир ва мароқли асарларидан бири “Мақтанчоқ жангчи” комедиясидир. “Хумча” комедияси ҳам ўзининг бадиийлиги ва социал моҳияти жиҳатидан “Мақтанчоқ жангчи” асарида қилишмайди. Бу комедиянинг асосий мавзуси бойликнинг инсон хулқини бузадиган ярамас таъсирини кўрсатишдан иборат. Айна замонда Рим жамияти учун бу масала жуда муҳим бўлган.

ЦИЦЕРОН—ўзининг оташнафаслиги билан Демосфен даражасида турадиган ва антик дунёнинг иккинчи улуғ сўз устаси сифатида танилган нотик Марк Туллий Цицерондир. “Оратор ҳақида”, “Брут”, ва “Оратор” асарлари машҳур.

ЛУКРЕЦИЙ—ички ғалаёнларни тугатиш, замондошларига маънавий тасалли бериш мақсадида Эпикур фалсафасини ташвиқ қилган мутафаккир шоирларнинг энг йириги 6 бобдан иборат “Буюмлар хислати” поэмасининг муаллифи Тит Лукреций Кардир (98-55).

ВЕРГИЛИЙ ҳаммаси бўлиб учта асар ёзган: «Буколикалар» (Чўпон шеърлари). «Георгикалар» (Деҳқон шеърлари). «Энеида» достонидир.

Вергилийнинг биринчи йирик асари «Буколикалар» ўнта шеърдан иборат тўпламдир. Бу тўпламга киритилган шеърларни кўпинча эклогалар яъни шеъринг парчалар

хам деб юритишган. Вергилий чўпонларнинг осуда, беташвиш хаётини ахён-ахёнда бузиб туришади. Масалан: Италиянинг шимолий қисмларидаги ерларни Октавиан қўшинлари томонига мусодара қилиш муносабати билан деҳқон оммаси бошига тушган оғир кунларни баъзи эклогаларда аниқ кўришимиз мумкин.

Георгикалар поэмаси мазмун жиҳатидан биринчи поэмага ўхшаш. Неча ўн йиллаб давом этган уруш оқибатини тугатиш, вайрон бўлган майда ва ўртаҳол деҳқон хўжаликларини тиклаш, умуман деҳқончиликни ривожлантириш масалалари, юртнинг осойишталиги, халқнинг тинчлиги йўлида қайғурган чинакам ватанпарвар шоир шу аснода асарини ёзади. Дидактик мазмундаги бу поэма йирик тўрт қисмдан иборат каттагина асардир: Ғаллакорликка, Боғдорчиликка, Чорвачиликка, Асаларичиликка бағишланади.

Вергилийни Рим поэзиясининг чўққисига кўтарган, унинг шуҳратини ер юзига таратган улуғ асари Энеида достонидир.

Қадимги манбаларнинг шаходатига кўра «Энеида» достони устида шоир ўн йил ишлаб, асарни эрамиздан аввалги 19 йилда деярли тугатади.

Энеида бутун воқеаси Троя шахри тор-мор қилинганидан сўнг бош қаҳрамон Энейнинг ўз ҳамроҳлари билан бирга Италияга қараб йўлга чиқиши, унинг денгизда тортган оғир машаққатлари, ниҳоят манзилга етиб келиши, Рим давлатини барпо қилиш йўлида олиб борган курашлари тасвирларидан иборатдир. Асар ҳар бири олти бобдан (кўшиқдан) иборат икки қисмга ажратиб ёзилган. Биринчи 6 боб қаҳрамоннинг Троядан чиқиб Италияга етиб келиши даврида кечирган саргузаштларига, кейингиси Италия тупроғидаги жангларига бағишланади.

ГОРАЦИЙ–Вергилийнинг замондоши ҳамда дўсти, Август даврининг иккинчи улуғ шоири Квинт Гораций Флакк. Горацийнинг асарлари бизга қадар тўла ҳолда етиб келган. Улар қуйидагилар: «Эподлар» деб аталувчи 17 та шеърдан иборат тўплам. «Сатиралар» деб аталувчи 18 та шеърдан иборат 2 тўплам. «Қасидалар» деб аталувчи 103 та шеърдан иборат 4 та тўплам. «Номалар» деб аталувчи 23 шеърдан иборат 2 та тўплам. «Байрам мадҳи» деб аталувчи алоҳида 1 та шеър.

Горацийнинг тамомила янги оригинал ва юксак бадиий асарлар яратгани «Эподлар» тўпламининг ҳамма шеърларида равшан сезилиб туради.

Гораций ижодининг энг сўнгги маҳсули «Номалар» дир. Рим адабиётида Горацийга қадар нома ёзганлар талайгина, уларнинг барчаси номаларини назмда, шеърый шаклда ёзганлар. Бироқ номаларни биринчи бўлиб назм шаклига кўчириб, уларга юксак бадиий тус берган ва маҳсус адабий жанр сифатига кўтарган шоир Горацийдир.

ОВИДИЙ. Август замонасининг охириги улуғ шоири, элегиянавис шоирларнинг энг сўнгги буюк вакили Публий Овидий Назондир. Овидийнинг адабий фаолияти 3 қисмдан иборат: “Amores” (ишқий элегиялар) тўплами билан бошланади. Шу жанрнинг тамойилларига кўра тўпламнинг бир қанча шеърлари шоирнинг Коринна деган машуқасига бағишланади. Аммо бу аёлнинг бўлган-бўлмаганлигини аниқлашнинг сираям иложи йўқ. Овидийнинг элегияларида Тибулл ҳамда Проперций асарларида бўлгани каби чуқур муҳаббат туйғуларини, оғир изтироб аламларини, севги йўлида фидойилик ва самимийликни ахтариш ҳам бефойда. Шоирнинг ўз тили билан айтганда у фақат «Хуррам муҳаббатнинг хушчақчақ куйчиси» бўлган. Овидийнинг олдинги шоирлардан яна бир фарқи шундаки, бу адиб Вергилий ижодида бошланган усулни давом эттириб, ўзининг ижодида нотиклик санъати қоидаларидан бениҳоя кенг фойдаланади ва шу йўсин Рим поэзиясининг келгуси тараққиёти йўлида янги даврни бошлайди.

«Қаҳрамон аёллар» ёки «Мактублар» деб аталувчи иккинчи асари ҳам Овидий ижодининг илк маҳсулларида бўлиб, машҳур афсонавий хотинларнинг ўз ошиқларига ёзган номалар тўпамидан иборатдир. Турли-туман мавзуларга масалан, меҳмон кутиш, таом тайёрлаш, ҳар-хил ўйинлар уюштириш, пардоз қилиш, ясениш, ҳатто баъзи касалликлардан даволаниш ва бошқа масалаларга атаб шеърый асарлар ёзиш эллинизм замонасида кенг ёйилган эди. Одамларга таълим бериш мақсадларини кузатган дидактик

мазмундаги бу тарих асарларга тақлидан Овидий ўзининг *Ars amatoria* «Севги санъати» поэмасини яратади.

Овидийнинг бошланғич давр ижодига кирадиган яна иккита асарининг мавжуд эканлиги маълум: А) «Пардоз малҳамлари». Б) «Севги давоси»

Августга манзур бўлиш учун Овидий бир даража илмий мазмундаги жиддий мавзуларга қўл уриб «Метаморфозалар» (турланиш) ҳамда «Фасто» (Ойнома) деган катта-катта икки дostonни бирдан бошлайди.

«Метаморфозалар» Овидий ижодининг чўққиси, Рим адабиётининг улуғ ёдгорликларидан биридир. Йирик- йирик 15 бобдан гекзаметр вазнидаги 12 000 мисрадан иборат бу салмоқли дoston Юнон ва Рим мифологияларида ниҳоятда кўп учрайдиган афсонавий турланишлар, маъбуд ва маъбудаларнинг, сув ва ўрмон париларининг, айниқса одамларнинг жониворларга, ўсимликларга, тоғ ва тошларга, ҳатто юлдузларга айланиб қолишлари ҳақидаги ривоятлар ҳикоя қилинади. Поэмага ана шундай ривоятлардан 250 таси киритилган. Фикримизнинг исботи сифатида асарга кирган афсоналардан бирини келтирамиз.

Фаста (Ойнома) дostonида Овидий ҳам худди Каллимах сингари ойлارнинг номларига муфассал изоҳ беради, ҳар қайси ойда ўтказиладиган байрамларни ва бу байрамларнинг қандай афсона ва ривоятлар билан боғлиқ бўлганлигини баён этади. Янги асарда шоирни асосан Рим тарихига, инчунун Август хонадонига алоқадор афсоналар қизиқтирган. Поэманинг ўзи ҳам Октавианга бағишланган.

Метаморфозалар дostonи деярли қўлдан чиқиб, «Фаста» поэмаси ярмига етиб қолган эди. Эрамиздан кейинги 8 йилда Октавиан Августнинг буйруғи билан Овидий Рим империясининг узоқ вилоятига, Қора денгиз қирғоғига Томи (ҳозирги Констанца) шаҳрига сургун қилинади. Сургун сабаблари то шу кунгача маълум эмас. Сургун йилларида шоир ўзининг сўнгги асарлари–беш қисмдан иборат «Ғамгин элегиялар» *Tristia*, 4 қисмдан иборат *Epistulae ex Ponto* “Понтдан мактублар”, “Қора денгиздан мактублар” тўпламларини ва бошқа асарларини ёзади. Овидийнинг сургунда ёзган элегияларининг мазмуни бир-бирига яқин. Масалан, “Ғамгин элегиялар” тўпламининг биринчи қисмида сургун сафарининг машаққатлари, Римни абадий ташлаб кетиш, рафикасидан, қариндошларидан, дўстларидан айрилиш, денгиз тўлқинлари, ўлим даҳшатлари ҳақида ҳикоя қилади.

#### АДАБИЁТЛАР:

18. Аристотель. Поэтика. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1980.
19. Алимухаммедов А. Антик адабиёт тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1975.
20. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1987.
21. Алексеев М.П. и др. История зарубежной литературы (средние века и возрождения). Москва, Высшая школа, 1987.
22. Артаманов С.Д. История зарубежной литературы XVII-XVIII в.в. Москва, Просвещения, 1978.
23. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Тошкент, Муסיқа, 2006.
24. Дўстмухаммедов Қ. Нобел мукофотини олган адиблар. Тошкент, Маънавият, 2002.
25. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Тошкент, Маънавият, 1999.
26. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
27. Саидов У. Европа маърифатчилиги ва Миллий уйғониш. Тошкент, “Академия”, 2004.
28. Саримсоқов Б. Абсурд манисизликдир. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2002.
29. Сувон Мели. Данте ва Навоий. “Жаҳон адабиёти” журналы, 1998, 2-сон.
30. Толстой Л.Н. Шекспир ва драма тўғрисида. “Жаҳон адабиёти” журналы, 1998, 11-12 сонлар.
31. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, Ўқитувчи, 1979, 1983.

32. Хессе Х. Жаҳон адабиёти кутубхонаси. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2003, 6-сон.
33. Куронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. Тошкент, Фан, 2008.
34. Қаямов О. Чет эл адабиёти тарихи. (V-XVII асрлар). Тошкент, Ўқитувчи, 1979.

### 3-маъруза

## ЎРТА АСРЛАР АДАБИЁТИ. ЖАҲОН АДАБИЁТИДА УЙҒОНИШ ДАВРИ. ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ ИЖОДИ.

Режа:

1. Ғарб ва Шарқда уйғониш даври (ўхшаш ва фарқли томонлари).
2. Италияда уйғониш даври.
3. Испанияда уйғониш даври.
4. Данте Алигьери ижоди.

*Таянч тушунчалар:* Шарқ ва Ғарбда уйғониш даври (Ренессанс), феодализм, капитализм, мануфактура, саноат, банк, адабий тур, жанр, синфий кураш, революцион кураш, савдо-сотиқ, гуманизм, гуманистлар, танқидий реализм.

Ўрта асрлар адабиётида халқ поэзияси анъаналарининг, антик адабиётнинг таъсири каттадир.

Бу даврда яратилган қаҳрамонлик эпослари: «Роланд ҳақида қўшиқ» француз қаҳрамонлик эпоси. Испан халқининг «Сид ҳақида қўшиқ» эпоси.

XII–XIII асрларга келиб салб юришлари шаҳарлар мавқеининг ўсиши даврида рицарлик маданияти ривожланди.

Рицарь адабиёти ўрта асрларда Францияда пайдо бўлган. Рицарлик лирикасида куйланган севги турмуш қувончлари рицарь романларида ҳам асосий мавзудир. Уларда қаҳрамонлар психологиясига алоҳида урғу берилади. Бу романлар ичида “Тристан ва Изольда” алоҳида ажралиб туради.

XIII асрга келиб ривожланиб бораётган шаҳар табақасининг орзуларини ифодаловчи янги адабиёт—шаҳар адабиёти пайдо бўлди. Унда оддий турмуш манзаралари акс этган меҳнаткаш омманинг манфаати ҳимоя қилинган кундалик ҳаётдаги ёқимсиз ҳолатлар танқид қилинган.

Герман қаҳрамонлик эпоси XII-XIII асрларда ёзиб олина бошлаган. Бир қатор эртақ ва қиссаларда герман қабилаларининг хуннлар билан олиб борган урушлари тасвирланади. “Нибелунг”ларнинг ўлими ҳақидаги ривоятда золим Аттила нибелунглар хазинасини эгаллаш мақсадида бургундлар қироли Гунтер ва унинг сипохийларини меҳмонга чақириб, уларни ўлдиради. Ривоятда айтилишича Аттила ўз ажали билан ўлган. Бироқ кейинги эпик эртақларда, герман асираси Ильдико акалари учун қасос олиб, Аттилани ўлдиради деб кўрсатилади. Бургундларнинг ҳалокати ҳақидаги эртақ Галлия ва Рейн бўйидаги айрим ерларни ишғол қилган франклар ва уларнинг қаҳрамони Зигфрид ҳақидаги ривоят билан уланиб кетади. Зигфрид ажойиб қаҳрамонлик билан аждоҳони ўлдириб, нибелунгларнинг бой хазинасини қўлга киритади. У бургундлар қироллигига қирол Гунтер қиёфасида келиб, унинг душманига қарши урушларда қатнашади. Қирол Гунтер синглиси Кримхильдани унга беради. Зигфрид ҳам Гунтерга ажойиб

баҳодир қиз Брюнхильдани олишда кўмаклашади. Гунтер қиёфасига кириб курашган киши Зигфрид эканлиги ошкор бўлгандан кейин, ғазабланган Брюнхильда Гунтердан Зигфридни ўлдиришни талаб этади. Зигфрид халокатидан кейин небелунглар хазинаси бургундлар ихтиёрига ўтиб кетади. Очкўз Аттила бургундлар қиролини меҳмонга таклиф қилиб, уларни заҳарлаб ўлдиради ва уларнинг хазинасини эгаллайди. Зигфриднинг хотини Кримхильда аклари учун ўч олиб Аттилани ўлдиради.

Немисча “Небелунглар ҳақида кўшиқ”да (XII аср) тарихий воқеалар янгича тус олади. Кримхильда эри Зигфрид учун ўч олиб ўз акаларини ўлдиради. Бу эса уруғчилик қонунларининг ўрнини оила тартиблари эгаллаётганлигини билдиради.

Британияга кўчиб ўтган герман қабилалари орасида юзага келган инглиз-сакс қаҳрамонлик эпосининг бизгача етиб келган ягона намунаси «Беовульф ҳақидаги поэма»дир. Асар VIII-IX асрлар мабойнида яратилиб, X аср бошларида ёзиб олинган. Поэма 3000 дан ортиқ мисра бўлиб икки қисмдан иборатдир.

Испан қаҳрамонлик эпосининг ажойиб намунаси «Сид ҳақида кўшиқ» 1140 йилларда бунёдга келган бўлиб уни XIX аср бошларида ёзиб олинган. Кўшиқ тадқиқодчилар томонидан уч қисимга бўлинади.

1. «Кувилиш ҳақида кўшиқ» бунда қирол Альфонс билан жанжаллашиб қолган Сиднинг қувилиши тасвирланади.

2. «Тўй ҳақида кўшиқ» Сиднинг Валенсия вилоятини қўлга киритиши ва мустақил ҳоким сифатида иш кўриши тасвирланади.

3. «Қорпес ҳақида кўшиқ» Карион ворисларининг разиллиги тасвирланади.

Рицар адабиёти ўрта асрларда «феодализмнинг маркази бўлган» Францияда вужудга келади ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида шаклланаётган рицарь адабиёти учун намуна хизматини ўтайди. Ўрта асрларда шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ташқи савдонинг ўсиши, Шарққа қилинган салб юришлари жамият маданий ҳаётида ўзгариш ясайди. Шарқ билан бўлган алоқа рицарларнинг маданий савиясини кенгайтиришга таъсир этади. Авваллари сахийлик рицарнинг жанговар курашида кўшимча бир ҳолат эди. XII асрда эса у рицарь адабиётида ифодаланган қаҳрамоннинг асосий хусусиятига айланади. Рицарь фақат мард бўлиши билан кифояланмасдан шу билан бирга куртуазча нозик дидли, кўркем, сезгир ва хушмуомала бўлиши керак, деган талаб ҳам қўйилади. Шунингдек, инсоний ҳис–туйғуларни қадрлаш, аёлларга нозик илтифот, романтик севги кечинмалари мадҳ расм бўлиб қолади. Рицарь поэзиясида ҳақиқий маънодаги севги эмас, балки кўпроқ тор доирадаги кишиларнинг ўйин–эрмаги акс эттирилади. Лекин, шундай бўлса ҳам, нозик инсоний туйғу, турмуш лаззати, гўзалликка интилишни куйлаш ҳаётни реалистик англашнинг дастлабки кўриниши сифатида ижобий ҳодиса эди. Рицарь лирик поэзияси халқ кўшиқлари асосида яратилганлиги учун у мусиқа жўрлигида ижро этилади. Рицарь роман ва повестлари эса қаҳрамонлик эпослари каби кўшиқ тарзида айтилмасдан, балки ўқилади.

Трубадур сўзи провансча–тробар (французча-трувер) – топмоқ, ижод этмоқ деган маънони англатади. Бадиий услуб устида изланиш ҳам шу маънодан келиб чиққан. Бизгача сақланиб келган трубадур лирик кўшиқчиларининг муаллифлари 500 дан ортиқ бўлиб, уларнинг 40 га яқини машҳур кўшиқчилардир. Трубадур кўшиқчилари яратган асосий жанрлар:

**Кансона**–севги кўшиғи бўлиб, унда муҳаббат ва диний мавзу ёритилади. Бу жанрдаги шеърлар нафислиги ва бандларининг мураккаблиги билан ажралиб туради.

**Сирвента**–асосан сиёсий характердаги, қисман шахсий масалаларга бағишланган мунозара йўсиндаги кўшиқдир, шоир унда ўз душманларига қарши ҳужум қилади.

**Тенциона** – севги адабий фалсафий мавзуларда икки шоир ўртасида бўлган шеърый диологдан иборат.

**Альба ёки тонг кўшиғида** рицарь ўз дўстининг кузатуви остида тунда севгани (бироннинг хотини) билан учрашгани бориши куйланади. Тонг ёриша бошлаши билан дўсти «тонг» кўшиғини айтади ва рицарни огоҳлантиради.

**Пасторела**–мавзуси жиҳатидан альба каби алоҳида воқеани акс эттирган лирик кўшиқ бўлиб, кўпинча у суҳбат диологдан ташкил топган кичик пьесани эслатади, унда рицарь билан чўпон қизнинг учрашуви ва улар ўртасидаги мунозара тасвирланади. Кўшиқнинг кириш қисмида рицарь қизни табиат кучоғида учратиб, унга мулозамат қила бошлайди. Қиз рицарнинг сўзларига ишониб унга ўз ихтиёрини топширади, бироқ рицарь уни ташлаб кетади ёки аксинча, қиз рицарга жиддий зарба бериб, уни ҳайдаб юборади.

**Мотам кўшиғи**–биронта обрўли синьор ёки яқин кишининг вафотига шоирнинг қайғусини баён этган шеърдир.

**Трубадурлар лирикасининг** асосий хусусиятларидан бири унда реал ҳаёт турмуш қувончларини акс эттириш эрли аёлга севги муносабатларини куйлашдир. Бундан мақсад аристократик муҳит ва олди-сотди замирида юзага келган эски никоҳ тартиби ва черков кирдикорларини қоралаш ва уларга инсоний эркин ҳис–туйғуларни қарама-қарши қўйишдир.

Трубадур лирикасининг асосий вакиллари:

Трубадурлар лирикаси XII-XIII асрлар мобайнида ривож топади. Унинг энг гуллаган даври 12 асрнинг охирларига тўғри келади. Шу даврда ижод этган йирик трубадурлардан бири Бернард де Вентадорндир (тахминан 1140-1195 йилларда яшаган.). У дастлабки шеърларини ўз синьорининг хотинига, сўнгра Англия қироличаси Элеонорага бағишлади. Бернард бир шеърда хонимга «Мен сизнинг мулкингизман, сиз мени сотишингиз ёки бировга бериб юборишингиз мумкин!» деб хитоб қилади. Бернард де Вентадорнинг бутун поэзияси самимийлик ва севги ҳисси билан суғорилган.

Миннезанг XII -XIII асрлардаги немис рицарь лирикаси миннезанг, яъни «севги кўшиғи» номи билан юритилади. Бу атама XIII асрда немис олимлари томонидан киритилган. Миннезанг трубадур лирикасига яқин бўлса ҳам, лекин ўзига хос хусусиятларга эгадир. Масалан: немис куртуаз шоирлари ўз фикрларини хаёлий ахлоқий масалаларга боғлашга, ҳаётий

масалаларни хаёл доирасига кўчиришга интиладилар. Улардан гедонизм (кайфичоғлик, турмушдан лаззатланиш) анча босиқ ва мўътадил характердадир. Миннезангда абстрактлик, ноаниқликлар бўлишига карамасдан прованс лирикаси каби, у ҳам поэзия жанрининг юксалишига маълум ҳисса қўшади. Унда оддий инсонлар кечинмалари ва табиат тасвири ўзининг очиқ ифодасини топади.

Рицарлик романлари дастлаб Францияда пайдо бўлди. Рицарь романлари мавзу кўламига кўра икки хил шаклда бўлиб улар куйидагилардир: 1)Антик туркум: Бунда антик манбалардан фойдаланиб «Александр хақида роман» номли асар яратилади. 2)Бретон туркум: Фантастика ва ишқий воқеаларга бой бўлган ва қабила тузуми ҳаётини акс эттирган кельт эртаклари ҳам ўрта асрлик романлари учун манба бўлиб хизмат қилади. Кельт эртакларининг кўпи буюк қирол Артур шахсияти билан боғланган.

Мавзу юзасидан луғат: Бардлар - қадимги исланд лирик поэзияси билан шуғулланган ва лирик кўшиқлар ижрочиси. Филидлар – ислад кўшиқчи – хикоячилари деб юритилади. (VII-VIII асрлар.) Эдда - қадимги скандинавия эдда кўшиқлари деб номланган. XIII аср бошларига асосланиб эдда деб номлаганлар. Волуспа - келажак жарчиси демакдир. Реканкиста - душман босиб олган мамлакат ерларини озод этиш ҳаракати. Сид - арабча сайид сўзидан олинган бўлиб жаноб демакдир. Корпес - испанияда қонун чиқарувчи мажлис. Жонглёр - кўшиқчи бахши. (Француз тилидан олинган.)

Феодализм шароитида шакллана бошлаган капиталистик муносабатлар Ғарбий Европада Ренесанс (Уйғониш) ҳаракатига асос бўлди. Маданият тарихида Ренесанс номи билан юритиладиган бу ҳаракат дастлаб Италияда (XIV) ва кўп ўтмай Европанинг қолган мамлакатларида ҳам юзага келади.

Ишлаб чиқариш шакллариининг янги куртаклари–мануфактурага ўтиш, буюк географик кашфиётлар (Американинг топилиши, Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши) ва дунё миқёсида савдо-сотикнинг ривожланиши абсолютизмнинг ғалабаси натижасида феодал тарқоқликка чек қўйилиб, миллий давлатларнинг пайдо бўлиши, буюк деҳқонлар уруши ва халқ кўзғолонлари–булар ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий тушунчада қатор янгиликлар туғдиради.

Италияда санъат мислсиз даражада юксалди, бу юксалиш гўё классик қадим замоннинг шуъласи бўлди ва кейинчалик унга эришиш асло мумкин бўлмади. **Италия, Франция ва Германияда янги, илк ҳозирги замон адабиёти вужудга келади. Шундан сўнг Англия ва Испания ўз классик адабиёти даврини кечиради.**

Уйғониш даврининг муҳим хусусиятлари–инсон шахсини улуғлаш, киши онгини дин сарқитларидан тозалаш, табиат ва жамиятни эса инсон манфаатларига хизмат эттиришда акс этади.

Италия уйғониш даврининг иккинчи йирик вакили Ж.Боккаччо олим ва адиб. У биринчи гуманист бўлиб, унутиб юборилган қадимги қўлёмаларни қидириб топишга киришади. “Декамерон” Боккаччонинг қатта эътиборга молик асари ҳисобланади. У бу асарни 1352-54 йилларда ёзган. Гуманистик

ғоялар ва воқеликни реалистик тасвирловчи “Декамерон” ўрта аср диний аскетизмига қаттиқ ва аёвсиз зарба берган Уйғониш даврининг биринчи йирик асаридир.

Илоҳий комедиянинг 4 маъноси: Айнан маъноси–инсонларнинг нариги дунёдаги тақдири; мажозий маъноси–бу дунёда қилган ишига яраша жазо ёки роҳат топиши; ахлоқий маъноси–инсонни ёмон йўлдан қайтариш ва яхшиликка бошлаш; яширин маъноси–Беатричега бўлган муҳаббатнинг шундай асар яратишга илҳомлантирган фароғат кучини куйлашдир.

Француз Уйғониш даври адабиётининг йирик вакили улуғ гуманист ёзувчи Франсуа Рабле «Гаргантюа ва Пантагрюэл» беш китобдан иборат бўлиб, уни яратишга ёзувчи 20 йилдан ошиқроқ вақт сарф этади: а) «Пантагрюэлнинг отаси улуғ Гаргантюонинг ғоят ваҳимали ҳаёти ҳақида» 1534 й нашр этилган; б) «Олийжаноб Пантагрюэлнинг қахрамонона ҳаракатлари ва қимматли гаплари ҳақида учинчи китоб» 1546 йил Парижда энди Ф.Рабле номи билан босилиб чиқди; в) «Жасур Пантагрюэлнинг қахрамонона ҳаракатлари ва қимматли гаплари ҳақида тўртинчи китоб» 1552 йилда; Рабленинг сўнгги китобидан парча («Овоз чиқарувчи орол») ёзувчи вафотидан 9 йил ўтгач, 1562 йилда пайдо бўлди. 1564 йилдагина; г) «Олийжаноб Пантагрюэлнинг қахрамонона ҳаракатлари ва қимматли фикрлари ҳақида бешинчи китоб, яъни сўнгги китоб» нашр этилди.

**Мигель де Сервантес, унинг «Дон Кихот» романининг** яратилиши испан маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлади.

Испан Уйғониш даври реалистик театрининг юқори поғонага кўтариши драматург Лопе де Вега ижоди билан боғлиқдир.

Пьер Корнель – XVII аср француз драматурги. Унинг «Сид» трагедияси ўз давридаги ижтимоий қарама-қаршиликларнинг реалистик тасвирлаши. Сид образи ватан учун хизмат қилувчи. Корнелнинг бу асарда эркинлик ва демократик ғояларни ҳимоя қилиши, феодал урф одатларни танқид қилиши. «Сид» атрофидаги кураш ва унинг ғоявий-сиёсий мақсади.

Мольер – француз миллий театрининг асосчиси. Мольер – француз классик комедиясини яратувчи. Комедияларидаги реализм. Комедияларида оила, никоҳ масалаларини кўтариб чиқиши («Эрлар учун сабоқ», «Аёллар учун сабоқ») Мольер дунёқарашидаги халқчиллик. Мольернинг XVII аср Франциядаги сиёсий кучларни танқид қилувчи асарлари. «Тартюф»да христиан дини ва черковнинг танқид қилиниши. Пьесанинг сатирик кучи. «Дон-Жуан»да ахлоқсизлик ва ўзбошимчаликнинг фош этилиши.

Лафонтен – XVII аср француз масалчи шоири. Лафонтен ижодидаги черков ва аристократик хулқ-атвор танқид қилинган шеърининг эртаклари. Лафонтен масаллари, улардаги халқчиллик ғояси, ҳаққонийлик ва реалистик тасвир. Унинг «Дуб ва қамиш» масалида мағрурлик масҳара қилинган ва сарой текинхўрларини қоралаган.

Барокко ёзувчиларининг тилида оддий иборалар йўқолиб, ундаги тасвир нозик ва бежирим тусга киради. Улар ижодида вазмин табиатли қахрамонлар гавдаланади, узоқ эгзотик мамлакатларга қизиқиш кучаяди. Адабиётдаги бундай аристократик услуб Италияда «маринизм», Испанияда

«гангоризм», Францияда «прециоз» деб аталадиган оқимларда очик кўринади. Бинобарин, барокко хаста хис–туйғуларин ифодаловчи чириб бораётган дворян–аристократия синфининг адабий услубидир.

Классицизм XVII асрнинг биринчи ярмида Францияда келиб чиққан адбий оқимдир. Классицизм ёзувчилари абсолют ҳокимият мамлакат миллий бирлиги манфаатларига мос келади, деб уни мустаҳкамлаш ғоясини куйлайдилар.

Классицизм назарияси бўйича, бутун адабий жанрлар «юксак» (трагедия, эпос, қасида) ва «тубан» (комедия, сатира, эпиграмма) турларга бўлинади.

«Топилаган жаннат» (1666 й.) тўрт китобдан иборат бўлиб, поэмада шайтон билан Исус ўртасидаги кураш акс эттирилган христиан афсонаси хикоя қилинади.»Йўқотилган жаннат» поэмасида гуноҳ қилиш тасвирланса, Топилган жаннат» асарида эса гуноҳни ювиш тасвирланади.

«Самсон-курашчи» (1667 й.) асарида Мильтон Дон Жуан Мольернинг классицизм қодалари қобиғини ёриб чиқиб яратган том маънодаги йирик реалистик асаридир.

Хуллас, XVII аср Ғарбий Европа адбиёти ўз даври ҳаётининг турли-туман манзарасини гавдалантирган Мильтон, Корнель, Рассин, Мольер, Лопе де Вега ва Кальдерон каби йирик ёзувчиларни етиштиради, Прециоз адабиёти – нафис, нозик адабиёт: аристократик адабиётдаги барокко оқимининг бир тури.

Барокко – ўрта аср маданияти тушкунлиги натижасида келиб чиққан, абсолютизм кучайиб бораётган даврда феодал – католик реакцияси таъсирини акс эттирган адабий йўналиш ҳисобланади. Унинг ёрқин ифодачиси драматург Кальдерондир.

Культеранизм – танланганлар нозик дидли маданиятли кишилар учун ёзилган асарлар, Бу адабиётнинг асосий вакили сифатида Испан аристократ шоири Гангора (1561-1627 й.)дир.

Европа Уйғониш ҳаракатининг илк ватани – Италияда капиталистик саноатнинг дастлабки шакли - мануфактура юзага келади. Мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида савдо-сотик тез суръатлар билан ривожланади. Венеция ва Генуя савдо билан машхур бўлган бир вақтда Флоренция саноат ва банк ишлари билан шуҳрат қозонади. Бу ерда жун ва ипакчилик саноати авж олади. Ишчилар бир корхонага бирлаштирилади ва уларни эксплуатация қилиш кучаяди. Бинобарин, бу давр дастлабки капитал тўплаш даври эди. Италияда шаҳар-республика тартибларининг ғалаба қилиши, ҳунармандчиликнинг ва савдо-сотикнинг тез ривожланиши Ренессанс ҳаракатининг ҳаммадан олдин шу мамлакатда юзага келишига замин ҳозирлади.

Ренессанснинг алоҳида белгилари Данте ижодида намоён бўлса ҳам, лекин Уйғониш даври тўла маънода XIV асрнинг иккинчи чорагидан бошланади ва XVII асргача давом этади.

Италияда уйғониш ҳаракати авж олаётган XIV асрда бой табақалар ҳамда эзилган камбағал гуруҳлар ўртасида синфий кураш кескинлашиб кетади. Халқнинг революцион чиқишларидан қўрқувга тушган буржуазия баъзи шаҳарларда республика тартибини емириб, монархия тузумини ўрнатади. Шундай бўлса ҳам мамлакатнинг маданий ҳаёти

шаҳар коммуналари билан ҳали кўп жиҳатдан алоқада эди. Бу нарса дастлабки Ренессанс ҳаракатига демократик руҳ бағишлайди.

Лекин шаҳарларда революцион ҳаракатнинг бостирилиши, эркин коммуналар ўрнига монархия тартиби - «тирания»нинг ўрнатилиши XV аср гуманистик адабиётида бир канча ўзгаришларга сабаб бўлди. Кўп гуманистлар халқ ҳаётидан йироқлашиб, антик адабиёт намуналари ва ундаги образларга кўр-кўрона эргашадилар. Жонли итальян тилида эмас, латин тилида ижод қилишга мойиллик кучаяди. Шуларга қарамай, аристократия қобиғига ўралиб қолган XV аср гуманизмида ижобий хусусиятлар ҳам мавжуд эди, Ўрта аср тартиблари ва диний жаҳолатик қоралаш, феодал урф-одатларидан холи бўлган шахс фаолиятининг равнаки учун курашни қуйлаш мана шундай хусусиятлардан бири эди.

Уйғониш давридаги Италия ёзувчилари антик маданият ёдгорликлари билан танишишга киришган биринчи босқичда латин тилидаги асарларни ўрғанадилар. Грек ёзувчиларининг китоблари билан танишиш эса иккинчи босқичдан бошланади. 1453 йилда турклар машҳур шаҳар Константинополни босиб олгач, Византия империяси емирилади, унинг маданий ёдгорликларига ҳам катта зарар етади, санъат ва адабиёт аҳли қувғин қилинади. Жуда кўп олимлар Италиядан бош-пана топадилар. Муҳожирлар грек тилидан дарс берадилар. Бу тилни билиб олган итальян гуманист олимлари грек ёзувчиларининг асарларини асл нусха ҳолида ўрғана бошлайдилар. Бу маданий алоқа итальян адабиётининг бундан сўнгги ривожига катта таъсир кўрсатади. Чунки гуманистлар христиан дини ақидаларидан холи ва ҳаётий масалалар билан чамбарчас боғлиқ бўлган антик дунё фалсафаси, адабиёти ва санъатида демократик руҳдаги ижтимоий тузумни кўрадилар. Булар черковга қарши курашда гуманистлар қўлида кучли кураш қуроли бўлади. Бироқ антик адабиётни ўрганишда икки хил муносабат мавжуд эди. Биринчи тоифа кишилари унга шундай берилиб кетган эдиларки, улар хатто ўз миллий тилларини ҳам унутиб қўядилар. Бундай муносабат формал характерда бўлиб, антик маданият моҳиятини тушуниб етмасликка олиб келар эди. Иккинчи тоифадаги гуманистлар антик маданият намуналарини ўзлаштириб, ундан емирилиб бораётган феодал-черков ахлоқини фаш этишда фойдаланадилар ва ўз даври талабига мувофиқ гуманистик негизга асосланган янги ахлоқни яратишга интиладилар. Бу тоифа ичидан Полициана, Макиавелли, Ариосто каби ўз даврининг кўзга кўринган ёзувчилари етишиб чикди.

Италийн Ренессанси Европанинг бошқа мамлакатларидаги ижтимоий ҳаракатга ҳам катта таъсир кўрсатади. Француз, немис ва испан гуманистлари антик маданий меросни бевосита ўрганишлари билан бир қаторда, уни итальян мутафаккирларининг асарларини ўқиш орқали ҳам ўзлаштирадилар.

Уйғониш ҳаракати эски тарбия системасига ҳам катта ўзгаришлар киритди. Ўрта аср тартибларига бўйсундирилган ўқитиш усули барча фанларни илоҳиёт илмига тобе қилиб қўяр эди. Шунга биноан эски мактаб аскетик қарашлар - догматизм ва схоластикага асосланиб, кишини нуқсонлар билан қопланган гуноҳкор банда деб кўрсатар эди. Инсон табиатининг поклигига ишонган гуманистлар ўрта аср педагогикаси ва ўқитиш усулини қоралаб, инсонга ҳар томонлама етук ва эркин тарбия бериш керак, деган фикрни илгари сурадилар.

Гуманистлар мактабда тарбия ишларини қайта қуриш билан бирга олий таълимни ҳам ислоҳ қилишга киришадилар. Бошқа мамлакатлардан анча олдин Италия шаҳарларида олий юридик мактабларнинг пайдо бўлиши диққатга сазовордир. XII асрда машҳур Болонья университети ташкил этилади. Унинг юристлари Рим ҳуқуқшунослигини ўрганиб, уни Ғарбнинг яққою яғона қонуни деб эътироф қиладилар. Рим қонуншунослиги ҳақидаги бу қарашлар Уйғониш даврини тайёрлашда муҳим омиллардан бири бўлган эди.

Мамлакат маданий ҳаётида мисли кўрилмаган янгиликлар юз бера бошлайди. XIII-XVI асрлар мобайнида Италия шаҳарларида 22 университет очилади; уларда илоҳиёт илми эмас, балки ҳуқуқшунослик, медицина фанлари ўргатилади. Антиқ тарих, адабиёт ва санъатни ўрганиш дунёвий фанларнинг ривожига, шубҳасиз, жиддий таъсир кўрсатади. Бу

Ўзгаришлар XV-XVI асрларда буюк географик кашфиётларни келтириб чиқаради. Математика, физика, астрономия фанлари соҳасида эришилган қатор ютуқлар Уйғониш даврида фақат гуманитар билимлар эмас, балки табиёт фанларининг ҳам ривожланганлигидан дарак беради.

Уйғониш даврида италия тасвирий санъатида ҳам жиддий бурилиш содир бўлади. Шаҳарларнинг тараққий этиши натижасида архитектура, ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъати, бадий адабиёт камол топади. Италиян гуманист ёзувчилари клерикал руҳдаги адабиётдан фойдалашиб, диний сюжетларни реал воқелик билан боғлашга интиладилар. Янги тематикага мурожаат этиш бадий тасвир усуллари хам ўзгартиради. Бу ҳол, шубҳасиз, ўрта аср адабиётидаги аллегоризмдан реализмга қараб йўл очади. Гарчи янги замоннинг биринчи шоири Данте ижодида ҳали символистик тасвирлар мавжуд бўлса ҳам, лекин у аста-секин камайиб боради. Дастлабки гуманистлар - Петрарка ва Боккаччо асарларида мавҳум символик иборалар иккинчи ўринга қўйилиб, реализм эса биринчи ўринга чиқарилади, воқеликни типик равишда, характерли деталлар билан акс эттиришга киришилади.

Уйғониш даври адабиётида табиат манзарасини тасвирлаш ҳам янги маъно касб этади. Бундай манзара Данте ижодидаги сингари шоирнинг руҳий ҳолатини символлаштирмайди, балки ўзининг чексиз гўзаллиги билан инсон ҳис-туйғусини кўзғатувчи ва унга ором берувчи манбага айланади.

Уйғониш даври ёзувчилари ижодида инсон ва уни ўраб олган муҳит, кишининг чексиз имкониятлари ва кизгин эхтиросларини атрофлича акс эттириш муҳим ўрин тутади. Инсоннинг ҳис-туйғулари янги шароитда ўрта аср аскетик ҳаётига қарши кучли исён кўтаради. Петрарканинг сонетлари, турмуш қувончлари билан тўла Боккаччо хикоялари шундай руҳ билан суғорилган асарлардандир.

Уйғониш даври реализмининг ижобий қаҳрамонлари характерида беқиёс жасорат ва мардлик мужассамланади. Шаҳс эркини ҳимоя қилган йирик гуманистлар ўз куч-қудратига, ҳақ ишнинг тантана қилишига ишонган, адолат учун курашувчи, қалби пок олижаноб образларни яратиш орқали Уйғониш даврининг ҳаётбахш руҳини ҳам акс эттирадилар.

**Испанияда уйғониш даври адабиёти.** XV асрнинг иккинчи ярмидан Испанияда абсолют ҳокимият ташкил топа бошлади. Бу даврга келганда мамлакат ерларини қайта қўлга киритиш ҳаракати - реконкиста асосан тугалланади. Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби, Испанияда ва ўша вақтда унга қарам Португалияда ҳам савдо-саноат ривожланиб, капиталистик муносабатлар туғилади. Гуманистик дунёқарашнинг шакллана бориши билан феодал жамияти ва унинг урф-одатларига қарши кураш кучаяди. Лекин Испания вилоятларида буржуа муносабатларининг секинлик билан ўсиши, ҳар бир ўлканинг ўз қонун-қоидалари бўлиши ва, шунингдек, реконкистанинг узокқа. чўзилганлиги сабабли абсолютизм бутун мамлакатни бир миллий давлат теварагига бирлаштира олмайди. Қироллик ҳукумати шаҳарлар билан иттифок тузиб, феодал тарқоклигига чек қўя олмайди.

XV асрда Европанинг бошқа мамлакатларида йирик монархиядан иборат давлатлар пайдо бўлиб, улар «маданийлаштирувчи марказ» сифатида хизмат қилган бир вақтда Испанияда бундай марказлашган ҳокимият хали йўқ эди. Феодал аристократия ўзининг ярамас одатларини сақлагани ҳолда инқирозга учрайди. Шаҳарлар эса янги замонга хос маъно касб этмасдан, ўзларининг ўрта аср куч-қудратларини йўқотадилар.

Савдо-саноат ишларида ҳам тушкунлик рўй беради. Америкадан келтирилган олтин мамлакатнинг хўжалигини издан чиқаради. Четдан мол сотиб олиш фойдалироқ бўлиб чиқади. Оқибатда, деҳқонлар хонавайрон бўлади. Мустамлака халқларини талаш ва эзиш кучаяди, моддий бойлик ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари қисқариб кетади. Олтин запаси тугагач, хўжалик ҳаётида яна оғир вазият юзага келади. Абсолютизм мамлакатда иқтисодий кучнинг ўсиши ва буржуа муносабатларининг ривожланишига тўсиқ бўлиб қолади, натижада ягона миллий давлат ўрнатилмайди. Испанияда мутлақ ҳокимият

Европа монархиясига ташкаридан қараганда ўхшаса ҳам, лекин у шарқий деспотизми билан «осиёча идора қилиш формаларига киритилиши керак», деб кўрсатган эди Маркс. Зулмга қарши бош кўтариб чиққан халқ ҳаракатини бостириш учун абсолютизм ҳарбий-полиция тартибларини ўрнатади. Испан монархияси Европа феодал реакциясининг таянчи эди. Католик черкови эса халқни кулликда сақлаш учун қирол ҳукуматига ёрдам беради. Озодликка бўлган ҳар қандай интилиш тақиқланиб, жуда кўп гуноҳсиз кишилар инквизиция жазосига дучор бўлади. Маркс кўрсатиб ўтганидек, черков абсолютизмнинг энг даҳшатли куралига айланади.

XVI асрнинг иккинчи ярмида, Филипп II (1556-1598) ҳукмронлик қилган даврда, мустабид ҳокимият сиёсий ва иқтисодий тушкунликка учрайди. Нидерландия қўлдан кетади. Англияни босиб олиш учун юборилган Испаниянинг «Енгилмас Армада» флоти тор-мор этилади (1588), мамлакатда феодал-католик зулми кучаяди. Илгари Испаниядан яҳудийлар қувилган бўлса (1492), энди ўтrockлашиб қолган маврлар ҳайдалади (1609). Бу воқеалар мамлакат хўжалигига, сўзсиз, салбий таъсир кўрсатади.

XVII аср ўрталарига келиб Испания ўзининг илгариги қудратидан маҳрум бўлади, кейинчалик у мустамлакаларидан ажралиб, кучсиз давлатга айланиб қолади. XVI-XVII асрлар мобайнида давом этган деҳқон кўзғолонлари эса абсолютизм кризисини яна ҳам чуқурлаштириб юборади.

Испан Уйғониш даври адабиёти XV-XVI асрларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, мамлакат тарихий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари билан боглик равишда шаклланиб, унда илғор гуманистик ғоялар тарғиб қилинади.

Бу адабиётнинг дастлабки этапи (XV аср охири, XVI асрнинг биринчи ярми)даги йирик шоирлардан бири Фернандо де Эррерадир (1534-1597).

Бу даврда лирика жанрига нисбатан эпик поэзия кенг кўламда ривожланади. Тарихий, таълимий-дидактик, афсонавий, диний ва бошқа турдаги поэмалар юзага келади. Чунончи, Эрсилья (1533-1594) нинг катта эпопеяси «Араукана»да ҳинд-араукан қабиласидан бўлган чилийларнинг испан ҳукмронлигига қарши кўтарган кўзғолонлари тасвирланади. Асарда қабилла қаҳрамони Каупаликаннинг мардона кураши, аёлларнинг севги саргузаштлари тасвирланади. Поэма ўша давр Испания учун характерли кайфият - янги мустамлакаларни босиб олиш, маҳаллий халққа «маърифат» тарқатиш каби интилишларни акс эттиради.

XVI асрда яшаган йирик португал ёзувчиси Луис де Камоэнс (1524/25-1580) ижодида давр руҳи муваффақиятли гавдаланади. Камоэнс бир неча комедия, бир қатор шеър, шу жумладан бахтсиз севгини ифодалаган 350 дан ортиқ сонет ёзади. Лекин у, асосан «Лузиада» поэмаси билан машҳур. Асар Васко де Гаманинг Африка орқали Ҳиндистонга йўл топиши ва португалларнинг бу мамлакатга кириб боришини тасвирлайди. Шоир жамиятдаги нуқсонларни, сарой ахлининг мунофиқлигини ва ҳукмронларнинг оғир солиқлар солиб халқни эзаётганлигини аямай фош этади. Поэмада синфий қарама-қаршиликлар, рицарь саргузаштлари, колонияларни босиб олишга интилиш каби даврнинг характерли хусусиятлари акс эттирилади. Асарнинг ахамияти шундаки, у инсоннинг табиатни ўрғанишга қаратилган фаолияти ва уринишларини қизиқарли қилиб тасвирлаш билан бирга, поэзияда реалистик услубнинг ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатди.

Эрсилья ва Камоэнс ижодларига Гомер, Вергилий каби шоирларнинг таъсири бор эди. Бу таъсир уларнинг поэмаларида реалистик эпизодлар билан бирликда фантастикага берилишда кўзга ташланади.

**Рицарлик романи.** XVI аср испан адабиётида лирик ва эпик поэзияга қараганда ромакчилик кенг ривожланади. Инсон истак-орзулари, иродаси ва курашининг яна ҳам тўлароқ акс эттирилиши билан бу жанр алоҳида ўрин тутаяди. Бу даврда романининг хиллари кўп бўлиб, улардан бири рицарлик романи эди. Бу турдаги романларда рицарь саргузаштлари ифодаланган поэма сюжетлари қайта ишланди, давр руҳига мосланди, шунингдек, уларда ҳарбий қаҳрамонликлар тасвирланди.

Феодал-аристократик дунёқарашни ифодалаган ва ўрта асрларда кенг тарқалган рицарь романларидан энг машҳури «Амадис Гальский»дир. Бу романда Амадиснинг сирли туғилиши, уни онаси қутига ўтказиб, сувга ташлаб юбориши, бир рицарнинг қутини ушлаб олиб, болани тарбия қилиши, вояга етган Амадиснинг Британия қиролининг кизи Орианага севгиси, севгилисига эришиш йўлида кўрсатган қахрамонликлари тасвирланади. Амадис жуда кўп машаққатларни бошидан кечириб, дунёни кезиб чиқади, Рим императорини енгади, Константинополга бостириб киради. Пировардида, қахрамонлик билан ўз муҳаббатини исботлаб Орианага уйланади.

Амадис ҳақидаги бу асар беаъни рицарь саргузаштларини кўрсатса ҳам, лекин унда юксак бадиий кимматли эпизодлар ҳам йўқ эмас. Сервантес «Дон Кихот» романида рицарь романларини қаттиқ қоралайди. Лекин «Амадис»ни рицарь романларидан энг яхшиси, деб баҳолайди.

**Айёрлик романи.** XVI аср охирида ривожланган ва демократик характер касб этган «Айёрлик» романида оддий турмуш манзаралари тасвирланади ва шунинг учун ҳам, у аристократик табакаларнинг дидини акс эттирган рицарлик ва пасторал (чўпонлик) романларидан тубдан фарк қилади. Фернандо де Рохаснинг диалог шаклида ёзилган «Селестина» (XV аср охири) асари шу типдаги романнинг дастлабки намунаси ҳисобланади. Бунда икки севишган ёш - Калисто билан Мелибеянинг фожиали севгиси хикоя қилинади. Ёзувчи испан адабиётида биринчи бўлиб идеаллаштирилмаган севгини, ёшлар мухитини реалистик бўёқларда тасвирлайди. Севишганлар ўртасида турган воситачи Селестина ва у билан ўлжа талашган ёрдамчилари қилмишларининг тасвири характерли. XVI аср ўрталарида мамлакатда қашшоқликнинг авж олиши, енгил ҳаёт кечиришга интилиш ҳар хил авантюрага берилишларни кучайтириб юборади. Катта-кичик товламачилар, юлғичлар, ўғрилар пикаро (айёр, фирибгар) деб аталар эди. Бу ҳақидаги асарларнинг «Айёрлик» романи деб аталиши ҳам шу билан изоҳланади. Одатда, бу типдаги асарларда болалик вақтида уйдан кочиб кетган ёки ота-онасининг қашшоқлиги натижасида кўчага ҳайдалган «айёр» нинг таржимаи ҳолидан баён этилади. Тирикчилик ўтказиш мақсадида айёрнинг қилмаган иши қолмайди. У бир хўжайин кўлидан иккинчисига ўтиб туради. Турмушнинг аччиқ-чучугини тотиб, катта тажриба орттирган «айёр» ўзининг ҳаёт йўли ҳақида «Хотиралар» ёзишга киришади.

Қахрамон саргузашти орқали ижтимоий мухитни акс эттириш ўша давр испан ҳаётининг сатира остига олинишига йўл очади. Адолатсизликка асосланган ижтимоий тузум камбағалларни қашшоқлик гирдобига тортади, мунофиқлик ва айёрликка замин ҳозирлайди. Роман қахрамонлари инсоний қиёфасини йўқотиш эвазига «муваффақият»га эришадилар. Айёрлик романлари феодал абсолютизмга қарши демократик руҳни ифодалаши, реалистик тасвирнинг чуқурлиги билан шу давр испан адабиётининг юқори чўққиларидан бирини эгаллайди. XVI аср ўрталарида яратилган бу жанрнинг дастлабки намунаси «Тормеслик Ласорильо» ҳажм жиқатидан кичик бўлса ҳам, лекин сатирик жиҳатдан кучлилиги билан Эразм Роттердамскийнинг «Нодонликнинг мақтови»га тенглашиб боради.

«Тормеслик Ласорильо» романида камбағал бева онасидан ажралиб, мустақил ҳаёт кечиришга киришган саккиз яшар боланинг саргузаштлари берилади. Бола кўр гадойга етакчилик қилади, бироқ унга тушган садақага шерик бўлгиси келмайди. Тирикчилик ўтказиш учун у турли хийла-найранглар ишлатади. Хасис руҳоний кўлида хизмат этган ва оч қолиб, унинг нонини ўғирлаган Ласорильо қаттиқ қалтакланиб ҳайдаб юборилади. Сўнгра у бир рицарниқидан юради, бироқ бу хўжайин ўз хизматкоридан ҳам ночор яшайди. Яна кўп кишилар эшигида дастёрлик қилса ҳам, Ласорильонинг аҳволи яхшиланмайди. У полиция приставига ёрдамчи бўлиб хизматга киргандан кейингина, хўжайиннинг қонунсиз даромадларидан бир қисмини эгаллаб, уй-жой ва бойлик орттиради.

Франциско Гомес де Кеведо (1580-1645) ижодида «Айёрлик» романи юқори босқичга кўтарилади. Аристократ мухитидан чиққан Кеведо бир қанча юқори мансабларда ишлаганлигига карамай, ҳукмрон доираларнинг адолатсизлигини, халққа.

қилаётган зулмини танқид қилади. Шунинг учун ҳам Кеведо таъкиб остига олинади ва камалади. Бу нарса унинг соғлиғига ёмон таъсир этади. Кеведо «Сеговиялик дон Паблос деб аталувчи қаллобнинг ҳаёт тарихи» (1626) сатирик китобида дворянлар ахлокининг бузилганлиги, рухонийларнинг мунофиқлиги, қироллик ҳукуматининг ярамасликларини ҳажвий йўсинда акс эттиради. У фақат роман эмас, памфлет, поэма, сонет ва романслар ҳам ёзади.

Кеведо сатирик - памфлетчи сифатида халқ конини сўриб юрган иезуитлар, очкўз чиновниклар, текинхўр савдогарлар, олғир буржуа гуруҳларини қаттиқ қоралайди. «Синьор Динеро» («Жаноб Ақча») шеърисида шоир олтиннинг даҳшатли қудратини, у орқали одамларнинг кул қилинишини очиб ташлайди. «Ҳамма нарса ва яна бошқа кўп нарсалар ҳақида китоб»ида эски урф-одатлар, мунажжимлар, педантизм, иккиюзламачилик ва товламачиликларни аямай фош этади. «Видение»лар цикли («Остин-устин дунё», «Даҳшатли суд видениеси», «Дўзах видениеси»)да Кеведо ҳар қандай мансабдор ва рухоний ҳам ҳаёти дор остида тугайдиган ўғри ва босқинчининг худди ўзи, бу дунё азоблари дўзах даҳшатларидан енгил эмас, дейди.

**ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ (1265-1321)** - ўрта асрлар охири ва Уйғониш даврининг боши - икки давр оралиғида яшаб ўтган улуғ итальян адиби. Шоир 37 ёшга тўлганда бошига кулфат ёғилади. Папа партияси давлат тепасига чиққандан сўнг шоирни биринчилар қатори Флоренциядан қувғин қилади. Шундан сўнг қолган умри Верона, Мантуя, Париле, Луки, Равенна шаҳарларида ниҳоятда оғир ҳаёт гирдобиди ўтади.

Шоирлар ҳамма замонларда ҳам севги-муҳаббатни улуғлаб келган. Севган ёрининг тавсифини келтириб, унга ҳеч гўзалнинг тенг келмаслигини таърифлашган. Бу ёруғ оламда ёлғиз ўзи ва соҳибжамолигина садоқатли деб билишган. Гўзалнинг жамоли, назокати, хусни-таровати, қадди-қомати ҳақида дostonлар битишган. Данте соҳибжамол Беатричени севиб қолади. Унга атаб шеърлар битганида 17-18 ёшларда эди. Кейинчалик бу шеърларни «Янги ҳаёт» тўпламига жамлайди.

Шоирнинг кейинги асарлари «Зиёфат», «Халқ нутқи ҳақида» (1305), «Монархия ҳақида» (1313) асарларидир. Бу трактат, хикоя ва рисоаларида у дин, тил, сиёсий воқеалар, салтанатга дахлдор фалсафий фикрларини баён этади.

«Илоҳий комедия»сида ёзувчи «Нариги дунёни»ни уч қисм -«Дўзах», «Ароф» ва «Жаннат»га бўлган. Асарнинг ҳар бир қисми 33 кўшиқдан тузилган бўлиб, кириш қисми бир кўшиқ, ҳаммаси бўлиб 100 кўшиқдан иборат.

«Дўзах» воронка шаклида ўйиб туширилган жой бўлиб, унда 9 поғонали чуқурлик мавжуд. Гуноҳкорлар шу поғонали чуқурларда азоб чекадилар. Пастки поғонага тушган сари жон қаттиқроқ азобланади. Данте ўзининг сиёсий мухолифларини дўзахга ташлайди, айниқса, христиан дини рухонийларини қаттиқ қоралаб, дўзахнинг сўнгги поғоналарига кўяди. «Ароф» ер куррасига қарама-қарши жойлашган. Ер билан уни катта океан ажратиб туради. Океан ўртасидаги оролда баланд тоғ бор. Тоғ етти поғонали бўлиб, улардан ўтиб бораётганда айбдорнинг биттадан гуноҳи ювилади. 7 поғонадан қутулганда 7 гуноҳ (мағрурлик, ичиқоралик, ғазаб, умидсизланиш, таъмагирлик, мечкайлик, бузғунчилик) йўқолиб, жаннатга чиқади. «Жаннат» 9 қаватга бўлинади, жон қанчалик юқори поғонага кўтарилса, у худонинг марҳаматига шунчалик кўп муяссар бўлади.

Данте ўз хато ва камчиликларини бўйнига олган танти шоир эди. У ўзини дўзахга муносиб деб билади. Дўзахнинг биринчи поғонасида Гомер, Гораций, Овидий каби улуғ шоирларни учратади, улар қаторига ўзини ҳам шу даргоҳга лойиқ деб ҳисоблайди. Дўзахнинг биринчи поғонасида бўлса-да, бу улуғларнинг гуноҳи унчалик кўп эмас.

Дўзахнинг иккинчи поғонасида бузуқлар, шахвоний ҳирсга берилганлар туради. Булар анчагина, шоир уларнинг айримларини танийди: Вавилон маликаси Семирамида, карфагенлик малика Дидона, Миср маликаси Клеопатра, Спарта гўзали Елена ва бошқалардир. Шоир оддий кишиларни эмас, бой-бадавлат хонадонларга мансуб гўзалларни кескин танқид қилади. Шоир ҳар поғонадаги бузуқликлар ва бу йўлдаги

хийла-найранглар ҳақида қизиқарли хикоятлар келтиради. Иккинчи поғонадаги Павло билан Франческо де Риммин ҳақидаги ривоят жуда қизиқарлидир.

Шоир дўзахнинг учинчи қаватида мечкайларга дуч келади. Фақат ўзининг қорнини ўйлайдиган, еб-ичишдан ўзини сақлай олмаганлардан нафратланади. Бундайлар учун қорнини тўйғазишдан ўзга буюк бахт йўқ. Келажак ҳам, тақдир ҳам, ҳаёт ҳам, эзгу ният ҳам еб-ичишдир. Албатта, бундайлар дўзахга муносиб.

Шоир тўртинчи поғонада хасисларга дуч келади. Булар папа ва унинг хомийлари. Халқдан беҳисоб бойлик тўплайдию, одамларни хайр-эҳсонга чакирадилару, ўзлари эса ҳеч кимга мурувват кўрсатмайдилар. Одамларни тежамкорликка чакирадилару, ўзлари исрофгарчиликка йўл кўйишади.

Дўзахнинг бешинчи поғонасида баджаҳллар туради. Уларнинг айримлари жаҳл орқасида ўзларини тутолмай, оғир гуноҳ -жиноятга қўл урган бўлсалар, бир тўда шоҳлар фуқароларни кўрқитиб, уларни янада қаттиқ тобе қилиб олиш учун ўзларини атайлаб жаҳлдор қилиб кўрсатганлар.

Дўзахнинг еттинчи қаватида шоир ўз қонларига беланиб ётган одамларни кўриб, янада даҳшатга тушади. Булар зўравонликни, босқинчиликни, қотилликни ўзлари учун амал қилиб олган қонхўрлардир. Уларнинг тириклигида ҳам кўзлари қонга тўлиб юрарди. Беҳисоб қотилликлар орқасидан катта бойлик орттириб, роҳат-фароғатда яшаган бўлсалар-да, энди дўзах азобини тортмоқда.

Дўзахнинг саккизинчи қаватида тўхтовсиз олов ичида ёниб-куйиб ётган, азобдаги одамларга кўзи тушади. Булар ёлгон гапирувчилар, алдов йўли билан кун кечирган фирибгарлар, ўзининг виждонини сотган қаллоблар. Ногаҳон шоирнинг кўзи Папа Николай III га тушиб қолади. У аланганинг қоқ ўртасида азоб чекарди. Шоир ўтда ёнаётганлар ичида ўз мансабини суиистеъмол қилганларни, иккиюзламачиларни, порахўрларни, жиззакиларни кўради. Папа Бонифасий VIII ҳам ҳадемай шу даргоҳга келиб, ўт ичида қовурилишини башорат қилади.

Дўзахнинг 9-қаватидагилар муз устида азобланади. Шоир муз совуғига чидай олмай бир-бирини ғажиб, очликда азоб тортаётган хоинлар ичидан икки кишини кўриб қолади. Ўз фарзандларига ҳам хоинлик қилишдан тоймаган бу аблаҳларни шоир энг даҳшатли кийноқларга сазовор деб ўйлайди.

Асарнинг иккинчи қисмида шоир «Авроф» бўйлаб саёҳатга чиқади. Бу ердагиларнинг гуноҳи унчалик оғир бўлмай, ҳадемай улар гуноҳларидан халос бўлиб жаннатга ўтадилар. Шу маҳал Дантенинг ёнгинасида Беатриче пайдо бўлиб, сеvimли шоирни Жаннатга олиб киради. Ошиқ билан Маъшуқа Жаннатда дилларига яқин олижаноб инсонларни кўради. Бу ерда Италиянинг Янги императори Генрих VII га алоҳида жой ажратилган.

Шоир ўз ватанига қайтиш ниятида императорни ҳар қанча улуғламасин, уни шарафлаб жаннатнинг тўрига кўйишга уринмасин бефойда эди.

Унинг ўз юртига келиш орзуси амалга ошмайди. Унинг барча илтижолари эътиборсиз қолади.

#### 4-маъруза

### ФРАНЦИЯ ВА АНГЛИЯДА УЙҒОНИШ ДАВРИ АДАБИЁТИ. У.ШЕКСПИР ИЖОДИ

Режа:

1. Европа ва Францияда уйғониш даври адабиётига бир назар.
2. Данте, Петрарка, Боккаччо асарларининг француз тилига таржимаси.
3. Даствлабки гуманистлар
4. Депенъе ижоди.
5. Европа ва Англияда уйғониш даври адабиёти.
6. Уйғониш даврининг даствлабки босқичи.
7. Вильям Шекспир ижоди.

## 8. Шекспир асарларининг таржимаси ва театр.

**Таянч тушунчалар:** *Фарб, Шарқ, Европа, Осиё, Америка қитъаси, Евроосиё, адабий тур (эпос, драма, лирика), трагедия, комедия, таржима, театр, адабий таъсир, адабий ўхшашлик, адабий синтез, Европа, Шарқ, Фарб, уйғониш (ренессанс), романтизм, гуманизм, ижтимоий тузум (формация), дастлабки гуманистлар, танқидий реализм, эпос, драма, лирика.*

XIV аср ўрталарида Италияда пайдо бўлган Уйғониш ҳаракати XV асрнинг иккинчи ярмида Европанинг бир канча ерларида бошланади. XVI асрнинг бошларида эса Францияда вужудга келади. Француз Уйғониш даври адабиётига Италия маълум даражада таъсир кўрсатади. Бу вақтда француз қироли Франциск I Италияга қарбий юриш бошлаган ва католик реакциясининг бошлиғи - испан қироли Карл V билан кураш олиб бораётган эди. Италияда бўлган французлар Уйғониш даври маданияти билан яқиндан танишадилар. Архитекторлар Франциск I нинг истаги билан Ренессанс усулида қасрлар қурадилар. Гуманист ёзувчилар Данте, Петрарка ва Боккаччо асарлари француз тилига таржима қилинади. Улар қадимги антик маданият ёдгорликлари қаторида қатта қизиқиш билан ўрганилади.

Католик черкови зулмига қарши динни, ислох қилиш учун Францияда бошланган Реформация ҳаракати ва унинг курашчанлик пафоси дастлаб гуманистик таълимотга ҳамоҳанг бўлиб тушса ҳам, лекин кейинчалик француз протестантизми (бошқача қилиб айтганда, гугенотчилик ёки кальвинизм)да кучайган диний-аскетик қайфиятлар уларни бир-биридан ажралишга олиб келди. Бирок бу ерда Реформация Германиядаги каби кучли эмас эди, католицизм ҳам Италия ва Испаниядагига қараганда заиф эди. Шу сабабли Францияда гуманистик ҳаракат таъсирли ва жанговар тус олди. Черковнинг диний диктатурасига зарба берилган бу даврни Энгельс қуйидагича тасвирлайди: «Герман халқларининг кўпчилиги бу диктатурадан тўғридан-тўғри воз кечдилар ва протестантизмни қабул қилдилар ва, айтиш мумкин, роман халқларида араблардан ўтган ва янгидан кашф этилган грек философияси билан суғорилган қувноқ фикр зркинлиги тобора кўпроқ томир ёя бошлади; бу эркинлик эса XVIII аср материализмини хозирлаб берди». Француз протестантизми икки даврни бошидан кечирди. Дастлабки протестантлар гуманистик фикрлашга мойил интеллигент гуруҳлари бўлиб, улар мавжуд тартиб ва дин асосларига ҳам танқидий қарар эдилар. Машҳур математик Лефевр д'Этапль (1455-1537) Италиядан қайтиб келгач, Аристотель ва бошқа грек олимларининг фикрларини янги талқин қилишга киришади. Энди у таржималарга суяниб эмас, балки асосий манбаларга мурожаат этиб, ўша фикрларнинг асл маъносини очишга интилади ва бу соҳадаги схоластик қарашларни рад этади. Сўнгра Лефевр «муқаддас китоблар»ни ҳам шу жиҳатдан текширишга киришади. Инжилда у рўза ҳақида ҳам, попларнинг уйланмасликлари ва бошқа сирли воқеалар ҳақида ҳам гап йўқлигини аниқлайди. Шундай қилиб, Лефеврда дастлабки соф инжил таълимотига қайтиш фикри туғилади. Лютер ўз фаолиятини бошлашидан бир неча йил олдин, яъни 1512 йилда у ҳамма турдаги

протестантлар учун коида бўлиб колган диний эътикод ва «муқаддас китоб» диний таълимотнинг ягона асоси бўлиши керак, деган қарашни илгари сурди. Лефевр ўз фикрини тасдиқлаш учун инжилни таржима қилиб, уни биринчи марта француз тилида нашр эттиради. Унинг бу ҳаракати дин арбобларида кучли норозилик туғдиради. Натижада Лефевр чет элга қочишга мажбур бўлади, унинг тарафдорлари эса жазолаб ўлдирилади. Сўнгра Франциск I Лефеврни оқлаб, Реформацияга мойиллик билан қараб, уни Францияга киритишни ўйлайди. Бирок 30-йилларда католик таълимотига қарши оммавий ҳаракатнинг кучайиб кетиши ҳукмрон доираларни кўрқувга солиб қўяди. Шундан сўнгра Франциск I дин эркинлиги учун курашган ҳамма шахсларни таъқиб қилишга руҳсат этади. Гарчи у кўп ўтмай, реформаторларга амнистия беради ҳам, лекин бундан кейин «еретиклар» ва «дахрийлар» ни жазолаш одат бўлиб қолади. 1546 йилда йирик олим ва матбаачи Этьен Доле ҳеч қандай сабабсиз ўтда қўйдирилади.

Француз протестантизмнинг бундан сўнгра тақдирини Жан Кальвин (1509-1564) фаолияти билан боғлиқдир. 1536 йилда у Женевага келиб, ўша ердан туриб Франциядаги протестантизм ҳаракатига раҳбарлик қилади. Кальвин ўз қарашларини латин тилида ёзилган «Христиан дини кўлланилиши» деган китобида асослаб беради. Беш йил ўтгач, бу «Кўлланилиш» француз тилига таржима этилади. Христианларнинг ҳаёлий-диний таълимоти евангелизм ўрнини энди жанговар кальвинизм эгаллайди.

Кальвиннинг асосий таълимоти тақдир ва ҳудонинг дунё ишига аралашмаслиги ҳақидаги таълимотдир. Унинг тақдир ҳақидаги таълимотига кўра, гўё ҳар бир кишининг пешонасига туғилишидан мангу фароғат ёки абадий азобланиш ёзилган бўлиб, киши уларнинг қайси бирини бошдан кечиришини билмайди, бу тақдир билан боғлиқ, лекин шундай бўлса ҳам, киши яхшиликни ўйлаши ва шунга интилиши керак. Бундан кўринадики, Кальвиннинг тақдир ҳақидаги қарашини мўминлик ва умидсизликка эмас, балки турмушга ишонч билан қарашга ундайди. Унинг издошлари ҳам ҳар бир киши ўз касбидан мумкин қадар кўпроқ фойда ортириши, тежаб-тергаб иш қўриши, мўътадил бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрини ривожлантирадilar. Ф. Энгельс Кальвин таълимотининг буржуача чегараланган табиатини кўрсатиб, бундай деган эди: «Унинг тақдир тўғрисидаги таълимоти - савдо ва конкуренция дунёсида омад қилиш ёки синиш айрим кишиларнинг ҳаракатига ва маҳоратига боғлиқ бўлмай, уларнинг ихтиёридан ташқари ҳолларга боғлиқ эканлигини диний шаклда ифода қилишдан иборат эди, Буни бирон кишининг хоҳиши ёки ҳаракати белгиламайди, балки қудратли, лекин кўринмайдиган. иқтисодий кучларнинг марҳамати белгилайди». Бунинг тўғрилиги иқтисодий ўзгариш вақтида, барча эски савдо йўллари ва савдо марказларининг ўрнини янгилари олаётган, Америка ва Хиндистон очилган, ҳатто азалдан иқтисодий эътикод симболи бўлиб ҳурматланиб келган нарсанинг, яъни олтин ва қумушнинг қиймати тушиб кетган бир вақтда айниқса яққол кўринди».

Кальвинизм абсолют хотқиятга тобе бўлишни истамаган дворянлар ўртасида, айниқса феодал реакциясининг таянчи бўлган Жанубий Франция

дворянлари ўртасида кенг таркалади. XVI асрнинг иккинчи ярмида абсолютизмга қарши курашган кальвинист-дворянлар «диний» жанжаллардан келиб чиққан кўзғолонлар бошида турадилар. Уруш тамом бўлиши биланок улардан кўплари ўз манфаатларини кўзлаб, католиклар томонига ўтиб кетадилар.

Протестантизм эркин тадқиқот ва черков акидаларини танқид этишдан четлашган сари унинг ижобий характериға ҳам путур етади. 1553 йилда Михаил Серветнинг Кальвин томонидан анабаптистларнинг революцион сектасига (гурухига) мансубликда айбланиши ва куйдириб ўлдирилиши бунга яққол далил бўла олади. Гугенот (протестант)лар ҳам, католиклар ҳам халққа суянмас эдилар. Протестантлар мамлакат бирлигини юзага келтириш учун Германия, Англия ва Голландиядаги ўз мазхабдошларига ёрдам сўраб мурожаат қилганларида, католиклар испан қироли Филипп II дан мадад кутадилар. Гражданлар уруши натижасида таланган ва қашшоқлашган хақиқий ватанпарвар куч-деҳқонлар ва шаҳар меҳнаткашлари “ёрдам”га келган чет эл солдатларига ҳам, ўз помешчикларига ҳам қарши бош кўтарадилар. Бирок XVI асрнинг 80-90-йилларига келиб деҳқон кўзғолонлари шафқатсизлик билан бостирилади.

Гуманистлар ҳар иккала партия - католиклар ва протестантлар билан баъзан алоқада бўладилар, айни вақтда, улардан узоклашишга ҳам ҳаракат қиладилар. Католиклар партиясидаги миллий бирлик ғояси гуманистларга маъқул бўлса ҳам, лекин католикларнинг тор диний эътиқодлари кўпчилик гуманистларни қаноатлантормас эди. Кальвинист (протестант) ларнинг ақл-идроққа суяниш, кишилиқ жамиятини қандайдир идеал равишда қайтадан куриш сингари дадил фикрлари гуманистларни қизиқтирса, уларнинг буржуача чегараланганлиги ва фанатизми гуманистлар учун ёт эди. Шунинг учун ҳам йирик гуманистлар Рабле, Деперье ва Монтень диний жанжаллардан четда турадилар.

Франциск I нинг айниб кетган набиралари Карл IX (XVI асрнинг учинчи чораги), Генрих III (XVI асрнинг тўртинчи чораги) ҳукмронлиги давом этган даврларда ўзаро диний урушлар мамлакатнинг ахволини оғирлаштириб юборади. Генрих IV вақтида юзага келган сулҳ кўпга чўзилмайди. Реакцион гурухлар мамлакатни қонга берадилар. Шундай кураш ва ўзгаришлар шароитида Уйғониш ҳаракати бошланади.

Француз Уйғониш даврининг босқинчилигида икки муҳим омил - антиклик ва Реформация ҳаракати қатта роль ўйнади.

XVI асрда яшаб ижод этган француз Уйғониш даврининг йирик вакиллари билим доираларининг кенглиги билан ажралиб турадиган ёзувчи, философ, тарихчи, табиатшунос ҳам эдилар. Рабле, Маро, Маргарита Наваррская, Ронсар ва бошқалар француз адабиётининг юксалишига қатта ҳисса қўшган, воқеликка реал ёндаша билган улуғ адиб ва шоирлар сифатида машҳурдирлар.

**Дастлабки гуманистлар.** Дастлабки гуманистик карашларнинг туғилиши ва ривожланишига Маргарита адабий тўғараги қатта таъсир кўрсатади. Франциск I нинг синглиси Маргарита Ангулемская эри вафот

этгандан сўнг Наварра қироли Генрих д'Альбрега турмушга чиқади ва Маргарита Наваррская (1492-1549) номи билан юради. Бу ўқимишли аёл адабиёт ва санъат ахлларига хомийлик қилади, хукмрон католик диний таъқибига учраган эркин фикрли ва «динсизлик»да айблаиған кўп протестант ва гуманистларга бошпана беради. У латин, итальян, испан. кадимги яхудий тилларини ўрганади, ўз истеъдодини кўп жанрларда синаб кўриб, шеър ва хикоялар ёзади. Маргаританинг ижоди турмуш кувончларини куйлаб, киши табиати ва фикрини ўрта аср диний-схоластикасида холи қилиш масаласини акс эттирган бўлса ҳам, лекин у чегараланган ва ўша замон француз аристократиясининг илғор қисми карашлари доирасидан четга чиқолмаган эди. Баъзи бир замондошлари каби Маргарита ижодида ҳам диний тема алоҳида ўрин тутади. Бироқ бу масалага у ақидачилик асосида ёндашмайди. Кўтаринки муҳаббат, фикрий эркинлик унинг нозик лирик шеърларида ўз ифодасини топади.

Маргарита Наваррская ижодида «Хептамерон» номли новеллалар тўплами алоҳида ўрин эгаллайди. Итальян гуманисти Боккаччонинг «Декамерон»ига тақлид қилиб ёзилган бу китоб 100 новелладан иборат бўлиши керак эди. Француз «Декамерон»ини яратишга киришган Маргарита Боккаччо каби ўн кунлик воқеани тасвирламоқчи бўлди. Бироқ у фақат 72 новелла - етти кунлик воқеанигина ёзиб улгурди, холос. Адибанинг ўлимидан кейин 9 йил ўтгач, бу китоб «Етти кунлик новеллалар» номи билан нашр этилди. Боккаччо «Декамерон»ида Флоренцияда пайдо бўлган ўлат касали вақтидаги 7 қиз ва 3 йигитнинг хушчакчақ ҳаёти, ўз ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қилишлари ёрқин акс эттирилган бўлса, Маргарита хикояларида маиший масалалар, турмуш икир-чикирлари тасвирланади.

Котре курортига даволаниш учун борган бир канча эркак ва аёллар Францияга қайтаётган вақтларида кучли жала ва дўл ёғади. Тошқин натижасида кўприкларни сув оқизиб кетганлигидан йўловчилар оғир ахволга тушиб қоладилар, ҳалокатдан қутулиб қолган 5 эркак ва 5 аёл Нотр-Дам де Серранс аббатлигида тўпланишиб, йўллар тузатилгунча шу ерда қолишга ва бошдан кечирган кизик воқеаларни айтиш ва уни муҳокама қилиш билан вақтларини ўтказишга қарор қиладилар. Сухбат иштирокчилари тарихий шахслар бўлиб, улар лақаб ёки анаграмма орқали берилган. Масалан, Узиль - Маргаританинг онаси Луиза Саввойская, Гиркан ўз эри Генрих Наваррский, Парламента эса Маргаританинг ўзи. Бу шахсларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Маргарита Наваррская Боккаччонинг «Декамерон» асари формасига тақлид қилса ҳам, лекин унинг асаридаги персонажлар «ўзи кўрган ёки ишончли кишидан эшитган» воқеаларни, сарой ахлларининг ҳаёти, шунингдек, севги саргузаштларини хикоя қиладилар.

«Хептамерон» XVI аср ижтимоий ҳаёти ва француз Уйғониш даври адабиётининг ғоявий қарама-қаршиликларини ифодалаган ёдгорлик сифатида қимматлидир.

**Деперье ижоди.** Шу даврнинг йирик гуманист ёзувчиларидан яна бири Бонавентура Деперье (тахминан 1510-1543) бўлиб, у майда буржуа оиласида

дунёга келади. Деперье ёшлигидан шеър ёзишга киришади. Латин ва грек тилларини ўрганади, Маргарита Наваррская ташкил этган адабий тўғаракда катнашади, унинг саройида котиб бўлиб ишлайди. Деперье 1538 йилда Лукианнинг «Худолар суҳбати» сатираси манерасида ёзилган «Дунё бонги» («Дунё кимволи») диалогларини нашр этади. Дин ахллари бунга бепарво қараб туролмас эдилар. Ёзувчи дин таъкибига учраб, Маргарита саройига қочади. Бироқ Деперьенинг бундан сўнгги ҳаёти нотинч ўтади, охири у ўзини қилич тиғига ташлаб, фожияли равишда ўлади.

«Дунё бонги» номли тўрт диалогдан иборат бўлган бу сатирада Деперье христиан динини - католикларни ҳам, протестантларни ҳам масхара қилади. Бунинг учун у халқ ижоди ва, хусусан, антик мифологиядан усталик билаи фойдаланади. Мифологик образлар воситаси билан христиан дини таълимотини қаттиқ савалайди, «Осмон вакили» - Меркурий ҳаракати орқали Иусис Христаннинг ердаги «фаолияти»ни кўрсатиш мўлжалланган эди. Худо Юпитернинг топшириғи билан ерга тушган бу маъбуда тўзиб кетган «Такдир китоби»ни муқовалашни истайди. Майхонада у билан учрашиб қолган икки товламачи қулай пайт пойлаб, ўзларига пир деб билган ўғрилар худоси Меркурийнинг қопидаги китобни ўғирлаб, унинг ўрнига муқоваси ўшанга ўхшаш бошқа китобни солиб қўяди. Алмаштирилган китобда «муқаддас сўзлар» эмас, балки Юпитернинг ёшлик вақтидаги бемаъни севги саргузаштлари тасвирланган эди. Меркурий иккинчи марта ерга тушиб, ўғриларни қидира бошлайди, чунки улар китобдаги сўзларни ўзгартириб, уни ўз манфаатларига мослаштиришлари мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам, товламачилар ўша китоб орқали фол очиб, катта пул тўплайдилар. Меркурий Флегон лақабли от билан учрашиб, уни тилга киритади. От эса ўзи учун емга ажратилган пулни ўғирлаб қўйган отбоқарнинг кирдикорларини фош этади. Меркурий отдан бу сирларни айтмасликни сўрайди ва бу иши учун отни яхшилаб парвариш қилишга ваъда беради. Шундан сўнг у Юпитернинг китобни топиш ҳақидаги буйруғини эълон қилиш учун қарнайчи излаб кетади. Сўнгра Меркурий «фалсафа тоши»ни кўрсатишни сураган одамларни лақиллатиб, бу тошни майдалаб сочиб юборади. Файласуфлар тупрокка қоришиб, қимматли тошни ахтардилар за унинг заррачасини топгандай бўлиб, бир-бирлари билан узок ва фойдасиз мунозара олиб борадилар. Меркурий яна келиб «фалсафа тоши» ҳақиқатда йўқ нарса эканини билдиради.

Тўртинчи диалог Гилактор ва Памфагус номли икки ит ўртасидаги суҳбатдан иборат. Улар ўз қобилиятларини одамлардан яширишга уринадилар, шу сабабли сўзлашдан кўра, жим туришни лозим кўрадилар, чунки бахтсиз инсонлар каби турмуш кечиргандан кўра, итлар сингари яшашни маъқул кўрадилар.

«Дунё бонги» китобида берилган кўп кинояларнинг маъноси шу вақтгача аниқланмаган бўлса ҳам, лекин баъзи номлар орқали ўша давр дин арбоблари масхара қилингани англашилади. Ёзувчи «фалсафа тоши»ни излаш, яъни қайси дин ҳақиқий деган масалада турли диний мазҳаб вакиллари ўртасида кураш олиб бориш фойдасиз, деган фикрни ёқлайди, бир

динни иккинчисидан юқори қўйиш ва ундан ҳақиқатни излаш бемаънилиқдир, деган хулосага келади.

Деперьенинг ижтимоий танқиди гапирувчи от (III диалог) ва ит (IV диалог) сўзларида равшан баён қилинган. Ёзувчи хукмрон синф ва динга қарши салбий қарашларини аллегория орқали берса ҳам, лекин унинг сатирик руҳи очиқ кўринади. Шунинг учун ҳам реакцион гуруҳлар бу асарни зарарли китоб, деб қораладилар. «Дунё бонги» XVI аср француз гуманистик эркин фикрлашнинг ёркин намунаси, унинг муаллифи эса атеист ёзувчидир.

Деперьенинг «Янги ажойботлар ва қизиқ хангомалар» деган тўпламида 92 ҳикоя бор. Бу китобида ёзувчи кишини хушчақчақликка чақиради, оғиз, ияк, томоқ ва «бутун беш сезги» органи билан, юракдан кулишга ундайди. Бу фикрлар тўпламнинг Рабле романлари таъсири остида юзага келганини кўрсатади. Маргарита Наваррскаяга ўхшаб у ҳам новеллалари учун сюжетни китоблардан эмас, балки халқ эртақлари ва ўзи кўрган ҳодисалардан олади. Француз ҳаётини акс эттирган новеллаларида поп ва монахлар, табиб ва судьялар масхара қилинади. Халқ қўшиқ ва мотивларини ўзлаштириб, улардан самарали фойдаланиш Деперье ҳикояларининг халқчиллиги, оммабоплигини оширади.

Англияда Уйғониш ҳаракати Европанинг бошқа мамлакатларидан анча кейин - XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида пайдо бўлади. Феодал жамияти шароитида ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ўрта аср тартиблари ва унинг ғоявий асосларига путур етказувчи янги гуманистик дунёқарашнинг шаклланишида муҳим омил бўлди.

Мамлакатда кўп йиллар давом этган ўзаро феодал урушлар кадимги дворян-зодагонларни қириб юборган эди. Уларнинг ўрнини эгаллаган янги буржуалашган дворянлар саноат ва савдо-сотик ишларини ўз қўлига ола бошлади. Бу социал силжишлар пировардида Англияда марказлашган миллий давлат ўрнатилишига асос солинади. Абсолютизм XVI аср мобайнида ижобий роль ўйнайди. Феодал ўзбошимчаликлар авж олган ўша замонда «қироллик ҳокимияти прогрессив элемент эди... У тартибсизлик ичида тартиб вакили эди».

Англия абсолютизмнинг қарор топишида бир асрдан ортиқроқ (1485-1603) хукмронлик қилган Тюдорлар династияси катта роль ўйнайди. Қирол, шаклланаётган янги ижтимоий кучлар мададидан фойдаланиб, ташки ва ички душманларга қарши кураш олиб боради. Ўрта аср қонунлари ва диний жаҳолатни қайта тиклаш мақсадида юборилган Испаниянинг «Енгилмас Армада» (1588) флотини тор-мор этади. Бу ғалаба Англиянинг жаҳон бозорига чиқиши ва мустамлакалар қўлга киритишига имконият яратади. Тюдорлардан Генрих VII нинг тахтга ўтириши (1485) билан феодал тарқоқликка хотима берилади. У буржуазияга таяниб, марказлашган ҳокимият ўрнатади. Генрих VIII эса (1509) Англияни Рим папасига қарамликдан қутқариб, католик черковини реформа қилади, ўзини янги англикан бутхонасининг бошлиғи деб эълон этади. Мария Тюдор (1553-1558) феодал-католик реакциясини авж олдиришга интилади, бироқ кўп ўтмай, унинг ўрнини эгаллаган қиролича Елизавета (1558—1603) Генрих VII ва

Генрих VIII нинг сиёсатини қайта тиклайди. Яков Стюарт замонасида (1603-1625) қироллик ҳукумати билан буржуазия ўртасидаги иттифоқ емирилиб, абсолютизм реакцион кучларнинг ҳомийсига айланади.

Англияда буржуа муносабатларининг ривожланиб бориши саноатнинг хом ашёга, хусусан, жунга бўлган эҳтиёжини кучайтирди. Бу эса чорвачиликни ривожлантириш, яйловни кенгайтиришни талаб қилар эди. Помешчиклар ўзбошимчалик билан дехқонларга қарашли ерларни тортиб олиб, уларни чорва яйловларига айлантирадидилар. Бу аграр ўзгаришлар оқибатида мол-мулкларидан маҳрум этилган дехқонлар йирик мануфактуралар учун арзон ишчи кучига айланадилар.

Дастлабки капитал тўплаш даври деб аталган бу давр «халқ оммасини зўрлаб экспроприация қилиш» билан ажралиб туради, бу даврда уй-жой ва яшаш имкониятларидан маҳрум бўлган ва ишсиз қолган меҳнаткашлар ҳар қадамда таҳқирланади, улар «дайдилар» деб айбланар ва қаттиқ жазоланар эдилар. Гуманист ёзувчи Томас Мор «Утопия» асарида қўйлар одамларни кавшаб қўймоқдалар, деб ёзганида экспроприация қилинган дехқонларнинг оғир аҳволини назарда тутган эди. Кучайиб кетган зулмга қарши бир неча марта дехқонлар қўзғолони бўлади. Бироқ ҳукмрон табақа бу қўзғолонларни аёвсиз бостиради. Йирик мануфактуранинг пайдо бўлиши натижасида майда ҳунармандлар хонавайрон бўладилар. Янги дворянлик билан буржуазия ўртасида қироллик тузумига қарши оппозиция юзага келади. Булар абсолютизмнинг кризисидан дарак берар эди.

«Капитализм эрасининг эрта тонги» (Энгелъс) мана шундай даҳшатли бўлган эди.

Уйғониш даврининг дастлабки босқичи Англияда Реформация ҳаракати бошланган вақтга тўғри келди. Дин ва черковга муносабат инглиз гуманистлари учун энг муҳим масала эди. Бу ҳаракатнинг иккинчи босқичида черковнинг ҳам моддий, ҳам маънавий қудратига зарба берилади. Генрих VIII Рим папасининг инглиз черкови устидан бўлган ҳукмронлигини емириш билан (1534) исёнкор феодалларнинг ҳам қаршилигини енгади. Генрих VIII ўтказган ислохотлар инглиз гуманистларининг диний жаҳолатга қарши ва дунёвий маданиятни барпо этиш учун олиб борган курашини енгиллаштиради.

Уйғониш ҳаракати мамлакат маданий ҳаётида чуқур ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ақлий ва жисмоний меҳнат фаолияти учун катта имконият яратилади. Илмий ва географик кашфиётлар натижасида дунё чегаралари ҳақидаги тушнчалар кенгайди. Инсон онги ўрта аср диний-черков схоластикаси ва урф-одатлари таъсиридан холи бўла боради. Дунёвий маданият, фан ва адабиётнинг ўсиши учун кенг замин яратилади. Илғор мутафаккирлар давр талабига жавобни турмушнинг ўзидан, халқ эҳтиёжларидан ахтарадилар. XVI асрнинг лирик олими «Материализмнинг энг биринчи ижодчиси» Френсис Бэкон схоластик билимга қарши курашиб, воқеликни ўрганишда тажрибага суянган фанни яратишга уринади ва уни асослашга ҳаракат қилади.

Санъат ва адабиёт гуманизм ғояларини ёйишда жанговар курулга айланади. Ёзувчи ва олимлар антик маданият тарихини ўрганишга киришадилар. Гарчи Уйғониш даври санъати антик санъатдан ўзгача шароитда яратилган бўлса ҳам, гуманистлар дин ақидаларини улоқтириб, кадимги грек ва Рим маданиятининг ҳаётбахш анъаналарини тирилтиришга уринадилар.

XIV асрда пул-товар муносабатлари ривожланиши билан камбағал деҳқон ва шаҳар плебей табақаларини эксплуатация қилиш кучаяди. Қишлоқларнинг хонавайрон этилиши 1381 йилдаги Уот Тайлер ва Жон Болл бошчилигидаги деҳқонлар кўзғолонини келтириб чиқаради. Антифеодал характердаги бу исенда қатнашган деҳқонлар ҳукмронлар қўл остидаги ерларни тортиб олиш масаласини кўядилар.

Ижтимоий ҳаётдаги бундай ўзгаришлар адабиётда ҳам ўз ифодасини топди. Бу даврда халқ оммасида туғилган норозиликни акс эттирган ёзувчилардан бири инглиз шоири Вильям Ленгленд эди.

Вильям Ленгленд (тахминан 1332-1400) «Кўшчи Пётр ҳақидаги ҳаёл» номли аллегорик характердаги поэмасида XIV асрнинг иккинчи ярмидаги Англия ижтимоий ҳаётининг ўзига хос томонларини, айниқса, деҳқонларнинг оғир ақволини ёритиб берган.

Ўрта асрларда кенг тарқалган ҳаёлий эртак-видение жанрида ёзилган бу поэма муқаддима билан бошланади. Баҳор кунларидан бирида қишлоққа, Мальвер қирларига саёхатга чиққан автор сув бўйида ўтириб дам олмоқчи бўлади ва шу ерда кўзи уйқуга кетиб, қизиқ туш кўради: кенг далада қад кўтариб турган минора билан қамоқхона ўртасидаги майдонда катта оломон тўпланган. Улар орасида ҳар хил тоифадаги одамлар - савдогар, гадой, рицарь, монах, масхарабоз ва амалдорлардан тортиб, оддий кўшчигача бор. Қирнинг нариги томонидан кўринган минора - Ҳақиқат, водийдаги қамоқхона эса Ёмонлик тимсолидек намоён бўлади. Булар, шубҳасиз, мажозий образлар. Лекин майдон тўла турли типдаги одамлар эса мажозий образларгина эмас, балки улар орқали ўша замоннинг реал воқелиги ифодаланади.

Поэманинг биринчи қисми марказида Муқаддас минора (черков) ва яхшиликнинг тимсоли бўлган оддий бўз кўйлақли аёл, унинг рақибаси яхши кийинган Фойдахоним туради. Ёзувчи поэманинг биринчи қисмида Черков номи билан никобланган айёр, фирибгар, манфаатпараст ва мунофик кишиларнинг кирдикорларини фош этади. Фойдахонимнинг тўйи тасвири орқали феодал жамиятида содир бўлаётган қабихлик ва фирибгарликларни очиқ ташлайди.

Поэманинг иккинчи қисмида автор яна туш кўради. Унинг кўз олдидан кадрдон дала ва уни гавжум қилиб турган одамлар ўтади. Улар Идрок атрофини ўраб олганлар. Идрок гуноҳкорларни тавба-тазарру қилишга чақиради. Сўнгра китобда етти айбдор (Тақаббурлик, Шаҳватпарастлик, Ичқоралик, Адоват, Хасислик, Мечкай ва Ялқов)нинг тавба-пушаймонлари тасвирланади. Ҳар бир гуноҳкорнинг ўзига хос хусусияти бор. Масалан, Мечкай - аракхўрлик сингари ярамас хатти-ҳаракатларини ташлаш ва

кечирим сўраш учун черковга отланади-ю, лекин қахвахонага кириб, улфатлар билан яна ичиб, ўзини эплай олмай қолади. Йўл-йўлакай уриниб-суриниб, кийим-бошларининг расвосини чиқаради. Ҳатто оч саёк ит ҳам унга яқинлашишга ҳазар қилади. Узок уйқудан бош кўтарган Мечкай хотинининг хузурига бориб, бундан сўнг сира ҳам ичмасликка сўз беради.

Гуноҳкорлар тавба-тазарру қилганларидан сўнг Идрок уларни Ҳақиқатни излашга даъват этади. Бироқ ҳеч ким Ҳақиқатнинг қаерда эканини билмайди. Одамлар бир зиёратчидан: «Ҳақиқат номи билан аталувчи бир азизни билмайсанми? У қаерда яшар экан, у ерга олиб борадиган йўлни кўрсатмайсанми?» - деб сўрайдилар. Зиёратчи Ҳақиқат хақида ундан биринчи марта сўралаётганини ва уни билмаслигини маълум қилади. Шу вақтда барчанинг кўзи одамлар ўртасида тинчгина турган оддий ер хайдовчи кўшчи Пётрга тушади. Кўшчи Ҳақиқатни билишини айтади. У 50 киш мобайнида бу олижаноб хўжайин - Ҳақиқат ихтиёрида ишлаб, унинг ерини хайдаб, экин экиб, йигиштириб олаётгани, ўтлоқларда унинг молларини боқаётгани, унинг ёрдами билан хилма-хил хунарларни ўргангани ва бундай меҳнатдан сира ҳам зарар кўрмаётганини айтиб беради ва агар Ҳақиқат олдига боришни истасалар, уларга энг яқин ва тўғри йўлни кўрсатишга тайёр эканини билдиради. Бу йўл меҳнат, камтарлик, сабр-тоқатдан иборат йўлдир. «Сенинг кўрсатган йўлинг яхши,- дейдилар одамлар,- фақат бу йўлга ҳамма вақт ишончли бошлик лозим». Кўшчи бир парча ерини хайдаб, экиб бўлиб, кейин йўл бошлашини айтади. Одамлар, биз узок вақт кутиб қоларканмиз-да, дейдилар. Танноз бир хотин, биз, аёллар вақтни қандай ўтказамиз, деб норозилик ҳам билдиради. Кўшчи Петр бундай аёллар буғдойлар солинадиган йиртиқ қопларни ямашлари, бошқа хотинлар эса жун ва зиғир поясидан мата тўкиш, бўздан кийимлар тикишлари зарурлигини, бу нарсага ўз болаларини ўргатишларини, чунки табиат яланғоч ва етим қолганларни кийинтиришга буюрганини айтади.

Поэмада шоир оддий кўшчини ҳақиқат сари йўл бошловчи ягона киши деб кўрсатади ва кўшчи Пётр сўзлари воситасида умумий меҳнат ғоясини илгари суради. Деҳқон меҳнати мақталади, жамиятнинг соғломлашиши ва яхшиланишининг асосий манбаи меҳнат эканлиги, ишга қобилиятли барчанинг меҳнат қилиши зарурлигини таъкидлайди.

Ёзувчи «Кўшчи Пётр хақидаги хаёл» номли бу асарида деҳқонларнинг 1381 йил кўзғолони арафасидаги исёнкор кайфиятини акс эттирди ва халқ онгининг ўсишига катта таъсир кўрсатди. Кўзғолон раҳбарлари ўз курашларида бу поэмадан кенг кўламда фойдаланганлар.

Ленгленд шоир сифатида ўрта аср адабиёти традициялари билан боғланган ҳолда, унинг бадиий формалари, масалан, видение - хаёл (туш) жанридан фойдаланди ва унга янги мазмун киритди. Унинг асарларидаги образлар, диний адабиётда бўлганидек, «нариги» дунёдан эмас, куртуаз (сарой) севги романининг назокатли доирасидан ҳам эмас, балки ўша вақтдаги Англиянинг ижтимоий ҳаётидан олинган. Бу нарса аллегорик поэмага реалистик руҳ бағишлайди: Бу ҳол асарнинг халқ ўртасида кенг шуҳрат қозонишига олиб келди.

Англияда Уйғониш даври ёзувчиларининг ўтмишдошларидан бири йирик гуманист Жеффри Чосер (1340-1400) бўлиб, у савдогар оиласида туғилади. Чосер 17 ёшида саройда маҳрамлик хизматиغا киради. 1359 йилда қирол Эдуарднинг Францияга қарши ҳарбий юришида қатнашади. Дипломатик иш билан бир неча марта Франция (1377-1378), Фландрия (1377) ва Италияга (1372-1378) боради. У Италияда Уйғониш даври адабиёти, жумладан Петрарка ва Боккаччо ижоди билан яқиндан танишади. Англияга қайтиб келгач, Лондонда божхона назоратчиси вазифасида ишлайди. Парламентга сайланган (1386) Чосер ўз нутқлари билан тахтга чиққан қирол Ричард II га ёқмайди ва бу ишдан кетиб узоқ вақт моддий кийинчиликда яшайди. Генрих IV тахтни эгаллагандан сўнг (1399) Чосернинг аҳволи бир оз яхшиланади. Лекин кўп ўтмай вафот этади.

Данте каби Чосер ҳам ўз шеърларини она тилида ёзишни мақсад қилиб олади. Унинг «Герцогиня ҳақида китоб» (1369), «Шухрат уйи» (1379-1384), «Қушлар кенгаши» (1377-1382) поэмалари «видение» (туш) жанрида ёзилган бўлиб, уларда саройдаги турли маросимлар тасвирланган.

Чосернинг катта шеърый романи «Троил ва Кризеида» (1372-1384) италян адабиёти (Данте, Петрарка ва Боккаччо)нинг бевосита таъсири остида яратилган. Шоир, Троя шаҳзодаси Троилнинг коҳин Калхаснинг қизи Кризеидага бўлган севгиси ҳақидаги хикояни сақлагани ҳолда, психологик характердаги янги поэма яратади. Психологизм айниқса Кризеиданинг шубҳа ва иккиланишларида, у бевафолик қилгандан сўнг Троилнинг чеккан азоблари тасвирида равшан кўринади.

Дастлаб Троил ҳар қандай муҳаббатни рад этади. Ишқ азобини чекаётганларни кўрганида уларни мазах қилади. Лекин унинг ўзи ҳам маъбуд Амур қонунига биноан, севгига дучор бўлиб қолади.

Асарнинг қиммати яна шундаки, ундаги қаҳрамонлар антик либосларда эмас, балки ўз замонасининг жонли кишилари қиёфасида гавдаланади. Кўпгина маиший деталларнинг киритилиши асардаги реализмни оширади.

«Реализмга асос солган» (Горький) Чосер «Кентербери хикоялари»да Англиядаги ижтимоий табақалар ҳаётининг тасвирини илгаригидай мавхум образлар орқали эмас, балки реал турмуш воқеалари билан боғлиқ равишда кенг акс эттиради.

Асарнинг муқаддимасида бир тўда одамларнинг Кентерберидаги авлиё Томас Бекер қабрини зиёрат қилиш учун баҳор пайтида Гарри Бэйли мехмонхонасига тўпланиб, шу ердан йўлга чиқишлари тасвирланади. Манзил узоқ бўлгани учун, Бэйли ҳар бир киши боришда икки ва қайтишда икки хикоя айтсин, деб таклиф киритади. Бу фикр ҳаммага маъқул тушади. Зиёратчилар (29 киши) томонидан айтилгай ва ёзиб улгурилган хикоялар асарнинг мазмунини ташкил этади. Зиёратчилар турли ёш ва турли табақа вакиллари (рицарь, савдогар, монах, косиб, талаба, деҳқон ва бошқалар) бўлганликлари учун уларнинг хикоялари ҳам турмушнинг турли томонларини қамраб олади. Бир кишининг хикояси тугагач, иккинчиси уни давом эттиради. Асар бу жихатдан Боккаччонинг «Декамерон»ини эслатса ҳам, лекин унда воқеалар анча кенг тасвирланган. «Декамерон»да 7 қиз ва 3

йигитнинг боғи эрамдаги ҳаёти гавдаланса, «Кентербери ҳикоялари»да турли тоифа ва турли ёшдаги кишиларнинг кенг доира (катта кўча)даги ҳаракат ва турмушлари акс эттирилади.

Рицарь ва унинг яроғбардор ўғли романтик пафос билан жанг воқеаларини ҳикоя қилади. Тегирмончи фаблиолардан сўзлайди. Аёллар монастирининг капеллани (ашула хорининг бошлиғи) товукҳонадаги хўроз ҳақида ҳикоя қилади.

Асарда кулгили воқеалар билан бирга даҳшатли эпизодлардан иборат ҳикоялар ҳам бор. Индульгенция (черков ёрлиғи) билан савдо килувчи зиёратчи очкўзлик ва хасислик ҳақида ҳикоя айтиб беради. Бу ҳикояда айтилишича, уч дўст олтин топиб оладилар. Улардан бири овқат келтиргани кетади, колган иккиси уни ўлдириб, бойликни баравар таксимлаб олмоқчи бўлади. Биринчиси эса ўлжани якка ўзи эгаллаш мақсадида келтирган овқатига захар солади. Натижада ҳар учаласи ҳам ҳалок бўлади.

Чосер ҳикоя яратишда диний афсоналар, рицарь адабиёти, аллегорик эпос, фаблио ва бошқа адабий жанрлардаги материаллардан кенг фойдаланди. Асардаги шеърлар шакли ва темаси жиҳатидан ўрта аср поэзияси услубида бўлса ҳам, лекин воқеаларнинг бирмунча кенг ва реал тасвирланганлиги, авторнинг оддий кишиларга хайрихоҳлиги билан Уйғониш даври принципларига яқинлашиб боради. Чосернинг поэзияси Ренессанс реализми учун пойдевор хизматини ўтайди.

Ўтмишнинг буюк ёзувчилари халқ ижодига мурожаат қилиб, унинг сюжет ва бадиий ифода воситаларидан ижодий фойдаланганлар.

Қадимги Шотландияда кўшиқ тўқиш ва айтиш анъаналари кучли эди. Ҳаётдаги барча воқеалар, яъни туғилишдан то ўлимгача, меҳнат жараёни, дам олиш, тўй ва оммавий сайллар ҳам кўшиқсиз, куйсиз ўтмаган. Ўрта асрларга оид шотланд ва инглиз халқ кўшиқлари XVIII асрдан бошлаб ёзиб олина бошланди. Бизгача 300 га яқин сюжет ва баллада сақланган бўлиб, уларнинг вариантлари эса мингдан ортиқдир.

Бу давр халқ поэзияси лирик ва эпик кўшиқлардак ташкил топган. Меҳнат куйланган ва тўйда айтиладиган кўшиқлар, асосан, лирик асарлар бўлиб, баллада (дастлабки маъноси рақс ва музика билан айтиладиган кўшиқ) деб аталадиган кўшиқлар эпик характерда эди. Унда тарихий, афсонавий ёки маиший воқеалар тасвирланади. Баъзи балладалар тарихий воқеаларга боғланган бўлиб, уларда инглиз ва шотландлар ўртасида бўлиб ўтган урушлар, шотланд халқининг озодлик учун курашда кўрсатган мардлик ва шижоати куйланган. «Чевиот тепаликларида ов», «Оттерберн жанги» балладалари бунга мисол бўла олади. Дерхем яқинидаги уруш (XIV аср) ҳақидаги балладада Шотландия қироли Давиднинг Англияни босиб олиш учун тўсатдан қилган хужуми мағлубиятга учрагани ҳикоя қилинади.

Робин Гуд ва унинг отрядининг жанговар ҳаракатларига бағишланган балладалар киркдан ортиқдир. Уларнинг кўпи XIV асрнинг иккинчи ярмида яратилган. Балладаларнинг бош қахрамони ҳукмронлар зулмига қарши курашга отланган ва ўз эркини йўқотмаган дехкон («йомен»)лардан келиб чиққан Робиндир.

**ВИЛЯМ ШЕКСПИР** (1564-1616) - инглиз Уйғониш даври адабиётининг йирик вакили. Оддий косиб оиласида туғилган Шекспир 1587 йилда Лондонга келади. Театрда аввал суфлёр, сўнгра актёр, кейинрок режиссёр бўлиб ишлади, театрни бошқаришда директорга хамкорлик қилади.

Шекспир ҳаммаси бўлиб 2 поэма, 154 сонет ва 37 пьеса яратган. Ижодининг биринчи даврида Шекспир «Адашишлар комедияси», «Қайсар кизнинг қуйилиши», «Вероналик икки йигит», «Севгининг беҳуда кучайиши», «Йўқ нарсдан бир талай ғавғо», «Ўн икки кеча» каби комедиялар, «Генрих VI», «Ричард III», «Юлий Сезар», «Ромео ва Жюльетта» трагедияларини яратади. Ижодининг иккинчи даврида «Хамлет», «Отелло», «Қирол Лир», «Макбет», «Антоний ва Клеопатра», «Кариолан» трагедияларини ёзади. Ижодининг учинчи даврида трагикомедиялар - «Симбелин», «Кишки эртак», «Бурон» асарлари ёзилади.

Ғ. Ғулом, М. Шайхзода, Уйғун, Т. Тўла, Ж. Камол ва бошқа адиблар Шекспир асарларини ўзбек тилига таржима қилганлар.

Мухаббат шоҳу гадога бир дейишади. Шекспир яратган образлар, турли тоифа кишилари ҳаммаси ишк дейди, мухаббат дейди. Шекспир энг кийин адабий жанрда калам тебратди. Жаҳон адабиётида ҳеч бир адиб Шекспир даражасига кутарила олмаган. Шекспирнинг деярли барча асарлари шеъринг йул билан ёзилган. Кўпинча актёрлар асарни репетиция қилиш жараёнида шеърни ёдлаш кийинлигидан шикоят қилишади. Шекспир шеъринг эса равон ва ифодавий. Уни эса саклаб қилиш жуда осон.

Шекспир ижодининг муҳим томони - унинг асарлари, диалог ва монологлари катида фалсафа, маъно яширилган. Шекспир драма, трагедия, комедия, сонет устаси. Шу билан бирга у тарихнинг билағони, файласуф ва шоирдир. Шекспир фикрларни ёқимли, тушунарли тарзда бера олган. Хар бир трагедиясида шундай сатрлар борки, уларни алоҳида шеър қилиб эълон қилса ҳам булади.

Шекспир ўзидан кейин ўлмас мерос қолдириб кетди. Бу меросдан ҳозирги кунда миллионлар баҳра олмақда.

### 5-маъруза

#### МАЪРИФАТЧИЛИК АДАБИЁТИ ВА И.В.ГЁТЕ ИЖОДИ

##### Режа:

1. XVIII аср маърифатчилиқ даври адабиётининг ўзига хос тараққиёт йўналиши.
2. Англия, Франция ва Германия маърифатчилиқ адабиётининг вакиллари.
3. Иоганн Вольфганг Гётенинг немис маърифатчилиқ адабиёти ривожига қўшган буюқ хиссаси.
4. Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» романининг ғоявий-бадиий таҳлили.
5. Гётенинг «Фауст» фожиаси – поэтик руҳнинг буюқ асари.

*Таянч тушунчалар:* жаҳон адабиёти, Антик адабиёт, Ўрта асрлар адабиёти, адабий тур ва жанрлар, Маърифатчилиқ, гётешунослик, таржима, адабий алоқа, адабий таъсир.

XVIII асрда Европада тараққийпарвар кучларнинг чириган ўрта асрчилик тартибларига қарши кураши адабиётга ҳам жанговар маърифатчилик руhini олиб кирди. Бу адабиёт ўзининг антифеодал моҳияти билан ажралиб туради.

«Маърифат» сўзи кенг маънода халқни билимли, маърифатли қилиш маъносида қўлланса, тор маънода феодализмга қарши кураш авж олган даврдаги ақлий ҳаракатни ифода этади.

Маърифатпарварлар учун ақл-идрок бош масала эди. Улар инсоннинг ақлий фаолиятига, одамийлик фазилатларига юқори баҳо берганлар, адлу инсофга бегона бўлган зулмни, жаҳолатни қоралаганлар. Шу билан бирга, улар маърифатчилик ғоясига, унинг таъсир этувчи кучига ортиқча баҳо бериб, катта хатога йўл қўядиларки, натижада бундай қараш уларнинг давлат бошида ўқимишли, одил, яъни маърифатпарвар мустабид – ҳоким туриши керак, деган хом хаёлларга берилишларига сабаб бўлади.



И. В. Кэнт (1724-1804)

Маърифатчилик адабиётининг эстетик қарашлари шу билан кадрли эдики, улар санъатнинг тарбиявий аҳамиятини жамиятни қайта қуриш манфаатларига хизмат қилдирдилар. XVIII аср ёзувчилари маърифатчилик руҳидаги сиёсий-фалсафий роман, фалсафий повесть, сиёсий-ахлоқий мазмундаги драматик асарлар яратдилар.

Маърифатпарвар ёзувчилар адабиётни ғоявий кураш куроли деб билдилар. Уларнинг ижобий қаҳрамонлари гражданлик жасорати, меҳнат ва ташаббускорликни, шунингдек, саховат ғоясини бўрттириб тасвирлашга хизмат қилади.

Маърифатчилик ҳаракати Ғарбий Европа мамлакатларида бир тарзда, инқилобий ва изчил шаклда кўринмаса ҳам, лекин тараққийпарвар адабиёт учун муштарак томони борки, бу унинг антифеодал сажиясида намоён бўлади.

Маърифатчилик адабиётининг Англиядаги йирик намояндalари романнавислар: Даниель Дефо, Жонатан Свифт, Семюель Ричардсон, Генри Фильдинг, Тобайас Жорж Смоллет, Ричард Бринсли Шеридан, халқчил шоир Роберт Бернс ва бошқалар ҳисобланади.

Франция маърифатчилик ҳаракати Франсуа Вольтер, Дени Дидро, Жан Жак Руссо, Пьер Огюстен Бомарше каби ижтимоий-сиёсий, фалсафий-адабий фаолияти билан машҳур бўлган санъаткорларни етиштирди.

Немис маърифатчилиги эса Готхольд Ефраим Лессинг, Фридрих Шиллер, Иоганн Вольфганг Гёте сингари буюк адабиётшунос олимларни, драматургларни ва жамоат арбобларини майдонга чиқарди.

Иоганн Вольфганг Гёте немис маърифатчилик адабиётининг энг кўзга кўринган вакилларида биридир. У Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида 1749 йилда бой хонадонда туғилди. Унинг отаси ҳуқуқшунослик доктори, император амалдорларидан бири эди. Отаси ўғлининг мустақил билим олиши учун барча чораларни кўрди. Гёте ўз уйида бир неча тиллар, математика, тарих, география ҳамда мусиқа ва рассомликдан сабоқ олди. Ёш Гётедаги истеъдод, тинмай ўқиш келгусида унинг буюк мутафаннин (қомусий) олим, шоир, ёзувчи ҳамда жамоат арбоби бўлиб етишувига имкон яратди.

1765 йилда Гёте отасининг истаги билан Лейпциг университетига ўқишга кириб, ҳуқуқшуносликни ўргана бошлади. 1768 йилда касалланиб, уйига қайтиб келади. 1770 йили соғайгандан кейин Страсбург шаҳрига келиб ўқишни тугаллайди ва 1771 йили адвокатлик дипломини олди.

Бўлажак санъаткор ёшлигидан ҳар томонлама билим олишга интилди. У Спиноза фалсафасини, антик дунё шоирларининг асарларини қунт билан ўрганди. Гомер ва Вергилий, Шекспир ва Корнель, Мольер ва Лессинг, Гердер ва Шиллерлар ижоди Гёте дунёқарашининг қарор топишида муҳим омилардан бўлган. Кейинчалик Гёте Пушкин, Байрон, Беранже ҳамда Стендаль ижодига ҳурмат билан қаради. Биринчи бор Шекспир

ижоди билан танишган Гёте унинг реалистик кудратидан сеҳрланиб қолади. Мольер асарларига бир умр катта ҳурмат билан ёндашади.

Страсбург шаҳрида ўқишни тугатиб она юртига қайтган Гёте «Бўрон ва тазйиқ» адабий ҳаракатининг аъзолари Клиндер, Ленц, Вагнер ва бошқалар билан яқинлашади. Бу ҳаракатнинг кўзга кўринган вакили сифатида Гёте ўзининг исёнкор руҳдаги асарлари «Гёц фон Берлихинген» драмасини, «Ёш Вертернинг изтироблари» романини ҳамда шоҳона асари бўлмиш «Фауст» трагедиясининг биринчи қисмини ёзади.

«Ёш Вертернинг изтироблари» романида Гёте ўз даври учун долзарб бўлган ҳаётий муаммоларни кўтариб чиқди. Феодал-дворян реакцияси ҳукм сурган немис муҳитида илғор ёшлар ўз қобилияти ва иқтидорини сарф қилиш имконидан маҳрум. Уларнинг олижаноб интилишлари бўғиб ташланган. Асар қаҳрамони Вертер – бюргер оиласидан чиққан истеъдодли ёш йигит. У замонасига кўра жуда яхши маълумот олган, мумтоз адабиётни, айниқса, Гомер асарларини севиб ўқийди. Қалби олижаноб ҳис-туйғуларга бой. Вертер – табиатнинг еркин фарзанди. У Руссо таълимотининг ихлосманди. Нозик қалб егаси. Ҳаммага, айниқса, оддий кишиларга беҳад ҳурмат билан қарайди. Вертер Шарлотта исмли қизни севиб қолган. Аммо Шарлотта бошқа йигит – Альбертга унаштирилган эди. Шу сабабли Вертер қизни унутиш мақсадида шаҳарга бориб, дипломатия идорасига ишга киради. Аммо бу ерда унинг иши юришмайди. Ўз хўжайини граф саройидаги зиёфатда ҳозир бўлган Вертер юқори табақа вакилларига ёқмайди. Киборлар ўз ораларида плебей<sup>1</sup> кишининг бўлишини истамайдилар. Вертернинг хўжайини меҳмонларнинг бу хоҳишини унга айтгач, йигит бу уйдан чиқиб кетади. Эртасига бутун шаҳарда, гўё Вертер меҳмондорчиликдан ҳайдаб юборилгани ҳақида бемаъни тухмат гаплар тарқалади. Ҳақоратланган Вертер ариза бериб, ишдан бўшайди. Яна ўз севгилиси ёнига қайтиб боради. Энди Шарлотта турмушга чиққан, Вертернинг Шарлотталарникига келиши бу оилани обрўсизлантирган бўлар эди. Чорасиз қолган Вертер ўзини ўзи ўлдиради.

«Ёш Вертернинг изтироблари» романи босилиб чиққач, кенг шуҳрат қозонди. Асар кўп сонли немис ёшларининг дилидаги фикрларни изҳор қиларди. Унинг кенг оммалашиб кетиши сабаби ҳам шунда. «Ёш Вертернинг изтироблари» XVIII аср немис адабиётининг машҳур асари бўлиб қолди ва бу роман Гётенинг донғини бутун дунёга ёйди. Роман Европанинг барча тилларига таржима қилинди. Муаллиф ўз асари ҳақида дунёнинг турли бурчакларидан хушхабарлар олди. Ҳатто ёзувчига француз инқилобий ҳукумати француз республикасининг фахрли граждани, «Инсоният ва жамиятнинг дўсти» деган унвон берди. Асардаги фожиавий ечим ўша замон немис муҳитига қарши кескин норозилик белгиси бўлиб жаранглади. Роман эпистоляр шаклда, яъни мактуб тарзида ёзилган. Муаллиф ўз қаҳрамонининг ички кечинмаларини, севги изтиробларини изҳор қилиб бериш учун жуда кулай йўл танлаган эди. Асарнинг хат шаклида ёзилиши қаҳрамон ички тугёнларини ҳаққоний тарзда ифодалаб берарди. Вертернинг ўй-фикрлари, Гомер асарларини севиб ўқиши мавжуд тузум билан қаҳрамон қарашлари орасидаги зиддиятни кучайтиради.

Асарнинг бутун йўналишида зулмга, адолатсизликка, оддий инсон ҳуқуқларининг поймол қилинишига қарши исёнкорлик руҳи сезилиб туради. Аммо Вертернинг исёни чегараланган, тор, ёлғиз кишининг ҳис-туйғулари ичида ўралашиб қолган. Унинг ўлими эса султ норозиликни билдириб, курашдан воз кечишни кўрсатар эди. Шу сабабдан Лессинг «Ёш Вертернинг изтироблари» романининг якунини танқид қилади. У асарнинг бу хилдаги ечими ўша замон ёшлари учун зарарли таъсир кўрсатади, деб ҳисобларди.

Гёте қаҳрамони ички дунёси бой сентиментал образдир. Чунки Гёте Вертер тарихини шунчаки баён қилиб қўймайди. У қаҳрамоннинг руҳий дунёсини очиб беради. Ҳис-туйғуларининг бойлигини кўрсатади. Ёш йигит назари билан ўз даври ва ўз мамлакати ҳаётининг нобоплигини исботлайди. Шунинг учун Вертер тарихини ҳикоя қилувчи бу роман психологик ва ижтимоий мазмунга эга. Қаҳрамон тақдири тасодифий

---

<sup>1</sup> Плебей – қадимги Римда қуйи табақа вакиллари шундай аталган.

ёки индивидуал ҳодиса эмас, аксинча, ижтимоий шароитлар туфайли содир бўлган фожиадир.

Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» романини немисчадан Янглиш Егамова ўзбекчага таржима қилган ва у 1975 йили Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган.

Гёте ижодининг йирик маҳсули – «Фауст» фожиасидир. Асар 1773-1831 йиллар орасида ёзилгани учун сюжетида шу йиллар Европа ҳаётида юз берган хилма-хил воқеалар акс эттирилган. Асарда инсон ҳаётига, унинг жамиятда тутган ўрнига диққат қаратилган. Бу фожа ёзилаётган давр – буюк ўзгаришлар даври эди. Замонасининг илғор кишилари, жумладан, Гёте ҳам инсон ҳаётининг маъноси, умрнинг вазифаси нимадан иборат бўлиши керак, деган муаммо устида бош қотирмоқда эдилар.

Табиатнинг, коинотнинг қудратли кучларини инсон иродасига бўйсундириш, унинг қонунларини ўрганиш ва бу сирларни одамзот фойдасига хизмат қилдириш улғу мутафаккир олим Гётенинг доимий орзуси бўлиб келди. Унинг буюк қахрамони Фауст ана шу орзунинг амалга оширишдек олижаноб ишга бел боғлайди. Фауст аслида немис халқи орасида кенг тарқалган афсонанинг қахрамони. Мазкур афсона Германияда XVI асрда пайдо бўлган. Гёте қўлига қалам олган кундан бошлаб бу ҳақда асар ёзишни орзу қилар эди. Ана шу афсоналарда Фауст олим, сеҳргар, шайтонлар билан муносабатда бўлган киши сифатида талқин қилинади.

Асар коинотнинг, табиатнинг гўзаллигини, буюклигини, унинг тўхтовсиз ҳаракатда эканлигини мадҳ қилиш билан бошланади.

Арши аълода шайтон Мефистофель худо билан Фауст тўғрисида мунозара қилади. Шайтоннинг фикрича, коиноти азимда инсон ожиз бир нарса. У бахтсиз, абадул-абад азоб-укубатда яшайди. Агар худо унга ақл ато қилмаса, инсон ёмон яшамаган бўлур эди. Бунинг устига Фауст бутун коинот ва табиат сирларини илму фан кучи билан билиб олмоқчи. Мефистофель Фаустнинг бу интилишларига ишонмайди, унга шубҳа билан қарайди. Худо эса, инсон адашиб бўлса ҳам, излаш, қидириш натижасида камолот чўққиси томон боради, деб унга умид билдиради.

Бу умид Гётенинг инсонпарварлик қарашларининг натижасидир. Шайтон, мен албатта Фаустнинг нафсини кўзгаб, ёмон йўлларга олиб бораман, унинг интилишларини, орзуларини пучга чиқараман, дейди. Асарнинг асосий конфликти ва тугуни шу ердан бошланади.

Фауст кабинетига кирган шайтон Мефистофель олимнинг умидсизлик кайфиятидан фойдаланиб, у билан гаров ўйнайди. Фауст ўз ишидан мамнун эмас, кўнгли тўлмаяпти. Шайтон эса уни ўз ҳаётидан, қилаётган ишларидан мамнун қилишга ваъда беради. Агар шундай бўлса, Фауст унга ўз юрагини (жонини) беришга рози бўлади. Шартга кўра, Фауст дунёдаги нафсоний лаззатлардан қаноатланса ва «ана шу дам чиройли, бу дам ўтиб кетмасин», деб ўз хурсандчилигидан тамомила қаноатланганини билдирса, шайтон ютган ҳисобланади. Лекин Фауст шуни биладики, инсон орзуларининг чеки йўқ. Шайтон эса, уни кўнгли тўлдирилса, бошқа нарса истамай, шу билан овора бўлиб қолади, деб ўйлайди.

Иблис Мефистофель Фаустнинг пинжига кириб уни ҳар хил йўлларга бошлаб юради. Ауербахнинг ертўласи, кенг далада баҳор байрамни қутлаётган халойиқ, жодугар кампирнинг ошхонаси китобхон кўзи ўнгидан ўтади. Шайтон Фаустнинг кўнглини севги билан ҳам тўлдирмоқчи бўлади. Кекса Фауст унинг сеҳри билан яшариб, навқирон йигитга айланади ва Маргарита (Гретхен) номли қизни севиб қолади. Улар ўртасида фарзанд туғилади. Аммо руҳонийлар жазосидан қўрққан Маргарита фарзандини сувга чўктириб ўлдиради. Черков ходимлари бу сирдан хабардор бўладилар ва Маргарита тутиб зиндонга ташлайдилар. Қизни қутқариш учун келган Фаустни Маргарита танимайди, уни жаллод деб ўйлаб, ўз ёнидан ҳайдайди. Сабаби қиз ақлдан озиб қолган эди. Шу тариқа Маргарита фожиали ҳалок бўлади. Фауст ўзини бу ишда айбдор ҳисоблайди. Фауст Маргаританинг фожиасидан руҳан изтироб чекади. Фауст билан Мефистофель ўртасидаги

бахс-мунозара давом этади. Улар императорнинг саройида бўладилар. Ажойиб қошоналарда, базму зиёфатларда қатнашадилар. Аммо Фауст бу лаззатлардан қаноатланмайди, кўнгли таскин топмайди. Унинг руҳи фаолият ва ижодга мойил. Боши қотиб қолган шайтон ўйлаб-ўйлаб Фаустнинг кўнглини гўзаллик билан мафтун қилмоқчи бўлади. У Фаустни қадимги Юнонистонга олиб боради. Ўқувчи кўз ўнгида Спарта маликаси, шоҳ Менелайнинг гўзал хотини Елена гавдаланади. Фауст билан Еленадан туғилган фарзанд Эвфорион (Байрон) жуда эрта ҳалок бўлади. Афсонавий Елена ҳам ғойиб бўлади. Шундай қилиб, гўзаллик ҳам, ҳусн ҳам Фаустни қаноатлантirmайди. Севги ҳам, гўзаллик ҳам Фауст назарида ўткинчи нарса. Лекин бу икки нарса Фауст маънавий оламининг қарор топишида муҳим роль ўйнайди. Энди аллома жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди. Изланиш, фикрлаш, кураш, адашишлар унинг ақлий камолотига ижобий таъсир кўрсатади. У инсон ҳаётининг маъноси кайф-сафо, ўйин-кулги, ҳою-ҳавас эмас, севги ва гўзаллик ҳам эмас, деган хулосага келади. Кишининг дунёга келишдан, яшашдан мақсади ўз халқи, ватани учун ҳалол меҳнат қилишда деган ҳақиқатга тушуниб этади. Атрофига бир тўда кишиларни тўплаб, денгиз чеккасида ажойиб шаҳар барпо қилишга киришади. Машаққатли меҳнат самарасидан мамнун бўлган Фауст оламдан ўтади. Унинг жонини фаришталар осмонга олиб чиқиб кетадилар. Фауст ўлгандан кейин ҳам унинг жонига эга бўла олмаган шайтон лақиллаб қолаверади. Асар халқи, ватани учун ҳалол хизмат қилган кишининг юраги энг юксакликда бўлиши керак деган ғоя билан тугайди. Асар бошдан оёқ меҳнат таронаси, эркинлик учун курашга даъват қилиш ғояси билан суғорилган.

Трагедияда бир-бирига зид бўлган икки хил кучнинг тўқнашуви кўрсатилган. Бу кучларнинг бири Фауст, у илғор дунёқараш, ёруғлик тимсоли. Фауст буюк олим, ижодкор инсон. Тўхтовсиз ҳаракат, яратиш, бунёдкорлик унинг асосий шиори. Фауст, асосан, одамзотнинг бахт-саодати учун курашади. У илмга ташна, илм-маърифатнинг кучи билан кишиларга эзгулик ахтаради. Ўз халқини маърифатли қилиш учун Инжилни таржима қилади.

Гётенинг «Фауст» асари замондошларини ўрта аср уйқусидан уйғонишга, ўз ҳаётини қайта қуришга даъват қилувчи чақирик ҳам эди. Шоирнинг қахрамони давр муаммоларини ўзида мужассамлаштирган киши.

Асосий қахрамонлардан бири бўлган шайтон Мефистофель ўзида шубҳа, инкор ва вайроналик кучларини мужассамлаштирган. Мефистофель Фаустни йўлдан уриб қолишга уринса-да, аслида унинг дадилроқ, кескинроқ ҳаракат қилишига, тортишувига, ўз қарашларини ҳимоя қилишига, курашишига, олға қараб ҳаракат қилишига имкон яратиб берди.

Асардаги Маргарита образи оддий, содда, халқ орасидан чиққан қиз образидир. Гёте бу образни яратаркан, оддий камбағал қизларнинг бахтсизлик фожиасини умумлаштирган. У орқали ёзувчи адолатсиз суд, инсоннинг оддий ҳуқуқларини поймол қилиб ташлаган феодал тартибларини нафрат билан очиб ташлайди.

Асарнинг иккинчи қисмида тасвирланган Фауст билан Елена ўртасидаги никоҳ ҳам рамзий моҳият касб этади. Гёте замонаси билан қадимги замон иттифоқи узокқа чўзилмайди. Гётенинг фикрича, олтин аср ўтмишда эмас, истиқболда, келажакда. Унга эришиш учун чиройли ҳаёлларга ботиш эмас, балки курашиш зарур.

Хуллас, Гётенинг «Фауст» асари XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги немис адабиётининг фалсафий ва бадиий ютуғи бўлди. Шунинг учун улуғ рус шоири А.С.Пушкин унга «поэтик руҳнинг буюк асари» деб баҳо берган.

«Фауст» фожиасини машҳур бастакор Гуно мусиқага солган. Уни ўзбек китобхони шоир Эркин Воҳидов таржимасида ўз она тилида ўқимокда.

Иоганн Вольфганг Гёте 1832 йили 83 ёшида вафот этди. Бу даврга келиб инсоният ҳаётида янги давр – буржуа ҳукмронлиги даври бошланган эди. Немис адибининг ижоди Германиядаги маърифатчилик адабиётига яқун ясади. Шу билан бирга, Гёте ижоди немис ва жаҳон адабиёти тарихида янги саҳифани – реалистик санъат саҳифасини очган эди.

Гете ижоди XIX асрдаги жуда кўп ёзувчиларга баракали таъсир кўрсатди ва адабиётда реалистик методнинг қарор топишига кучли туртки бўлди.

### **МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. «Маърифат» истилоҳи нимани англатади? Унинг моҳиятини изоҳланг.
2. Маърифатчилик адабиётининг ўзига хос тараққиёт йўналишини нималар белгилайди?
3. Маърифатчилик адабиётининг Англиядаги йирик вакиллари кимлар?
4. Франция маърифатчилик ҳаракати қайси машҳур санъаткорларни етиштирди?
5. Немис маърифатчилик адабиётининг кўзга кўринган вакиллари кимлар?
6. Гётенинг қайси асарлари немис маърифатчилик адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди?
7. «Ёш Вертернинг изтироблари» романининг асосий ғоясини нималар ташкил қилади?
8. «Ёш Вертернинг изтироблари» романи бош қаҳрамонига хос хусусиятларни айтиб беринг.
9. «Фауст» трагедиясининг образлар таркиби қандай тузилган?
10. «Фауст» трагедияси бош қаҳрамонига хос хусусиятлар орқали драматург қандай ғояларни очиб беришни кўзда тутади?
11. Тубандаги **таянч тушунчаларни** изоҳланг: маърифат, маърифатчилик адабиёти, роман, эпистоляр, хат, трагедия, реалистик метод.

### **МУСТАҚИЛ Ўқиш учун адабиётлар:**

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987, 3-81-бетлар.
2. Белинский В.Г. Полн. собр. соч. в 13 томах. Т. 5. 1954.
3. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Жаҳон адабиёти намояндalари портретларига чизгилар. Т.: «Зар қалам», 2006, 71-72-бетлар.
4. Горький М. Адабиёт ҳақида. Т.: Ўзадабийнашр, 1962.
5. Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. –Т.: ҒАҲН, 1975.
6. Гёте И.В. Фауст. –Т.: ҒАҲН, 1972, 268 бет.

### **6-маъруза**

### **КЛАССИЦИЗМ АДАБИЁТИ**

#### **Режа:**

1. Европада XVII-XVIII аср адабиётининг тараққиёт хусусиятлари.
2. XVII-XVIII аср инглиз адабиёти.
3. XVII-XVIII аср француз адабиёти.

**Таянч тушунчалар:** *Ғарб, Шарқ, Европа, Осиё, Америка қитъаси, Евроосиё, адабий тур (эпос, драма, лирика), трагедия, комедия, таржима, театр, адабий таъсир, адабий ўхшашлик, адабий синтез.*

XVII асрнинг 20-30- йилларида Англияда синфий кураш кескинлашган, феодал-абсолют ҳокимият мамлакатнинг бундан сўнгги ривожланишига ғов бўлиб колган эди. Инглиз буржуазияси «янги дворянлик» билан иттифок тузиб, абсолютизмга қарши кураш олиб боради. Бу революцион курашда «жанговар армия дехқонлар» эди. Лекин улар бу революциядан манфаат кўрмайдилар. «Қўлга киргизилган галабадан сўнг,- деб ёзди Ф. Эггельс,- галабанинг иқтисодий оқибатлари орқасида муқаррар хонавайрон бўладиган синф ҳам худди шу дехқонлар бўлди». Ерга феодал мулкчилик тугатилгач, ер дехқонларга эмас, балки янги дворянликка ўтиб кетди. Буржуалашган дворянлар чорвачиликнинг асосий тури кўйчиликни ривожлантириб, саноатни хом ашё - жун билан таъминлай

бошлади. Инглиз буржуа революциясининг ўзига хос хусусияти шундаки, у 1688 йилда юзага келган буржуазия билан дворянлик ўртасидаги келишувчилик билан тугади. Францияда буржуа революцияси эса феодализм ҳамда унинг идора усули ва конунларини бекор қилиб юборди. «Англияда революциядан аввалги муассасаларнинг ишлари резолюциядан кейинги муассасалар томонидан давом эттирилганлиги ҳамда катта ер эгалари билан капиталистларнинг ўзаро-муроса қилганлиги суд расмийларини эскича давом эттиришда ва феодализмга хос бўлган ҳуқуқ формаларини ҳурмат ва иззат билан сақлаб қолишда ифода этилди».

XVII асрнинг 60-йилларида юз берган Стюартлар реставрацияси прогрессив адабиётдаги кучларни феодал реакциясига қарши курашга отлантиради. Бу вақтда Бетлар «Гудирас», Мильтон «Йўқотилган жаннат» поэмалари ва «Самсон-курашчи» трагедиясини, Бэньян «Зиёратчининг сафари» номли асарини яратадилар. 1688 йилдаги келишувчиликдан сўнг буржуазия юзидаги никобини олиб ташлайди. Феодал зулми ўрнини капиталистик эксплуатация эгаллайди. Шунинг учун ҳам бу вақтда яшаган ҳар бир илғор ёзувчи ўрта асрчилик ва реставрацияга нафратини ифодалаш билан чекланмай, «буржуа нуқсонлари жуда авж олиб» кетган, ақча ҳукмронлигини туғдирган даврни ҳам каттиқ фош этади.

Инглиз революцияси арафасида, шунингдек, реставрация йилларида яшаган прогрессив ёзувчилар, уйғониш давриининг улуг мутафаккирлари, жумладан, титан ёзувчи Шекспир ижодий традицияларини давом эттирадилар. Улар Бэкондан ҳам маънавий озик оладилар.

XVII асрнинг 30-40-йилларида революцион ҳаракат кучайиб, республика ўрнатиш учун кураш кескинлашган вақтда илғор ёзувчилар феодал монархиясига қарши қуролли кўзғолонга чакирадилар. Бу Мильтоннинг публицистикаси, Лильберн ва Уинстенлининг памфлетида очиқ ифодаланган. Маркс XVII аср инглиз буржуа революцияси билан тугаган кейинги йиллардаги сиёсий воқеаларнинг моҳиятини очиқ, шундай деган эди:

«1648 ва 1789 йиллардаги революциялар Англия ва Франция революциялари бўлмай, балки Европа миқёсидаги революциялар эди. Улар жамиятдаги муайян бир синфнинг эски сиёсий тузум устидан эришган ғалабаси эмас эди, улар Европадаги янги жамият учун сиёсий тузум эълон қилдилар. Бу революцияларда буржуазия ғалаба қилди; лекин буржуазиянинг бу ғалабаси ўша вақтда янги ижтимоий тузумнинг ғалаба қилганлигини, буржуа мулкчилигининг феодал мулкчилик устидан, миллатнинг провинциализм устидан, конкуренциянинг цехчилик тузуми устидан, мулкни таксим қилиш тартибининг майорат устидан, ернинг мулкдорга қарамлигининг мулкдорнинг ерга қарамлиги устидан, маърифатнинг хурофот устидан, оиланинг номи насаб устидан, саноатнинг қахрамонона ялқовлик устидан, буржуа ҳуқуқининг ўрта асрчилик имтиёзлари устидан ғалаба қилганлигини билдирар эди». Шу даврда яшаган йирик ёзувчилардан бири драматург Бенжамин Жонсон (1573 - 1637) абсолют ҳокимият реакциясига қарши курашувчи сифатида майдонга чиқди. «Сеян: унинг емирилиши» (1603), «Катилина: унинг исёни» (1611) трагедияларида Жонсон Рим тарихидан материал олиб, монархияга қарши республикачилик ғояларини илгари сурди. У «Вольпоне» (1607), «Эписин ёки индамас хотин» (1609), «Алхимик» (1610), «Авлиё Варфоломей кундаги ярмарка» (1614) комедияларида инглиз ҳукмрон доираларининг сатирик образларини яратди. XVII асрнинг 40-50- йилларида сиёсий- кураш давом этаётган бир даврда демократик руҳдаги кучли публицистлар Жон Лильберн (1618-1657) ва Жерарда Уинстенли (1609-1652) етишиб чиқадилар.

XVII асрнинг 60-70- йилларидаги реставрация даври ва чириган аристократия маданиятини каттиқ танқид қилган ёзувчилар Мильтон ва Бэньян бўлдилар. Жон Бэньян (1628-1688) реставрация даврининг бутун ярамасликларини ўз кўзи билан кўрган кишидир. У «Зиёратчининг сафари» (1678) повестида сохта шухрат шахрининг зикна, нодон ва кўрқоқ кишилари орқали юқори гуруҳ вакилларини коралади. Жон Бэньян «Мистер Бэдменнинг ҳаёти ва ўлими» (1680) повестида буржуа типи - «тентак киши»ни

танқид килди. «Муқаддас уруш» (1681) повестида 40-йиллардаги граждaнлар урушини, революцион армиянинг феодал-абсолют монархияси армияси усткдан қозонган ғалабасини акс эттирди.

**Француз адабиёти.** XVI асрда францияда феодал зулмига қарши социал курашлар кучаяди. Бироқ феодал зодагонлар оппозициячи кучлар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиб, уларни тарқатиб юбориш, бир гуруҳни иккинчисига қарши қўйиш ва мамлакатда диний жанжаллар чиқариш билан ўз мавқеини сақлаб қолишга эришади.

XVI аср охирида тахтга чиққан Генрих IV даврида қироллик ҳукумати фитначи феодалларни бостириш ва марказлашган ҳокимият ўрнатиш учун кўп ҳаракат қилади. Людовик XIII даври (XVII асрнинг биринчи ярми)да давлатни бошқариш ишида бевосита қатнашган кардинал Ришелье монархия тузумини мустаҳкамлаб, провинцияларни марказга бўйсундиради. Маданий ҳаёт соҳасида ҳам ягона назорат ўрнатади. Ришелье савдо-саноатни ривожлантиришга эътибор беради, доимий армия ва флот тузади, халқ оғир солиқлар остида эзилади. Бу нарса қатор дехқон қўзғолонларини келтириб чиқаради. Людовик XIII вафот этгандан сўнг, унинг балоғатга етмаган ўғли Людовик XIV давлат тепасига чиқади. Лекин давлат ишини кардинал Мазарин ўз қўлига олади. Бу вазиятдан фойдаланиб, тарихда фронди номи билан аталадиган дворян оппозицияси бош кўтаради, у халқ норозилигидан фойдаланиб, ҳукуматга қарши 4 йил (1648-1652) уруш олиб боради. Бу ҳаракат бошлиқларининг халқ манфаатига зид уринишларини сезган камбағал тоифа ундан четлашади. Мазарин ўлганидан сўнг, йигирма уч ёшли Людовик XIV нинг ўзи давлатни мустақил идора қила бошлайди.

Людовик XIV ҳукмронлигининг биринчи даври фронди фитчасини бостириш, абсолют ҳокимиятни мустаҳкамлаш билан тугалланса, иккинчи даврида қироллик ҳукумати тушқунликка учрайди. Бу кризис Людовик XIV олиб борган урушлар муваффақиятсизликка учраши, Генрих IV томонидан гугенотларга берилган диний эътикод эркинлиги ҳақидаги фармоннинг бекор қилиниши билан характерланади. Натижада жуда кўп гугенотлар (хунарманд ва савдогарлар) мамлакатни ташлаб кетадилар, оғир солиқлар эса дехқонларни хонавайрон этади.

XVII аср давомида монархия дворян ва буржуа гуруҳларига таянгани холда, бир тарафдан, кенг халқ оммасининг феодализмга қарши ҳаракатларини бостирса, иккинчи томондан, аристократия реакциясига қарши кураш олиб борди. Бу вақтда буржуазия ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиш учун кучли қироллик ҳукумати химоясига мухтож эди. Мамлакат ҳаётидаги ижтимоий воқеалар, абсолют монархия ва диний муассасаларнинг фаолияти адабиёт ва санъатга ўз таъсирини ўтказди.

XVII аср француз адабиёти ва санъатида классицизм стили ўз тараққиётининг энг юқори чўккисига кўтарилади. Классицизм феодал тарқоқлиги ўрнига келган мустаҳкамланиб борувчи ва қаттиқ қонун асосида иш тутаётган абсолют ҳокимиятнинг расмий адабий стили эди. Абсолютизм тартибларини ўрнатувчилардан Ришелье адабиётда ҳам қатъий формаларга эътибор этиш талабини қўяди. У ёзувчиларнинг адабий қоидаларга риоя қилишлари устидан назорат олиб бориш вазифасини француз академиясига юклайди. Бу академия тилни ҳам давлатга бўйсундириши ва ягона француз тили луғатини тузиб чиқиши керак эди.

Францияда классицизмнинг ривожланишига сабаб бўлган иккинчи омил ўша даврнинг йирик мутафаккирлари Декарт билан Гассенди философиясининг таъсири эди. Декартнинг рационалистик философияси, айниқса, Гассендининг материалистик қарашлари классицизм адабиётининг муҳим белгисига айланади.

Декарт ўз қузатишлари орқали дунёнинг моддийлигига иқрор бўлса-да, лекин у ўрта аср диний таълимоти таъсиридан бутунлай қутула олмайди. Шунга қарамадан, у диний-схоластикани рад этиб, фаннинг эркинлиги учун йўл очиб берди. Декартнинг рационализи шундан иборат эдики, у ҳақиқатни тажрибадан, моддий дунёдан эмас, балки ақл-идрокдан кидирди. Унингча, идрок - ҳақиқатнинг ягона ўлчови. Классицизм

назариячилари ақл-идрок кучига қаттиқ ишонадилар ва ўз карашларини шунга асослайдилар.

Француз классицизмнинг дастлабки вакили шоир Малерб (1555-1628) ҳамма нарса ақл-идрокка асосланиши керак, феодал ўзбошимчаликлар сиёсий ҳаётда давлат ишига путур етказгани каби, санъатда ҳам эмоцияли анархия ёзувчининг фикрини бузади, асарининг мақсад аниқлиги ва композицион бутунлигини йўққа чиқаради, деб санъаткорни ақл амрига бўйсунтишга чақиради. Унинг назарияси ҳукумат сиёсатига мос эди, чунки «ақл ҳукми» юқори доирада, саройда ишлаб чиқилган эди. Малерб сарой шоири сифатида ўз одаларида кирол (Генрих 1У)нинг мутлақ ҳокимияти ва унинг сиёсатини мадх этди. Феодал тарқоқликни коралаб, инсон ақли ва унинг иродасига ишонч билан қаради.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Аристотель. Поэтика. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1980.
2. Алимухаммедов А. Антик адабиёт тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1975.
3. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1987.
4. Алексеев М.П. и др. История зарубежной литературы (средние века и возрождения). Москва, Высшая школа, 1987.ц
5. Артаманов С.Д. История зарубежной литературы XVII-XVIII в.в. Москва, Просвещения, 1978.
6. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Тошкент, Муסיқа, 2006.
7. Дўстмухаммедов Қ. Нобел мукофотини олган адиблар. Тошкент, Маънавият, 2002.
8. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Тошкент, Маънавият, 1999.
9. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
10. Саидов У. Европа маърифатчилиги ва Миллий уйғониш. Тошкент, “Академия”, 2004.
11. Саримсоқов Б. Абсурд – маънисизликдир. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2002.
12. Сувон Мели. Данте ва Навоий. “Жаҳон адабиёти” журнари, 1998, 2-сон.
13. Толстой Л.Н. Шекспир ва драма тўғрисида. “Жаҳон адабиёти” журнари, 1998, 11-12 сонлар.
14. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, Ўқитувчи, 1979, 1983.
15. Ҳессе Х. Жаҳон адабиёти кутубхонаси. “Жаҳон адабиёти” журнари, 2003, 6-сон.
16. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. Тошкент, Фан, 2008.
17. Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (V-XVII асрлар). Тошкент, Ўқитувчи, 1979.

### 7-маъруза

### РОМАНТИЗМ АДАБИЁТИ. БАЙРОН ВА ГЮГО ИЖОДИ.

#### Режа:

1. Романтизм ва реализм ҳақида назарий тушунча.
2. Немис адабиётида танқидий реализм ва романтизм.
3. Инглиз адабиётида романтизм ва танқидий реализм.
4. Француз адабиётида романтизм ва танқидий реализм.

*Таянч тушунчалар: феодализм, капитализм, социализм, романтизм, тақидий реализм, реализм, сентиментализм, натурализм, модернизм, адабий тур, (эпос, лирика, драма) героизм, трагизм, комизм, жанр, ижтимоий роман, сентиментал роман, Вальтер Скотт романи, тарихий роман, жанр трансформацияси.*

Европа романтизм адабиёти XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида шаклланди. 1789-1794 йиллардаги биринчи француз буржуа революцияси Европада феодализм асосларига зарба бериб, буржуа муносабатларини майдонга келтирди.

Феодал тартиблари ўрнига келган буржуа тартиблари одамлар онгида, фанда, маданият ва адабиётда, санъатнинг барча соҳаларида кескин ўзгаришларга олиб келди.

Тараққийпарвар романтизм вакилларида Англияда Байрон, Шелли, Вальтер Скотт, Францияда Виктор Гюго, жорж Санд, Польшада Адам Мицкевич, Юлиус Словацкий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Образларнинг бойлиги ва ранг-баранглиги, чуқур лиризм ҳаётий воқеалар тугунидаги мраккабликлар ва қарама-қаршиликларни кўра билиши билан тараққийпарвар романтиклар жаҳон адабиёти ривожига янги босқич яратдилар.

**Немис адабиётида романтизм.** Германия XIX аср бошларида ҳам қолоқ феодал давлат бўлиб, унинг иқтисодий заифлиги ва сиёсий тарқоқлиги ҳали давом этмоқда эди. Лекин энди у XVIII асрда бўлганидек, 300 дан ортиқ митти давлатчалар эмас, балки Наполеоннинг хоҳиши билан уларнинг сони 36 давлатга қисқартирилган эди.

Немис тараққийпарвар романтизмнинг вакиллари Ф.Гельдерлин, А.Шамиссо, А.Гофман, ака-ука Гриммлар ҳисобланади. Бу давр немис адабиётида эртак жанри ниҳоятда ривожланди. Халқ оғзаки ижодининг бой хазиналаридан тўпланган ака-ука Гриммлар ҳамда Гофманнинг эртаклари алоҳида аҳамият касб этади.

**Эрнест Теодор Амадей Гофман ҳаёти ва ижоди (1776-1822).** Эрнест Теодор Амадей Гофман ижоди XIX аср бошларидаги немис адабий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Гофман Кенигсберг шаҳрида амалдор иласида туғилди. Бўлажак ёзувчи ўн олти ёшида университетнинг ҳуқуқ факультетига ўқишга кирди. Аммо у ҳуқуқ ишларига эмас, музыка, тасвирий санъат ҳамда адабиётга зўр иштиёқ кўрсатди. Наполеон рушлари авж олиб турган бир вақтда Гофман ўз тирикчилигини ўтказиш учун турли шаҳарларга кўчиб юришга мажбур бўлди. Жозибатор новеллалар муаллифи Гофманнинг “Тунги ҳикоялар” (1817), “Серапион муридлари” (1821), “Циннобер лақабли митти Цахес2 (1819) эртаги, “Мушук Муррнинг хотиралари” (1821) романи ҳам машҳур.

**Инглиз адабиётида романтизм.** Инглиз адабиётида романтизм Европа инқилобий ҳаракати даврида шаклланган бўлиб, инглиз романтиклари мавзуни қайси даврдан олишларига қарамай, ўз замонасига мурожаат қилдилар. Байрон ижодида даврнинг барча зиддиятлари акс этган. Шарқ дostonларида шоирнинг адолатсиз жамиятга нисбатан муносабати кўрсатилган. «Дон жуан» асарида шоир замонасидаги муҳим ижтимоий воқеаларга, масалаларга ўзининг танқидий муносабатини билдиради. Инглиз романтикларидан Шелли поэмалар, ҳажвий ва ишқий мавзудаги лирик шеърлар муаллифи. В.Скотт эса тарихий романлар муаллифи сифатида адабиётда ном қолдирди.

XVIII аср охиридаги француз буржуа революцияси ўз моҳиятига кўра умумевропа аҳамиятига эга бўлди. Инқилобдан чўчиган инглиз ҳукмрон доиралари меҳнаткашларга қарши уюшган ҳолда ҳужумга ўтди.

XIX аср бошларида Англияда луддитлар ҳаракати авж олади. Луддитлар – машина бузувчилар. XIX аср бошида Англияда саноат тараққиёти натижасида ишсизликдан хонавайрон бўлган ишчилар ҳаракатидир.

**Жорж Гордон Ноэль Байрон ҳаёти ва ижоди (1788-1824).** Байронни «Жаҳон қайғусини куйлаган шоир» деб аташади.

Жорж Гордон Ноэль Байрон – инглиз романтизм адабиётининг забардаст вакилларида бири. Байрон ижоди у яшаган аврнинг барча зиддиятлари ўзида акс эттиради. Буюк шоир асарларида замонасидаги миллий озодлик ҳаракатини (Испания, Албания, Италия, Греция), ирланд халқининг Англия зулмига қарши олиб борган курашларини, саноат пролетариати бўлган луддитларнинг дастлабки чиқишларини ифодалади.

**“Чайльд Горальднинг зиёрати” асари** чуқур лиризм билан суғорилган, сиёсий мавзуда ёзилган бўлиб, у Байрон ижодида алоҳида ўрин тутади. Асарда китобхон

этибори замонасидаги муҳим масалаларга қаратилади. Достоннинг асосий йўналиши золим ва босқинчиларга қарши нафрат билан тўлиб-тошган.

Байроннинг жўшқин халқона нутқлари 1813-1816 йилларда яратган «Шарқ достонлари» номли тўпламига кирган «Гяур», «Абидосс келинчаги», «Корсар», «Лара», «Коринф қамали» ҳамда «Паризина» номли романтик поэмалари унинг душманларини хаддан ташқари ғазаблантирган эди.

**“Шарқ достонлари”.** Байрон ватанини ташлаб кетгач, Бельгияда, Швейцарияда, сўнгра Италия шаҳарларида бўлади. Ёлғизлик, ватандан жудолик шоир кайфиятида тушкунликни кучайтириб юборади.

**«Гяур»** достонининг қаҳрамони Лейла исмли аёлни севади. Аммо Лейланинг рашкчи эри Ҳасан ўз хотинининг Гяур билан севишганидан хабар топиб, уни ўлдиради. Бунга чидай олмаган Гяур Лейла учун Ҳасандан ўч олади. Асар охирида унинг Лейла ишқида азоб чекиб вафот этиши тасвирланади.

**«Корсар»** достонининг қаҳрамони Конрад денгиз қароқчиларининг бошлиғи. Конрад жамиятдан беғиб, денгиздаги ороллардан бирида яшайди. Унинг мақсади маданий жамиятдан ўч олиш, унга қарши курашишдир. Байрон қаҳрамонлари эхтиросли. Исёнкор шахслардир. Аммо улар ёлғиз курашчилар.

Байрон 1817-1821 йиллар орасида янги адабий романтик драмалар туркумини яратди. Бунга «Манфред», «Осмон ва Ер», «Каин» номли ажойиб фалсафий мулоҳазаларга бой драматик асарларини яратди.

Байрон 1821 йилда ёзган **“Каин”** драмасининг сюжетини диний китоблардан олган. Асар қаҳрамони Каин ҳар қандай зулмга қарши исён кўтарган киши. Диний афсонага кўра, Каин ер юзида биринчи қотил – одам ўлдирган шахс. Байрон талқинида эса у зулмга, худонинг осмоний тартибларига қарши чиққан эркесвар киши образи.

**“Дон Жуан”** романи Байрон ижодининг чўққиси ҳисобланади. Бу роман 1824 йилда ёзилади.

Шоир бу асарининг воқеаларини XVIII асрга кўчирган. Шунинг учун китобхон кўзи ўнгида XVIII асрнинг муҳим воқеалари, давлат арбоблари, саркардалари ўтиб туради, аммо, бундан Байрон ўзи яшаб турган даврнинг энг долзарб воқеаларини четлаб ўтибди, деган хулоса чиқмайди. Аксинча Байрон замонасидаги муҳим сиёсий-ижтимоий масалаларга ўзининг танқидий муносабатини билдиради. Дон Жуан ҳамма ерда зулм, зўравонлик, адолатсизликни кўради. Роман қаҳрамони Дон Жуан Испаниялик дворян. У аёлларга нисбатан суюқоёқ, энгилтак зодагон йигит сифатида тасвирланади. Қаҳрамон ўз ватани Испаниядан қочиб чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. Узоқ денгиз қирғоғида Гайдени учратиб, чинакам севгисини топди. Аммо унинг ва Гайденинг бу бахти узоққа чўзилмади. Севишганларнинг бири кул бўлишга, иккинчиси ўлимга маҳкум этилади. Узоқ денгиздаги оролда ҳам севги эркин эмас. Туркия султони саройига тушиб қолган Дон Жуан бу ерда ҳукм сураётган шафқатсизлик билан бузуқликларнинг гувоҳи бўлади.

Дон Жуан айна пайтда замонасида ҳукм сураётган урушларни, адолатсизликларни, халқ бошига тушган оғир кулфатларни фош қилувчи одил ҳакамлик ролини ўйнайди. Шунинг учун ҳам Дон Жуан образи доимо ўсишда, ўзгаришда кўрсатилади.

**Перси Биши Шелли ҳаёти ва ижоди** (1792-1822). Инглиз адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири Перси Биши Шелли дворян оиласида туғилди. Аввал Итон коллежида, сўнгра Оксфорд университетида ўқиди. Шелли ҳам ёшлигидан бошлаб ўзининг буюк замондоши, дўсти Байрон сингари зулм ва адолатсизликка муросасизлик билан қаради.

Шеллининг муҳим асарлари “Қиролича Маб” (1813), “Ислом кўзғолони” (1818), “Озод қилинган Прометей” (1820) поэмалари, “Ченчи” (1819) фожиаси ва бир қанча сиёсий, ҳажвий, ишқиймавзудаги лирик шеърларидир.

**“Озод қилинган Прометей”.** Прометей инсонларнинг дўсти. Юпитер золим, эксплуататор. Бу романтик, фантастик образлар орқали Шелли замонасидаги синфий курашманзарасини гавдалантиради. Прометей бошлиқ инсонлар Юпитерни тахтга

чиқарадилар. Аммо золим Юпитер кўп ўтмай, ўз ваъдаларидан қайтади. Зулмни кучайтиради. Прометейни севгилиси Азиядан ажратиб, Кавказ тоғларига занжирбанд қилиб ташлайди.

**Вальтер Скотт ҳаёти ва ижоди (1771-1832).** Англиянинг йирик ёзувчиларидан бири. Вальтер Скотт ажойиб санъаткор, тарихий романлар автори сифатида жаҳон адабиёти хазинасига баракали ҳисса қўшди. Вальтер Скотт яшаб ижод қилган давр муҳим воқеаларга, ўзгаришларга жуда бой. Эскилик билан янгилик ўртасидаги курашлар, Англиядаги саноат ўзгариши, биринчи француз буржуа революцияси, Наполеон олиб борган босқинчилик урушлари ёзувчи асарларига сюжет бўлиб хизмат қилди. Унинг тарихий мавзуда ёзган романлари XII асрдан тўртинчи то XIX асргача бўлган хилма-хил воқеаларни қамраб олади. Вальтер Скотт тарихий жараёнларнинг ривожланишини синчковлик билан кузатди. Вальтер Скотт ҳали ҳаёт эканидаёқ, унинг номи кенг тарқалган ва буюк замондошларининг таҳсинига сазовор бўлган эди. Адибнинг ижодига А.С.Пушкин, В.Г.Белинский, Оноре де Бальзаклар юқори баҳо бердилар. Унинг асарларини Маркс билан Энгельс севиб ўқидилар.

Вальтер Скотт ижодини, характериға қараб уч даврга ажратса бўлади. Биринчи давр – 1796-1813 йиллар – дастлабки романтик поэмалари яратилган давр. Иккинчи давр – 1814 – 1818 йиллар бўлиб, бу йилларда Скотт Шотландия тарихидан олиб ёзган ажойиб романларини (“Уэверли”, Гай Моннеринг”, “Антикварий”, “Пуританлар”, “Роб Рой”, “Эдинбург зиндони”) яратади. Учинчи давр – 1819 – 1832 йилларни қамрайди. Бу даврда ёзувчи Англия, Франция ҳамда Шотландия тарихига, бошқа давлатларнинг узоқ ўтмишиға мурожаат қилиб, “Айвенго”, “Кенильворт”, “Квентин Дорвард”, “Вудсток”, “Перт гўзали” каби романларини ёзади.

**“Айвенго”.** Роман Вальтер Скоттинг бу даврдаги асарлари расида алоҳида ўрин тутади. Бу роман марказида XII асрда Англияда кучайиб бораётган қироллик хокимияти илан ўзбошимча феодаллар ўртасидаги кураш воқеалари туради. Асарда ёзувчи ўзининг сеvimли қахрамонлари рицарь Айвенго. қирол Шерюрак Ричард ва улар атрофидаги персонажларнинг романтик қиёфасини гавдалантириб, беради. Асар қахрамонлари мард, севгисига содиқ кишилар. Айниқса, асардаги халқ вакилларининг образлари жуда мукамал: қизиқчи Вамба, чўчкабоқар Гурт, хушчақчақ монах Тук, ўрмондаги камончилар бошлиғи жасур Робин Гуд ана шундай персонажлардир.

**“Пуританлар»** (1816 й.) романида Скотт шотландиялик тоғли дехқонларнинг стюартлар династиясига қарши қўзғолони кўрсатилади. Бу асарда халқ оммасининг қироллик зулмиға қарши норозилик ҳаракатини акс эттиради. В. Скотт Шотландия тарихига оид барча асарларида ўша халқ ҳаётини, урф-одатларини, кийим-кечакларини хайрон қоларли даражада усталик билан тасвирлаб беради.

**Француз адабиётида романтизм.** Француз адабиётида романтизм йўналишининг негизида инқилоб туфайли юзаға келган тартиблар ётади. Илғор француз романтиклари Ж.Санд, В.Гюголар илғор романтиклардир. Булар мавзунини ўз халқи тарихидан, миллий тарихдан ахтардилар. Бу ёзувчилар ўз асарларида француз халқ тилининг бойликларидан унумли фойдаланади, француз шеър тузилишини янги вазнлар, хилма-хил қофия, миллий колорит кенг халқ луғати билан бойитди.

Францияда романтизмнинг қарор топишиға асосий сабаб XVIII аср охирида содир бўлган биринчи француз буржуа революциясидир. Бу революция Европанинг бир қанча мамлакатларида жуда мураккаб ғоявий курашни юзаға келтирди.

**Виктор Гюго ҳаёти ва ижоди (1802-1885).** Виктор Гюго Франциянинг зўр истеъдодли шоири, драматурги, романнывиси ва публицистидир. У ижодининг такомилли давомида француз тараққийпарвар романтизмнинг юксак чўққисига кўтарилган йирик санъаткордир.

Ўзи илғари сурган назарий қарашларини амалда исботлаш учун Гюго 1830 йилдаги Июль революцияси арафасида “Марион Делорм” (1829), “Эрнани” (1830) каби романтик драмаларини яратди. “Марион Делорм” драмасининг сюжети XVIII аср тарихидан олинган

бўлиб, қирол Людовик XIII ва унинг министри Кардинал Ришелье даврини тасвирлаш билан замонасидаги реставрация ва қирол Карл X нинг ҳажвий карикатурасини чизиш беради.

“**Париж Биби Марьям ибодатхонаси**” романи мавзуини Гюго XV аср Франция тарихидан олган. Инсон тарихида диннинг машъум ролини бўрттириб кўрсатиш мақсадида диний бўёқларни қуюқлаштириб чизиш учун XV аср Париж ҳаёти ёзувчига жуда кенг ижодий имкон беради.

Адиб «Париж Биби Марьям ибодатхонаси» романи «Ўлимга ҳукм қилинган кишининг охирги куни», «Клод Гё» қиссаларида ижтимоий мавзуга мурожаат қилиб, қайта тиклаш даврининг қонхўрлигини фош этди.

Америка адабиётидаги романтизм 1775-1783 йилларда Қўшма Штатларда юз берган инқилоб туфайли майдонга келади. XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган йирик романтик ёзувчи Жеймс Фенимор Купер (1789-1851 йиллар.) АҚШ адабиётида кўзга кўринган романнавислардан биридир. Саргузашт романлар устаси, романтизм намояндаси Ф.Купер «Американинг Вальтер Скотти» деб ном олган Купер Қўшма Штатлар адабиётида тарихий роман жанрига асос солади. «Сўнгги Могикан» (1826 й.) романи машҳурдир.

### 8-маъруза

## РЕАЛИЗМ ВА ТАНҚИДИЙ РЕАЛИЗМ АДАБИЁТИ. О. ДЕ БАЛЬЗАК ВА СТЕНДАЛЬ ИЖОДИ.

### Режа:

1. XIX аср танқидий реализм адабиётининг ўзига хос тараққиёт йўналиши.
2. Оноре де Бальзак – француз танқидий реализм адабиётининг йирик вакили.
3. Оноре де Бальзак асарларига хос етакчи мотивлар.
4. Оноре де Бальзакнинг «Горио ота» романининг ғоявий-бадиий таҳлили.

**Таянч тушунчалар:** реализм, танқидий реализм, романтизм, мондернизм, адабий тур ва жанрлар, бальзакишунослик, стендалишунослик, натурализм, адабий таъсир, адабий оқим, услуб, таржима, аслият, бевосита таржима, билвосита таржима, “жаҳон адабиёти”.



О. де Бальзак (1799-1850)

Жаҳон адабиёти тарихида танқидий реализм XIX асрнинг 20-йиллари охирида пайдо бўлиб, 30-40 йилларда ўз тараққиёт чўққисига кўтарилди. Бу жараённинг юзага келиши Европада яъни Англия ва Францияда XIX асрнинг биринчи ярмига, Америка Қўшма Штатлари ҳамда славян мамлакатларида XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Танқидий реализм, асосан, ижтимоий роман жанрида Бальзак, Диккенс асарларида ўз ифодасини топади. Бу адабиёт капиталистик жамияти зиддиятлари кучайиб бораётган пайтда, буржуазия билан ишчилар синфи ўртасидаги қарама-қаршилик кескинлашган шароитда келиб чиққан. Агар XIX асрнинг бошларида буржуа муносабатлари адабиётда романтик норозилик тарзида ифодаланган бўлса, 30-40 йилларга келиб эса, бу муносабатлар реалистик танқид объектига айланади. Буржуа муносабатлари тантана қилган янги шароитда «Ақл ҳукумронлиги» туғрисидаги хом ҳаёллар пучга чиқди. Бу даврга келиб табиат фанларининг раванқ топиши ҳам ҳаёт воқеаларига ҳаққоний ёндошишни тақоза қилади.

Танқидий реализм адабиётининг буюк намояндаси Оноре де Бальзак ўз асарларида ўзи яшаб турган давр ҳаёти қонунлари, бу қонунларни бошқараётган кучни, унинг характерини, типик белгиларини кашф этди. XIX асрнинг биринчи ярмида Францияда инқилобий поэзия ривожланади ва бу адабиёт меҳнаткаш халқ оммасининг

кайфиятларини акс эттиради. Ана шу демократик адабиётнинг йирик вакили буюк кўшиқчи шоир Пьер Жан Беранженинг ижоди бурбонлар реставрацияси 1814-1830 йиллар, ҳамда июль манархияси 1830-1848 йилларга тўғри келади. Унинг шеърларида француз тахтига қайтиб келган дворян-аристократлар реакциясига ҳамда буржуа кироли Луи Филипп зулмига қарши халқнинг кескин норозилиги ўз ифодасини топган.

XIX асрнинг 30-40 йиллари Англияда капитализм билан ишчилар синфи ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви билан ажралиб туради. Бу йилларда пайдо бўлган ва кудратли кучга айланган ишчилар ғалаёни Англия тарихида чартистлар ҳаракати номи олади. Чартистлар ҳаракати ўз замонидан инглиз ва Америка Қўшма Штатлари адабиётига ва ёзувчилар ижодига таъсир этмай қолмади албатта. Чартистлар ҳаракатининг намояндлари ўз ижодида танқидий реализм адабий йўналишига эътиборларини қаратадилар.

XIX асрнинг 20-йиллари охирида чет эллар адабиёти тарихида танқидий реализм пайдо бўлиб, 30-40-йилларда ўз тараққиётининг чўққисига кўтарилди. Бу жараённинг юзага келиши Европада (Англия ва Франция) XIX асрнинг биринчи ярмига, Америка Қўшма Штатлари ҳамда славян мамлакатларида XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Танқидий реализм, асосан, ижтимоий роман жанрида (Бальзак, Диккенс) ўз ифодасини топди. Бу адабиёт капиталистик жамият зиддиятлари кучайиб бораётган пайтда, буржуазия билан оддий меҳнаткаш халқ ўртасидаги қарама-қаршилик кескинлашган шароитда келиб чиқди.

Танқидий реализм адабиётининг буюк намояндаси Оноре де Бальзак ўз асарларида яшаб турган даври ҳаёти қонунларини, бу қонунларни бошқараётган кучларни, унинг характерини, типик белгиларини кашф этди. Бальзак «Инсон комедияси» деб номланган улкан романлар силсиласида буржуа жамиятининг ахлоқий, фалсафий томонларини чуқур таҳлил қилиб берди. У буржуа тузумини ҳаракатга келтирадиган асосий куч пул, олтин эканлигини исботлади.

Бальзак «Бейль ҳақида этюд» номли рисоласида Стендалнинг «Парма ибодатхонаси» романини таҳлил қилиб, бу асардаги образлар ва воқеаларнинг типиклигини кўрсатди, бадиий умумлашма ҳаётий ҳақиқат билан қўшилиб кетганлигини таъкидлади. Чунки Бальзакнинг ўзи деталларни ҳаққоний, характерларни типик тарзда ифодалаб беради.

Танқидий реализм ижтимоий муҳитни чуқур акс эттирди. Агар романтик ёзувчилар ўз қаҳрамонларини реал муҳитдан ажратиб тасвирлаган бўлсалар, танқидий реалистлар қаҳрамонни ўзи яшаб турган муҳит билан узвий боғлиқ ҳолда кўрсатадилар. Шунинг учун танқидий реализм адабиётидаги типик қаҳрамон характери ижтимоий характер сифатида гавдаланади.

Танқидий реализм романтизмдан фарқли ўлароқ, ўзи тасвирлаётган воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. У ҳар бир воқеа ва ҳодисага тарихий жиҳатдан аниқ ёндашади. Шунинг учун танқидий реализм адабиётида тарихийлик муҳим роль ўйнайди. Танқидий реализм адабиёти зулм ва зўравонликка асосланган тузумни, унинг вакилларини аёвсиз фош қилиб ташлайди. Агар ёзувчи тасвирлаётган воқеа-ҳодисаларга танқидий ёндашмаса, танқидий реализм адабиётининг вакили бўла олмайди. Чунки буржуа тузуми ҳақида ҳақиқатни гапириш ўша тузум иллатларини кўрсатишни тақозо қилади.

Француз адабиётининг буюк сиймоларидан Оноре де Бальзак ижодида танқидий реализм ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Бальзак француз танқидий реализмининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган адиб.

Бальзак Франциянинг Тур шаҳрида 1799 йилда туғилган. Ўша давр оdatига кўра, у ҳам Сорбони университетининг ҳуқуқ факультетини тугатади. Аммо адабиётга қизиқиб, бир йил мобайнида ўз устида тинмай ишлайди. Бальзакнинг биринчи трагедияси «Кромвель» муваффақиятсиз чиқади. Лекин ёзувчи умидсизликка тушмай, адабиёт билан

зўр бериб шуғулланаверади. У уззукун, 14-16 соатлаб ишлаб, замонасининг ажойиб санъаткори даражасига кўтарилади.

Бальзакнинг ёзувчи сифатида номини элга танитган ва унга шуҳрат келтирган асари «Шуанлар» (1829) романидир. Шундан кейин унинг «Гобсек», «Сағри тери тилсими», «Номаълум наводир», «Полковник Шабер», «Евгения Гранде», «Горио ота», «Йўқотилган иллюзиялар», «Нюсинженнинг савдо уйи», «Дехқонлар» ва бошқа асарлари бирин-кетин босилиб чиқа бошлайди.

Бальзак ўз асарларини «Инсон комедияси» деган умумий ном остида бирлаштиради ва уларни қуйидаги уч қисмга бўлади:

1. «Хулқлар ҳақида этюдлар».
2. «Фалсафий этюдлар».
3. «Аналитик этюдлар».

«Инсон комедияси» ёзувчи режасига кўра 143 та роман ва новелладан ташкил топиши керак эди. Лекин ундан 96 таси ёзиб тугалланган. «Инсон комедияси» ёзилган тарихий давр чегараси 1830-1848 йилларни, яъни июль монархияси даврини қамраб олади.

Ўзини «ижтимоий фанлар доктори» деб ҳисоблаган Бальзакнинг улкан эпопеяси «Инсон комедияси»да икки мингдан ортиқ персонаж иштирок этади. У ўз ижодини «Инсон комедияси» эпопея асарига тўплайди. Агар француз жамияти тарихчи бўлса, Бальзак ўзини унинг котиби деб атади. Бу билан ёзувчи йирик эпопеясида Франция ҳаётининг барча томонларини ёритмоқчи эканлигини таъкидламоқчи бўлади. «Инсон комедияси»нинг аксарият асарларида кўтарилган мавзу – пул, бойлик, тилла бўлиб, бу бойлик асар қаҳрамонлари ҳаётида машъум роль ўйнайди. Бальзак асарларида пул киши характерини, руҳиятини ўзгартирувчи, емирувчи, издан чиқарувчи салбий куч сифатида кўрсатилади. У одамлар ўртасидаги муносабатларга путур етказди, эр-хотин орасидаги севги-муҳаббатни, оталар билан болалар ўртасидаги ҳурмат-иззатни белгиловчи қабих мезонга айланади. Ёзувчининг «Гобсек», «Евгения Гранде», «Горио ота» ҳамда «Сағри тери тилсими» каби асарларида пулнинг ана шундай бузғунчилик роли кўрсатилади. Ақча дунёси Бальзак қаҳрамонларининг айримларини ҳалокатга дучор қилса, айримларини муваффақиятга олиб келади.

Бальзак «Осори атиқа музейи», «Васийлик тўғрисидаги иш» каби асарларида эски аристократиянинг инсофли вакиллари маркиз д'Эгриньон, маркиз д'Эспарларни кўрсатади. Бу қаҳрамонлар Бальзакка яқин бўлсалар ҳам, уларнинг даври тугаб бораётганлиги ишонарли мантиқ кучи орқали ифодаланган.

Бальзак ўзининг сиёсий душманлари бўлган республикачиларнинг жасоратидан завқланади, уларга қойил қолади. Халқ манфаатларини ҳимоя қилаётиб ҳалок бўлган Мишель Кретъен ёзувчининг «Йўқотилган иллюзиялар» номли романининг қаҳрамонидир.

«Инсон комедияси»нинг муҳим асарларидан бири бўлган «Горио ота» романи (1834) оталар ва болалар ўртасидаги муносабат масалаларига бағишланади. Ёзувчининг бу асарида унинг эпопеясида учрайдиган асосий образлардан бир нечаси қатнашади.

Горио ота майда буржуа муҳитидан чиққан. У узоқ йиллар макарон фабрикасини бошқарган, катта бойлик орттирган. Унинг хотини ўлиб, икки қизи қолган. Булар Анастази ва Дельфина. Ота қизларини ниҳоятда севади ва улардан сира ҳам пулини аямайди. Қизлар зодагонлар доирасида ўсадилар, катта қизи граф де Рестоға, кичик қизи барон Нусингенга турмушга чиқадилар. Қизлар эрга текканларидан кейин ҳам отадан пул олиб турадилар. Ниҳоят, Горио отанинг пуллари тугаб, куёвлари уйдан қувилади. Шекспирнинг «Қирол Лир»идаги Лир каби қизларига ўз давлатини бўлиб берган, охир-оқибат кексалик чоғида қизлари уйдан қувилиб, кўчада қолиб кетган Горио ота Париж чеккасидаги Воке хонимнинг хароб меҳмонхонасида истиқомат қила бошлайди. Горио ота ҳали ҳам қизларини қайноқ оталик меҳри билан севади. Бу меҳмонхонада камбағал талаба Растиньяк, сургун бандаси Вотрен ҳам яшайдилар. Растиньяк Франциянинг узоқ вилоятдан Парижга ўқиш учун келган. Улар камбағаллашиб қолган дворянлардир. Тез

орада Растињьяк ўқишдан совийди. Атрофдаги зодагонваччалар сингари кийинишни, тузукроқ мавқега эришишни мўлжаллайди. Уйига хат ёзиб пул сўрайди. Уйидагилар Растињьякка пул билан бирга хат ҳам йўллаб, Париждан виконтесса де Боссеан номли аёл қариндошларини кидириб топишни сўрайдилар. Растињьяк виконтесса де Боссеанни ахтариб топади. У аёл бу йигитга ёрдам беришни ваъда қилади. Бу жамиятда дурустроқ жой эгаллаб олиш учун жуда ҳам бераҳм бўлишни, одамларни почта аравасининг отлари сингари савалашни маслаҳат беради. Вотрен эса Растињьякнинг мақсадларини сезиб, унга миллионер Тайфернинг меросхўр ўғлини ўлдиришни, сўнгра бой отанинг барча миллионлари ёлғиз қизи Викторинага қолишини, Растињьяк бу қизга уйланиб, миллионларнинг эгаси бўлиб олишини маслаҳаб беради. Шу маънода ҳам виконтесса де Боссеан, ҳам Вотрен Растињьякка буржуазия тизимининг ёвузлик, босқинчилик қонунларини ўргатувчилардир. Агар виконтесса де Боссеан буржуазия жамиятида муваффақиятга эришиш йўлларини силлиқроқ, пардалироқ қилиб ўргатса, Вотрен ошкора равишда разолатга ундайди. Ёзувчи Вотрен образи орқали буржуазия тузумининг босқинчиликка асосланган қонунларини ошкора фош этади. Растињьяк виконтесса де Боссеаннинг ёрдамида аристократлар доирасига аралашади. Уларнинг ҳаёти ва макр-найранглари кўради. У Горио отанинг кичик қизи Дельфина билан танишади. Ўртадаги яқинлик муҳаббатга айланади. Горио ота касал бўлиб ётади. Қизларини соғинади. Лекин шунда ҳам улар отани кўргани келмайдилар. Вафот этган Гориони Растињьяк, унинг ўртоғи Бьяншон ва яна бир неча киши дафн қиладилар. Ота билан видолашиш учун қизлари ҳам, куёвлари ҳам келмайдилар.

«Горио ота» романи қахрамонларининг ҳаёти фавкулудда кескин воқеаларга бой. Романда ёзувчи буржуазия жамиятида ҳамма нарса пулга боғлиқ эканини, бойлик оилавий муносабатларни ич-ичидан бузиб юбораётганини катта маҳорат билан кўрсатиб беради. Асарда Горио ота фожиасидан ташқари яна бир неча оиланинг хонавайрон бўлиши кўрсатилади.

Масалан, миллионер Тайфер ўз қизи Викторинани уйдан хайдайди. Чунки меросни у ёлғиз ўғлига қолдирмоқчи эди. Горио отанинг катта қизи Анастазининг эри граф де Ресто ўз хотинининг Максим де Трай исмли киши билан узоқ йиллардан буён алоқада эканлигини сезиб, болаларининг қайси бири ўзиники эканлигини аниқлайди, натижада Максим де Трайдан бўлган болалар ҳеч қандай меросга эга бўлолмайдилар.

Буржуа дунёсида пул асосига қурилган никоҳ эр билан хотин ўртасида ҳақиқий севги бўлишига йўл қўймайди. Эр билан хотин фақат моддий манфаатдорликни кўзлаб турмуш қурадилар. Анастазия билан граф де Ресто, Дельфина билан барон Нусинген, виконтесса де Боссеан билан унинг эри ўртасидаги муносабатлар ана шу асосга қурилгандир.

Растињьяк – романдаги барча воқеаларнинг жонли гувоҳи. Аёллар ёрдамида Растињьяк аста-секин буржуа ҳаёти поғонасидан кўтарила боради. Албатта, унинг юқорига қараб ўсиши ундаги инсоний фазилатларнинг йўқолиб бориши, бузуқлик, риёкорлик, иккиюзламачилик буржуа шароитига мослашиш эвазига бўлади. Растињьякнинг Горио ота қабри устида туриб, «ким кимни» деган хитоби унинг буржуа Парижи қонунларини ўзига сингдириб олаётганидан, бу қонунларни ўша жамиятнинг ўзига нисбатан ишга солиб, унинг ҳаёт поғоналаридан кўтарилиб бораётганлигидан дарак берад эди.

Бальзакнинг «Арсдан чиққан депутат» номли асарида Растињьяк буржуа жамиятининг министри даражасига кўтарилади. Бундай кишилар буржуа ҳаёти учун янгилик эмас эди. Бальзакнинг «Инсон комедияси»да бунақа «омадчилар» кўп учрайди. Растињьякка ўхшаган шахслар буржуазиянинг йиртқич қонунларини жуда пухта ўзлаштирадилар. Гарчи у Вотрен насиҳатларини қулоққа олмаса-да, ўз хоҳишларига қарши, йигитлик ор-номусини ерга уриб, Дельфина ҳисобига яшайди, бойлик орттиради. Бу аёлни чин юракдан севмаса ҳам, виждонига хилоф равишда, ғаразгўйлик, мақсадига эришиш борасида ҳар қандай ишга рози бўлади. Растињьяк сингари шахслар

характерининг қарор топишида, юқорида айтилганидек, Вотрен каби кишилар асосий роль ўйнайдилар. Вотрен ўзининг ўткир ақл-идроки, зехни ва қобилиятини жамиятнинг жиноятларини кўпайтириш учун сарфлайди. Вотрен Растиньякдаги шухратга интилиш кайфиятларини сезгач, унга қараб: – Агар сиз менинг шоғирдим бўлишни хоҳлаганингизда, – дейди, – ҳамма нарсага эришган бўлардингиз. Нимани хоҳламанг: хурмат, пул, аёллар – барчаси амалга ошар эди. Вотрен Растиньякка қараб: софдил одам ҳамманинг душмани, дейди. Шунинг учун ўз эътиқодингиздан, ўз имонингиздан юз ўгириш. Агар уларга харидор топилса, сотиб юборинг. Бойишни хоҳловчилар жуда ҳам кўп, аммо «мойлик жой» жамиятда ҳаммага ҳам етавермайди. Кимки юқори доирадан ўзига жой топишни хоҳласа, банкадаги ўргимчаклар сингари бир-бирини қурбон қилиши керак.

Вотрен қандай қилиб бўлмасин, бойиш йўлларини ахтаради. Чунки бойлик ҳамма нарсани оқлайди. «Мен бойиганимда, мендан сен кимсан деб сўрамайдилар», – дейди у. Вотреннинг фикрича, кимки пулдор бўлса, энди у жинояткор эмас.

Ташқаридан ялтираб кўринган, кўзни қамаштирадиган зодагонлар жамияти ана шундай жиний ишларнинг макони эканлиги Растиньякни довдиратиб қўяди. Энди у буржуа ва аристократлар дунёсининг ўтакетган мунофиқ башарасини, ғаразғўй манфаатларнинг тўқнашувини кўз олдига келтиради: бу дунёда ахлоқ ҳам, қонун ҳам бойлик олдида ожиз. Дунёнинг асоси – пул. Растиньяк ана шу ҳақиқатларни тушуниб етгач, бу замонда муваффақият қозониш калити Вотрен сингари жиноят эгалари қўлида эканлигига ишонч ҳосил қилади. Ана шу ҳақиқатни англаб етгани ва унга амал қилгани учун ҳам Растиньяк юқори мансабга эришади. У Франциянинг мери, министри даражасига кўтарилади. Лекин бундай шон-шухратларга эришиш ундаги барча инсоний хусусиятларни поймол қилиш эвазига бўлади.

Бальзакнинг буюк хизмати шундаки, у «Инсон комедияси» эпопеясига кирган ажойиб ижтимоий романларни яратди. Бу асарларида француз ҳаётининг барча томонларини қамраб олди. Адиб яратган эпопея қаҳрамонларининг ҳаёти муаллиф ҳаётининг мазмунига айланиб кетди. Бу улкан полотно саҳифаларида шоирлар ва рассомлар, савдогарлар ва амалдорлар, миллионерлар ва сургунга маҳкум этилган маҳбуслар, юқори доира вакиллари бўлган аёллар ва актрисалар, министрлар ва солдатлар, олимлар ва дўкондорлар, деҳқонлар ва помешчиклар, саноатчилар ва ҳунармандлар – қисқаси, асло тиним билмайдиган одамлар уммони ҳаракат қилади. Бу уммон қаърида сон-саноксиз тасодифлар, офату фалокатлар ва муваффақиятлар гирдобиди Бальзак ана шу уммонни ҳаракатга келтирувчи кучлар қонунини ахтаради.

Бу дунёнинг эгалари – мол-дунё тўплаш васвасасига учраган жинояткор шахслар. Бу ерда минг хил жиний найранглар билан ўз миллионларини жамғарган Тайфер, «биржа дунёсининг Наполеони» бўлмиш Нусинген, ўз пулларининг гадосига айланиб қолган Гобсек ва Гранделарни учратамиз. Шон-шухрат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган Шарль, Растиньяк, «жиний оламининг Наполеони» Вотрен, яна қанча-қанча персонажлар галереяси санъаткор қалами нақадар сеҳрли эканлигини кўрсатади.

Бальзак ижодидида типиклик муаммоси алоҳида ўринда туради. Унинг фикрича, санъаткорнинг вазифаси табиатдан нусха кўчириш эмас, балки уни ифода қилиб беришдир. Санъаткор тип яратар экан, унинг муайян сифатларини кучайтириши, бўрттириб кўрсатиши мумкин. Бальзак ўзи яратаётган қаҳрамонларнинг ташқи, ижтимоий муҳит таъсири остида ўзгариб, ўсиб боришига алоҳида эътибор беради. Шунинг учун унинг ижобий қаҳрамонлари Давид Сешар, маркиз д'Эспар, полковник Шабер ва бошқалар буржуа муҳити туфайли, ҳамма вақт мағлубиятга учрайдилар.

Қаҳрамон характери ташқи муҳит, уни ўраб олган ижтимоий шароит таъсирида қарор топгани учун Бальзак ана шу ташқи дунёга, унинг тафсилотига катта аҳамият беради. Шунинг учун адибнинг ҳар бир асарида қаҳрамон ва воқеалар ҳолатини белгилаб берувчи атроф-муҳит, нарсаларга кенг ўрин берилади. Натижада унинг ҳар бир асари мукамал, жозибали бўлиб, китобхон қалбини ўзига ром қилади.

Адабиётнинг толмас заҳматкаши Бальзак умр бўйи тинмай меҳнат қилди, асар ёзди. Аммо бир умр қарздор бўлиб яшади. Унинг буюк асарларини нашр этган нашриётчилар бойидилар.

Бальзак шахсий ҳаётда ҳам бахтиёр бўлмади. У рус фуқароси бўлган графиня Эвелина Ганская билан бўладиган никоҳни деярли умрининг охиригача кутди. Граф Ганский вафотидан сўнг Бальзак Украинага келиб, Бердичев шаҳарчасида 1850 йилнинг март ойида Ганская билан никоҳдан ўтади. Бу вақтда Бальзакнинг соғлиғи жуда ёмонлашиб қолган эди. Улар Парижга кўчиб келганларидан кейин кўп ўтмай, 1850 йил августида Бальзак оламдан кўз юмади.

Буюк ёзувчи асарларининг биринчи таржимони Ф.М.Достоевский бўлди.

Бальзакнинг «Гобсек» ҳикояси ва «Сағри тери тилсими», «Евгения Гранде», «Горио ота» романлари ўзбек тилига таржима қилинди ва ўқувчиларнинг севимли китоблари бўлиб қолди.

Унинг хасислик, пул жамғариш касалига мутало бўлган кишилар ҳақидаги асарлардан бири «Евгения Гранде» 1833 йилда ёзилган романидир. Гранде ҳам Гопсек каби буржуа тузумининг типик вакилидир. Бу ҳар иккала шахс буржуазиянинг йиртқич, таловчи, қизғанчиқ, пул учун муккасидан кетган вакилларининг умумлаштирилган образларидир. Агар Гобсек ва Гранде образлари китобхон кўз олдида бошдан-оёқ типик буржуа вакили бўлиб гавдаланса, Шарль оддий, содда йигитчадан аста-секин буржуазиянинг йиртқич, муттаҳам, юлғич вакилига айлана боради.

Бальзакнинг фалсафий «Сағри тери тилсими» 1831 йилда ёзган романи буржуа дунёсининг ваҳший қонунлари ҳақида фантастик тарзда ҳикоя қилади. Бу роман ҳам ёш йигит тақдирига бағишланган. Асар қаҳрамони Рафаэль де Валантен истеъдодли шоир ва олим. У кеча-кундуз ўз илмий иши устида бош қотиради. Рафаэль ўз қобилияти билан бутун Парижни забт этмоқчи, шуҳрат қозонмоқчи. Аммо унинг ишлари юришмайди. Севган аёли уни рад этади. Рафаэль ўзини Сена дарёсига ташлаб ўлдирмоқчи бўлади. Аммо бу ишни бироз пайсалга солиб, эски нодир-ноёб буюмлар сақловчи чол антикварнинг дўконига кириб томоша қилади. Бу чол Рафаэлга сирли сағри терисини беради. Бу терининг сири шундаки, уни олган кишининг барча истаклари амалга ошади. Шу билан бирга, терининг ҳажми ҳам қисқариб боради. У қисқариб тугаши билан тери эгасининг умри ҳам тугайди. Рафаэль кўлига олган Шарк афсоналарида учрайдиган бу мўжизакор терига қуйидаги сўзлар тилсим каби ўйиб ёзилган эди.

«Менинг эгам ҳамма нарсага эга бўлади, аммо унинг жонига мен эга бўламан. Тангри иродаси шу. Истаганингни тила, ижобат бўлмай лекин тилагингни ҳаётингга мосла. Жонинг – менда. Ҳар бир тилагингдан умринг кунлари камайгани сингари мен ҳам камаяман. Менга эга бўлишни истайсанми? Ол. Сенга тангри ёр бўлмай. Омин!»

Қаҳрамон вақтинча бўлсада, умрини чўзиш мақсадида бу шартга рози бўлади. Рафаэль терини кўлига олиши билан ишлари юришиб кетади. Дўстлари кўпаяди. Журналлар унинг асарларини босишга киришади. Аввал йигитнинг севгисини рад қилган зодаган аёл Феодора энди Рафаэль ёнига келиб, унга севги изҳор қилади. Аммо Рафаэль унинг севгисини рад қилади. Тез орада йигит бойиб кетади. Унинг барча орзулари амалга ошмоқда. Шу билан бирга, терининг ҳажми ҳам тоборо қисқариб бормоқда. Бир вақтлар ўзини-ўзи ўлдирмоқчи бўлган Рафаэль энди, ажал кўзига кўриниб турганда, бу фикрдан қайтади. Барча хоҳиш-истакларини тўхтатишга, одамлардан йироқлашишга уринади. қаҳрамон терининг ҳажмини кенгайтириш, ҳеч бўлмаса, унинг қисқаришини тўхтатиш мақсадида замонасининг машҳур олимлари бўлган физикларга, кимёгарларга мурожаат қилади. Аммо ҳеч ким сирли терининг қисқариш жараёнини тўхтата олмайди. Ниҳоят, сағри териси қисқариб тамом бўлади – Рафаэль ўлади. Сағри териси инсонни ҳалокатга маҳкум этган тузумнинг рамзий образидир. Шундай қилиб, буржуазия жамияти ўз қаторидан чиқариб ташлаган киши муқаррар ўлимга дучор бўлади. Борди-ю у киши ўз умрини бирор муддатга чўзар экан, бу тасодифий бир нарса. Аммо ҳалокатга юз тутган кишини суяб қоладиган ҳеч қандай куч йўқ. Зотан, Рафаэл сағри терисига эга бўлади-ю

аммо бахтли бўлмайди. Аксинча, у ўзидаги инсоний фазилатлардан, одамгарчилик хусусиятларидан махрум бўлди. Ўз ҳаётини доимий хавф хатар таҳликаси остига қўйди.

Франция танқидий реализм адабиётининг йирик вакилларида бири **Беранже** 1780 йилда Парижда майда савдогар оиласида туғилди. Беранженинг биринчи йирик сиёсий ҳажвий кўшиғи «Қирол Ивето» нашр қилинади. Бу кўшиқни бутун Париж куйлайди. Муаллиф номи ҳаммага шоён бўлади. Беранже Иветони тинчликпарвар, ўз халқи ва давлатининг бахт-саодатини юқори кўядиган саҳий қирол сифатида тасвирлайди. Беранже сатирасининг тиғи буржуа зулм-дахшатларига қаратилгандир. У реставрация йилларида сиёсий жихатдан ниҳоятда ўткир бўлган кўшиқларини яратади. Бунга шоирнинг «Зотли итлар арзи» номли ўта сатирик шеърини мисол келтириш мумкин.

**Фредерик Стендаль** Франциянинг Гренобль шаҳрида адвокат оиласида туғилди. Стендель замонасининг кенг иқтидорли кишиси эди. Унинг ижоди хилма-хил жанрларни, санъатнинг турли соҳаларини қамраб олади. Унинг бешта романи «Италия йилномалари» номли новеллалар тўплами, «Анри Брюлар ҳаёти», «Автобиографик мактублар». «Эготистнинг эсдаликлари» каби асарлари, кундалик ва хотиралари сақланиб қолган. Стендалнинг француз императори тўғрисида ёзган «Наполеон ҳаёти», «Наполеон ҳақида хотиралар», шунингдек, «Рим», «Неаполь», «Флоренция» номли йўл лавҳалари «Рим бўйлаб саёҳат», «Турист хотиралари» номли эсдаликлари бор. Муаллифнинг бу асарларида фалсафий. Сиёсий ҳамда эстетик мулоҳазалари баён этилган.

Стендаль мусиқа, театр ва бошқа санъат турларини жуда яхши ҳис қила олган. «Италияда тасвирий санъат тарихи», «Гайди Моцарт ва Метастазо ҳаёти» номли асарлари буни кўрсатиб турибди.

Стендалнинг «Қизил ва Қора» 1830 йилда ёзилган романидаги қизил сифати «эркинлик», «республика» маъноларини англатса, қора эса реакцион кучларни билдиради. Адиб Дантоннинг «Ҳақиқат. аччиқ ҳақиқат!» деган сўзларини романга эпиграф қилиб оладики, бу билан у асар воқеаларининг фақат чин ҳақиқатни ҳикоя қилишни таъкидлайди. Роман сюжети 1827 йили газетада босилган суд воқеаларидан олинган. Антуан Берте номли йигит ўзи ўқитувчилик қилган хонадон бекаси Мишу хонимга суиқасд қилган ва бунинг учун у ўлим жазосига ҳукм қилинган. Стендаль ана шу суд хроникасини олиб, уни бадиий жихатдан қайта ишлаб йирик салмоқдор асар яратади. «Қизил ва Қора» романининг қахрамони камбағал дуродгорнинг ўғли Жюльен Сорель. У мактабда яхшигина билим олган, қобилиятли, шуҳратпарас йигит. Жюльен Сорелнинг ҳаракат доираси Верьер, Безансон, Париж шаҳарлари билан боғланган. Роман қахрамони Жюльен Сорель оддий камбағал оиладан чиққан йигит. У чакқон, ақилли ишбилармонлиги билан юқори табақа кишиларидан устун туради. Шунинг учун ҳам Реналь хоним ва Матильдаларнинг муҳаббатини қозонади. Ўзидан бир неча поғона устин турган бу хонимларнинг севгисига сазавор бўлиш Жюльен Сорелда ўз қобилиятига бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди. Чунки ҳар иккала аёлнинг диққатини ўзига торта олган ёш қахрамон бу ҳолни юқори синф вакиллари устидан қозонган ғалабаси деб қарайди. Шунинг учун Жюльен Сорель атрофидаги ҳукумрон синф вакилларида, ўша тузумдан уни тан олишларини, ўз қобилиятига яраша жой беришларини талаб қилади. Бу эса эрксевар Сорелнинг ўша замон қора кучларига қарши кураш очганини билдирар эди.

Стендаль Италия ҳаётига қизиқиб қарайди, «Парма ибодатхонаси» номли романининг (1830 й.) мавзуси ҳам Италияга бағишланган. Стендаль бу асарига шимолий Италиянинг Парма князлигида рўй берган воқеаларни асос қилиб олса-да, унда реставрация давридаги Европа ҳаётини умумлаштириб кўрсатади. Романда Карбонарлар ҳаракати даврининг акс-садоси, 1795 йилги Наполеон юришлари даврида Австрия зулмидан озод қилинган, сўнгра Наполеон француз тахтидан кетгач, 1814 йилда қайтадан Австрия ҳукмронлиги остига ўтган шимолий Италияда юз бераётган сиёсий воқеалар ифода қилинади.

Ёзувчининг «Қизил ва Қора» романидаги Жюльен Сорел каби «Парма ибодатхонаси» романининг қахрамонлари ҳам китобхон қалбини ўзига ром қилиш

кудратига эга. Европада реакция ҳукм сураётган «муқаддас иттифок» таҳдид солаётган бир шароитда жасоратли, кучли, иродали ажойиб қаҳрамонлар галлериясини яратиш Стендаль ижодининг демократизмини кўрсатади. Ёзувчи асарлари ҳаётий реализм билан суғорилган. Унинг ҳар бир қаҳрамони маълум давр ғояларини ўзида акс эттиради. Ёзувчи ҳамма вақт ҳаёт ҳақиқатларига содиқ бўлиб қолади. Ўз асарларида дворянлар ўрнига келаётган буржуазия синфининг жирканч томонларига ўт очган ёзувчи ҳукмрон синфга қарама-қарши қилиб қуйи табақа орасидан чиққан ажойиб халқ вакилларини кўяди. Буларга Петро Миссерилл, Жюльен Сорель, Ферранте Палларни кўрсатиш мумкин.

Француз адабиётида танкидий реализмнинг кўзга кўринган намояндаларидан бири **Проспер Меримедир**. Мериме Парижда рассом оиласида (1803-1870 йилларда) туғилади. XIX асрнинг биринчи чорагида француз адабиётида тарихий мавзуда драма ва романлар пайдо бўла бошлайди. Мерименинг «Жакерия» 1828 йилдаги драмаси ҳам ана шу мавзуда яратилган бўлиб, бу асарида ёзувчи ватани тарихига мурожаат қилади ва XIV асрдаги деҳқонлар кўзғолонини акс эттиради. «Карл IX салтанати солномаси» тарихий романини 1829 йили диний урушлар замонасидан олиб ёзган. Бу роман мавзуи XVI асрда 1572 йилдаги католиклар билан Гугенотлар ўртасидаги диний хунрезлик воқеаларига бағишланган. Қайта тиклаш даври ҳаёти ёзувчига Франциянинг узок ўтмиш воқеалари билан боғлиқ ҳолда замонасида авж олаётган диний реакцияни фош қилишга имкон берди.

Мериме жаҳон адабиётида новелла жанрининг таниқли устаси сифатида ном чиқарган. Ёзувчининг бу соҳадаги асарлари орасида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга: «Таманго» (1829 й.), «Матео Фальконе» (1829 й.), «Этрасс гулдони» (1830 й.), «Иккиёклама хато» (1833 й.). Мериме новеллалари драматизмга бой, содда, аниқ, равон тилда ёзилган. «Таманго» новелласида оқ танли кулфурушларнинг кирдикорларини фош қилади.

**Гюстав Флобер** (1821-1880 й.) Руан шаҳрида врач оиласида туғилди. Унинг адабий мероси у қадар катта эмас. «Бовари хоним» (1856 й.), «Саламбо» (1862 й.), «Сезгилар тарбияси» (1869 й.), «Авлиё Антонийнинг алданиши» (1874 й.), тугалламмаган «Бувар ва Пекюше» (1880 й.) каби йирик асарлари, учта повести, ҳамда бир неча драматик асарлари бор. Флобер тўнғич асари Бавари хонимда ҳаёт ҳақиқатларини романтик ҳаёлпарасликка қарама-қарши қилиб кўяди. Ёзувчи бу романда икки хил вазифани олдинга суради. Бири реакцион-романтик асрларнинг ҳаётга яроқсиз, ғоясиз эканини фош қилса, иккинчиси ҳамма нарса пул билан ўлчанадиган буржуазия шароитида қаҳрамон Эмманинг чинакам севги, дўстлик, гўзалликка интилишларининг заминсизлигини кўрсатади.

Европа қитъасида, жумладан, Англияда сиёсий ва инқилобий курашлар ниҳоятда қизиб кетган бир пайтда инглиз адабиётининг йирик вакиллари Ч.Диккенс, У.Теккерей, Ш.Бронте, Э.Гаскеллар ўз асарларида чартистлар ҳаракати таъсирининг ишчилар синфи орасида кенгайиб бораётганини акс эттирдилар.

**Чарлз Диккенс** (1812-1870 й.) инглиз реалист ёзувчилари авлодининг улкан намояндасидир. У Англия жанубида денгиз хизматчиси оиласида туғилган. Диккенс инглиз адабиётида биринчи бўлиб, буржуа шароитида азоб-уқибатларга дучор қилинган оддий халқ ҳаётини реалистик куч билан тасвирлаб кўрсатди. Бойлар билан қамбағаллар орасидаги кескин қарама-қаршиликларни ифодалаган ёзувчи ҳамма вақт қуйи табақа вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Диккенс ижодини тўрт даврга бўлиш мумкин:

Биринчи даври 1833-1841 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Диккенс асосан, юмористик асарлари билан ном чиқаради. «Боз очерклари», «Пиквик клубининг мактублари», «Оливер Твист», «Николас Никльби» номли асарлари ёзувчининг шухратини шоён қилиб юборди.

Иккинчи даври 1842-1848 йилларни ўз ичига олади. «Америка хатлари», «Мартин Чезлвит», «Домби ва ўғли» сингари асарларини яратади. Бу паллада Европада синфий кураш кучайган давр эди. Диккенс асарларининг сиёсий ўткирлиги ана шу омиллар билан белгиланади.

Учинчи даври 1849-1859 йиллар. Диккенс, асосан, ҳажвиянавис ёзувчи сифатида танилади. Бу йилларда «Давид Копперфильд», «Совуқ уй», «Мудҳиш замонлар», «Митти Доррит» каби ўткир ижтимоий масалаларга бағишланган асарларини яратади.

Тўртинчи даври 1859-1870 йиллар. Диккенс қарашларида умидсизлик кайфиятлари устинлик қилади. Чунки бу даврда ёзувчи буржуазия тузумининг мавжуд қарама-қаршиликларини бартараф қила олишига кўзи етмай қолади. Бу йилларга келиб адиб «Икки шаҳар ҳақида қисса», «Катта умидлар», «Бизнинг умумий дўстимиз» каби асарларини яратади.

Диккенснинг биринчи асари «Боз очерклари»ни айниқса «Пиквик клубининг мактублари»ни ўқувчилар қизгин кутиб олдилар. Диккенснинг адабиётга қўйган қадами ана шу асарларининг муаффақияти билан бошланиб, бу муаффақият умрининг охиригача ёзувчига йўлдош бўлиб қолди. Диккенснинг биринчи юмористик асари бўлган «Пиквик клубининг мактублари» (1837 й.) унинг шуҳратини бутунлай мустаҳкамлади. Бу асар тез орада дунёнинг барча мамлакатларига тарқалди. Диккенс номи оммалашиб кетишига сабаб бўлди. Асар қаҳрамони Пиквик жаноблари фан йўлида илмий изланишлар қилиб, унинг натижаларини ўзи раҳбарлик қилаётган клуб аъзоларига таништириш ниятида бўлади. Асарнинг комизми яна шу билан кучайтириладики, ўтакетган содда, ҳар нарсага ишонувчан, ҳаётни мутлақо тушинмайдиган Пиквик Лондон кўчаларида чамадони билан, пальтосининг чўнтагига солиб олган дурбини билан ҳамманинг диққатини ўзига тортади. Унинг дўстлари ҳам ўзига ўхшаш ғалати одамлар. Ҳиссиётга берилувчан жаноб Тапмен, шоиртабиат Снодгресс, кўрқоқ, аммо ўзини моҳир овчи деб мактанувчи Уинкл жаноблари биргаликда Пиквик образини тўлдирадилар. Бу содда, оддий кишилар образлари буржуа вакилларига қарама-қарши чизилган. Чарлз Диккенснинг 1848 йилда ёзилган «Домби ва ўғли» романи ёзувчи ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Инглиз танкидий реализмнинг ажойиб намунаси бўлган бу асар марказида йирик капиталист, савдогар Домби образи туради. Домби ўз корхонасининг бойиши, гуллаб-яшнашидан бўлак ҳеч нарсани тан олмайди. У аёлларни одам деб ҳисобламайди. Унинг фикрича аёллар корхонанинг бойиши учун хизмат қила олмайдилар. Унинг ўғли туғилганда фарзанд кўргани учун эмас, балки корхона ишларини давом эттирувчи ўринбосар, меросхўр туғилгани учун қувонади. Ўғли Польни савдо мактабига олти ёшида бериб унинг эрта вафот этиб кетишига сабабчи бўлади.

**Уильям Теккерей** 1811-1863 йилларда яшаб ижод этган. Англияда танкидий реализм адабиётининг яна бир забардас вакили Диккенснинг замондоши буюк сатирик ёзувчи Теккерейдир. У. Теккерей Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида инглиз хизматчиси оиласида туғилган. Унинг бирқанча хикоялари, ҳажвий қиссалари, ўз даври ҳажвиётидан ҳамда тарихий мавзулардан бир неча романлар ёзган. «Сноблар китоби» (1847 й.), «Шуҳратпарастлик ғулғуласи» (1848 й.), «Ньюкомлар» (1855 й.), «Генри Эсмонд тарихи» (1852 й.), «Виргиниялилар» (1859 й.) ва бошқалар. Теккерейнинг номи айниқса «Сноблар китоби», «Шуҳратпарастлик ғулғуласи» номли асарлари билан бутун оламга танилган. Теккерей Сноблар китоби асарида илк бора сноб сўзини истемолга киритди. Снобизм тушунчаси остида ёзувчи Англия давлат тузумининг юқори қатламларида ҳукм сураётган иллатларни кўзда тутади.

У.Теккерейга оламшумул шуҳрат келтирган асари «Шуҳратпарастлик ғулғуласи» номли романи бўлиб, унда ёзувчи буюк ҳажвиянавис даражасига кўтарилади ва Англия реалистлари қаторидан абадий жой олади. Бу асар ижтимоий-сиёсий романдир. Романда XIX асрнинг бошларидаги Англия воқеалари тасвирланган. Романнинг асосий қаҳрамони Бекки Шарп ва Эмилия Сэдли исмли қизлар. Иккала қиз ҳам қизлар пансионида ўқийди. Эмилия Сэдли келажаги учун унинг бой ота-онаси қайғурса, Бекки Шарпнинг келажаги учун ҳеч ким қайғурмайди. Унинг ўзи ҳаётда ўз ўрнини топиши керак. Пансионни тугатгач Эмилия Офицер Жорж Осборнга турмушга чиқади. Лекин унинг эри хиёнаткор қаллоб бўлиб чиқади. Иккинчи қаҳрамон Бекки Шарп эса офицер Родон Кроулига унинг бойлиги учун турмушга чиқади. Бекки юқори табақа вакиллари орасидан жой эгаллаш

учун харқандай разилликка тайёр хатто мунофиқлик, эрига хиёнат қилишгача бориб етади. Бекки Шарп, Эмилиялар яшаб турган жамият шуҳратпарастлик васваса қурган жамиятдир. Бу жамият аъзоларига айёрлик, мунофиқлик, ахлоқсизлик каби иллатлар сингиб кетган. Теккерей ана шу ҳолни жуда ишонарли тасвирлайди.

XIX асрга келиб Европада сиёсий курашлар, чиқишлар авж олди. Бу даврда яшаб ижод қилган буюк немис шоири ва мутафаккири Генрих Гейне асарларида на шу озодлик ғояларининг ифодаси яққол кўринади. **Генрих Гейне** 1797-1856 йилларда яшаб ижод этган шоирдир. Рейн дарёси қирғоғидаги Дюссельдорф шаҳрида савдогар яҳудий оиласида туғилган. Г. Гейне ижодининг юқори чўққиси бўлмиш «Германия. Қиш эртаги» 1844 йилда ёзган достонида шоир ватаннинг озодлиги, келажаги ҳақида қайғуради. Шоир дostonдаги киш сўзи орқали Германиянинг қолоқлигига, у ерда ҳукм сураётган жаҳолатга ишора қилади.

АҚШ адабиётида танқидий реализм XIX асрнинг биринчи ярмида бошланган қулчилик тартибларини бекор қилишга қаратилаган аболиционистлар ҳаракатида яққол намоён бўлади. Бу ҳаракатнинг тарафдорларидан бири Гарриэт Бичер-Стоу эди.

**Гарриэт Бичер-Стоу** 1811-1896 йилларда яшаб ижод этган ажойиб адибадир. У Коннектикут штатининг Личфильд шаҳрида руҳоний оиласида туғилади. Бўлажак ёзувчи пуритан мазҳабининг қаттиққўл талабларига риоя қилиш руҳида тарбияланади. Унинг отаси, акалари, эри ҳуллас барча оила аъзолари диндор кишилар эди. Бу оилада «Инжил» китоби муқаддас ҳисобланар, ҳар якшанба ибодадхонага бориш, нарги дунё мавжудлигини эсдан чиқармаслик зарурий бир ҳол эди. Г. Бичер-Стоу ўн уч ёшидан бошлаб ўзини ўқитувчилик касбига бағишлади. Шу билан бир вақтда ҳар турли журналларда очерклар ва ҳикоялар билан кўрина бошлади. Адибанинг дастлаки асарларида фермерлар ҳаёти, диний ўғитлар, пуритан мазҳабининг турли ақидалари, ичкиликнинг зарари каби хилма-хил мавзулар тилга олинади. У ўзининг бу асарларини муҳтожлик исканжасида яшаётган оиласининг тирикчилигини енгиллаштириш мақсадида ёзар эди.

Жанубнинг қулдор ер эгалари ўзларининг серҳосил далаларида пахта, каноп, маккажўхори етиштирар, шу сабабдан қуллик тартибларини сақлаб қолиш учун зўр бериб ҳаракат қилар эдилар.

Адолатсиз қонун Бичер-Стоунинг ҳам муътадил қарашларига зарба берди, уни қул негир масаласига фаолроқ аралашishi учун туртки бўлди. У «Миллий давр» ҳафталик журналининг таклифи билан негирлар ҳаётидан ҳикоя ёзишга киришди. Бу «Том тоғанинг қулбаси» асари эди. У 1852 йилда алоҳида китоб шаклида босилиб чиқди. Бу китоб ўз муаллифи номини бутун дунё китобхонларига таништирди ва адибага мисли кўрилмаган шон-шуҳрат келтирди. Бундай бахт адабиёт тарҳида камдан-кам ёзувчига насиб бўлган.

Роман қаҳрамони Том тоға ўз оиласи билан қулдор Шелби хонодониди қарам. Том ўз хўжайинига халол хизмат қилади. У ғоятда тақвадор ва диндор ҳамда итоатгўй инсон.

Ёзувчи «Том тоғанинг қулбаси» романида қулчиликнинг жирканч қиёфасини аёвсиз фош қилиб ташлайди. Асарнинг бутун-бутун боблари негирларнинг чидаб бўлмас даражадаги фожиали ҳаётини, шафқатсиз оила драмасини кўрсатишга бағишланган.

Хуллас, XIX аср танқидий реализм адабиёти шу даврнинг буюк ижодкорлари Стендаль, Бальзак, Диккенс, Флобер, Геней, Бичер-Стоу, Ж.Беранже, П.Мериме, У.Теккерей каби санъаткорлар ижодида ўз ифодасини топган. Бу ёзувчилар буржуа шароитида ҳаракат қилаётган, ўша шароит, ўша муҳитда қарор топган ҳамда ўша муҳит ва шароит учун характерли бўлган типик характерларни, типик образларни яратишга муваффақ бўлганлар.

Стендальнинг Жюльен Сорель, Бальзакнинг Вотрен, Растиньяк, Диккенснинг Николас Никкльби, Теккерейнинг Ребекка, Шарп каби қаҳрамонлари типик шароитнинг типик образлари ҳисобланади.

Танқидий реализм қарор топишида Стендаль қарашлари ҳам муҳим роль ўйнайди. У ўзининг «Расин ва Шекспир» 1825 йилги рисоласида санъат ва санъаткорнинг роли

хақида гапирар экан, XVIII аср маърифатпарварларига эргашади. Классицизм санъатининг қотиб қолган доғмаларига қарши, санъат ижтимоий ҳодиса эканини, у даврлар ўтиши билан ўзгариб туришини кўрсатади. Стендалнинг фикрича, санъат ижтимоий мақсадларга хизмат қилиши, ўз даврининг ўткир қуроли бўлиши керак. Санъаткор ўз санъатига оммани эргаштириши лозим.

Танқидий реализм романтизмдан фарқли ўлароқ, тасвирлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. У ҳар бир воқеа ва ҳодисага тарихий жиҳатдан аниқ ёндашади. Шунинг учун танқидий реализм адабиётида тарихийлик муҳим роль ўйнайди. Танқидий реализм адабиёти вакиллари зулумга асосланган тузумни, унинг вакилларини аёвсиз фош қилиб ташлайди. Агар ёзувчи тасвирлаётган воқеа-ҳодисаларга танқидий ёндошмаса, танқидий реализм адабиётининг вакили бўла олмайди. Чунки буржуа тузуми ҳақида ҳақиқатни гапириш ўша тузум иллатларини кўрсатишни тақоза қилади. Ажойиб инглиз романистлар плеядасини ташкил қилувчи Диккенс билан Теккерей мисс Бронте ва мистрис Гаскелл ҳамда Бальзаклар ўз асарларида капитализм дунёсига нисбатан ана шундай муросасиз муносабатда бўлганлар. Бу ёзувчилар ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини бутун мураккаблиги ва руҳияти билан ёритиб бера олганлар.

#### **Мавзу бўйича лугат.**

-Сноб- бу ўзидан юқорида лавозимда турувчиларга илтижоғўйларча сажда қиладиган, куйи лавозим кишиларига эса нафрат билан боқадиган кишидир.

#### **МАВЗУНИ МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. Танқидий реализм адабиётининг ўзига хос тараққиёт хусусиятлари нималардан иборат?
2. Танқидий реализм адабиёти романтизм адабиётидан нимаси билан фаркланади?
3. Чет эл адабиётида танқидий реализм адабиётининг йирик мактаблари қайси мамлакатларда шаклланди ва уларнинг йирик вакиллари кимлар?
4. Оноре де Бальзак француз танқидий реализм адабиётига қандай улуш қўшди?
5. Оноре де Бальзак асарларининг етакчи мотивларини нималар ташкил қилади?
6. Оноре де Бальзак қаламига мансуб «Горио ота» романининг асосий ғоясини нималар ташкил қилади?
7. «Горио ота» романи қаҳрамонларига хос хусусиятларни айтиб беринг.
8. Тубандаги *таянч тушунчаларни* изоҳланг: танқидий реализм адабиёти, комедия, ижтимоий роман, этюд, эпопея, ижодда типиклик муаммоси, қаҳрамон характери.

#### **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987, 144-153-бетлар.
2. Бальзак О. Евгения Гранде. Роман. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1964. - 212 бет.
3. Бальзак О. Горио ота. Роман. Русчадан С.Муҳаммаджонов таржимаси. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. - 296 бет.
4. Бальзак О. Сағри тери тилсими. Русчадан М.Мирзоидов ва М.Маҳмудов таржимаси. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. - 296 бет.
5. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Жаҳон адабиёти намояндалари портретларига чизгилар. Т.: «Зар қалам», 2006, 83-84-бетлар.
6. Моруа А. Прометей, или Жизнь Бальзака. – М.: «Радуга», 1983. – 672 с.
7. Грифков Б.А. Как работал Бальзак. – В кн.: Грифков Б.А. Психология писателя. – М.: Художественная литература, 1988. – 462 с. (Стр. 278 – 450).

## ХІХ АСР РУС ДАБИЁТИ. А. ПУШКИН ВА М. ЛЕРМОНТОВ ИЖОДИ.

### Режа:

1. Пушкиннинг ҳаёти ва ижоди.
2. «Руслан ва Людмила», «Таврилада», «Ака-ука қароқчилар», «Қушлар», «Граф Нулин», «Полтава» асарларининг ғояси, ўрганилиши ва бадиияти.
3. Пушкин асарларининг жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳамда ўзбек адабиётига таъсири.
4. М. Лермонтов ҳаёти ва ижоди.
5. “Замонамиз қаҳрамони” асари таҳлили.
6. Лермонтовнинг ўзбек таржимонлари.

**Таянч тушунчалар:** *антик давр адабиёти, ўрта асрлар, уйғониш даври адабиёти, феодализм, капитализм, соцреализм, модернизм, сентементализм, героизм, трагизм, драматизм, коллизм, адабий жанрлар (эпос, лирика, драма), бош қаҳрамон, ёрдамчи қаҳрамон, сюжет, конфликт, ситуация, адабий таъсир, муштараклик.*

"Рус шеърятининг қуёши" деб ном олган Александр Сергеевич Пушкин (1799-1837) насрда ҳам, назмда ҳам самарали ижод қилган буюк сиймодир. У янги рус адабиётининг асосчиларидан бири сифатида рус маданияти тарихига кирди.

Пушкин ўзининг йўл хотиралари ва бадихалари, тарихий роман ва қиссалари билан насрчилик жанрига асос солди. Унинг ижоди рус драмаси ва театри тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Отаси Сергей Львович кадимги дворянлар қавмидан, онаси Надежда Осиповна эса Пётр I қўлида тарбия кўрган ҳабаш — А.П.Ганнибалнинг набираси бўлган. Москвада дворян оиласида дунёга келган А. С. Пушкин 1812-йилги Ватан урушини ўз кўзи билан кўради.

Пушкинда нафис сўзга меҳр-муҳаббатнинг пайдо булишида рус халқ кўшиқлари ҳамда эртақларини яхши билган энагаси Арина Родионовнанинг таъсири, айниқса, каттадир. Ёшлигиданоқ халқ ижодига алоҳида меҳр билан қараган шоирнинг илк шеъри «Уйку» (1816) халқ дилидан алоҳида ўрин эгаллади.

Ўша даврнинг энг нуфузли ўқув юртларидан бири — Петербург яқинидаги Царское село (ҳозирги Пушкин шаҳри) лицейида ўқиш (1811—17) Пушкиннинг шоир ва эрксевар инсон сифатида шаклланишида муҳим омил бўлган. Лицейда ўқиб юрган кезлариданоқ адабиётга ихлос уйғонади. Пушкин лицейни тугатгач, Петербургга кўчиб борган ва ташқи ишлар коллегиясида котиб лавозимида ишлаган. У Петербургда хизмат қилган йиллар (1817—20) Россиянинг тарихий тараққиёти учун муҳим бир давр эди.

У кўп умрини сургунда ўтказди. 1820-йилда Пушкинни исёнкор шоир сифатида айблаб, жанубга сургун қилишади. Шоирнинг «Эркинлик» қасидаси халқ олқишига сазовор бўлиб, кўп нусхаларда тарқалади. Шоирнинг сургун қилинишига ҳам шу шеър одаси асосий сабаб бўлади.

Пушкин бу шеърини Тургенев уйида, қуюқ суҳбатдан сўнг ёзган эди. Бу суҳбат подшоҳ зулми, мамлакатда ҳукм сурган ноҳақликлар, бойлик тўплаш йўлида ҳар қандай жирканч ишлардан қайтмайдиган бир тўда зулмкорларга нафрат руҳида бўлган эди. Суҳбатдан сўнг Пушкин дераза ёнига ўтириб узокларга қарайди.

Тургеневлар уйининг деразасидан Михайловский саройи аниқ кўриниб турарди. Шоир нафрат тўла кўзларини саройга қараб шундай ёзади:

*Эй, ёвуз ҳукмрон, бадқирдор золим!  
Нафратларим сенга, тожсу-тахтингга,  
Сенга ва наслингга келаркан улим,  
Қаттиқ севинч булиб қуринар менга.  
Сенинг пешонангга, эй зулм шоҳи!*

*Халқлар уқир аниқ - лаънат тамгаси.*

Пушкин бор-йўғи йигирма йил ижод қилди. Шу қисқа йигирма йиллик ижодий фаолияти билан жаҳон адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Пушкин кўп шаҳарларда ижод билан машғул бўлади. «Кавказ асири» (Грузияда), «Бокчасарой фонтани» (Бокчасаройда) асарларини битади, Одесса, Михайловск, Москва, Кишинев, Оренбург шаҳарларида бўлади.

Пушкиннинг дастлабки шеърлари 1913 йилда матбуот юзини кўрди. У лицейда ўқиб юрган кезларида 120 га яқин шеър ва 2 достон (тугалланмаган) ёзади. Лицей билан хайрлашув кечасига бағишланган шеър эса шу кечада қатнашган Г. Р. Державиннинг юксак баҳосига сазовор бўлиб, у Пушкиннинг буюк шоир бўлиб етишишини башорат қилади. Кейинчалик Пушкин рус жамиятида уйғониб бораётган эрксеварлик кайфияти таъсирида «Эркинлик» (1817), «Чаадаевга» (1818), «Қишлоқ» (1819) сингари шеърларни яратади. Унинг «Эркинлик» (1817), «Қишлоқ» (1819), «Хайкал» (1936) каби шеърлари ноёб жавоҳирларидир.

Шоирнинг «Руслан ва Людмила», «Таврилада», «Ака-ука қароқчилар», «Қушлар», «Граф Нулин», «Полтава», «Коломнадаги уй», «Анжелла» «Мис чавандоз» поэмалари халқ қалбидаги дардга малҳам бағишлайди.

**Пушкинга қадар рус шеърлятида қасида, марсия, хат сингари ҳар бир шеърлий жанр классицизм томонидан белгиланган қатъий қонун-қоидалар асосида ёзилган.** Пушкин лицей лирикасида фарқли ўлароқ, Петербург даври ижодида шеърлий жанрлар ўртасидаги чегаралар ва услубий фарқларни бартараф этиб, рус шеърляти тараққиёти учун янги бадий уфқларни очиб берган («Руслан ва Людмила», 1820). Пушкин ижодининг тадрижий йўлини шартли равишда 4 босқичга ажратиш мумкин.

1-босқич (1813—16)да Пушкин ўз замондошларининг бадий тажрибасини ўзлаштирди.

2-босқич (1817—20)да Пушкин ижодининг ғоя ва мавзулар олами кенгайиб, у ўз услубига эришиш йўлида бадий изланишлар олиб бориб, китобий тил билан жонли халқ тилини ўзаро яқинлаштирди.

3-босқич (1820—24 йилларда) ижодида романтизм устуворлик қилди. Аммо кўп ўтмай, Пушкин қахрамонни поэтиклаштириш ва воқеликни эҳтирос билан тасвирлашда давом этган ҳолда романтик тасвир методидан чекинди.

1925 йилдан бошланган 4-босқичида образлар ва мавзулар кўламини чегаралашнинг ҳар қандай кўринишини рад этувчи, фикр билан туйғуни, ҳақиқатни тадқиқ этиш билан «жонли тасаввур»ни ўзаро уйғунлаштиришга асосланган реалистик тизимни ишлаб чиқди.

Пушкиннинг рус жамиятидаги эрксевар кучлар таъсирида ёзилган зулм ва крепостнойликни фожя этувчи шеърлари чор ҳукуматида норозилик кайфиятини уйғотди. 1819 йилда Пушкиннинг «Яшил чирок» тўғарагида иштирок этиши эса Александр I ни ниҳоятда ғазаблантирди. У 1820 йил майида Пушкинни Екатеринославга сургун қилди. Шоир Екатеринославга етиб келиши билан хасталикка йўлиқади ва иттифоқо шу ерда кўноқда бўлган генерал Н.Н.Раевскийнинг оиласи билан бирга дастлаб Кавказга, кейин Қримга йўл олади.

Россиянинг жанубида яшаш Пушкин ижодида янги даврнинг бошланишига имкон берди. У дастлаб Ж.Байрон таъсирида романтик достонларини ёзди. Пушкин романтизмнинг илк намунаси — «Кавказ асири» достони (1820—21) 20-йиллардаги эрксевар ёшлар кайфиятини ифодалагани учун улар ўртасида катта муваффақият қозонди. Пушкин воқеликни романтик бўёқлар билан тасвир этишда давом этиб, «Ака-ука қароқчилар» (1821—22) ва «Бокчасарой фонтани» (1923) достонларини яратди. «Лўлилар» достони эса Пушкиннинг ижодий тадрижида рўй берган жиддий бурилишнинг самараси бўлди.

Пушкиннинг романтик достонлари ва шу йиллар лирикаси («Демон», «Денгизга» ва б.) ягона ғоявий-бадий йўналишга эга бўлиб, улар психологик тасвирнинг теранлиги,

рухий олам, табиат ва теварак-атрофдаги ҳаётий ҳодисалар ўртасидаги алоқаларнинг ранг-баранглиги билан ажралади.

1824 йил Пушкин хизмат вазифасидан озод этилиб, Михайловское қишлоғи (Псков)га сургунга юборилади. Иккинчи марта тазйиққа учраган шоир қисқа муддатли рухий эзилишдан сўнг мутолаага берилиб, шу атрофдаги аҳолининг эртак ва қўшиқларини тўплайди, «Борис Годунов» трагедияси (1825), «Граф Нулин» достони, «Қуръонга татаббу», «Андрей Шенъе», «19 октябрь» ва бошқа машхур шеърларини ёзади, «Евгений Онегин» шеърый романи устидаги ишни давом эттиради.

А. С. Пушкин асарларининг бош қаҳрамони асосан халқдир. Шунинг учун ҳам шоирнинг асарларини халқ севиб ўқийди. «Борис Годунов» трагедиясида бош қаҳрамон халқ ҳаётига, унинг орзу-умидларига қарши туради. «Хасис рицар» трагедиясида ота билан ўғилнинг бойлик талашиб разил душманларга айланиши воқеаси кўрсатилган.

**«Борис Годунов» Пушкиннинг драматургия соҳасидаги дастлабки тажрибаси** бўлсада, шоир унда Шекспир анъаналарига таянган ҳолда драматик санъатнинг янги йўллари кашф этади, халқ билан ҳокимият ўртасидаги муносабатни асар марказига олиб чиқади. «Борис Годунов»ни яратиш асносида ишлаб чиқилган бадиий тамойиллар (тарихийликка интилиш, инсоний кечинмаларни барча ранглари билан мужассамлаштириш, характерларга хос ҳаётий мураккабликни очиш ва б.) Пушкиннинг кейинги ижодида ўз самараларини берди.

20-йиллар охири – 30-йиллар бошларида Пушкин ижодида реализм тантана қилиб, у «Граф Нулин»дан ташқари, «Полтава» (1828—9), «Коломнадаги уй» (1830), «Мис чавандоз» (1833) дostonлари ва кейинчалик шоирнинг «кичик трагедиялар»ини ташкил этган баъзи бир пьесалари ҳамда насрий асарлари («Белкин қиссалари», «Капитан қизи» ва б.)ни яратади. Пушкин шу даврда лирикада бадиий реализмнинг юксак босқичига эришади.

Маълумки, Пушкин ижодида Шарқ маданияти таъсири алоҳида ўрига эга. «Қуръонга иқтибос», «Арабчага тақлид» каби асарлар бунинг яққол исботи. Унинг бир қанча шеърларида Ҳофиз, Саъдий сингари форс адабиёти намояндаларининг оҳанглари, услуби сезилади. Шундай эса-да, Оврупо шоири ўзининг ғарбона қиёфасини сақлаши лозим, деган эъгиқодга амал қилишга интилади ва баъзан ўз эътиқодида содиқ қолади. Масалан, «Арабчага тақлид», «Осиёнинг бесамар сарҳадларин кўрдим», «Ой шуъла сочар, денгиз сокин ухлар», «Грузия қирларида тун қоронғуси», «Қалмиқ қизига», «Кавказ» каби шеърлари ва «Кавказ асири» поэмасида Шарқ мавзуини ёритган бўлса-да, «Арабчага тақлид» деб бевосита Шарққа шпора қилган бўлса-да, тасвир ғарбона шеърят қонуниятлари асосида яратилган. Бу асарларда Пушкин Оврупа шоирига хос хусусиятларни тўла сақлаб қолган. Лекин юқорида таҳлил этилган ва яна бир қанча асарларида шоирни Шарқ поэтикаси тамоман забт этгани кўринади. Баъзи шеърларининг тасвир воситалари, рухий-ҳиссий хусусиятларини кузатсангиз, гўё уларни Шарқ шоири ёзгандек. Мавзунинг шарқона моҳияти, тасвирдаги кўп маънолилиқ шарқона услубни шакллантирганини, шеърга Шарқ шеърятига хос кўтаринкилик ва образлилиқ, тасвир ранглариининг ёрқинлиги, муболағадорлиги чуқур сингиб кетганини шоирнинг ўзи ҳам сезмай қолади. Шарқ адабиёти таъсири фақат тасвир воситаларида эмас, асарнинг сюжет қурилиши, композицияси ва образлари ҳам шарқона либос кийган асарлар Пушкин ижоди учун тасодифий ҳол эмас.

Пушкин ҳаётидаги зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар, қийинчиликлар, эҳтимол унинг улуғ бўлиб кетиши учун йўл очиб бергандир. Шоирнинг бар бир шеърида ёниқ дард бор. Бу шундай дардки. қалбингизни чертиб ўтади. Бир шеърини ўқиб бўлгандан сўнг. яна бошқасини ўқигингиз келади.

*Рухим яна уйгонди бу дам.  
Яна унда тирилди нажот;  
Яна дилда худо ва илҳом,  
Кўз ёши-ю, муҳаббат ҳаёт.*

Айтишларича, муҳаббатни улуғлаган муҳаббат каби барҳаёт бўларкан. Пушкин муҳаббат каби мангудир.

Пушкин ижодининг гултожи бу “Евгений Онегин” шеърий романидир. 20-йилларнинг иккинчи ярмида у айнан шу асар устидаги ижодий ишини давом эттирди. Шеърий романнинг 1833 йилда тўла ҳолда нашр этилиши рус адабиёти тарихида улкан воқеа бўлди. Гарчанд шеъриятнинг бу жанри рус адабиётида кейинчалик изчил давом эттирилмаган бўлса-да, бу асарда кашф этилган янги реалистик тасвир методи ва янги эстетика тамойиллари рус адабиётининг кейинги тараққиёти учун ғоят катта аҳамиятга молик бўлди. Пушкин асарда полифоник тасвир усулининг шундай йўлларини топдики, улар воқеликни кенг қамраб олиш, муҳим ҳаётий муаммоларни тасвир доирасига олиб кириш, эпик ва лирик ибтидоларни узвийлаштириш имконини берди. Натижада романда шоир яшаган даврнинг муҳим масалалари ўз инъикосини топди, ўша даврда кенг тарқалган кишилар характери тарихий, ижтимоий ва маиший шароит фониди зўр маҳорат билан тасвир этилди.

20-йилларнинг 2-ярмида Пушкин «Евгений Онегин» устидаги ижодий ишини давом эттирди. Шеърий романнинг 1833 йилда тўла ҳолда нашр этилиши рус адабиёти тарихида улкан воқеа бўлди. Гарчанд шеъриятнинг бу жанри рус адабиётида кейинчалик изчил давом эттирилмаган бўлса-да, бу асарда кашф этилган янги реалистик тасвир методи ва янги эстетика тамойиллари рус адабиётининг кейинги тараққиёти учун ғоят катта аҳамиятга молик бўлди. Пушкин асарда **полифоник тасвир** усулининг шундай йўлларини топдики, улар воқеликни кенг қамраб олиш, муҳим ҳаётий муаммоларни тасвир доирасига олиб кириш, эпик ва лирик ибтидоларни узвийлаштириш имконини берди. Натижада романда Пушкин яшаган даврнинг муҳим масалалари ўз инъикосини топди, ўша даврда кенг тарқалган кишилар характери тарихий, ижтимоий ва маиший шароит фониди зўр маҳорат билан тасвир этилди.

Пушкин 1830 йил кузини Болдино қишлоғида ўтказди. Рус адабиёти тарихига «Болдино кузи» сифатида кирган бу даврда шоир «Коломнадаги уй» достони, «Белкин қиссалари», шунингдек, бошқа «кичик трагедиялар»ини ижод қилди. Бу асарларнинг ҳар бири, айниқса, «Хасис рицарь», «Ўлат чоғидаги базм», «Тош меҳмон», «Моцарт ва Сальери» «кичик трагедиялар»и оламшумул аҳамиятга молик масалаларни кўтарганлиги билан Пушкин ижодида алоҳида бир саҳифани ташкил этади.

Пушкин 1831 йил ёзида шароит тақозоси билан давлат идораларида ишлашга мажбур бўлади. У **ташқи ишлар коллегиясида хизмат қилар экан, давлат архивида ишлаш имкониятидан фойдаланиб, Буюк Пётр тарихини ёзмақчи бўлади**. Архивда ишлаш Пушкинга Россиянинг тарихи ва ҳозирги давридаги мураккаб масалаларни тўғри тушунтириш имконини беради. У сиёсий тузум, «янги маърифат», Европа мамлакатлари моҳияти тўғрисида ўйлаб, танқидий хулосаларга келади ва феодал тузумнинг чириганига ишонч ҳосил қилади. Пушкиннинг «Мис чавандоз» достони унинг дунёқарашида рўй берган ана шундай ўзгаришларнинг натижаси сифатида майдонга келади. Россиянинг янги, капиталистик тараққиёт босқичига ўта бошлагани Пушкиннинг «Пиковая дама» (1833) қиссасида ўз тажассумини топган.

Пушкин 30-йиллар Россия тарихи билан қизиқиб, **Пугачёв кўзғолонининг** пайдо бўлиш сабабларини қунт билан ўрганди, кўзғолон содир бўлган жойларга бориб, рус халқ кўшиқлари, эртак ва ривоятларни ёзиб олди. Пушкин Пугачёв кўзғолони ҳақида тўплаган бу материаллардан «Пугачёв тарихи» асари (1833), «Дубровский» (1832—33) ва «Капитан кизи» (1833—36) қиссаларида самарали фойдаланди.

**Рус халқ оғзаки ижоди намуналарига қизиқиш** натижасида Пушкиннинг «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак» (1830), «Шоҳ Султон ҳақида эртак» (1831), «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» (1833), «Олтин хўрозча ҳақида эртак» (1834) сингари фольклор мотивлари билан суғорилган асарлари майдонга келди ва бу асарлар Пушкин ижоди даги халқчилликнинг янада ошишига сабабчи бўлди.

Пушкин 1831—32 йилларда дўстлари томонидан нашр этилган «Литературная газета» («Адабиёт газетаси»)да фаол иштирок этиб, адабиётда халқчиллик ва реализмнинг тантана қозониши учун курашди. Узоқ давом этган саъй-ҳаракатдан сўнг 1836 йил апрелида «Современник» («Замондош») журналининг 1-сонини чиқаришга муваффақ бўлди. Пушкиннинг рус адабиёти олдидаги хизматлари буюклашган ва ижодий фаолияти янги-янги қирралар касб этиб боргани сайин унинг атрофидаги қора кучлар тобора бирлаша ва фаоллаша бошладилар. Шунинг натижаси ўлароқ унинг **Ж.Дантес** билан дуэли уюштирилиб, улуғ рус шоири ҳалок этилди.

Пушкиннинг рус маданияти тақдиридаги роли бениҳоя буюк. У янги рус адабиётига асос солиш билан бирга **рус адабий тилининг ҳам шаклланишига улкан ҳисса қўшди. Рус адабиётида реализм ва халқчиллик тамойилларининг, қатор шеърӣ жанрларнинг шаклланиши ва тараққиёти Пушкин номи билан чамбарчас боглик.**

Пушкиннинг ранг-баранг ижоди нафақат кейинги рус адабиёти, балки мусиқа, театр, балет, рангасвир сингари санъат турларининг ҳам ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Бошқа қардош адабиётлар қатори 20-аср ўзбек адабиётининг тараққиётида ҳам Пушкин ижодининг таъсири сезиларлидир.

Тошкентда Пушкин номида кўча, майдон бор. Пушкиннинг туғилган кунига 170 йил тўлиши муносабати билан 1969 йил Тошкент шаҳрида шоирга хайкал ўрнатилган.

Ўзбек тилига энг кўп таржима қилинган ва асарлари ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган ижодкор А.С.Пушкиндир.

1899 йили шоир туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан таниша бошлаган. Шу йили унинг “Шоир” ва “Шоирга” шеърларидан ташқари, “Балиқчи билан балиқ эртаги” ва “Боқчасарой фонтани” асарлари “Туркистон вилоятининг газети” орқали ўзбек китобхонлари эътиборига илк бор тақдим этилди. Лекин бевосита рус тилидан таржима қила Али Асқар Калинин ва номаълум таржимон (айрим манбаларда айтилишича, А.Самойлович) томонидан ўзбек тилига ўгирилган эди. Бу маърифатли кишилар ҳам шеърӣ таржима санъатидан узоқ бўлишган ва шу сабабли мумтоз рус шеърӣяти намуналарини насрий баён қилишдан ўзга йўлни топа олишмаган.

Пушкин ҳалок бўлган куннинг 100 йиллиги нишонланадиган бўлганида, ўша пайтдаги ҳукумат тарихий сана муносабати билан махсус қарор қабул қилиб, бир гуруҳ шоир ва ёзувчиларни Пушкиннинг энг сара асарларини ўзбек тилига таржима қилишга сафарбар этади. Ойбек зиммасига рус шоирининг энг муҳташам асари – “Евгений Онегин” шеърӣ романини таржима қилиш масъулияти юкланади. Ҳатто Тошкентнинг энг хушманзара манзилларидан бири – Чимён қишлоғида “пушкинчи таржимонлар” учун еттита ўтов тикиб берилади ва бошқа шарт-шароитлар муҳайё этилади.

Ойбек чекига тушган ишга катта масъулият билан ёндашиб, устози Чўлпондан маслаҳат сўрайди. Шу йилларда сиқув ва тазйиқ остида бўлган Чўлпон “Онегин”нинг 14 сатрлик икки бандини 11 ҳижоли бармоқ вазни билан таржима қилиб, Ойбекка шу йўлдан боришни маслаҳат беради. Унинг фикрича, ҳар бир сатридан юксак бадий тафаккур ёғдулари чакнаб турган, 7 ҳижоли ямба ёзилган асарнинг бадий латофатини ўзбек тилида 11 ҳижоли бармоқ вазни орқалигина ифодалаш мумкин эди. Ойбек устоз масалаҳатини миннатдорлик билан қабул қилиб, таржима учун 11 ҳижоли “бармоқ”ни танлади.

“Евгений Онегин”нинг аҳамияти рус адабиётидаги биринчи шеърӣ роман бўлганлиги билангина белгиланмайди. Бу асарнинг 1823 йил 9 майда Кишинёвда бошлаган Пушкин унга 1830 йил 25 сентябрда Болдино қишлоғида сўнгги нуқта қўйган. Шу етти йил ичида Россия ҳаётида ҳам, Пушкин ҳаётида ҳам кўплаб воқеалар содир бўлган эди. Шоир шу воқеалар таъсирида дам асар устида ҳамма нарсани унутиб ишлаган, дам уни четга суриб қўйган. В.Г.Белинский бу асарни “рус ҳаётининг қомуси” деб баҳолаган эди. Шу тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ва муҳими

шундаки, Буюк Пётр даврида Европага “дарча очган” рус жамияти энди европалашган, аниқроғи, Сенадан эсаётган шабада билан нафас олиб, рус “нон”ига француз “сарик мой”ини суртиб истеъмол қилаётган ва шу билан ўзини маданиятнинг арши аълосига кўтарилган, деб ўйлаётган эди. Пушкин ватандошлари ҳаётидаги шундай ўзгаришларга киноя билан қарайди. Бироқ асарда олға сурилган фикр бундан кўра залворли. Бу фикр истеъдодли шоир Ленскийнинг Францияда юз кўрсатган урф таъсирида Россияга кириб келган дуэль туфайли бекордан-бекорга ҳалок бўлиб, унутилиб кетиши, енгил ҳаёт шарбатини ичавериб, танбал бўлиб ўсган Онегиннинг эса жамиятнинг “ортиқча кишиси”га айланиши билан боғлиқ.

Асар бадииятининг ўзига хослиги ва бетакрорлиги, аввало, “Онегин банди” билан ёзилганида. 14 мисрали бу банднинг қофияланиш тизими қатъий белгиланганлиги сабабли Пушкиннинг шеърий романини бошқа тилларга таржима қилиш осон эмас. Ойбек ҳам асарни ўзбек тилининг наволарига солишда худди шу масалада қаттиқ заҳмат чеккан.

Пушкин маҳоратини белгиловчи омиллардан бири шундаки, у воқеаларни ҳикоя қилмайди, балки аксар ҳолларда у ёки бу воқеаларга ўз муносабатини билдириб, тасвири фалсафий ўйлари ва ҳаётий кузатишлари билан бойитиб боради. Муҳаббати навқирон Онегин томонидан рад этилган Татьяна кекса генералнинг меҳр-муҳаббатига муяссар бўлади. У Ленскийдан фарқли ўлароқ, оқилона ва, айтиш мумкинки, бахтли ҳаёт кечира бошлайди.

Пушкиннинг ўзбек тилига илк бор таржима қилинган “Поэт” (“Шоир”) шеъри дастурий аҳамиятга молик.

Элбек Пушкин асари таъсирида, ўзбек адабиётида биринчи бўлиб 1934 йилда “Тозагул” шеърий романини ёзган эди. Орадан 30-йилларнинг фожиали ва 40-йилларнинг суронли воқеалари ўтгач, Мирмуҳсин 1958 йилда “Зиёд ва Адиба” шеърий романини яратди. Кейинчалик шеъриятнинг бу муаззам жанрига Хусниддин Шарипов билан Муҳаммад Али ҳам мурожаат этиб, “Бир савол” (1972) ва “Боқий дунё” (1981) асарларини шеърият муҳлисларига ҳаётият этилар. Пушкин романининг ўзбек тилига таржима этилиши миллий адабиётимизда шеърий роман жанрининг шаклланишида муҳим омил бўлди.

**Romanlari:** «Erkinlik» (1817, oda), «Chaadaevga» (1818), «Qishloq» (1819), «Hanjar» (1821), «Qur'onga taqlid», «Andrey Shene», «19 oktyabr», «Stenka Razin haqida qo'shiq», «Sibirga maktub», «Armon» kabi she'rlari, «Ruslan va Lyudmila», «Kavkaz asiri» (1820-21), «Aka-uka qaroqchilar» (1821-22), «Boqchasaroy fontani» (1823), «Graf Nulin», «Poltava», «Mis chavandoz» (1833), «Gavriiliada» (poema), «Yevgeniy Onegin» (she'riy roman), «Buyuk Pyotrning habashi», «Boris Godunov» (tragediya), «Arzrumga sayohat».

**Povestlar:** «Dubrovskiy» (1832-33), «Kapitan qizi» (1836).

**Nasriy asarlar:** «O'q», «Bo`ron»

**Ertaklar:** «Pop va uning xizmatkori Balda haqida ertak» (1830-34), «Baliqchi va baliq haqida ertak» (1830), «Shoh Saltan haqida ertak» (1831), «Oltin Xo`roz haqida ertak» (1834).

### Михаил Юрьевич Лермонтов

Рус адабиётининг яна бир буюк вакили Михаил Юрьевич Лермонтов 1814 йилнинг 3 октябрида Москванинг Красные Ворота минтақасида таваллуд топган. Болалик чоғлари Пенза губернясидаги Тархан (ҳозирги Лермонтов) қишлоғида кечган. У 2 ёшга тўлганда онасидан жудо бўлди. Болалик чоғлари Пенза губернясидаги Тархан (ҳозирги Лермонтов) қишлоғида кечган. 1827 йилда бувиси Е.А.Арсеньева билан бирга Москвага кўчиб борган. 1828 йилда Москвага келади ва Москва университети қошидаги пансионнинг 4-курсига ўқишга киради. Дастлабки шеърлари, «Черкеслар» (1828) ва «Кавказ асири» (1829) дostonлари шу ерда ёзилган.

1830 йил 16 ёшида МУнинг маънавий-сиёсий бўлимига ўқишга киради. У талабалик йилларида қатор лирик шеърлар, дoston ва драмалар ёзган («Одамлар ва эхтирослар», 1830 ва бошқалар). Бу ерда у Белинский, Огарев, Герценлар билан биргаликда ўқишади, лекин орадан 2 йил ўтгач, яъни 1832 йилда университетни тарк этади ва Петербургга бориб, гвардия подпрапоршчиклари ва кавалерия юнкерлари

харбий билим юртига ўқишга киради. Мазкур мактабни тугатгач, Лермонтов Царское Селода жойлашган гусарлар полкига юборилади (1834). Навқирон гусар кўп вақтини аслзодаларнинг кўнгилочар давраларида ўтказиб, шу давралардан олган таассуротлари асосида «Маскарад» драмаси, «Ҳожи Абрек» романтик достони (1835) ва бошқа асарларини ёзади.

Унинг номини башариятга танитган, барча халқлар дилида мангу яшайдиган қилган омил – унинг шеърятидир. У адабиётга бир олам ижод маҳсулини берди.

Бутун дунёни ҳамон ҳайратга солаётган ва миллионлар дилини забт этаётган сермазмун ва инсоний ҳиссиётларга бой лирик шеърлари, асло ўлмас ва сўнмас драмалари: “Лўлилар”, “Испанлар”, “Ғалати одам”, “Маскарад”, “Икки оға-ини”. Поэмалари: “Боярин Орша”, “Шоҳ Иван Василевич, навжувон ясовул ва азамат савдогар Калашников ҳақида қисса”, “Қочқин”, “Мцири”, “Демон”, “Исмоилбей”, “Ҳожи Абрек”, “Черкаслар”. Романлари: “Вадим”, “Замонамиз қахрамони”. Буларнинг барчаси битмас-туганмас адабий хазинани ташкил этадилар.

Лермонтов 1837 йилда А.С.Пушкиннинг фожиали ўлимига бағишлаб «Шоирнинг ўлимига» шеърини ёзади. Лермонтов бу шеърда шоирнинг ўлимида айбдор саналган ҳукмрон кучларни кескин қоралагани учун Кавказга сургун қилинган. Лермонтовнинг Кавказда бўлиши унинг шоир ва рассом сифатидаги ижодига самарали таъсир кўрсатди. Кавказ табиати ва элатлар фольклорига меҳр қўйган шоир шу ерда «**Ошиқ Ғариб**» (1837) шарқ эртаги, «**Замонамиз қахрамони**» (1840) романи ва кўплаб рангасвир асарларини яратди. Е.А.Арсеньева ва шоир В.А.Жуковскийнинг саъй-ҳаракатлари билан афв этилган Лермонтов 1838 йил январда Петербургга ва апрель ойида эса Царское Селода жойлашган гусар полкига қайтиб келади. Петербургдаги қизғин адабий ҳаёт 30-йиллар охирида Лермонтов ижодида эркесварлик йўналишининг кенг қанот ёзишига имконият туғдиради. «Ўйлар», «Шоир», «Ўзинга ишонма...», «Пайғамбар», «Алвидо, Русия, эй нопок макон» каби шеърлари, «Мцири», «Демон» («Иблис») каби достонлари, «Бэла» кассаси (ҳаммаси 1839) Лермонтов ижодининг камолот босқичига кўтарилганидан шаҳодат беради. Шу кезларда Франция элчисининг ўғли Э.Барант билан бўлиб ўтган дуэль Лермонтовнинг иккинчи марта Кавказга сургун қилинишига сабабчи бўлади. У Кавказдаги пиёдалар полки таркибида бир неча ҳарбий юришларда иштирок этади. Унинг шу вақтда (1840, окт.) «Отечественные записки» журналида эълон қилган шеър ва достонлари Петербургда катта акс-садо беради. Бундан фойдаланган Е.А.Арсеньева набирасининг Петербургга таътилга келишига эришади (1841, февраль). Аммо расмий доиралардаги ўзига бўлган совуқ муносабатни кўрган Лермонтов 1841 йил 13 майда Пятигорскка қайтиб келади. Шу вақтда бу ерларда истироҳат қилаётган бир гуруҳ ёшлар Лермонтов билан зобит **Н.С.Мартинов ўртасида жанжал чиқишига эришадилар**. 13 июль куни шоир дуэлда вафот этади. Лермонтовнинг хоки Тархан қишлоғига олиб келиниб, Арсеньевлар хилхонасида дафн этилган (1842 йил 23 апрель).

Лермонтов шоир, носир ва рассом сифатида рус маданияти тарихида фахрий ўринлардан бирини эгаллайди. У ўзининг энг яхши асарларида эркесварлик ва ватанпарварлик ғояларини баланд пардаларда қуйлади, мустамлакачилик сиёсати улуг рус шовинизмининг авж олишига сабаб бўлиши ҳақида рус жамиятини огоҳлантирди, юксак фуқаролик идеалларини тасдиқлади. Лермонтов ижоди Ўзбекистонда катта эътибор қозонган. Шоир ҳаётининг йирик саналари (1941, 1954, 1964, 1989) муносабати билан ўзбек матбуоти, театри ва жамоат ташкилотлари Лермонтов ижодига кўп бор мурожаат этдилар. Асарлари Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир, Асқад Мухтор ва бошқа томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Лермонтовнинг «Маскарад» драмаси Ўзбек миллий академик драма театрида сахналаштирилган. Тошкент ва бошқа шаҳарларда Лермонтов номи билан аталган мактаб ва кўчалар бор.

**МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. Рус танқидий реализм адабиётининг жаҳон адабиётида тутган ўрни қайси жабҳаларда кўринади?
2. Пушкин ижодининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. “Евгений Онегин” шеърый романининг ғоявий-бадий хусусиятлари ҳақида сўзланг.
4. Пушкин ҳамда Лермонтов ижодидаги муштараклик қайси ўринларда намоён бўлган?
5. М. Лермонтов қаламига мансуб «Замонамиз қаҳрамони» романининг асосий ғоясини нималар ташкил қилади?
6. «Замонамиз қаҳрамони» романи қаҳрамонларига хос хусусиятларни айтиб беринг.
7. Тубандаги **таянч тушунчаларни** изоҳланг: героизм, трагизм, драматизм, коллизм, адабий жанрлар (эпос, лирика, драма), бош қаҳрамон, ёрдамчи қаҳрамон, сюжет, конфликт, ситуация, адабий таъсир, муштараклик.

### МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987 йил, 144-153 бетлар.
2. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Жаҳон адабиёти намояндалари портретларига чизгилар. Т.: «Зар қалам», 2006, 83-84-бетлар.
3. Каримов Н. Пушкин ва ўзбек шеърыйи. - Т., 1988.
4. Лермонтов М. Асарлар, 1-2 жилдлар. - Т., 1955.
5. Лермонтов М. Замонамиз қаҳрамони. – Т.: «Ўқитувчи», 1978 йил.
6. Лермонтов М. Собрание сочинений, т. 1-4. М., 1964-65.
7. Пушкин Александр Сергеевич. Полное собрание сочинений, т. 1- 10. -М., 1974-78.
8. Пушкин Александр Сергеевич. Танланган асарлар. 1- 4 жилдлар. - Т., 1954-55.
9. Пушкин Александр Сергеевич. Танланган асарлар.- Т., 1999.
10. Умарбекова З. Лермонтов и узбекская поэзия. - Т., 1973.

### 10-майруза

### РУС АДАБИЁТИНИНГ ОЛТИН ДАВРИ. Ф.М.ДОСТОЕВСКИЙ ИЖОДИ.

#### Режа:

1. Ф.М.Достоевскийнинг ҳаёт йўли.
2. Ф.М.Достоевскийнинг ижодий биографияси.
3. Ф.М.Достоевскийнинг рус адабиёти ривожига қўшган буюк ҳиссаси.
4. Ф.М.Достоевский асарларининг ғоявий-бадий таҳлили.

**Таянч тушунчалар:** *Фрейд, фрейдизм, реализм, танқидий реализм, полифония, М. Бахтин, хронотон (замон ва макон), достоевскийшунослик, таржима, аслият, адабий таъсир, адабий ўхшашлик, рус адабиёти, жаҳон адабиёти, ўзбек адабиёти.*

Фёдор Михайлович Достоевский жаҳон адабиётидаги даҳолардан биридир. У 1821 йил 11 ноябрда Москвада кўп фарзандли дворян оиласида туғилган. Отаси камбағаллар учун хизмат қиладиган касалхонада табиб бўлиб ишлаган. Онаси Ф.М.Нечаева



Ф. М. Достоевский (1821-1881)

савдогар оиласида туғилиб вояга етган эди. Достоевскийлар оиласи 16 йилгача касалхона томонидан берилган уйда истикомат қилишади. Оила кам таъминланган бўлишига карамай, отаси Фёдор ва унинг ака-укаларини ўз даврида машхур бўлган Л.И.Чермакнинг пуллик пансионат-мактабида ўқитади.

Фёдор оилада ўздан атиги бир ёшгина катта бўлган акаси Михаил билан жуда яқин эди. Ёигитчаларнинг адабиётга муҳаббати жуда эрта уйғонади. Ҳатто Фёдор В.Скотт ва А.Радклиф асарлари таъсирида «Венецияликлар ҳаётидан романлар» ёзишга киришади. Болалар отаси обуна бўлган журналлар орқали чет эл адабиётининг янгиликлари билан мунтазам танишиб боришган. Улар О.де Бальзак, Ж.Жанен, Э.Т.Гофман каби чет ёзувчиларнинг асарларини севиб ўқишган. Хусусан, оила аъзолари Н.М.Карамзин, В.А.Жуковский, А.С.Пушкин ижодини жуда севишган. Отаси болаларига кечкурунлари бу ижодкорларнинг асарларини овоз чиқариб ўқиб эшиттирган. Шунинг учун Ф.М.Достоевский ўн ёшида Н.М.Крамзин асарларини пухта билганлигини эътироф этиб ўтади.

1837 йил баҳорида онаси вафот этгач, отаси катта ўғилларини Петербургдаги инженерлар тайёрловчи К.Ф.Костомаров пансионатига олиб бориб жойлаштиради. Шу воқеа сабаб Фёдор билан сеvimли акалари ўртасида узоқлашиш юз беради. Бироқ ака-укалар Гомер, Ж.Расин, И.В.Гёте, Бальзак, Гюго, Ф.Шиллер ижодининг танқидига бағишланган мактублари орқали доимий алоқада бўлиб турадилар.

1839 йилда болаларнинг отаси ҳам кутилмаганда вафот этади. Болалар бутунлай етим бўлиб қоладилар. Ҳатто Фёдор бу воқеадан каттиқ таъсирланиб, асабий зўриқишга учрайди. У 6 йил (1838-1843) Инженерлар тайёрланадиган ўқув юртида таҳсил олади. Аммо у ўқишини тугатгач, бу соҳада бор-йўғи бир йил ишлайди. Чунки у ўзининг бу соҳага «нотўғри» кириб қолганлигини англаб, 1844 йилда ишдан кетади. Шундан сўнг у ўз ризқини адабиёт майдонидан қидиришга интилиб, «Репертуар ва пантеон» журналида ўзининг илк ижодий ишини эълон қилади. Бу иш Бальзакнинг «Евгения Гранде» романининг таржимаси эди.

1844-1845 йилларда ёзувчи «Бечора кишилар» номли илк асари устида ишлайди. Асар қўлёзмаси билан танишган Н.А.Некрасов ва В.Г.Белинскийлар ундан қаттиқ таъсирланадилар. Шундай қилиб ёш ёзувчининг номи машхурлашади. Ҳатто 1846 йил 15 апрелда «натуралистлар мактаби»нинг иккинчи альманахи «Петербург тўплами» бошида унинг шу романи берилади. Бу тўпланда Ф.М.Достоевскийнинг асари биринчи марта Н.А.Некрасов, И.С.Тургенев, И.И.Панаев, А.И.Герцен, В.А.Соллогуб, В.Г.Белинский каби ўз даврининг таниқли ва етук ижодкорлари асарлари билан бир қаторда эълон қилинади.

1846 йилда адибнинг «Нусха» («Двойник»), «Жаноб Прохарчин» («Господин Прохарчин»), 1847 йилда «Хўжайин» («Хозяйка»), 1848 йилда «Оқ тунлар» («Белые ночи) каби асарлари кетма-кет босилиб чиқди.

1849 йилнинг 22 апрелидан 23 апрелига ўтар кечаси социалистлар таъсирига берилиб, уларнинг тўғарагига қатнаган адиб бошқа тўғарак аъзолари қатори қамоққа олинади. Петропавловск қалъасида маҳбусликда сақланган адибни тергов-суд қилиш жараёни 7 ойгача давом этади ва 24 декабрда у ўлим жазосига маҳкум этилади. Бироқ 1950 йилнинг январида суд ўз қарорини ўзгартириб, адибни тўрт йилга Омскнинг чекка бир худудига сургунга жўнатади. Ёзувчи бу даврда ўз бошидан кечирганларини «Ўлик уйдан мактублар» асарида тасвирлаган.

1957 йилда Кузнецк шаҳрида Ф.М.Достоевский Мария Дмитриевна Исаева билан севишиб, унга уйланади. Аёл касалманд бўлади. Улар қийин оилавий шароитда турмуш кечирадилар. Шундай бўлса-да, адиб бир дақиқа ҳам ижоддан чекинмайди. Бу даврда ёзувчининг «Кичик қахрамон», «Степанчиково қишлоғи ва унинг эгалари», «Тоғанинг тушлари» каби повестлари ҳамда қамоқхона фольклори намуналаридан тузилган «Сибирь дафтари» номли тўплами яратилади.

1859 йилнинг августида яқинлари ва дўстларининг қўллаб-қувватлаши боис ёзувчи хотини ва ўғилчаси билан Россиянинг Тверь шаҳрига кўчиб ўтади. 1860 йилнинг бошида

эса Петербург шахрида доимий яшашга рухсат олиб, пойтахтдаги фаол ижодий ҳаётга келиб қўшилади.

Петербургда Ф.М.Достоевский акаси Михаил билан бирга собиқ петрашевчи А.П.Милуков тўғарагига аъзо бўлиб киради.

Ф.М.Достоевский ўз халқининг маърифатли бўлиши, адолатли турмуши учун курашишни ўз йўли деб билди. Шу интилиш ва ғоя у яратган бадиий асарлар ва «Вақт», «Давр» журналларига ёзган публицистик мақолаларнинг асосий мазмунини ташкил этарди.

1864 йилнинг июлида адибнинг акаси, маслакдоши М.М.Достоевский тасодифан вафот этади ва у ташкил қилган «Давр» журналининг ўлда-жўлда бўлиб турган ишларини юритиш Ф.М.Достоевский зиммасига тушади. Адибга акасининг каттагина оиласини боқиш билан бирга унинг шу журнални очиш учун олган қарзларини ҳам тўлашга тўғри келади. Аксига олиб «Давр» журнали муҳарририяти 1965 йилнинг июнига келиб, батамом иқтисодий таназзулга учрайди. Шунда Ф.М.Достоевский бу иқтисодий тангликдан қутулишни кўзлаб, китоб савдоси билан шуғулланувчи пулдор тадбиркор Ф.Т.Стелловский билан уч минг рубл ҳажмида шартнома тузади. Бу шартномага биноан у ўз асарларининг тўлиқ нашрлар тўпламини тузиб бериши ҳамда 1866 йилнинг 1 ноябригача янги бир романи ёзиб топшириши керак эди. Шу шартномага мувофиқ ёзувчи қаттиқ ишга киришади. 1864 йил апрелида адибнинг хотини вафот этади. Умуман айтганда, 1860-1864 йиллар ёзувчи учун жуда қийин кечади. 1861 йилда «Вақт» журналида унинг «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» романи босилади.

1862 ва 1863 йилларнинг ёзида адиб Германия, Англия, Франция ва Италия мамлакатларида бўлиб, ўз таассуротларини «Ёз кечинмалари ҳақида қишки қайдлар» (1863) асарида баён этади. 1865 йилнинг кузида эса ёзувчи ўз соғлиғини тиклаш мақсадида Германиянинг Висбаден номли курорт шахрига бориб, шу ерда ўзининг машҳур «Жиноят ва жазо» романи устида иш бошлайди. Бу романда адиб изланишларининг мураккаб ва зиддиятли йўли бор бўй-басти билан намоён бўлган. Асар марказида жиноят, мафкуравий қотиллик ғояси ётади. Унда университетнинг студентлари сафидан чиқарилган, ниҳоятда қашшоқ бир йигитнинг ёмон ниятли кишилар таъсирига берилиб, енгил ҳаёт кечириш йўллари излаши акс этирилади. Раскольников жиноят йўлида топилган пулни эзгулик йўлида сарфламоқчи бўлади. Ёзувчи бу асарида жиноятнинг рухий қирраларини бадиий тадқиқ эта олган. Шунинг учун бу асар адиб ижодининг янги, юқори босқичга кўтарилганлигини намоён этади. «Жиноят ва жазо» романи жаҳон романчилигининг янги, ўзига хос типидир. М.М.Бахтин уни полифоник асар сифатида баҳолади.

1866 йилнинг ноябрида ёзувчи «Жиноят ва жазо» романи устидаги ишларини вақтинча тўхтатиб, Ф.Т.Стелловский билан тузган шартномасига мувофиқ «Қиморбоз» («Игрок») романини ёзишга киришади. Адиб ўзига стенографистка ёллаб, асарни унга айтиб туриб ёздирарди. Бир ойга қолмай (25 кун ичида) у асар устидаги ишни якунига етказди. Орадан уч кун ўтгач, адиб ўзига жуда яқин ва фидойи дўстга айланиб қолган стенографистка А.Г.Сниткинанинг кўлини сўрайди. Ярим йилдан сўнг улар турмуш курадилар. Бунда Ф.М.Достоевский 45 ёшда, А.Г.Сниткина эса 18 ёшда эди. Улар тўрт нафар фарзанд кўришади. Бироқ икки боласи бевақт вафот этади. 1867 йилда Достоевскийлар оиласи кредиторлар таъқибидан қутулиш учун Ғарбий Европага жўнаб кетади. Улар Германия, Швейцария, Италия каби мамлакатларда яшайдилар. Бу йилларда ёзувчининг «Телба» («Идиот»), «Иблислар» («Бесы») каби асарлари яратилган.

1870 йилнинг иккинчи ярмида Ф.М.Достоевский ижоди янада юқори босқичга кўтарилди. 1874-1875 йилларда адибнинг «Ўсмир» («Подросток»), 1878-1879 йилларда «Ака-ука Карамазовлар» («Братья Карамазовы») каби асарлари яратилди. «Ўсмир» асарининг воқеалари бош қахрамон Аркадий Долгоруков исмли ўсмир йигитча тилидан баён этилади. Унда Россия мамлакатининг келажак тақдири, унинг «олтин даври» ҳақида фикр юритилади.

Ф.М.Достоевский 1881 йилнинг 9 февралда Петербургда вафот этди.

Таникли рус адиби, журналист ва публицист Ф.М.Достоевский асарлари ўндан ортиқ тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Ҳозиргача адиб асарлари севиб ўқилади.

Ижодий фаолияти 1844 й.да бошланган. Биринчи романи — «Бечора одамлар»да (1846) хўрланган, ижтимоий адолатсизликка дучор бўлган «кичкина одамлар»нинг қисмати ҳикоя қилинган. «Қиёфадош» (1846), «Оқ тунлар» (1848) қиссалари ҳам ижтимоий мавзуда. Н. Добролюбов, В. Белинский каби демократ зиёлиларнинг инқилобий ғояларига маҳлиё бўлиб қолган Достоевский 1847 й.дан рус инқилобчиси ва хаёлий социалисти М.В. Петрашевский тўғарагига фаол қатнашиб, хаёлий социализм ғоясини қўллаб-қувватлайди. Мазкур тўғарақда қатнашиб, мавжуд давлат тузумини куч ишлатиб ўзгартиришга ҳаракат қилгани учун Достоевский ўлим жазосига ҳукм қилинади (1849). Нуфузли давлат ва жамоат арбобларининг аралашувидан сўнг, подшо Александр II ўлим жазосини 4 йиллик каторга сургуни б-н алмаштиради. Ёзувчи Омск каторга қамоқхонасида (1850—54) ва Семипалатинскда интизомий ҳарбий хизматда бўлди (1854—59). 1859 й.дан Петербургда яшайди.

Узоқ муддатли тутқунлик ва сургун Достоевский ижодида ўз ифодасини топади, тушқунлик устувор мавзуга айланади. «Степанчиков кишлоғи ва унинг аҳолиси» (1859), «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» (1861), «Ўлик хоҳнадондан мактублар» (1861—62) асарлари жаҳолат ботқоғига ботиб, инсоний қиёфасини йўқотган руслар ҳаётига бағишланган.

Акаси М.М. Достоевский билан ҳамкорликда «Время» (1861—63), «Эпоха» (1864—65) журналларини нашр этади. Буларда Россиядаги крепостнойлик тартиби, аслзода (дворян)ларнинг маънавий-ахлоқий тубанлиги, меҳнаткашлар шафқатсиз эксплуатация қилинишини фош этишдан ташқари, миллатчилик, буюк давлатчилик (шовинизм) ғоялари, хусусан, чор Россияси томонидан Туркистоннинг забт этилиши тарғиб қилинади. «Биз Европага бостириб борсак, улар бизни варварлар сифатида қарши олади, Осиёда эса бизни маданиятли миллат каби кутиб олишади», деб, Кауфман, Скобелев сингари ҳарбийлар Туркистонни босиб олишга даъват этилади. «Жиноят ва жазо» (1866), «Телба» (1868) романларида рус халқининг маънавий муаммолари бадиий бўёқларда яққол акс эттирилган. «Жинлар» (1871—72), «Ўсмир» (1875) романларида эса рус «оксуяклари» табақаси, амалдорлари орасида маънавий қашшоқлик, амалпарастлик, очкўзлик ва худбинлик каби иллатлар чуқур илдиз отгани кўрсатилган, ички-миллий муаммоларни бошқа бир халқ ҳисобига ҳал этиб бўлмаслиги эътироф этилган. «Оға-ини Карамазовлар» (1879—80) романида жамият ва шахс ўртасидаги чуқур зиддият, руҳий инқироз ва фожиа ўз ифодасини топган. Достоевский ижоди, гарчи зиддиятли бўлса-да, рус ва жаҳон адабиётига катта таъсир кўрсатган. Достоевский 19-асрдаги реалистик роман жанрини янги ўзига хос томонлар билан бойитди. Адиб тўлақонли бадиий образларда нафақат воқеалар оқимини, инсонлар тақдирини, қалб курашини, балки жамият маънавий ҳаётидаги фожиавий конфликтларни ҳам бера олди.

Ўзининг интеллектуал романларида фикрларнинг кескин курашини, ғоя ва дунёқарашнинг фожиавий тўқнашувини маҳорат билан тасвирлади. Достоевский романлари вазмин тасвир услуби эмас, аксинча, соф драматик жанрларга хос кескинлиги ва лиро-публицистик пафоси билан ажралади. Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо», «Телба» ва бошқа асарлари Иброҳим Ғафуров томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Лев Толстойнинг куйидаги нордон гапларини ўқиб, буюк ёзувчига нисбатан шубҳангиз ортмаса ҳам, ҳарқалай, ҳеч бўлмаганда ажабланиб қўясиз: “У жуда расво ёзади, атайлаб хунук ёзади, ҳа, ишончим комилки, атайлаб, эркалик қилиб шундай ёзади. У тилни зўрлайди; “Телба”да у: “Танишувни сурбетларча тикиштириш ва афишалаштириш”, деб ёзади. Чамамда, у “афишалаштириш” сўзини бегона, ғарбча сўз бўлгани учун атай бузиб ишлатган. Аммо унинг тилида кечириб бўлмас хатоларни топиш

мумкин. Телба: “Эшак — яхши ва фойдали одам”, дейди-ю, бунга ҳеч ким кулмайди. Ҳолбуки, бу сўзлар кулги кўзғайди ёки қандайдир эътироз уйғотади. Бу сўзларни уч опа-сингил олдида айтади. Улар эса телбани калака қилишни яхши кўришади. Айниқса, Аглая шундай. Бу китобни ёмон дейишади, аммо энг ёмони шуки, ундаги Мишкин эпилептик. Агар соғлом одам бўлганида, унинг соддадиллиги, беғуборлиги бизни мафтун қиларди. Аммо уни соғлом қилиб кўрсатиш учун Достоевскийда жасорат етишмаган. У соғлом одамларни ёқтирмасди. У ўзи бемор бўлгани учун дунёни бемор деб биларди...”.

“Бечора кишилар” қиссаси билан баҳор осмонида чакнаган чакмоқдек кўринган, ҳарбий кийимда камтаргина бўлиб юрадиган Достоевский Семипалатинскда юраги бир ҳапқириб кетади. Унинг нозик ҳиссиётларга тўла қалбини забт этган аёл шаҳар амалдорларидан бири Исаевнинг хотини Мария Дмитриевна эди. У билан учрашув шунчалик ҳаяжонли кечадики, ҳаттоки улар бир-бирларига ошиқу беқарор бўлиб қолишади. Кейин билса, Мария кўзни ўйнатар даражада гўзал бўлгани билан кўнгилни айнитар даражадаги хунук жиҳатлари ҳам бор экан! Тажанглиги, сиркаси сув кўтармайдиган феъл-атвори, қилиқлари одамнинг жонига тегиб кетарди. Шундай аёлни нега севиб қолди экан? Бунинг устига, ҳали эридан ажрашмаган бўлса... Унинг муҳаббатига ҳатто Мариянинг қайсар, характери оғир ўғли ҳам ғов бўлолмади. 1821 йили туғилган, сўққабош бўлиб юрган Фёдор Михайловичнинг бирданига оилали, болали аёлни севиб қолгани кўпларни ҳайратлантирди.

1864 йили фожиалар бошланди. Апрель ойида аёли Мария, 25 сентябрда дўсти ва сафдоши, шоир ва таржимон Аполлон Григорьев казо қилди. Ёзда тўсатдан акаси Михаил Михайлович оламдан ўтди.

“Ака-ука Карамазовлар” романидаги Грушенка, “Телба” асаридаги Настасья Филипповна образлари ёки “Хўрланган ва ҳақоратланганлар” романидаги Наташа, “Жиноят ва жазо”даги Катерина Ивановна образлари Достоевскийнинг илк аёли Мария Дмитриевна характериға ўхшаб кетади. Табиийки, ёзувчи юқоридаги аёл қаҳрамонларға Мария характеридаги ижобий томонларни, шунингдек, ундаги жиззакилик ва тажангликни сингдириб юбора олган.

2-севгилиси йигирма икки ёшға қадам кўйган Аполинария Суловадан эҳтиросларға тўла ишқий мактуб олган эди. Лекин Аполинария испаниялик йўловчиға турмушға чиқмоқчи эканлигини очикдан-очик айтишдан ҳам уялмайди. “Қиморбоз” романидаги Полина образи кўп жиҳатлари билан ҳаётдаги Аполинария Сулова билан ўхшаш.

Достоевский ким билан оила ипини боғламасин, сал ўтмай чирт этиб узиб кетаверди. Мисол учун, қирқ ёшни қоралаганида эндиғина ўн саккиз баҳорни қаршилаган файласуф В.Розановни ёқтириб қолди. У Розановға ҳам вафо қилмади: қўл силтаб кетди-қолди.

3-хотини Анна Григорьевна Сниткина деган қиз. Эндиғина йигирма ёшни қоралаган бу қиз ёзувчиға дастлаб ёқмайди. Адиб қирқ ёшдан аллақачон ўтиб кетган, икки марта уйланган, бунинг устига камбағал, касалманд. Қизға эътибор ҳам бериб ўтирмайди. Кечкурун келинг, балки ишлаб кетармиз, дейди совуққина қилиб. Ахир, у рўпарасида турган машҳур бу адибни кўришни, у билан гурунглашишни ҳавас, ҳатто орзу қилганди. Ажойиб асарларини ўқиб хузурланганди, романлари, қиссалари қаҳрамонлари ҳаёти қизни ларзаға солганди.

Ижодининг асосий қисмини ўлим мавзуи эгалламаган бўларди. “Масъума” ҳикоясидаги тафсилотларни, “Жиноят ва жазо” романидаги Расколников образи. “Кулгилли одамнинг туши” ҳикоясини ўқисангиз ўлим ҳақидаги тасаввурларингиз янада кенгайганини ҳис этасиз.

Иван Волигиннинг “Достоевскийнинг сўнги йиллари” китоби бор. Лев Толстой оилани биринчи ўринға кўймаган, вақтини ва куч-қувватини ижодға бағишлаган. Достоевский ҳам бугун умрини ижодға сарф этгани ҳолда, асарларидан кун кечириш учун ҳам фойдаланишға мажбур бўлган, ижод қилиб пул топишға интилган.

## Достоевский ҳикматлари

Ҳаёт менга бир марта берилади ва бошқа ҳеч қачон қайтиб келмайди: мен «умум бахти» қачон келаркин, деб кутиб ўтиришни истамадим ва истамайман. Мен ўзим ҳам яшашни истаيمان, бўлмаса, яшашнинг ҳам кераги йўқ.

\* \* \*

...ҳаммаси одамнинг ўз қўлида, юрагинг дов бермагандан кейин бурнингнинг тагидаги нарсадан қуруқ қоласан. Қизик, одамлар ҳаммадан кўпроқ нимадан кўрқадилар? Бир янги ишга жазм қилишдан, бир янги сўз айтишдан ҳаммадан кўра кўпроқ кўрқадилар...

\* \* \*

Одамни ўзингдан нари итарганинг билан уни тузатиб бўлмайди, бунинг устига яна у ёш бола бўлса. Ёш бола билан яна ҳам эҳтиёткорроқ бўлиб муомала қилиш керак.

\* \* \*

Камбағаллик айб эмас, бироқ йўқчилик бу – иллат. Сиз камбағалчиликда ҳали ўзингизнинг туғма олижаноб фазилатларингизни сақлаб қолган бўласиз, йўқчиликда эса уларни ҳеч қачон ва ҳеч ким сақлаб қола билмайди.

\* \* \*

Ёлғон гапни ҳар доим ҳам кечириб юбориш мумкин; ёлғончилик ширин нарса, чунки у тўғри гапни топиб беради.

\* \* \*

Одамнинг табиатини бир чеккага йиғиштириб қўйиб мантиқнинг ўзи билан иш кўриб бўлмайди! Мантиқ билан ҳодисанинг уч томонини кўриш мумкин, инсон табиати эса миллионлаб кўринишларга эга!

\* \* \*

Бир ўлимга ҳукм этилган одам қатл этилмасидан бир соат олдин, агар мен жуда ҳам баланд бир ерда, қоянинг тепасида, фақат иккита оёқ сиғадиган бир жойда яшашимга тўғри келганда, атрофим эса зимистон қоронғулик, тубсиз, интиҳосиз океан, абадий зулмат, абадий ёлғизлик ва абадий бўрон эсиб ётган бир муҳит бўлса-ю, шу бир қарич ерда тик туриб, бир умр, минг йил, миллион йил яшашга тўғри келса, шунда ҳам шу ҳаёт ўлиб кетганга қараганда минг марта афзал, деб билардим! – деган экан. Фақат яшамок, яшамок ва яна яшамок!

\* \* \*

Беркитадиган нарсаси бўлмаган кишилар ўзларини бахтли деб билсалар арзийди.

\* \* \*

Ҳаётнинг бутун сир-асрорлари икки табоқ ҳажмли китобча ичига бемалол сиғиб кетади!

\* \* \*

Кимда виждон бўлса, хатосини англаса, ўзи азобини тортаверади. Бу жазо унинг учун қаторгадан ҳам баттар.\* \* \*

Бошқалар нима деркин, деб ўтириш ожизликнинг биринчи белгисидир!

\* \* \*

Кенг фикрли қалби теран одамлар учун азоб ва дард чекиш шарт доимо. Менимча, чинакам буюк одамлар ёруғ дунёга келиб улуғ бир азоб туйсалар ажабмас.\* \* \*

Ҳамма нарсада чек-чегара деган нарса борки, ундан нарёғига ўтиш хатарлидир. Зотан, бир марта чегарадан чиқдингми, кейин орқага қайтиш керак бўлади.

\* \* \*

...омад келмагандан кейин ҳамма нарса бемаъни бўлиб кўринади!

\* \* \*

Табиат қонунларига кўра, одамлар умуман икки тоифага бўлинадилар: паст тоифа (одми одамлар), ўзига ўхшаганларни урчителишдан бошқа нарсага ярамайдилар, улар урчиш материалидилар ва иккинчиси, одам деб санаса арзийдиган ва ҳаётда, ўз муҳитида янгилик, янги сўз барпо қилиш иктидорига, қудратига эга бўлганлар (фавқулодда).

Биринчи тоифадагилар – бугунги куннинг соҳиблари, иккинчидагилар эса келажакнинг эгаларидир. Биринчилар дунёни эминликда сақлаб турадилар, моддий борликни миқдоран кўпайтирадилар, иккинчилар эса дунёни ҳаракатга келтирадилар ва уни мақсад сари олиб борадилар.

\* \* \*

Ёшлар учун энг хатарли нарса ҳам шу, ғайратнинг ўзига йўл тополмай бўғилиб қолиши, мағрур интилишларнинг ўзига йўл тополмаслиги!

\* \* \*

Бу дунё яралгандан бери оламда фикрлар ва назариялар туғилиб, ғалаён қилиб, бир-бири билан тўқнашиб келади, хўш, менинг фикрим нимаси, нимаси билан уларнинг фикрларидан жўнроқ экан, қани? Агарда бу ишга анъанавий қарашлардан қутулиб кенг назар ташланганда эди, албатта, унда менинг фикрим у қадар... ғалати бўлиб туюлмасди. О, сиз чақага арзимайдиган донишманду мункирлар, нега ярим йўлга етмасдан таппа-так тўхтаб қоласиз!

### **МАВЗУНИ МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. Ф.М.Достоевский қандай оилада тарбия топди?
2. Ф.М.Достоевскийнинг адабий қизиқиши уйғонишига кимларнинг ижоди таъсир кўрсатди?
3. Ф.М.Достоевский сургун қилинишига нима сабаб бўлди?
4. Ф.М.Достоевскийнинг қайси асарлари рус адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди?
5. Ф.М.Достоевский асарларининг асосий ғоясини нималар ташкил қилади?
6. Ёзувчининг «Қиморбоз» («Игрок») асари қай тарзда яратилди?
7. «Жиноят ва жазо» романининг бош қаҳрамонига хос хусусиятлар орқали ёзувчи қандай ғояларни очиб беришни кўзда тутди?
8. Тубандаги *таянч тушунчаларни* изоҳланг: эстетика, таржима, таржимашунослик, публицист, сентименталь роман, беллетристик асар.

### **МУСТАҚИЛ Ўқиш учун адабиётлар:**

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Белинский В.Г. Полн. собр. соч. в 13 томах. Т. 5. 1954.
3. Горький М. Адабиёт ҳақида. Т.: Ўзадабийнашр, 1962.
4. Достоевский Ф.М. Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. - 400 бет.
5. Достоевский Ф.М. Жиноят ва жазо. – Т.: ҒАСН, 1977. – 663 бет.
  6. Достоевский Ф.М. Телба. Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: ҒАСН, 1981. - 656 бет.
  7. Русские писатели. Биобиблиографический словарь в двух частях. А-Л. Часть 1. –М.: «Просвещение», 1990, с.267-280.

### **11-майруза**

### **Л.ТОЛСТОЙ ИЖОДИ ВА УНИНГ ШАРҚ АДАБИЁТИГА ТАЪСИРИ**

#### **Режа:**

1. Л.Н.Толстойнинг ҳаёт йўли.
2. Толстойнинг ижодий биографияси.
3. Толстойчилик, насронийлик ва ижтимоий танқид.
4. Толстой асарларининг ғоявий-бадиий таҳлили.

*Танянч тушунчалар: реализм, танқидий реализм, романчилик, толстойчилик, ёвузликка зўравонлик билан қаршилик кўрсатмаслик, гандизм, таржима, аслият, адабий таъсир, адабий ўхшашлик, рус адабиёти, жаҳон адабиёти, ўзбек адабиёти.*

Улуғ адиб Лев Николаевич Толстой 1828 йил 28 августда Тула губернясидаги Ясная Поляна кишлоғида туғилган. У Россиядаги қадимий дворянлар сулоласидан бўлиб, граф саналган. Петербург ФА мухбир аъзоси (1873 йил), фахрий академик (1900 йил). 1844-47 йилларда Қозон университетининг араб-турк ва ҳуқуқшунослик факультетларида ўқиган.

1851-53 йилларда Кавказда бўлиб, жанглarda иштирок этган. 1854 йил Дунай армиясига юборилган; илтимосига кўра, қамалдаги Севастополга ўтказилган. Крим урушида қатнашган.

Адиб 1855 йилда Петербургга бориб, Н.А.Некрасовнинг «Современник» («Замондош») журнали ва журнал атрофидаги ёзувчилар (И. С. Тургенев, И.А. Гончаров, Н. Г. Чернышевский ва бошқалар) билан ҳамкорлик қилган. Болалик кезларида рус ва араб халқ эртаклари, А.С.Пушкин шеърлари, шунингдек, **Юсуф ҳақидаги Инжил ривояти таъсирида шеърлар ёзган. Биринчи йирик асари — «Инсон камолотининг тўрт даври» автобиографик асари («Болалик», 1852; «Ўсмирлик», 1852-54; «Ёшлик», 1855-57; «Йигитлик» ёзилмай қолган). Уруш лавҳалари ва аскарларнинг маиший турмуши Толстойнинг «Севастополь ҳикоялари» (1855 йил) тўпламига кирган хикоя ва очеркларида ўз ифодасини топган.**

50-йиллар Толстой руҳий ҳаёт лавҳалари ва маиший турмуш тафсилларини тарихий воқеаларнинг кенг манзараси, қаётнинг ахлоқий-фалсафий асослари тасвири билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Толстой ижодида шакллана бошлаган бу ижодий тамойил **«Қазаклар» қиссаси** (1863 йил)да, айниқса, яққол кўринади. Бу асарда ўз инъикосини топган халқ ҳаёти мавзуи ва воқеликнинг эпик тасвири Толстойнинг 60-йиллар ижодида янада теранлашади.

Рус ва жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олган **«Уруш ва тинчлик» (1863—69) эпопеяси** Толстойнинг 60-йилларда ижодий камолотга эришганидан шаҳодат беради. Айрим совет адабиётшунослари гарчанд бу асарни Толстойнинг ўз даври муаммоларидан қочиши, деб баҳолаган бўлсалар-да, ёзувчи «Уруш ва тинчлик» романи билан ўз даврида рўй берган ва ўзи шахсан гувоҳ бўлган воқеаларга фаол муносабат билдирган. Энг муҳими, у Наполеоннинг 1805-07 ва 1812-14 йиллардаги ҳарбий юришлари мавзуига мурожаат этиб, кўплаб қаҳрамонлар иштирок этган эпик воқеалар билан бирга қаҳрамонларнинг руҳий тасвирлари илк бор катта маҳорат билан уйғунлашган **тарихий роман жанрини яратди.** Ҳолбуки, XIX аср ўрталарида эпик асарлар даври ўтди, деган фикрлар кенг тарқалган, 60-йилларда рус жамиятида куч ола бошлаган синфий зиддият ва курашлар эса «Уруш ва тинчлик»дек эпопеянинг майдонга келиши учун унумли замин бўла олмас эди. 1812 йилда Россиянинг Наполеон қўшинлари томонидан босиб олиниши мумкинлиги бир-бири билан келиша олмаган турли табақа ва синфларни душманга қарши кураш шиори остида бирлаштирдик, Толстойнинг рус халқи онгидаги ана шу уйғонишга мурожаат этиши «Уруш ва тинчлик» романининг юзага келиши учун ҳаётбахш замин вазифасини ўтади.

Толстойнинг 70-йиллар ижодида **«Анна Каренина» романи** алоҳида мавқега эга. «Уруш ва тинчлик»дан бу романни ёзгунига қадар бўлган даврда Толстойнинг рус жамиятидаги ижтимоий тенглик ва адолат тўғрисидаги орзу-умидлари рўёбга чиқмади. 60-йиллардаги ислохот ёзувчи кутган натижани бермади. Мазкур романда Толстойнинг жамият ҳаётида кечаётган нохуш жараёнлар ҳақидаги изтиробли ўйлари акс этди. Романда **Каренинлар, Облонскийлар ва Левинлардан иборат уч оиланинг** бир-бири билан чатишган, аммо мустақил сюжет чизигига эга бўлган тарихи тасвир этилган. Толстой аксар рус ёзувчиларидек, насроний динига катта эътиқод қўйган, ҳаётда рўй бераётган воқеаларга ва кишиларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам шу дин нуқтаи

назаридан ёндашган. Унинг диний қарашлари жамият ва шу жамиятда яшовчи кишиларга, бинобарин, у ёки бу қахрамонига бўлган муносабатига, шак-шубҳасиз, таъсир ўтказган. Толстойнинг оила масаласига, чунончи, Каренинлар оиласида содир бўлаётган воқеаларга ёндашувида ҳам диний қарашлари сезилади. У жамият аъзоларида қандай чиркинликлар мавжуд бўлмасин, кишилар диний қонун-қоидалар доирасида ҳаракат қилишлари лозим, акс ҳолда жамият ҳалокат сари боради, деган фикрдан келиб чиқиб, қахрамонлар образини яратади.

70-йилларда руҳий изтироб ичида яшаган Толстой ўз ҳаёт йўлини қайта назардан ўтказди ва шу жараёнда ижтимоий келиб чиқиши, тарбияси ва ҳаёт йўли билан боғлиқ жамият қатламининг маънавий асослари ёлғонга асосланган, деган хулосага келди. Унинг бундай қарашлари **«Иқрорнома» (1880)** ва **«Эътиқодим нимада?» (1884)** асарларида ўз ифодасини топди.

Толстойнинг шу даврда ёзган асарлари орасида **«Иван Ильичнинг ўлими» (1886)**, **«Крейцер сонатаси» (1889)** қиссалари, айниқса, эътиборга лойиқ.

Толстой 80-йилларда драматургия жанрларида ҳам ижод қилиб, **«Зулмат ҳокимияти» (1886)** драмаси ва **«Маърифат мевалари» (1890)** комедиясини ёзади. Бу асарларда қишлоқ аҳлидаги жаҳолат, шаҳар маданиятининг қишлоққа кўрсатаётган салбий таъсири катта бадиий куч билан тасвирланган.

Толстой дунёқарашида тобора кучайиб бораётган зиддиятлар унинг **сўнгги йирик асарларидан бири— «Тирилиш» романи (1889-99)** да ўз аксини топди. Ҳаётда бўлиб ўтган оддий воқеа - бир суд жараёни асосида яратилган бу асарда Толстой ижтимоий адолатсизликка асосланган жамиятнинг ички, маънавий асосларини очиб ташлайди. Мазкур асардаги кишилар тақдири билан воқеаларнинг ўзаро чамбарчас боғликлиги масаласи **«Ҳожимурод» (1896-1904 йиллар)** қиссасининг ҳам асосини ташкил этган. Толстой диндор ёзувчи сифатида кишилар руҳиятидаги зиддиятларни тасвир этибгина қолмай, ўзи ҳам жамият ва кишилар ҳаётидаги бундай зиддият ва майллардан жароҳатланиб яшаган. Ёзувчидаги мураккаб руҳий ҳолат унинг сўнгги асарлари **(«Тирик мурда», 1890; «Балдан сўнг», 1903** ва бошқалар) да ҳам акс этган. Толстой ҳаётининг Ясная Полянадаги сўнгги кунлари руҳий изтироблар пўртанасида кечди. У яқин кишилари тўқиган иғво ва фасод тўридан қочиб, 1910 йилда Ясная Полянадан бош олиб чиқиб кетади ва йўлда шамоллаб, вафот этади.

Ўзбекистонда Толстой ижодига қизиқиш у ҳаёт пайтлардаёқ бошланган. Унинг **«Одамлар нима билан тирик?»**, **«Худо ҳақиқатни курса ҳам тезда айта олмайди»** мақолалари 1887-1902 йилларда **«Туркистон вилоятининг газети»**да ўзбек тилида нашр этилган. Толстой ҳақидаги **«Россия мамлакатининг машҳур ёзувчиси»** деган мақола эса 1889 йили шу газетада таникли маърифатпарвар **Сатторхон Абдуғафоров** таржимасида босилган. Толстойнинг болалар учун ёзган қатор ҳикоялари **Саидрасул Азизий («Устоди аввал», 1902)**, **Алиасқар Калинин («Муаллими соний», 1903)**, **Абдулла Авлоний («Биринчи муаллим», 1909; «Иккинчи муаллим», 1912)** сингари жадид маърифатпарварларининг ўқув қўлланмалари ва дарсликларида эълон қилинган ҳамда усули савтия мактабларида ўқитилган.

Толстой нафакат буюк ёзувчи, балки адолатпарвар ва халқпарвар инсон сифатида ҳам ўзбек жадидларининг эътиборини ўзига жалб этган. Биринчи ўзбек адвокати **Убайдулла Ҳўжаев 1909 йилда Толстойга унинг ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермаслик ҳақидаги таълимоти юзасидан хат ёзиб**, ўша йилнинг 5 июнида ундан жавоб олган. Ислон динининг таникли арбобларидан бири **Абдувоҳид Қориев эса 1910 йилда Ясная Полянага махсус бориб, Толстой билан бир неча марта мулоқотда бўлган.** Аммо ўзбек халқининг адиб ижоди билан яқиндан танишиши XX асрнинг 30-йилларидан бошланган ва унинг барча асосий асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

**«Бўйи баравар китоб ёзган» (Абдулла Қаҳҳор)** улуғ адиб ўзидан кейинги даврда яшаган барча адибларга ўз таъсирини ўтказгани илмда тан олинган ҳодисадир. Ғафур Ғулом унинг **«Первая книга»**сидан русча илк сабоқни олган бўлса, Абдулла Қаҳҳор

Толстойнинг ижодини ўзига маҳорат мактаби деб билган эди. Дарвоқе, «Маҳорат мактаби» номи билан эълон қилинган ёстикдай китобда энг кўп тилга олинган рус адибларидан бири ҳам Лев Толстой эди. Буюк адибнинг ҳаётлик чоғидаёқ унинг асарлари ўзбек китобхонларига «Туркистон вилоятининг газети» орқали етиб келган, айрим асарлари ўзбек китобхонларида ҳурмат уйғотиб улгурган бўлса, айрим ўзбек зиёлилари «буюк синод»нинг «зулмга қарши бормаслик» ғояларига кескин қарши чиқиб, Сиз мустамлакачиликни ҳимоя қиляпсиз, дея раддия билдиришгача бориб етганлари бугунги ўқувчиларга кундай равшан. Яна шуниси ҳам маълумки, Толстой ҳақида йўқсиллар дохийси беш мақола ёзган ва у мақолалар шўро кунларида Қуръондай ўқитилгани билан улуғ адиб ижодининг ҳамма қирраларини ҳам акс эттириб бера олмаган эди. Лев Толстойнинг «Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик» ҳасби холи XX аср ўқувчиларига адабий сабоқ бўлган, унинг «Кавказ асири» ҳикояси гўдаклигимизданоқ бизнинг бадиий ижодга бўлган муносабатимизни «шакллантиришга хизмат қилдирган» асарлардан эди. Толстой талқинида уруш ва тинчлик (шу номли эпопея), бахт ва бахтсизлик («Анна Каренина»), туғилиш ва ўлим («Тирилиш») каби зиддиятларни инсоният идроки айният каби қабул қилишда Толстойдан кўмак ўтинганларини ҳам заррача унутмаймиз. Айниқса, ижоди тиниққан, ҳаётининг сўнгги даврида яратилган «**Сергей ота**», «**Ҳожи Мурод**» **каби дохиёна асарлари** буюк адибни тирик «синод» (пайғамбар) даражасига кўтаргани, унинг ўлими олдидан минглаб, ўн минглаб толстойчилар ўз юртларини ташлаб чиқиб кетиб, «тирик пайғамбарнинг илоҳиётга қовушиши» (И.Бунин, «Толстойнинг кутилиши»)ни кузатиш илинжида бўлганларини бугун жаҳон оммавий ахбороти имкон даражасида ёритиб турган эди. Ўзи бир пайтлар «Севастополь ҳикоялари»да исён кўтарган кавказлиларни қирганини буюк бир ифтихор билан ёзган бўлса, «Ҳожи Мурод» қиссасида чор мустамлакачилиги зулми учун ўзини озми-кўпми айбдордай билиб, чоризмга қарши чиқиш ҳар бир эрқарвар мазлумнинг нияти эканини ошкор ёзгани уни даҳо адиб сифатида ҳақиқатга тик қарай оладиган мард инсон эканини ҳам англаганди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Толстой даҳоси яратган асарлар ҳамма вақт дунё адабиётининг энг нодир намуналаридан бири бўлиб қолади. Буюк рус адиби Лев Николаевич Толстой ҳаёти ва ижоди улуғ даҳолар ҳаёти каби кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Абдулла Қаҳҳор таъбири била айтганда: “Бўйи баравар китоб ёзган”. Шунингдек ёзувчи ўздан кейинги даврда яшаган барча адибларга ўз таъсирини ўтказгани илмда тан олинган ҳодиса.

#### МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Белинский В.Г. Полн. собр. соч. в 13 томах. Т. 5. 1954.
3. Горький М. Адабиёт ҳақида. Т.: Ўзадабийнашр, 1962.
4. Каримов Э.А. Человек в изображении Толстого. - М., 1967.
5. Толстой Л.Н. Асарлар, 1-5 жилдлар. - Т., 1978-80.
6. Толстой Л.Н. Иқрорнома. - Т., 1998.
7. Толстой Л.Н. Собрание сочинения, т. 1-22. - М., 1978-86.

#### 12-майруза

#### АМЕРИКА АДАБИЁТИ. Ж. ЛОНДОН ВА Э. ХЕМЕНГУЭЙ ИЖОДИ

##### Режа:

1. Америка адабиёти тараққиёти.
2. Жек Лондон ҳаёти ва ижоди.
3. Ж. Лондон романлари ва ҳикоялари.
4. Э.Хеменгуэй ҳаёти ва ижоди.
5. “Чол ва денгиз” асари таржимаси ва таҳлили.

*Таянч тушунчалар: жаҳон адабиёти, Америка адабиёти, Лотин Америкаси адабиёти, рус ва ўзбек адабиёти, адабий тур ва жанрлар, романчилик мактаблари, реализм, танқидий реализм, таржима, адабий таъсир.*

Жек Лондон – XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошида яшаб ижод этган Америка демократик адабиётининг йирик вакили, кенг халқ оммасининг ўз ҳуқуқлари учун курашини акс эттирган машҳур реалист ёзувчи.

Жек Лондон Калифорния штатининг Сан-Франциско шаҳрида камбағал фермер оиласида туғилади. У болалик чоғлариданоқ ҳаётнинг ҳамма оғир машаққатларини бошидан кечиради – ўн ёшидан кўчаларда газеталар сотади. Жек ўсмир ёшига етгач, консерва фабрикасида 12-14 соатлаб ишлайди. Бундай иш уни, шубҳасиз, ҳолдан тойдиради. Жек устрица балиғини яширинча овлаш билан ҳам шуғулланади. Матрос бўлиб Узоқ Шарққа қатнайди, бир неча муддат электростанцияда ўт ёқувчилик қилади. Кўп ўтмай ишсиз қолиб, мамлакат бўйлаб кезиб чиқади.



Ж. Лондон (1876-1916)

Жек Лондон 1895 йилда ишчилар партиясига аъзо бўлиб киради ва унинг ташвиқотчилик ва тарғиботчилик фаолияти бошланади. 1896 йилда у ёзувчиликка берилиб, ўз кучини турли жанрларда синаб кўради. Университетга кириб бир йил ўқийди, аммо иқтисодий аҳволи ўқишни ташлаб кетишга (1897) мажбур этади. Қир ювиш корхонасига ишга кирганида, оғир меҳнат унинг тинқасини қуритади. Шундан сўнг у олтин қони топилган Аляскада ишлаб, катта ҳаётий тажриба орттириб қайтади. Ёш Жек ҳар қадамда буржуа жамияти туғдирган даҳшатлар нимадан иборат эканинн ўз кўзи билан кўриб улғаяди.

Жек Лондоннинг ижоди шундай оғир шароитда бошланади. 1899 йилда Америка журналларида Шимол ҳаётидан олиб ёзилган «Йўлдагилар шарафи учун», «Оқ сукунат», «Бўривачча», «Қирқ миль нарида» ва бошқа ҳикоялари пайдо бўлади. «Оталар худоси» (1901), «Совуқ болалари» (1902) ҳикоялар тўплами ёзувчига катта шухрат келтиради.

1905-1910 йиллар Жек Лондон ижодининг юқори чўққиси ҳисобланади. У шу даврда «Темир товон» ва «Мартин Иден» каби энг яхши романларини ёзади.

Жек Лондоннинг ҳаёти қисқа, лекин ижоди сермахсулдир. У жуда кўп ҳикоя, қисса, очерк, пьеса ва романлар яратади. Ҳикояларининг аксарияти Узоқ Шимолдаги машаққатли турмушга бағишланган. Мангу совуқ ва Оқ сукунат ўлкаларидаги оғир ҳаёт романтик қаҳрамонларни тасвирлашга материал бўлиб хизмат этади. Зўравон жамият сиёсатларидан узоқдаги бу ерларда ҳақиқий инсонийлик синондан ўтади, худбинона интилишлар шахсни қандай фожиали аҳволга олиб бориши мумкинлиги ўзининг реал ифодасини топади. Ўша ерларда капиталистик маданият ва унинг ярамас хулқ-атворида гўзал табиат ва унинг кенг баҳрида ишлаётган одамларнинг жуда қийин ва эркин ҳаётлари қарши қўйилади.

Шимол ҳақидаги ҳикояларининг персонажлари турли тоифа кишилари дир. Улар орасида олтин изловчилар ва овчилар, сайёҳлар, авантюрист ва бошқалар бор. Шимол муҳити одамларга таъсир этмай қолмайди. Масалан, «Жис-Ук» ҳикоясида Боннар чекка ерга бориб қолиб, ўша ерда беш йил яшайди. Меҳнат уни ялқовлик ва енгил-елпи ҳаракатлардан қутқаради ва энди у ҳақиқий инсон бўлиб етишади.

«Смок Беллью» ҳикоясининг қаҳрамони ҳам Шимолга боргач, оғир меҳнат туфайли ўзгариб, жасур кишига айланади.

Бу асарларда кишилар эркинликка интиладилар, ўз инсоний бурч ва ишларини қийин шароитда синаб кўрадилар ва тобладилар. Улар оғир аҳволда қолганларида

хам одамийликни йўқотмайдилар. Лондоннинг шу типдаги қаҳрамонлари Мезон, Кид, Чарли, Пассук ва бошқалардир.

«Оқ сукунат» ҳикоясида руҳан кучли, олижаноб кишилар Шимолнинг оғир шароити фонида берилган. Қарағай йиқилиб Мезон устига тушган ва уни мажақлаган. Қаттиқ азоб ичида қолган Мезон дўстидан ўзини отиб ўлдиришни сўрайди, вафодор хотини индианка Руфи аҳволидан хабар олиб туришини илтимос қилади. Шериги Малмут Кид уни қутқариб олиб кетиш иложини тополмай, Мезоннинг илтимосини бажаради. Сўнгра Кид ҳамма ёқни қоплаб ётган оппоқ қор бўшлиғида йўлини давом эттиради. У кучли бўрон, сув тўлкинлари, зилзила даҳшатлари олдида ҳам қўрқувга тушмайди. Ўшандай шароитни яхши биладиган тажрибали ва мард кишилар оқ сукунат ҳукмронлигини ҳам ўзларига бўйсундирувчи одамлардир.

Ёзувчининг «Ҳаётга муҳаббат» ҳикоясида ҳам инсоннинг турмушга бўлган зўр интилиши кўрсатилган. Асар қаҳрамони узоқ йўл босиб, оч қолиб тинкаси қуриydi. Эмаклаб ва судралиб олға қараб ҳаракат қилади. Унинг бутун қўл-оёқлари қонаб, моматалоқ бўлиб кетган. У билан ёнма-ён оч бўри ҳам бормоқда. Улардан бири иккинчисини еб омон қолишга интилади. Ниҳоят, одам бутун кучи ва иродасини тўплаб, ёнига судралиб келган ва уни ейишга уринаётган бўрининг бўйнига тишларини ботириб, қонини сўриб жонланади. Мўлжал қилган ери – Юкон портига етиб боради. Шундай қилиб, инсон совуқни ҳам, очликни ҳам, бўрини ҳам енгади. Ҳаёт ўлимдан устун чиқади. Кишининг яшашга бўлган муҳаббати ғалаба қилади.

«Аёлнинг жасорати» ҳикоясида негр аёлининг матонати, латофати ва ғамхўр инсон экани чуқур самимийлик билан тилга олинади. Пассукнинг ўз эрига садоқати зўр. Аёлнинг эри Ситки Чарли – мард киши. У Шимолнинг бепоён қор тепаликларидан юриб ўтиб, муҳим топшириқни денгиз қирғоғига етказиши керак. Шунинг учун Пассук эрига ёрдам бериш ташвиши билан яшайди. У ўзи ейдиган оз миқдордаги озиқ-овқатнинг бир қисмини йиғиб боради ва узоқ йўлга чиққан эрига беради. Ўзи эса оч қолиб вафот этади.

Шимол романтикаси билан бир қаторда ҳайвонлар ҳаёти тасвири ҳам Жек Лондон ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, «Оқ курак тиш» (1906) қиссида ёзувчи ҳайвонларнинг ҳаракати ва руҳиятини моҳирона кўрсатган. Асарда ит-бўри тарихи ҳикоя қилинади. Овчи ҳинди Серий Бобр ўрмонда кичик бўри боласини ушлаб, кулбасига олиб келади ва унга «Оқ курак тиш» деб ном қўяди. У ота қонига тортиб, ўрмонга – бўрилар орасига қочиб кетади. Бироқ бундай ҳол хўжайини Серий Бобрнинг чақириғи олдида кучсиз бўлиб чиқади ва ортига қайтади. У қўрқиб-писиб овчи томон судралиб келади ва унинг оёғи тагига ётади, яъни ўз истаги билан бўйсуннади. Лекин у жазоланишдан қўрқади. Овчининг қўли юқорига кўтарилади-ю, аммо урмайди, аксинча еб турган гўштининг ярмини унга узатади. Оқ курак тиш уни эҳтиёткорлик билан олади ва ея бошлайди. Бу вақтда хўжайин унинг ёнига бошқа итларни яқинлаштирамайди. Энди Оқ курак тиш совуқ ва қоронғи ўрмон ичида эмас, балки овчилар орасида, иссиқ гулхан ёнида яшайягини билади. Шундай қилиб, у энди одамга ўз хоҳиши билан тобе бўлиб қолади.

«Оқ курак тиш» қиссида муаллифнинг кузатишлари сезгир ҳайвоннинг идрок қилиши орқали кўрсатилади. Оқ курак тиш йиртқич ҳайвонлар дунёсидан инсонлар орасига тушиб қолар экан, одамлар жамиятининг ҳам шафқатсизлигини билади. Пул ҳукмронлигига асосланган жамиятдаги ваҳшийларча муносабат ҳайвонлар дунёсига ҳам олиб кирилади. Бу нарсани янги хўжайин Смитнинг Оқ курак тишга нисбатан ёвузларча муносабатида очиқ кўриш мумкин. Смит образида зўравонликка асосланган қўпол куч, зўравон жамиятнинг қабоҳатларини ўзида мужассамлантирган шахс қораланади. Инженер Скотт эса ҳайвонларга азоб берувчи шахсларни нафратлайди. Шу жиҳатдан у ёзувчи қарашларини ифодаловчи ижобий қаҳрамондир.

Меҳнаткаш халқнинг зулм ва зўравонликка қарши кураши Жек Лондоннинг ижтимоий утопик романи «Темир товон»да ўзининг ёрқин ифодасини топган. «Темир

товон» (1907) романининг бош қаҳрамони ишчи оиласидан келиб чиққан инқилобчи Эрнст Эвергард. У ёшлик вақтида ноқ фабрикага ишга киради. Мутолаа қилиш йўли билан билимини оширади ва меҳнаткаш омма ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боради. Эвергард фашистик типдаги буржуа давлати – Темир товонга қарши курашга отланади. Лекин буржуа ҳукумати уни қамоққа ташлайди. Эрнст ўша ерда туриб, меҳнаткашлар қўзғолонига раҳбарлик қилади. Бироқ Темир товон хуфялари уни ёвузларча ўлдирадилар. Раҳбар йўқ этилган бўлса ҳам, лекин меҳнаткаш омма курашини давом эттиради ва узоқ йиллардан сўнг Темир товон ҳокимияти йирик монополиялар ҳукмронлигини емириб ташлайди.

XX асрнинг бошларига оид бўлган бу китобдаги воқеа инқилобчи Эрнст Эвергарднинг хотини Эвис Эвергард хотираси асосида берилади. Эвиснинг мактублари гўё бир неча аср ўтганидан сўнг (XXIII аср) топилади ва уни ўша давр тарихчи олими Антони Мередит таҳлил қилади, изоҳлайди.

Романнинг характерли хусусиятларидан бири – унинг мунозара асосига қурилганлиги. У меҳнаткаш омманинг ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, эрк ва озодлик учун курашганлигини бадиий акс эттирган роман сифатида дунё тараккийпарвар адабиётининг энг яхши асарларидан биридир.

«Мартин Иден» (1909) романида романида Жек Лондон халқ ичидан чиққан қобилиятли ёзувчининг буржуа жамиятидаги оғир аҳволи ва фожиали ҳаётини кўрсатади.

Асарнинг қаҳрамони халқ фарзанди, ақлий ва жисмоний кучли шахс матрос йигит Мартин Идендир. У ёзувчи бўлишга интилади, оғир шароитда қийинчиликларни енгиб, ҳикоя ва қиссалар ижод эта бошлайди. Лекин унинг ёзган асарлари учун ўша жамият газета ва журналларида ўрин йўқ, чунки унинг халқ манфаати акс этган реалистик ҳикоялари ҳукмронларга ёқмайди.

Матрос Мартин бадавлат Морзлар саройида тасодифан бўлган вақтида дастлаб шошиб қолади, кўп нарсаларга кўзи тушади. Айниқса, Морзнинг қизи Руфь хонасидаги жавонлардан жой олган қатор-қатор китобларга назар солганида, бу ерда юксак маданият ҳукмрон экан, деган ҳаёлга келади. Руфь ҳам университетни битирган, санъат ва адабиётдан хабардор, билимдон қиз бўлиб кўрилади. Мартин анча вақт шундай таассуротлар ичида яшайди. Ҳақиқатда Руфь Морзлар хонадони маданиятдан узоқ, фақат бойликка сиғинувчи типик буржуа оилаларидан бири эди. Банкир Морз катта бой, у пули йўқ камбағалларни назар-писанд қилмайди. У Мартин Иденга ўхшаган халқ ичидан чиққан кишиларга зарарли фикрлар билан оғриган йўқсил, деб қарайди. Шу боисдан у Мартиннинг келажакда қизига лойиқ эр бўлолмаслигини ўйлаб, Руфьни ундан узоқ туришга ундайди. Морзнинг хотини ҳам тамагир бир аёл. У ҳам Мартинга қизининг нозик дидларига жавоб беролмайдиган кўпол, тарбиясиз, камбағал йигит, деб қарайди. У қизининг бу «ялангоёқ, муттаҳам, матрос, ковбой, контрабандачига... эмас», балки келажакда порлоқ бадавлат кишига эрга тегиши кераклигини ўйлайди. Руфь ҳам дунёқараши жиҳатидан ота-онасидан ортиқча фарқ қилмайди. Тўғри, бу қиз «бегона» одамнинг ғайрат-шижоати, қобилиятини ёқтирса ҳам, унинг ўзига хос характерини тушуниб етмайди. Лекин уни ўз муҳити руҳида, ўзи ва ота-онаси дидига мос қилиб қайта тарбиялашга, унга буржуача одатларни сингдиришга интилади. Қиз бу ишчан, билимга ўч йигитнинг келажакига ишонмайди. Реакцион матбуот Мартинни қоралаётган вақтда Руфьнинг руҳан қашшоқ севгиси юзаки экани маълум бўлади. У Мартинни қўллаш, унга далда бериш ўрнига, аксинча ундан алоқани узади. Руфь Мартин билан учрашганида: «Ота-онам ҳақ эканлар, биз бир-биримизга тўғри келмас эканмиз», – дейди.

Банкир Морз оиласи ва ўша доирадагиларнинг асл башараси фош этилиб боради. Булар тамагир, юзаки судья Блоунт, савдогар, ҳуқуқшунос ва шулар қабалидаги кишилардир. Улар дастлаб камбағал Мартинга мөнсимай қараган

бўлсалар, кейинроқ унинг пулдор, машҳур ёзувчи бўлиб етишганини кўришгач, энди унга айёрона хушомадгўйлик билан муомала қила бошлайдилар.

Руфда ҳам қизларга хос мағрурлик ва камтаринлик ҳисси кўринмайди. Мартиннинг тез шуҳрат қозониб, пулдор кишига айланганини эшитгач, у билан топишишга шошилади, унга тегишга рози эканлигини билдиради. Ота-онаси ва акаси ҳам уни Мартин билан яқинлаштиришга ҳаракат қиладилар. Энди Мартин уларга зарар эмас, балки фойда келтириши мумкин бўлган кишига айланган эди.

Асарнинг бош қаҳрамони Мартин Иден меҳнаткаш омманинг энг яхши хусусиятлари – ишчанлик, ижодкорлик, одамийлик каби фазилатларини мужассамлантирган реалистик образдир. У асар бошида оддий ишчи йигит сифатида тасвирланади. У кўп машаққатларни бошдан кечириб, қийинчиликларни бартараф этади, ўқимишли кишига айланади, буржуа матбуоти билан кескин кураш олиб боради, машҳур ёзувчи бўлиб етишади. Агар Мартин Руфь билан турмуш куриб Морзлар оиласи билан яқинлашиб кетганида эди, ўша муҳит унинг ижодини бўғиб қўйган бўлар эди. Шунинг учун Мартин кейинчалик Руфга «Сал бўлмаса сиз менинг... ижодим ва келажагимни нобуд қилувдингиз» дея унинг юзаки истак-хоҳишини рад этади.

Ёзувчи ҳақиқий севги, дўстлик ва одамийликни халқ ичидан чиққан кишиларда кўради. Кўп боланинг онаси камбағал аёл Мария Сильва оғир аҳволга тушиб қолган Мартинга самимий ёрдам қўлини чўзади. Жо ва Жиммилар ҳам унинг ҳақиқий дўстларидир. Камбағал ишчи қиз Лиззи Конолли ҳам ўз одоби ва самимийлиги билан бой қизи Руфдан бекиёс юқори туради. Руфь Мартиннинг бойлигига қизиқса, Лиззи унинг ўзини севади. У билан баробар гаплашиш учун ўқиб билимини оширади. Бу кишилар образида адолатли жамият қурувчиларининг асосий белгилари кўриниб туради.

Мартин Иден ва унинг муҳитидаги кишилар жафокаш халқ вакиллари ва улар томонидан тарбияланган ҳақиқий инсонлардир. Шунинг учун Мартин қаттиқ меҳнат қилиб, ўз қобилияти ва истеъдодини чиниқтиради ва уни реалистик санъат манфаатига хизмат эттиради.

Мартин Иден ҳаётининг охирларида сохталиклар авж олган буржуа жамияти шароитида (Морз ва Бетлерлар доирасида) ўзининг ҳеч кимга керак эмаслигини ва ёлғизлигини сезади. Ўша муҳитга нафрат билан қарайди, айтиш мумкин чокда ўзига руҳан яқин одамлар орасига қайтишга ҳам йўл тополмайди, чунки унга Ницшенинг зарарли – қудратли шахс фалсафаси таъсир этган эди. Шу фалсафа унинг ўз муҳитига қайтиши йўлидаги катта тўсик эди.

Жек Лондон буржуа шахсиятпарастлигига халқ оммасининг кураши ва ақл-идрокини қарши қўя олмади. Мартин Иден назарий жиҳатдан Ницше қарашларига берилгани ҳолда, амалда бу фалсафага риоя қилмайди, роман ва қаҳрамондаги зиддият унинг шундай ҳаракати натижасидир.

«Мен индивидуалистман, – дейди Мартин Спенсернинг сийқаси чиққан фалсафасини қайтариб, – югуришда илдам, курашда кучли ғалаба қилишга ишонаман».

Жек Лондон бу масалада ҳам Мартиндан юқори туради. У ўз қаҳрамонини танқид қилади. Унинг ницшечилиги асосизлигини кўрсатади. Буржуа жамиятида яқка-ёлғизликда қолган ва тўғри йўлни тополмаган Мартин охирида ўзини ҳалок этади.

«Мартин Иден» романида кўринган зиддиятлар ёзувчининг бундан кейинги асарларида кучайиб, исёнкорлик руҳи заифлашиб боради. Ишчилар ҳаракатига қарши хуружлар, Жек Лондонга қилинган иғволар (1906) унинг руҳий ҳолати ва ижодига жиддий таъсир этмай қолмайди. У ишчилар ҳаракатидан четлашади. Энди у сиртдан қизиқарли, лекин юзаки воқеалар тасвирига диққат қила бошлайди. Бу унинг «Саргузашт» (1910) романида ғаройиб бир америкалик жувоннинг инглиз йигити билан бирга какао экинзорларида маҳаллий аҳолига зулм ўтказиб,

тахқирлашлари тасвирида очик кўринади. Лекин бу вақтда ҳам Жек Лондон зўравон жамият қабоҳатларини қораловчи асарлар ёзади. «Ўғрилиқ» (1910) пьесасида Америка ҳукмрон доираларининг асосий касби таловчилик ва ўғрилиқ бўлиб қолганини кўрсатади.

Лекин «Ойдин водий» (1913) романида бошқача манзара акс этади. Америка ишчилар ҳаракатининг фаолларидан бўлиб, зулм ва зўравонликка қарши иш олиб борган Билли Робертс синфий курашдан воз кечиб, шаҳарни ташлаб ўз рафиқаси Сексон билан фермага кетади ва бахтни беташвиш қишлоқ ҳаётидан излайди.

Жек Лондоннинг ижтимоий маъносини йўқотган бир нечта саргузашт мавзудаги асарлари ҳам мавжуд. Булар «Катта уйнинг кичик бекаси» (1915) ва «Уч қалб» (1916) романларидир. Бу типдаги асарларини ёзар экан, у қимматли вақтини бекорга сарф қилаётганидан қайғуради. Бу китоблар «Темир товон» романидаги инқилобий руҳга, «Мартин Иден»даги ҳақиқий реализмга зиддир.

Жек Лондон: «Мартин Иден – менинг ўзим», – деб эътироф этади. Гарчи романдаги кўп лавҳалар ёзувчининг таржимаи ҳолига ўхшаса ҳам, лекин «Мартин Иден» унинг автобиографиясигина эмас. Иден образи – бадиий тўқима. Мартин ёзувчи фикрларини ифодаловчи реалистик образдир.

Жек Лондон 1916 йилда вафот этди. Ёзувчи ижодининг энг яхши намуналари унинг халқ оммасига яқин турган ва ўз озодлиги учун курашаётган даврига тўғри келади. «Темир товон» ва «Мартин Иден» Жек Лондонни бутун дунёга танитган муҳим асарлардир.

**ЖЕК ЛОНДОН** 150 дан ортиқ ҳикоялар ёзган ва уларда асосан, мамлакат шимоли ва Океания оролларидаги ҳаётни зўр бадиий маҳорат билан тасвирлаган. Асарларида халқ оммасининг ўз ҳуқуқлари учун курашини акс эттирган, ёшлигидаёқ ҳаётнинг бор машаққатларини бошидан кечирган ёзувчи. Адабий фаолиятини 1898 йилдан бошлаган.

Ҳикоялари: “Оқ сукунат”, “Қирқ мил нарида”, “Оталар худоси”, “Совуқ болалари”, “Ҳаётга муҳаббат”.

Романлари: “Темир товон” (1907), “Мартин Иден” (1909). Бу романларида буржуа жамиятини қаттиқ танқид остига олган.

Очерки: “Тубанлик кишилари” (1903). Унда лондонлик ишчиларнинг қашшоқ ҳаёти тасвирланган.

“Ҳаётга муҳаббат” ҳикоясида ҳаётга бўлган муҳаббатнинг ўлим устидан ғалабаси тасвирланган. Унда Билл сувда оёғини чиқариб олган шеригига ҳатто қайрилиб ҳам қарамай ўз йўлида давом этади.

Кит овловчи “Бедфорд” кемасидаги илмий экспедиция қирғоқда ғалати бир махлукни кўриб қолишади. У кум устида зўрға ўрмалаб денгиз томонга келарди. Бу махлук фақат олдинга интилган, яшаш учун курашиб келаётган олтин изловчи эди.

Одам кўлмакдаги кичкина балиқчани тутиш учун қилган меҳнати зое кетганда илк бор йиғлаб юборди.

Шу ҳикоядан парчалар:

1) “...умид аччиқ ҳақиқат билан ҳисоблашишни истамасди” сатрлари мавжуд.

2) “... кўрқув яшаш учун кураш билан чамбарчас боғлиқдир”.

3) “Одам энди ҳаёт учун курашмай кўйди. Ундаги ҳаётнинг ўзи ўлишни истамас, шунинг учун ҳам уни илгарига ҳайдарди”.

Ҳикоя қаҳрамони ҳақида: “... ҳаётда учраши мумкин бўлган курашларнинг энг шиддатлиси”ни шу асар қаҳрамони енгиб ўтганди. У ҳеч нарсани эшитмас, ҳеч нарсани тушунмас, кум устида улкан курт сингари буралар эди. У олдинга деярли силжимас, лекин орқасига ҳам қайтмасди, буралиб-буралиб олдинга қараб ҳаракат қилар ва соатига 20 қадамдан йўл босар эди. ... у овқатнинг мўллигидан қувонар, бошқаларнинг оғзига тушиб йўқ бўлиб кетаётган ҳар бир лукма уни зўр ташвишга соларди. Унинг ақли жойида, лекин стол атрофида ўтирган одамларга нафрат билан боқарди. Овқатнинг тамом бўлиб қолишидан кўрқиб безовта бўларди”.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Америка ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. 1861-1865 йилларда гражданлар уруши натижасида Шимол буржуазияси кулдорлар Жануби устидан ғалаба қозониб, бутун мамлакат бўйлаб ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Шундан сўнг АҚШ жадал капиталистик тараққиёт йўлига кирди. Саноатнинг муҳим тармоқлари илдам қадамлар билан ривожлана бошлади. 70-80-йилларда монополия бирлашмалари юзага келиб, улар ишчиларни қаттиқ эзиш эвазига катта фойда ола бошладилар. Бунинг оқибатида 1886 йилнинг май ойида ишчилар катта кўзғолон уюштирадилар. Аммо бу кўзғолон шафқатсизлик билан бостирилади. Америка



Э. Хемингуэй (1899-1961)

буржуазиясининг милитаристик сиёсати кучаяди. У Испания билан уруш олиб боради, Пуэрто-Рико, Филиппинларни ўзига бўйсундириб олади. Қисқа муддатли ўсиш ва кўтарилишлардан сўнг мамлакат хўжалигида кризислар бошланиб, сон-саноксиз ишчилар ишдан ҳайдаладилар. Булар Американинг ўзига хос тараққиёт йўли бор, у ерда ҳамма учун баробар имкониятлар мавжуд, шунинг учун Америка капитализми зиддиятларни билмайди, деган қарашлар қуруқ хаёлдан иборат эканини фойда этади.

Табиийки, бу ижтимоий воқеалар ўз даври адабиётида ёрқин акс эттирилди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида адабиётни ҳаётга яқинлаштиришда маълум хизмат қилганлардан бири Эрнест Хемингуэй бўлди. У Америка реалистик адабиётининг машҳур вакиллари билан бирдир.

Эрнест Хемингуэй 1899 йилда Американинг Оук-Парк шаҳрида врач оиласида туғилган. Бўлажак ёзувчи мактабни битирганидан сўнг кичик бир газетада ишлайди. Европага бориб, аввал Францияда, кейин Италияда жойлашган Америка тиббий қисмларида туриб, биринчи жаҳон урушида қатнашади. Урушдан сўнг у Америка газеталарининг муҳбири сифатида Парижда яшаб ижод этади. 20-йилларнинг охирида ўз мамлакатига қайтиб, Флорида соҳилларида истиқомат қилади.

Хемингуэй Испания республикачиларининг фашист фитначиларига қарши олиб борган курашларида фаол қатнашган ва бу ҳақда кўп асарлар ёзган, иккинчи жаҳон уруши йилларида авиация қисмларида муҳбир бўлиб ишлаган. Иттифоқчилар армиясининг Францияга бостириб киришида иштирок этган. Урушдан сўнг Америкага қайтган ва ҳаётининг охири йилларини Кубада ўтказган.

Хемингуэй ижодининг бошланиши биринчи жаҳон урушидан кейинги йилларга тўғри келади. «Бизнинг замонда» китобига кирган ҳикояларида ёзувчи, биринчидан, асарнинг лирик қаҳрамони Ник Адамснинг ёшлиги, ўсмирлик йиллари, севгиси ва оиласи ҳақида ҳикоя қилса, иккинчидан, тинч ҳаёт ҳақидаги ҳаёлларга қонли уруш воқеаларини қарама-қарши қўяди. Индивидуалистик характерда бўлса ҳам, асарда қаҳрамоннинг разил урушга қарши норозилиги баён этилади.

Империализм келтириб чиқарган босқинчилик урушларини лаънатлашга бағишланган «Алвидо, қурол!» (1929) романи ёзувчи ижодида муҳим босқични ташкил этади. Асарда биринчи жаҳон уруши йилларида Австрия-Италия frontiда рўй берган воқеалар ҳикоя қилинади. Тиббий хизмат лейтенанти америкалик Генри урушнинг бутун даҳшатлари – очлик, ифлослик, ўзаро қон тўкиш ва сон-саноксиз беғуноҳ кишиларнинг ўлиб кетаётганликларини кўриб, уруш ҳақидаги фикрларининг пуч ҳаёллардан иборат эканини билади ва умидсизликка берилади. Италиян солдат ва офицерлари билан самимий суҳбат ва алоқалар уни миллий худбинлик ва мағрурликдан холи қилади. Шунинг учун лейтенант Генри урушдан юз ўгириб, қуролини ташлаб, бетараф мамлакат Швейцарияга ўтиб кетади. Ёзувчи уруш қабоҳатларига шахсий ҳаётни қарши қўяди. Генри Кетрин Барклига бўлган севгиси билан уруш даҳшатларидан ҳам, ташқи дунё машаққатларидан

хам кутулишга интилади. Лекин у шахсий ҳаёт ва муҳаббатдан ҳам бахт тополмайди. Кэтрин туғруқхонада ўлганидан сўнг Генри бутунлай умидсизлик ичида қолади.

«Алвидо, курул!» романида биринчи жаҳон уруши қораланган бўлса-да, лекин унда баён этилган норозилик шахсий йўсиндадир.

«Бу китобнинг муаллифи, – деб ёзади Хемингуэй асар сўз бошисида, – онгли суратда шу фикрга келдики, урушларда жанг қилаётган одамлар дунёдаги энг ажойиб одамлардир, фронтнинг қизгин қисмларига кириб борганинг сари бундай ажойиб кишиларга кўпроқ дуч кела бошлайсан. Лекин урушни бошлаганлар, унинг оловига яна олов ташлаб турганлар, иқтисодий рақобатдан, фойда ундиришдан бошқа нарсани ўйламайдиган тўнғизлардир... Мен уруш оловини ёққанлар... отиб ташланмоғи зарур, деб ҳисоблайман».

Хемингуэй 30-йилларнинг ўрталаригача бўлган асарларида ташқи дунёга муносабати зиддиятли ва индивидуалист ижодкорлигича қолади. Ўша йиллари очерк шаклида ёзган «Тушдан кейинги ўлим» (1932) китобида ўлим мавзуси яна ҳам очик кўринади. Асарда буқалар уруши ва унга боғлиқ қондалар батафсил берилади. Буқаларни ўлдирувчи матадорлар ёки матадорларни ҳалок этувчи буқалар, отларнинг ёрилиб кетган қорнидан отилиб чиқаётган қонлар, фожиа устига фожиа ва айниқса, жароҳатланган одамнинг ўлими олдидан кечирган азоблари умидсизлик руҳида тасвирланади.

«Африканинг яшил тепаликлари»да (1935) ҳам юқоридаги китобига хос бўлган ўлим масаласи кўрсатилади. Агар «Тушдан кейинги ўлим» матадор билан буқа ўртасидаги олишувда иккаласидан бирининг ҳалок этилиши билан тугаса, бунда овчи ҳақида гапирилади. Ва албатта, воқеа овчининг ғалабаси ва ҳайвоннинг ўлими билан якунланади.

Ёлғизлик, умидсизлик ёзувчининг бошқа асарларида ҳам акс этади. Масалан, «Тоза ва ёруғ жойда» (1936) китоби қахрамони кеча қоронгулигидан ваҳимага тушади, унинг учун ягона макон тоза ва ёруғ майхона бўлиб қолади.

30-йилларнинг ўрталарида Хемингуэй ижтимоий воқеаларга мурожаат этади. Шу даврга хос романи «Ҳаёт ёки мамот» (1937) қахрамони Гарри Морган ўз оиласини боқиш йўлида тинмай ишлайди, аммо кучайиб бораётган иқтисодий инқироз унинг хўжалигига ҳам таъсир этади. Унинг моторли қайиғини ижарага олувчи бой сайёҳларнинг камайиши туфайли даромадига путур этади. Энди Гарри ўзига бошқа иш, хавфли касбни танлашга мажбур. «Қонунларни ким ўйлаб чиқаришини билмайман. Лекин мен одам оч қолсин, деган қонуннинг йўқлигини биламан», – дейди у. Гарри яшашга бўлган табиий эҳтиёжини қондириш мақсадида буржуа жамиятининг ваҳшийликка асосланган қонунларига таяниб ўзини ҳам аямайди, бошқаларга ҳам шафқат қилмайди, ҳатто одам ўлдиришгача бориб этади. У фақат ўзининг шахсий кучига ишонади. Куба анархистлари билан тўқнаш келган ва қаттиқ жароҳатланган Гарри Морган ўлими олдидан ёлғиз одам ҳеч нарса қила олмайди, деган фикрга келади. Қахрамоннинг фожиали ҳалокати ёзувчидаги индивидуалистик қарашларнинг самарасизлигини кўрсатади.

Илгари жамият ҳаётидан четда турган ва фақат ўз кучига ишонган Хемингуэй энди ижтимоий воқеликка қизиқиб қарайди. Испаниядаги ходисалар, республикачиларнинг фашистлар тўдасига қарши курашлари унинг диққат марказида туради. Ёзувчи республикачиларни қўллайди, уларга моддий ёрдам беради, тез-тез фронтга боради. Бу воқеалар энди унинг ижоди учун материал бўлиб хизмат қилади. «Бешинчи колонна» пьесаси бунга мисол бўлади. Асар қахрамони америкалик Флипп Раулингс қалбан хаста, бўшашган шахслардан эмас. У оғир аҳволда бешинчи колонна жосуслари билан кураш олиб боради, жосус ва кўпоровчи шахсларни қўлга туширади. Бу жасур киши ўзидаги индивидуализмни бутунлай бартараф этган эмас.

Флипп Раулингс ёш, бой ва гўзал америкалик аёл Доротини кўргач, ўзгаради. Бу аёл уни ўзи билан бирга бу ердан кетишни таклиф қилади. Жиддий ишдан толиққан Раулингс бундай фикрга қўшилади ҳам. Сўнгра у ўзида туғилган бундай худбинлик ҳиссини бартараф этади ва Доротидан алоқани узиб, Испанияда қолади. Макс исмли қахрамон унинг қарашларига таъсир кўрсатади. У Раулингснинг кўпчилик учун хизмат

қилиши зарурлигини эслатиб, Раулингснн тетиклаштиради. Шундай қилиб, Флипп Раулингс ўзининг шахсий интилишларини жамият манфаатига бўйсундирган, фашизм йирткичларига қарши курашувчи ижобий қахрамон бўлиб етишади.

Раулингс Макс билан фашистларнинг кузатув пунктига дадиллик билан ҳужум уюштириб, франкочи полковникни асир оладилар ва фашистларнинг янги ҳужумини барбод этадилар. Бу асарида Хемингуэй мураккаб ва чалкаш, зиддиятли йўлни босиб ўтади ва ижобий қахрамон яратишда катта ютуққа эришади.

Хемингуэй Америка адабларининг II конгрессида «Ёзувчи ва уруш» (1937) мавзуида сўзлаган нутқида фашизмни қонли жиноятчилар тўдаси, деб қаттиқ қоралайди. У испан республикачиларининг мағлубиятидан азият чекади. Фашистлар зўравонлик қилиб давлатни босиб олганларидан сўнг, яна унда якка-ёлғизлик қобилигига ўралиб, умидсизликка берилиш кайфияти юз беради. Бу ҳол адабнинг «Кўнғироқ нимадан дарак беради» (1940) романи мисолида кўринади. Асар қахрамони Роберт Жордан эрк ва саодат учун курашиб, ҳаётни эмас, ўлимни ўйлайди, ғалабага эмас, балки ўлимга тайёрланади. Бу эса шу даврда ёзувчи онгида туғилган ғоявий парокандаликнинг кўриниши эди.

«Дарёнинг нариги томонидаги дарахтлар соясида» (1950) асарида ижтимоий ҳаётдан четда турувчи якка қахрамон пайдо бўлади. Бу икки урушда қатнашган америкалик полковник Ричард Кентуэллдир. Унга хос хусусият шуки, у ҳамма вақт ўлим ҳаёли билан яшайди. Бу еса повестнинг ғамгин руҳини кўрсатади.

Хемингуэй сўнги «Чол ва денгиз» (1952) қиссаси учун Нобель мукофотини олган. Асар қахрамони чол Сантьяго балиқ овига чиққанига анча кунлар бўлса ҳам, лекин иши юришмайди. Унингча, елканига «кўп ямоқ тушган» қайиққа қандай қилиб ҳам балиқ илинсин. Сантьяго кекса бўлса ҳам, лекин ўзи тетик. Шунинг учун ёзувчи бу одам «таслим бўлмайди», деб уқтиради.

Чол тўрига катта балиқ тушганда чексиз севинади. «Балиқ, – деб чақирди у секингина, – ўлсам ўламанки, сендан ажралмайман». Чол бутун куч-ғайратини ишга солиб, балиқ билан олишади ва енгади. Унинг: «Одамзодни янчиб ташлаш мумкин, лекин уни бўйсундириш мумкин эмас», деган сўзлари инсон қудратига ёзувчининг чексиз ишончини кўрсатади.

Балиққа бир гала аюла ҳужум қилганида ҳам, Сантьяго бўшашмасдан курашини давом эттиради. Бир аюлани ўлдирганида, иккинчиси ўлжага ташланади, шу тариқа олишув анча давом этади. Унинг пичоғи синиб, қўллари қонга беланса-да, тўқмоқ билан аюлаларнинг бошига уришда давом этади. Сантьяго қирғоққа етиб борганида катта балиқнинг фақат гавда суягигина қолган эди. «Ким ҳам сени енга қолди ўзи, чол, – сўради ўз-ўзидан, – ҳеч ким, – жавоб берди у. – Айбим шуки, мен денгизда ҳаддан ташқари узоққа кетиб қолибман».

Сантьяго учун умидсизлик гуноҳдир. У китобхон кўз ўнгида мағлубиятни билмайдиган, иродали инсон тимсолида намоён бўлади. Сантьяго шу жиҳатдан ёзувчининг олдинги асарлари қахрамонларидан фарқ қилади. Уни қирғоқда кутиб олган бола навбатдаги балиқ овида чол билан бирга боришни ва ундан кўп нарса ўрганиши зарурлигини айтадики, бу – Сантьягонинг ёлғиз эмаслигига ишорадир.

Эрнест Хемингуэй босиб ўтган мураккаб ва зиддиятли йўл кўп чет эл ёзувчилари учун характерлидир. Улар жамиятда кучайиб бораётган тушкунликни, пулга асосланган жамият қонун-қоидаларини танқид қилиш йўлидан борадилар. Хемингуэй ҳам Ғарбнинг йирик инсонпарвар ёзувчилари қаторида буржуа жамиятининг истикболи йўқ эканини тобора кенгроқ тушуниш билан унинг иллатларини ўз ижодида акс эттирган йирик реалистлардан биридир.

### **МАВЗУНИ МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. Жек Лондон қайси давр Америка адабиёти ривожига ҳисса қўшди?
2. Америка демократик адабиётининг асосий мақсади нимага йўналтирилган эди?
3. Жек Лондон қайси асарлари билан Америка демократик адабиётини бойитди?

4. Жек Лондон қандай ҳаёт йўлини босиб ўтди?
5. «Гемир товон» романи қайси хусусиятлари билан дунё тараккийпарвар адабиётининг энг яхши асари даражасида баҳоланади?
6. «Мартин Иден» романининг етакчи ғояси нимадан иборат?
7. «Мартин Иден» романида қандай ижтимоий зиддиятлар реал акс эттирилган?
8. Мартин Иден ҳалокатига нима сабаб бўлди?
9. Қуйидаги **таянч тушунчаларни** изоҳланг: очерк, пьеса, демократик адабиёт, бош қаҳрамон, индивидуализм, романтика, социал (ижтимоий) утопик (хаёлий) роман.
10. XIX асрнинг иккинчи ярмида Америка ижтимоий ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
11. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошидаги Америка реалистик адабиётининг машҳур вакиллари кимлар?
12. Эрнест Хемингуэй қайси асарлари билан Америка реалистик адабиётини бойитди?
13. «Чол ва денгиз» қиссаси учун ёзувчи нега Нобель мукофотига сазовор кўрилди?
14. «Чол ва денгиз» қиссаси бош қаҳрамони – чолга хос ижобий фазилятларни айтиб беринг.
15. Эрнест Хемингуэй ижобий қаҳрамон яратишда қандай муваффақиятларга эриша олган?
16. Қуйидаги **таянч тушунчаларни** изоҳланг: ижтимоий мавзу, адабиётнинг ижтимоий моҳияти, реалистик адабиёт, ижобий қаҳрамон, бош мавзу, етакчи ғоя, қисса, повесть.

#### **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987, 312-316-бетлар.
2. Белинский В.Г. Полн. собр. соч. в 13 томах. Т. 5. 1954.
3. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Жаҳон адабиёти намояндalари портретларига чизгилар. Т.: «Зар қалам», 2006, 141-144-бетлар.
4. Горький М. Адабиёт ҳақида. Т.: Ўздабийнашр, 1962.
5. Хемингуэй Э. Алвидо, қурол. –Т.: ҒАҲН, 1973. - 344 бет.
6. Хемингуэй Э. Чол ва денгиз. –Т., 1975.
7. Жек Лондон. Мартин Иден. Русчадан Қодир Муҳаммедов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 432 бет.
8. Лондон Ж. Ҳикоялар. – Ўзбекистон Давлат БАН, 1958. – Фаттоҳ Абдуллаев таржимаси, 176 бет.

#### **13-майруза**

#### **Т.МАНН ВА АСР РОМАНИ МУАММОЛАРИ.**

##### **Режа:**

1. Томас Маннинг ҳаёи ва ижоди.
2. Томас Манн Италияда.
3. Адибнинг илк ижоди.
4. Адиб ҳикоялари.
5. Т.Манн – романнавис.

**Таянч тушунчалар:** жаҳон адабиёти, немис адабиёти, Ғарб адабиёти, реализм, танқидий реализм, адабий тур ва жанрлар, аср романи, адабий таъсир, адабий ўхшашлик, эпик тафаккур.

Олмон адабиётининг атоқли намояндalаридан бири. У 1875 йилда Любек шаҳрида туғилган. Ёзувчи Генрих Маннинг укаси. Уларнинг оиласи Мюнхенга кўчиб боргандан сўнг, бадиий асарларни тинимсиз ўқиб, адабиёт ва санъатга муҳаббати орта боради.

Мюнхенда у «Симплициссимус» ҳажвий журнали билан алоқа боғлайди. Бу журнал саҳифаларида илк новеллалари босилади. Дастлабки новеллалар тўплами «Кичик ўртоқ Фридман» (1897) деб номланади. Томаснинг акаси Генрих билан Италияда икки йил яшаши ака-ука дунёқарашига катта таъсир кўрсатади. Бу ерда улар Римнинг қадимий ёдномалари, антик дунё адиблари асарларини ўқишга муваффақ бўладилар.

«Будденброклар» (1901) романида Иоган Будденброклар оиласининг тарихий солномаси эпопея тарзида берилган. Бу даврда Европа адабиётида роман-хроника ёзиш («Форсейт ҳақида сагалар», «Тибо оиласи» хроникалари) одат тусига кирган эди. «Венециядаги фожиа» романи Томас ижодининг гуллаб-яшнаганидан гувоҳлик беради.

Томас ижодида фалсафий руҳдаги романлар ҳам кенг ўрин эгаллаган. Бу жиҳатдан «Ғаройиб тоғ» (1924) романи эътиборга лойиқдир. Ёзувчи 16 йил давомида «Иосиф ва унинг укалари» тетралогияси устида ишлайди. Тетралогия «Иокова тарихи» (1933), «Ёш Иосиф» (1934), «Иосиф Мисрда» (1936), «Иосиф» (1943) романларидан иборат. 30-йилларда фашистлар ҳаракати кучайган чоғда Томас Амстердамга келади. Сўнгра Брюссель, Париж (1933), Швейцария ва Чехословакияга боради. Ниҳоят, у акасининг олдига Америкага кетади. Кексайиб қолган вақтда ўз юртига қайтиб келиб, 1955 йилда вафот этади.

Томас ёзган романлар акаси Генрихникидан кам эмас. «Лотта Веймарда» (1939), «Доктор Фаустус» (1947), «Доктор Фаустус тарихи», «Бир роман ҳақида роман» асарлари Томас Манн истеъдодини, маҳоратини намоён этиб турибди.

Жаҳон адабиётида ака-ука Якоб (1785-1863), Вильгельм (1786-1859), Гриммлар номи билан уч жилдлик икки юздан зиёд эртақларни ўз ичига олган «Болалар ва оилавий эртақлар» номи билан китоблар нашр қилинган. Ака-укалар Берлин университетининг филология факультетини тамомлаб, бири тилшунослик, иккинчиси фольклоршунослик бўйича профессор бўлганлар.

Жаҳон адабиётида яна ака-ука Генрих ва Томас Маннлар ижоди муносиб ўрин эгаллаган.

Томас Манн энг аввало маҳорат билан яратилган новеллалари билан машҳур бўлди. Ёзувчининг айрим новеллалари кейинчалик роман сюжетига уланиб кетди. Унинг «Тонно Креггер», «Венециядаги ўлим» новеллалари шаклан кичик бўлса-да, мазмунан бойлиги билан ажралиб туради.

Ёзувчи «Иосиф ва унинг укалари» тўртлигида (тетралогия) христиан дини ва унинг муқаддас китоби «Библия»даги мифологик воқеаларга мурожаат қилади.

Томас Манн «Доктор Фаустус» романини анча йиллар ёзишни режалаштириб қўйган эди. Бу романнинг юзага келишига иккинчи Жаҳон уруши ва қувғинда юрган оғир ҳаёт синовлари халақит беради. 1947 йилда «Доктор Фаустус» романини яқунлар экан, ёзувчига ўз ўқувчиларидан юзлаб мактублар келади.

Шундан сўнг Томас Манн 1949 йилда «Доктор Фаустус тарихи. Роман ҳақида роман» деб номланувчи катта мақоласини эълон қилади. Бу мақолада асосан йиллар солномасига алоҳида эътибор қаратилган бўлса-да, Фаустус ҳаёти ҳақида ҳам маълумотлар берилади.

Романда тарихий воқелик орқали Германиянинг ўтмиши ва келажаги ҳақида ҳам фалсафий фикрлар айтилган. Роман қаҳрамони атоқли мусиқачи ва буюк композитор Адриан Леверкюн. Романда Адриан Леверкюн ижоди бошқа бир буюк мусиқачи Бетховен яратган санъатга қарама-қарши қўйилади.

Фалсафий-психологик руҳдаги романда кўплаб афсона ва ривоятларни учратиш мумкин. Ғарбий Европа адабиётида Фауст ҳақида кўплаб асарлар оғзаки ижодда ҳам, ёзма адабиётда ҳам юзага келган. Буларнинг ичида энг йириги Гётенинг «Фауст» трагедиясидир. Томас Манн асарининг воқеаси Гёте яратган «Фауст» трагедиясига сира ўхшамайди. Гёте яратган Фауст юксак фалсафий ғоялар билан машғул бўлган, инсоният келажаги ҳақида муҳим фикрларни айта олган, улуғ қалб эгасидир.

Леверкюн эса ўз музыкаларини инсон бахти ва келажаги учун бағишлайди. Унинг яратган музыкалари жамиятга хизмат қилмайди. Тингловчига кўтаринки кайфият ўрнига тушкунлик ҳаёти этади. Ниҳоят, мана шу тушкун кайфият орқасидан ўзи ҳам ҳалок бўлади.

Томас Манн дастлаб эсдаликлар ёзиш ниятида кўлига қалам олади. Адриан Леверкюн ва унинг замондошлари образи эсдаликлардан роман даражасига кўтарилиб, «Доктор Фаустус» романининг бунчалик машхур бўлиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Тарихий ҳақиқатда Адриан бетоб бўлганида унинг ғоявий душманлари табибни сотиб олиб, захар бериб ўлдирадilar. Сўнгра ҳеч бир из қолмаслиги учун танасини бензин билан ювиб, кул бўлиб кетгунча ёқиб юборадilar. Бу машхур воқеани Томас Манн Америкадалигида эшитиб эски кадрдон дўстининг тақдирига жуда ачинган эди. Адиб бу воқеадан ўн бир йил илгари, яъни гимназияда ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатган кезлари бу буюк композитор билан учрашган, у билан яқин муносабат ўрнатган эди.

Улуғ композитор ҳаётининг сўнгги йиллари жуда ачинарли ҳолда кечди. У ўн икки соатлаб мусиқа ихтиролари билан машғул бўлиб, асабларини чарчатиб кўяди. Шунинг учун ҳам бастакор шол бўлиб, кўп вақт касалхонада даволанади.

Томас Манн ўз ватани Германияга қайтгандан сўнг, ёши анчага улғайиб қолган бўлса-да, қайноқ ижод кўйида бўлади. Ёзувчининг «Доктор Фаустус» романи кўпгина тилларга таржима қилинган.

#### **МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. Томас Маннинг ҳаёт йўли ҳақида нималар биласиз?
2. Томас Маннинг қайси асарлари немис адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди?
3. Қайси асар Томас Манн ижодининг гуллаб-яшнаганидан гувоҳлик беради?
4. Томас Манн ижодида қандай руҳдаги асарлар кенг ўрин тутади?
5. «Доктор Фаустус» романининг бош қаҳрамони ким? Унга хос хусусиятларни айтиб беринг.
6. Тубандаги *таянч тушунчаларни* изоҳланг: новелла, тарихий солнома, эпопея, роман-хроника, фалсафий роман, тетралогия.

#### **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Жаҳон адабиёти намояндalари портретларига чизгилар. Т.: «Зар қалам», 2006, 129-131-бетлар.
1. Гёте И.В. Фауст. –Т.: ҒАҶН, 1972, 268 бет. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987, 297-303-бетлар.
2. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Жаҳон адабиёти намояндalари портретларига чизгилар. Т.: «Зар қалам», 2006, 131-133-бетлар.
3. Горький М. Адабиёт ҳақида. Т.: Ўзадабийнашр, 1962.
4. Жек Лондон. Мартин Иден. Русчадан Қодир Муҳаммедов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 432 бет.
- Лондон Ж. Ҳикоялар. – Ўзбекистон Давлат БАН, 1958. – Фаттоҳ Абдуллаев таржимаси, 176 бет.

#### **14-майруза**

#### **МОДЕРН АДАБИЁТИ: Ф.КАФКА ВА А.КАМЮ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ.**

##### **Режа:**

1. Европада модернистик адабиёт майдонга келишининг ижтимоий ва маданий омиллари.

2. Модерн адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Модернистик йўналишлар ва уларнинг ўзига хос хусусияти.
4. Ф.Кафка ижоди.
5. А.Камюнинг ҳаёти ва ижоди.

*Таянч тушунчалар: реализм, модернизм, адабий оқим, психологизм, ижтимоий танқид, абсурд, модерн адабиёти, кафкашунослик, камюча экзистенциаль тафаккур, модернистик оқим, янгича тафаккур тарзи.*

XX аср бошларида Европада модерн адабиёти юзага келди. Бу адабий йўналишнинг пайдо бўлишига Ғарб мамлакатларидаги ижтимоий ҳаёт тарзи ва фикрлаш йўсини сабаб эди. Бу даврга келиб, кўпчилик Ғарб мамлакатларида фан-техника, илм-фан тез ривожланди, ишлаб чиқариш унумдорлиги ортди, одамларнинг бойиш имконияти кўпайди. Одамлар олдинги даврлардагига қараганда камроқ қийналиб, кўпроқ самарага эришиш ва яхшироқ яшаш имкониятига эга бўлдилар. Лекин бу имконият алоҳида одамни ҳам, бутун инсониятни ҳам бахтли қилолмади. Инсон ақлининг кучи оммавий қирғин қуроллари яратишга, бир-бирини ўлдиришга хизмат қилдирилди. Бу нарса инсон бахти тараққиётда, илм-фан ривожда деб билган кишиларни довдиратиб қўйди. Илм-фан ёмонликка хизмат қилиши ҳам мумкинлиги аён бўлди.

Шунинг учун ҳам бу даврда ишончсизлик, эзгуликдан умид қилмаслик кайфиятлари ҳамда, ҳаёт, умр, одам ва унинг интилишлари самарасиз ва бемаънидир деган қараш кенг ёйилди. Бу ҳол адабиётда **модерн** (французча *янги, замонавий* сўздан) йўналиш пайдо бўлишига олиб келди. Модерн ёзувчилар оламни кўпроқ қора рангларда кўрдилар ва тасвирлай бошладилар. Улар бугунга ҳам, эртанги кунга ҳам ишонмай қўйдилар. Фан ва техниканинг ривожини одамнинг табиатини ўзгартириб юборгани. Шу боис модерн адиблар одамзодни шу вақтга қадар кўникилмаган ҳолатларда турли-туман умидсиз йўсинларда тасвирлаш йўлини тутдилар. Модерн ижодкорлар олдингиларига ўхшамаган ҳаётда яшаётган аввалгиларга ўхшамайдиган одамларни олдингиларга ўхшамайдиган бадиий шаклда тасвирлай бошладилар. Улар одамзоднинг кутилмаган жиҳатларини акс эттиришга уриндилар.


Шунинг учун ҳам модерн адабиётида ҳаёт ҳақиқатига риоя қилиш муҳим ҳисобланмайди. Модерн ёзувчилар учун тасвирнинг ҳаётдагига, борликдагига ўхшаши эмас, балки одамнинг ички оламини, рухий тўлғамларини акс эттириш муҳим саналади. Улар дунёга ўзгача назар билан қарайдилар. Модерн ҳодисаси фақат Ғарб учун эмас, балки бизнинг адабиётимиз учун ҳам хосдир. Жумладан, шоир Рауф Парфи «Қишлоққа қайтиш» шеърисида шундай ёзади:

Оғушимда зангори сезги,  
Кирпигимда суюқ хаяжон,  
Кўзларимда юмалок севги.

Шу ҳолича шеър тамомила тушунарсиз кўриниши мумкин. Лекин бир қадар ақлий зўриқиш натижасида шоир «зангори сезги» деганида ёшлиқдаги туйғуларини, «суюқ хаяжон» деганда эса ўша сезгиларни эслаш натижасида пайдо бўлган ёшни, «юмалок севги» деганида муҳаббатга лиммо-лим кўзни назарда тутгани англашилади.

Австриялик адиб Франс Кафканинг асарлари модерн адабиётининг мумтоз намуналаридир. Модерн адабиётда деярли ҳеч нарса ўз оти билан аталмайди. Унда тасвир бутунлай рамзлар ва имо-ишораларга асосланади. Шунинг учун ҳам Кафканинг «Жараён» романи қаҳрамони Йозеф К. устидан кўзғатилган жараён аслида одамнинг мушкулдан мушкул ҳаётидир. Кафканинг талқинида одам яшамайди, балки бир умр судланади. Одам бошқа одамларга керак эмас, кимсасиз ва унга ҳеч ким ёрдам бермайди. Шу боис одамнинг ҳаётида ёруғлик бўлмайди. Лекин ана шу шафқатсиз ҳукму хулосалар ғоят таъсирчан ва ўзига хос тарзда ифода этилгани учун ҳам юксак бадиий қиммат касб этади.

**Франс Кафка (1883-1924).** XX аср адабиёти тараққиётини янги йўналишга солиб юборган, инсон ва унинг умрига ўзгача муносабатни қарор топтирган Франс Кафка дунёдаги энг ғаройиб ва тушунарсиз тақдир эгаси бўлган ижодкордир, дейиш мумкин. Миллатига кўра жухуд, туғилган ва яшаш жойига кўра прагалик, тилига кўра немис, таянган маданий анъаналарига кўра австриялик бўлган ёзувчи ўзида мутлақо келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, чигалликларни жамлаган одам эди. Кафканинг асарлари инсон тафаккурини ўзгартириб юборди, унинг адабиёт ҳақидаги тасаввурини янгилади, одамга ўзгача эстетик нуқтаи назардан қараш мумкин эканлигини исботлади. Унинг асарлари кишиларга Ғарбдан офтоб чиққанини кўришдай таъсир қилади. Қизиғи шундаки, Ф.Кафканинг ижодий тақдири ҳам шахсий ҳаётига ўхшаш чигал эди. Ундан уч роман қолган бўлиб, учаласи ҳам тугалланмаган эди, учови ҳам адибнинг ўлиmidан кейин чоп этилди.



Ф. Кафка (1883-1924)

**Адибнинг шахсияти, ҳаёт ва ижод йўли.** Шахсияти, ҳаёти ва ижодий қисмати ханузга қадар кўпчилик учун жумбоқ бўлиб келаётган Франс Кафка 1883 йилнинг 3 июлида ўша пайтлар Австро-Венгрия империяси таркибида бўлган Прага шаҳрида туғилди. Отаси, қишлоқдаги ўта қашшоқ ёғоч ўймакорининг ўғли – соғлом, меҳнатқаш, тиришқоқ ва бакуват киши шаҳарга келиб, интилувчанлиги ва тадбиркорлиги орқасидан ўзига тўқ одамга айланди, кичикроқ фабриканинг эгаси бўлди. Уч кизи ва ўғли Франснинг камчилик кўрмай ўсишлари учун ҳамма нарсани қилди. Уларга меҳр кўрсатди, келажакини таъмин этмоқчи бўлди. Лекин ўзининг тамомила тескариси бўлган ёлғиз ўғли билан бир умр келишолмай ўтди. Франснинг онаси руҳонийлар оиласидан эди. Эрининг қош-қовоғига қараган бу хокисор аёлнинг оилада бор-йўқлиги унчалик ҳам билинмасди.

Франснинг болалиги ғалати ўтди. У ғоят ичимдан топ, бошқаларга қўшилмайдиган, тенгдошларига ўхшаб шовқин-сурон қилмайдиган, ҳатто буни ёқтирмайдиган бола эди. Кафка Прагадаги немис гимназиясини тугатиб, 1901-1905-йилларда машхур Прага университетиде ҳуқуқшуносликни ўрганди. Шунингдек, санъат тарихи ва олмоншунослик бўйича ҳам маърузалар тинглади. 1906-1907-йилларда Прага шаҳар судининг адвокатлар идорасида амалиёт ўтади. 1907 йилнинг октябридан бошлаб, хусусий суғурта жамиятига хизматга кирди. 1908 йилда Прага тижорат академиясида шу ихтисослик бўйича малакасини оширди. Шу йилнинг ўзида ишлаб чиқариш жароҳатлари билан шуғулланадиган яримдавлат суғурта идорасига ишга кирди. У докторлик илмий даражасига эгаллигига ҳамда ўзи қилаётган ишга ғоят жиддий муносабатда бўлганига қарамай бир умр кам ҳақ тўланадиган кичик лавозимларда ишлади. 1917 йилда сил касалига дучор бўлди. Шу йилдан эътиборан хизматга мунтазам қатнамайдиган, тез-тез таътил оладиган бўлди. 1922 йилда эса саломатлигига кўра нафақага чиқди. Шундан сўнг, 1923 йилда Берлинга кетди. У ерда бироз даволаниб, адабий юмушлар билан шуғулланмоқчи бўлди. Лекин соғлиғининг кескии ёмонлашиб кетганлиги туфайли адиб Прагага қайтишга мажбур бўлди. Франс Кафка 1924 йилнинг 3 июнида Вена шаҳри атрофидаги Кирлин санаториясида вафот этди.

Шуниси қизиқки, Франс Кафка ижодини муайян босқичларга бўлиб ўрганишнинг, унинг қайси асари қачон ёзилиб, қачон чоп этилганини аниқлаб, унинг маҳорати қандай ўсиб борганлигини аниқ тайин қилишнинг имкони йўқ. Негаки, у кўпроқ ўзи учун ёзадиган адиб эди. Шу боис битганларини энг яқин кишиларига, шунда ҳам унчалик хушламай кўрсатар, тириклигида чоп этилган бир неча асарини эса дўстларининг зўрловлари билан нашриётга топширган эди. Кўпинча унинг ёзганлари столи тортмасида қолар эди. Шунинг учун ҳам дунё адибнинг адабий мероси микёсидан унинг ўлиmidан сўнггина хабардор бўлди. Кафка ўз асарларини яхши кўрмас, уларни чоп эттиришга деярли қизиқмас, ҳатто ўлими олдидан дўсти Макс Бродга ўзининг чоп этилмаган барча

қўлёмаларини тезда йўқотиб ташлашни васият қилган эди. „*Менда адабий қизиқишлар йўқ, мен ўзим адабиётдан иборатман*“, — деганди Ф.Кафка дўстларидан бирига. У ўз асарлари ҳақида: „*Мен уларни яратган онларнигина ҳурмат қиламан, холос*“, — дерди. Шунга қараганда, Франс Кафка асарларини шуҳрат орттириш ёки қалам ҳақи учун эмас, балки ёзмасликнинг иложини топмагани учунгина ёзган дейиш мумкин.

Адабиётшунослар Кафканинг биринчи асари «Бир кураш тарихи» ҳикояси бўлиб, тахминан 1902-1903-йилларда ёзилган, сўнгги асари эса адибнинг касали авж олган 1923 йилда яратилган «Қурилиш» ҳикояси, деб ҳисоблашади. Бошқа ҳикояларининг қачон ёзилгани маълум эмас. Шуниси борки, ёзувчининг романлари яратилган йиллар аниқланган. Мутахассислар адибнинг биринчи романи «Америка» 1911-1916-йилларда, иккинчи романи «Жараён» 1915-1918- йилларда, сўнгги романи «Қўрғон» эса 1921-1922-йилларда яратилганини айтишади. Ёзувчининг «Эврилиш», «Ҳукм», «Жазо колониясида», «Очлик устаси» сингари ҳикоялари, «Отамга хат» эссеси ҳозирда жуда машҳурдир.

Кафка битган асарларни ўқиганда, дастлаб ҳеч нарса тушунмаслик мумкин. Кафканинг асарларидаги чигаллик, тушунарсизлик, бетайинликка ўхшаш ҳолатнинг сабабини билиш учун унинг шахсиятига хос хусусиятлардан хабардор бўлиш талаб этилади. Негаки, у оламни, одамни, ҳодисаларни бошқалар сингари эмас, балки ўзича кўради ва оламни борица эмас, балки ўзи кўрганича акс эттиради. Унинг ёзувчи сифатидаги нигоҳи, қарашлари эса одам сифатидаги қарашлари ўзгачалигининг инъикоси эди.

Айтилганидек, Кафка ғалати шахсият эгаси бўлган. Ғоят қобилиятли, ўзига хос Франс болалигиданоқ ҳеч кимга ўхшамасди. Жисмонан ожиз, касалмандроқ бола жуда таъсирчан ва асабий бўлиб ўсди. У ҳамма нарсадан кўра озодликни, эркин севар, лекин ҳеч қачон эрксеварлигини очик намоён этмас, озодликдан қувониб кетмасди. Адиб ёлғизликни яхши кўриб, интилар ва айни вақтда, танҳоликдан ўтдан кўрққандай кўрқарди. Франс онасини яхши кўрар, лекин сира тушунолмасди. Отасидан жуда чўчир, уни ўзича аямоқчи, кўнглини олмоқчи бўларди. Яратиб берган барча имкониятлари учун отаси олдида ўзини қарздор ҳис қилар, шу билан бирга, ўзидаги тортинчоқлик, кучига ишонмаслик ва иккиланувчанликнинг сабабчиси сифатида уни жуда ёмон кўрарди. Кафка шахсияти қарама-қарши туйғулар, хислатлар, қарашларнинг уюми бўлган, дейиш мумкин.

Кафка алоҳида ҳар бир одамни яхши кўриб, аягани, унинг бахтиёр бўлишини истагани ҳолда одамлардан имкон қадар четда туришга, ўз ҳолича яшашга интиларди. Ёзувчи: «Уйланиш, оила қуриш, менимча, одам қилиши мумкин бўлган ишнинг энг юксаги», — дея эътироф этган. У Юлия Вохршек деган қизга бир марта, Фелисия Бауер деган қизга икки марта унаштирилганига қарамай, оила ҳам қурмади, фарзанд ҳам кўрмади. Яқин одамлари кўп бўлса-да, уни тушунадиган чин дўсти йўқ эди. Интизомли ва билимдон ходим бўлишига қарамай, хизмат вазифасида кўтарилмади. Ўзини «адабиётман» дегани ҳолда, бор кучини сарфлаб ижод қилмади. Лекин унинг, сиртдан қараганда, эрмакка қилган ижоди одам ва унинг тасвири моҳияти ҳақидаги эстетик қарашларни остин-устун қилиб юборди. Чунки Кафка оламни ҳам, одамни ҳам тамомила ўзига хос кўрарди ва ўзига хос тасвирлашдан кўрқмасди. У ўзидан ташқаридаги борлиқдан таъсирланса-да, асарларида ундан нусха кўчирмас, воқеликни акс эттирмас эди. Ёзган асарлари воситасида адиб ўз ички дунёсидаги руҳий талотумларни ташқари чиқариб, уларнинг зуғумидан кутулишга ҳаракат қиларди. Шу сабабли ҳам Кафканинг битиклари тамомила кутилмаган ва ўзига хосдир.

**Адибнинг ҳикоялари.** Одатдаги асарларни ўқиб ўрганган одам Ф.Кафка ҳикояларини ўқиб, дастлаб ҳеч нарса тушунмайди. Бунинг устига, бу ҳикоялар кишида кўрқув, ҳатто айрим ўринларда жирканиш туйғуларини уйғотиши ҳам мумкин. Фақат жиддий эътибор қилиб, ўзини Кафканинг ўрнига қўйиб кўрган ўқувчигина ниманидир англагандай бўлади ва унинг ҳикоялари биз севган реал ҳаётдан кўркинчлироқ эмаслигини

тушунади. Бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари ўзларини доим гуноҳкор ҳис этишади, аммо гуноҳи ва кўрқуви сабабини ўзлари ҳам билишмайди, ўқувчига ҳам англантишмайди. Кафка Аллоҳга ишонишни истаган, аммо унинг борлигини ақлига сиғдириолмайдиган даҳрий эди. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг энг мукаррам яратиғи бўлмиш одамларни астойдил севолмас, улардан эзгулик келишига ишонмасди. Адиб алоҳида олинган одамни суйгани ва аягани ҳолда бутун инсониятга ҳам, инсон томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга ҳам ишончсизлик ва нафрат билан қарар, улардан фақат ёмонлик келади деб ҳисоблар эди. У шу ҳолатдан умр бўйи азоб чеккан ва тортаётган азобларини адабий қаҳрамонларига ҳам ўтказган ёзувчидир.

Адиб ижодида ҳам, XX аср адабиёти тараққиётида ҳам унинг «Эврилиш» ҳикояси жуда катта ўрин тутади. Ҳикоя қаҳрамони савдо корхонасининг тиришқоқ хизматчиси, яқинларига жуда меҳрибон Грегор Замза кунларнинг бирида уйқудан қандайдир жирканч ҳашаротга айланган ҳолда уйғонади. Кафка бу воқеа қандай бўлганини, нима учун бўлганини тушунтириб ҳам, изоҳлаб ҳам, ўқувчини ишонтиришга уриниб ҳам ўтирмайди. Адиб учун муҳими, унинг нима учун ва қандай қилиб қирқоёққа айлангани эмас, балки унинг ҳашаротга айлангандан кейинги сезимлари, туйғуларини кўрсатиш эди. Ёзувчи кечагина ҳам ота-онасининг, ҳам синглисининг ёлғиз тиргаги бўлган йигитнинг бедаво ҳашаротга айлангач, ҳеч кимга керак бўлмай қолгани, бора-бора оиладагиларга ортиқчалик қилиб, олдинига эътибордан қолгани, кейинчалик ундан кутулишга ҳаракат қилишгани, меҳру муҳаббат кўрсатиш ўрнига ҳимоясиз ва нотавон йигитни ўз ҳолига ташлаб қўйганлари тасвирини беради.

Асарда Ф.Кафка одамлар орасидаги муносабатлар фақат манфаат учунгина эканлигини бутун яланғочлиги билан шафқатсиз тарзда акс эттиради. Ҳатто Грегорнинг онаси қирқоёққа айланиб қолган ёлғиз ўғлини кўргиси келмаслигини тасвирлар экан, адиб инсондаги оқибатсизлик чегара билмаслигини акс эттиради. Йигитнинг отаси эса ўғли ҳақида қайғуриш у ёқда турсин, қирқоёқни уриб ҳайдайди, кўзига кўринишини истамайди. Неча ойлар давомида бирор марта эслаб ҳам қўймайди. Дастлабки вақтларда меҳрибонликлар кўрсатган, акаси бошига тушган даҳшатли фожиани енгиллатишга иложи борича уринган синглиси Грета ҳам бора-бора унинг хонасини тозаламайдиган бўлади, акасининг овқат еган-емагани билан қизиқмай кўяди. Хуллас, бошига мушкулот тушган ожиз одам ўзининг энг яқинлари томонидан унутилишга, ёлғизликка, ўлимга маҳкум этилади. Ҳолбуки, Грегор соғломлигида яқинлари ҳисобланмиш шу одамлар учун тиним билмас, ўшаларнинг ҳаловати учун ўзини ўтга-чўққа урарди. Ҳикоя сўнгида қирқоёққа айланган бахтсиз йигит одамларнинг оқибатсизлиги туфайли ўлади. Даҳшатлиси шундаки, унинг ўлими яқинларини қайғуга солмайди, балки қувонтиради. Ҳатто улар шу ҳодисани ўзига яраша нишонлашади ҳам. Шу муносабат билан шаҳар ташқарисида, тоза ҳавода байрам қилишиб, айланиб келишади.

Ҳикоядаги воқеалар тасвири, айниқса, ҳашаротга эврилган йигит ўйлари, изтироблари, умидлари, илтижолари ва ниҳоят, ўлими тасвиридан ўқувчи ларзага тушади. Кафка одамни ҳеч ҳам ақл бовар қилмайдиган ҳолатга солади-да, унинг асл моҳиятини кафтдагидай кўрсатади. Ҳатто айтиш мумкинки, ёзувчи қаҳрамонни эмас, ўз ҳолатини тасвирлаётгандай бўлади. Шунинг учун ҳам рўй бермаганлиги, ҳатто рўй бериши мумкин ҳам эмаслиги шундоққина кўриниб турган воқеалар тасвири кишини ўзига жалб қилади, ўйга толдиради, муносабат пайдо қилади.

Франс Кафканинг машҳур ҳикояларидан яна бири «Жазо колониясида» деб аталади. Ёзувчи бир умр жамият инсон эркини бўғади, уни ҳамиша ўзи истамаган ишни қилишга, ўзи хоҳламаганидай яшашга мажбур этади деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам унинг деярли барча асарларида жамиятнинг ёвуз, ғайриинсоний моҳиятини кўрсатиш асосий ўрин тутади. «Жазо колониясида» ҳикоясида бу ҳол янада бўртиброқ намоён бўлган. Ҳикояда қаҳрамон деб аташ мумкин бўлган тимсолнинг ўзи йўқ. Шунчаки персонажларгина иштирок этишади. Ҳатто бу персонажларга исм ҳам берилмаган. Бири

саёҳатчи, иккинчиси офицер, учинчиси маҳкум, тўртинчиси соқчи ва ҳоказо. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у асардаги тимсолларга ном бермаганлигининг ўзи билан уларнинг умумлаштириш аҳамиятини бўрттириб кўрсатишга эришган. Аввало, асарда жазо колонияси мисолида жамият тасвирлангани учун ҳам қатнашчиларга ном берилмаган, балки фақат уларнинг ижтимоий мавқеигина кўрсатилган. Иккинчидан, адибнинг фикрича, жамиятнинг моҳияти шундан иборатки, у ўзига тарафдор бўладими ёки унга қарши турадими, бари бир, ҳар қандай шахсни қиёфасиз кимсага айлантириб ташлайди.

«Жазо колониясида» ҳикоясида маҳбуслар жазо ўтайдиган колония инсон яшайдиган жамият рамзини ифода этади. Бу ерда шундай тартиб ўрнатилганки, маҳбусларни бир кишининг ўзи суд қилади, улар устидан ўзи ҳукм чиқаради, ўзи ижро этади ва энг даҳшатлиси шундаки, маҳкум бу жараёнда мутлақо иштирок этмайди, тақдири қандай ҳал бўлганидан бехабар қолаверади. Ҳам суд, ҳам ижрочи мартабасида бўлган, жазо машинасининг тинимсиз ишлаб туришини астойдил орзу қиладиган офицер маҳкумни ҳукмдан хабардор қилишни тамомила ортикча деб ҳисоблайди. Уни суд қилиш, унга ўзини оқлаш имконини яратиш-ку хаёлига ҳам келмайди. Кафканинг талқинида одам жамиятнинг исканжасида худди шу колониядаги маҳбус сингари ожиз, ночор, ҳуқуқсиз ва эрки топталган ҳолатда бўлади.

Офицер – жаллодлик ва ёвузликдан иборат жазо машинасини қўллашнинг астойдил тарафдори. Шуниси ғалатики, бу машина ўз қурбонларининг танасига – «Адолатли бўл!», «Бошлиғингни ҳурмат қил!» сингари шиорларни тиг билан ўйиб ёзишга мўлжалланган ва бу иш одил суд намунаси ҳисобланади. Офицернинг фикрига кўра, суд жараёнида ҳар қандай одамга нисбатан «Айбдорлигига шубҳа йўқ» қоидасига амал қилиш яхши самара беради. Унинг қарашича, ҳар қандай одам айбдордир ва у жазога лойиқдир. Офицер – жамият тартибларининг тўғрилигига мутаассибларча ишонган кимса. Шунинг учун ҳам саёҳатчи унинг ғояларини қўлламагани, жазо колониясининг янги комендант эса у ўрнатган тартибларни ўзгартирмоқчи бўлаётганини кўриб, ўзи айбдор деб ҳисоблаган кишиларни азоблаб ўлдириб, роҳатланадиган офицер ўзини ўзи жазо машинасига солиб, тилка-пора қилиб ўлдиради. Шу билан машинасининг ниҳоятда яхши ишлашини, бу хилдаги жазо энг адолатли эканлигини исботламоқчи бўлади. Мазкур ҳикояда жамиятнинг алоҳида одам устидан ўрнатган чексиз ҳокимиятидан норозилик уфуриб туради, ижтимоий тартибларнинг ғайриинсоний қиёфаси ҳеч қандай бўёқсиз кўрсатилади.

Кафка ҳикояларида инсон кўпинча иложсиз, маҳкум, эзилган, чеклаб ва қисиб кўйилган ҳолда акс эттирилади. Бу адибнинг жамият ва инсон, одам ва унинг ҳаёти мазмуни ҳақидаги қарашларининг оқибати эди.

**Кафка романлари.** Кафка ижодий умри давомида уч роман яратган. Лекин уларнинг бирортаси ҳам адиб томонидан тўлиқ тугалланган ҳам эмас, тириклигида эълон ҳам қилинмаган. Унинг биринчи романи «Америка» деб аталиб, 1911-1916-йилларда яратилган. Асарнинг бош қаҳрамони – ўн олти ёшли ўспирин Карл Россман. Ўта содда, ишонувчан, камтар ва олийжаноб бу йигитча ахлоқсиз хизматкор аёл томонидан йўлдан урилгани учун жазо сифатида Америкага жўнатилади. Кафканинг барча асарларида одам муҳитнинг қурбони ҳисобланади. Чунки муҳит, адибнинг назарида, ҳамиша одамга бегона. Американинг тамомила ёт муҳити эса ёш йигитчага икки қарра бегонадир. Ёзувчи энг баланд инсоний туйғуларга эга инсон муҳит томонидан қандай ғажиб ташланишини Карл тимсолида таъсирли қилиб кўрсатиб беради. Россман ҳалок бўлади. Унинг алдов, зўрлик, ёвузлик асосига қурилган бу аёвсиз муҳитда тирик қолиши мумкин ҳам эмасди.

1921-1922-йиллар орасида ёзувчининг «Кўрғон» романи яратилди. Ф.Кафка ижодига, айниқса, унинг романчилигига синчиклаб қараган киши қизиқ бир ҳолнинг гувоҳи бўлади: унинг биринчи романи қаҳрамони Карл Россман деб аталса, иккинчи романи қаҳрамонининг исми Йозеф деб аталади-ю фамилияси биргина К. ҳарфи билан белгиланади. Учинчи «Кўрғон» романи қаҳрамонида на исм ва на фамилия бор. У фақат К. тарзида аталади, холос. Албатта, бу шунчаки тасодиф ёки ёзувчининг ўз қаҳрамонларига

от тополмай қолганидан эмас. Балки бу ҳолат тагида ҳам жиддий ижтимоий-эстетик маъно бор. Чунончи, Кафканинг фикрига кўра, жамият шахсни эзади, синдиради, қиёфасизлантиради. Қиёфасиз одам эса қандай аталгани билан қиёфасизлигича қолаверади. Шу боис ёзувчи қахрамонига ном бермаслик орқали унинг шахсизлигини, қиёфасизлигини бўрттириб кўрсатишга эришади.

«Қўрғон»нинг қахрамони К. ҳаётидаги энг катта мақсад – граф Вествест тасарруфидаги қишлоқда қолиб яшаш учун унинг идораси жойлашган қўрғонга кириб олишдан иборат. У туну кун ҳаракат қилиб, турли найранглар ишлатиб ҳам шу мақсадига эришолмайди. Муаллиф талқинича, қўрғон бу – жамият. Алоҳида одам жамиятни тушуниши, унинг тартибларини англаши, унга мослашиши ва унинг бағрида яшаши мумкин эмас. Романда ҳаётнинг маънисиз, инсон умрининг фойдасиз ва нурсиз эканлиги акс эттирилган. Қўрғонга кириш учун уринавериб, ҳолдан тойган К. ўлим тўшагида ётганида Қўрғондан қишлоқда яшаш ва ишлашга рухсат берилгани ҳақда қарор келади. Маълумки, ўлик на яшай ва на ишлай олади.

Франс Кафканинг номини бутун дунёга ёйган ва бадиий адабиётда одамга ўзга бир бадиий назар билан қараб, уни ўзгача ракурсда тасвирлаш мумкинлигини кўрсатган асари «Жараён» романидир. Тўққиз бобдан иборат бу роман 1915-1918-йиллар давомида яратилган. Асарнинг ўзига хослиги шунчаликки, унинг бобларига муаллиф ном қўйган бўлса-да, ёзувчи томонидан уларнинг тартиби аниқ белгилаб берилмаган. Яъни, аслида, қайси бири биринчи боб, қайсиниси иккинчи, қай бири тўққизинчи эканлиги аниқ эмас. Кафка ижодий меросига васий бўлиб қолган М.Брод асарнинг ички мантиғидан келиб чиқиб, бобларни жойлаштирган. Романнинг ҳар бир боби ўз ҳолича мустақил маънога эга ва бу ҳол ҳам жамиятда изчиллик, мантиқийлик, давомийлик йўқлигини таъкидлашга хизмат қилади.

Кафканинг барча асарлари сингари «Жараён» романини тушуниш учун ҳам ёзувчининг дунёқарашини яхши билиш талаб этилади. Адиб инсоният ҳаётида мантиқ ва тартиб борлигини тан олмайди. У бутун мавжудликни инсонга душман, унинг эркини, истакларини бўғадиган ёвуз куч ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам ёзувчи насрининг ҳар бир сатри бирор-бир эзгу, одамга фойда келтирадиган нарсанинг мавжудлигига, инсон умрида маъно бўлишига ишонмаслик, абсурд, яъни маънисизлик ғояси билан суғорилган. Кафка асарларининг асосий хусусияти одам ҳам, унинг умри ҳам, нарсалар ҳам, мавқе ҳам, фикрлар ҳам, сўзлар ҳам қумга қурилган иморат каби, қўл билан ушлашга уринилган сув сингари омонат, ўткинчи. Фақат ҳаётнинг бу хил ўткинчилиги, тушунарсизлигидан қоладиган чалқаш ва чигал маънисизликкина доимийдир, деган фикрни ифодалашидадир.

Шунинг учун ҳам Ф.Кафканинг барча асарларида инсон фақат қурбон сифатида тасвирланади.

«Жараён» романи бош қахрамони соғлом, бақувват, ишчан, билимдон, ҳаётда яхшигина мавқега эга Йозеф К. муҳитнинг ана шундай кутилмаган ва тушунарсиз зарбасига дуч келади. Гуноҳ қилганликда айбланиб, унинг устидан жиноий иш қўзғатилади. Ёзувчи Йозефнинг қандай жиноят қилганлигини айтмайди, бунга ҳатто ишора билан бўлсин, билдирмайди. Гўё жиноят қилинган-қилинмаганлигининг суд учун ҳам, турли-туман тушунарсиз ва сирли идоралар учун ҳам, ёзувчи ва ўқувчи учун ҳам мутлақо аҳамияти йўқдай. Чунки жамиятда истаган одам устидан, исталган вақтда иш қўзғатилиши, жараён бошланиши мумкин. Инсон қонундан ҳимоя кутади, аммо аслида, одам ана шу қонуннинг ўзи томонидан энг кўп жабрланади. Ёзувчи Йозеф К. тақдири мисолида бу ҳолатни бутун шафқатсизлиги, даҳшати, мантиқсизлиги, ёвузлиги билан кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам К. қамаб қўйилмайди, балки ишга боради, доимгидай ҳаёт кечиради, нимадандир қувонади, нимадандир хафа бўлади. Адиб шу тариха, қамоқ билан озодликнинг фарқи йўқлигига ишора қилади.

Романдаги тасвир бошдан оёқ кишида қўрқув, иложсизлик туйғуларини пайдо қилади. Қахрамонни ҳеч қандай асосу изоҳларсиз жиноятчига чиқарадилар, устидан иш

кўзгайдилар, яъни суд жараёни бошлайдилар. У атрофдагилардан, қонун ҳимоячиларидан ёрдам кутади. Ҳамма ёрдам бермоқчи бўлади ва айни дамда барча уринишлар бефойда экани, иш бой берилишига ишора қилади. Қаҳрамон ишга кетаётиб ёки ундан қайтаётиб, ўз-ўзидан сирли ва ихтиёрсиз равишда турли даражадаги суд маҳкамаларида пайдо бўлиб қолаверади. Маҳкамаларнинг ҳаммаси қоронғи, ифлос, ҳавоси йўқ хоналарга жойлашган. У ердаги мижозлар ҳам, хизматчилар ҳам иложсизлик исканжасида. Улар ўз иродаю истаклари билан эмас, балки вазиятнинг талаби, муҳитнинг йўриғи билан иш тутишга маҳкумлар. Одамнинг интилиши, уриниши, ақли, топқирлиги ҳеч нарсани ўзгартиролмайди, ҳаёт худди тақдир сингари шафқатсиз ва беомон. Одам – фақат қурбон, мазлум, жабрдийда. «Сен бошқалардан ҳаддан ортиқча ёрдам кутасан, – дейди руҳоний К. га. – ...Наҳотки, сен бу ерда ёрдам ҳеч қачон астойдил бўлмаслигини сезмаган бўлсанг?» Мана шу ҳолат, яъни бирор ишнинг астойдил қилинмаслиги, ҳеч нарсага ишонч бўлиши мумкин эмаслиги кишини ваҳимага солади.

«Жараён» романи қаҳрамони К.нинг терговчиларга қарата: «...ҳаммаларингиз сотилган, занжири бир-бирига боғлиқ тўдасиз... сизлар ҳидлаб-искаб топмоқ, ўз кўзларингиз билан кўриб, ўз қулоқларингиз билан эшитмоқ учун бу ерга ёпирилиб келгансиз ва кўзни шамғалат қилиб, чалғитиш учунгина икки гуруҳга бўлиниб, мени олқишлаб турган экансиз; бу билан менинг мисолимдаги бегуноҳ бир кишини қандай қилиб қийнаб-азоблашни тажрибада синаб кўрмоқчи бўлгансизлар», – деган гапларида инсонга ёт, уни қийнаб роҳатланидиган ижтимоий тартиблар тизимининг моҳияти яққол намоён бўлади. Чунки унда инсон тақдирига бепарво, уни овора қилиш, қийнаш, чалғитиш ва бир бало қилиб, бўйнига айб қўйиш истагидаги қатлам вакилларининг асл нияти фош этилган. Гап бу ерда фақат суд ҳақида эмас, адибнинг тасаввури ва тасвирига кўра, инсон ҳаётининг ўзи суд жараёнига ўхшайди. Эътибор қилинса, К. ўзини нима учун суд қилишгаётгани билан унчалик қизиқмагандай туюлади. У ўзини айбсиз деб билади, лекин айни вақтда, жазо белгиланишидан кўрқади. Демак, одам айбдор бўлиши учун айб қилиши, қонун бузиши шарт эмас. Чунки инсонлар томонидан ишлаб чиқилган қонунлар моҳиятан ёвуз, одамларга қаршидир.

Йозеф К. турли маҳкамаларда турлича кўринишли, турлича лавозимларни эгаллаган, аммо тақдири қўлларида бўлган одамга бир хилда бепарволик билан қарайдиган кимсалар билан кўп учрашади. Шу аснода у бу амалдор зотларнинг мақсади одамга ёрдам бериш эмас, балки аксинча, уни ҳаётдан бездириб, хароб қилиш эканлигини англаб етади. Шунинг учун ҳам уларга қарши ўзига хос исён қилади. Лекин унинг норозилиги биз кутгандай ва биз ўйлагандай эмас, чинакамига ўзига хос: кетиб қолиш, гаплашмаслик, келмай қўйиш, қулоқ солмасликдан иборат бўлади.

Кафка инсон ҳаёти маънисизлиги асосини одам интилишларининг чексизлиги ва воқелик берадиган имкониятларнинг чегараланганлиги ўртасидаги туганмас қарама-қаршилиқда деб билади. Одам жуда кўп нарсага эришмоқчи бўлади, ўшаларга тиним билмай интилади, ўзидан кечади, лекин кўпинча ҳеч қандай натижага эришолмайди. Кафка асарларида инсон зотининг мана шу ожизлиги бутун фожиаси билан акс эттирилган.


«Жараён» романидаги тимсоллардан бири савдогар Блокнинг: «...гўё айбланувчининг тақдири унинг қиёфасида, айниқса, унинг лабларида шундоқ кўришиб турармиш. Ҳа, ҳакам сизнинг лабларингизга қараб ҳукм чиқаради...», – деган гапи судларнинг нечоғлик «жиддий»лигини кўрсатиши жиҳатидан муҳимдир. Кўринадики, инсон ҳаёти, унинг умри судлар учун сариқ чақачалик қимматга эга эмас, судловчилар жавобгарнинг лаб бичимига қараб турибгина ҳукм чиқариши мумкин. Адолат, қонун деган тушунчалар умумжаҳон ёвузлиги олдида ҳеч нарсага арзимайди. Бу қадриятлар ҳеч кимга керак эмас.

Инсон – ожиз, иложсиз, маҳкум. Одамнинг бу ҳолати Блок тилидан айтилган: «Билганингиздек, мен савдогарман, биринчи навбатда, ҳозиргига қараганда ҳам кўпроқ савдо ишлари бмилан шугуллансам дердим, бунинг учун эса иш охиригача етиб бориши ёки ҳеч бўлмаганда, қандайдир даражада равнақ олиши керак эди. Бунинг

ўрнига, маъно-мазмуни бир хил бўлган адоқсиз терговлар олиб бориларди, мен улардаги жавобларни, худди ибодатдаги оятлар каби ёддан, ҳеч нарсани ўйламасдан айтиб бера оламан, ҳар ҳафтада бир неча марта суддан идорамга ёки уйимга... тинимсиз чақирув қоғози юборилади, ...аммо яқин кунларда, ҳеч бўлмаса, шини илк бор кўриши ҳақида бирон-бир аломат кўринай демасди». Бу гаплар ижтимоий муҳит ва инсон муносабатлари моҳиятини очиши жиҳатидан катта аҳамиятга эгадир.

Ф.Кафканинг асарлари оғир ўқилади. Уларни ўқиб ором олиш, лаззатланиш мумкин эмас. Аввало, уларни тушуниш, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини туйиш жуда оғир кечади. Чунки бу қаҳрамонларни яратган ёзувчининг ўзи бошқа одамларга мутлақо ўхшамайди. У оламни ўзигагина хос кўз билан кўради. Биринчидан, Кафка ҳаётдан нусха олмайди, ундан ўрганмайди, балки асарларида ўз билганича ҳаёт яратади. Унинг асарлари қаҳрамонлари ҳам адиб яратган ана шу ҳаётнинг қонунларига мувофиқ умр кечиришади, мавжуд бўлишади. Иккинчидан, ижтимоий тузумнинг ҳар қандай механизмида фақат инсонга зуғум қилувчи, зулм ўтказувчи воситани кўрган адиб, инсонни қора ранглар қуршовида, адоқсиз бахтсизликлар оғушида тасвирлайдики, бу китобхонни руҳан толиқтиради, мувозанатдан чиқаради, унда умидсизлик пайдо қилади. Лекин инсонни ўзгача бир ҳолатда кўрмоқчи, одам ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблигини англамоқчи бўлган киши Кафканинг асарларидан хабардор бўлиши керак. Чунки Франс Кафка тасвирлаган одамлар фақат унинг асарларидагина мавжуд. Лекин уларнинг туйғулари, ҳиссиёти ҳамманики қаторидир.

Ёзувчи сифатида Франс Кафка ҳеч адабий мактабга аъзо эмасди. У ҳеч қандай ёзувчини ҳеч қайси жиҳатдан такрорламайди. Худди шунингдек, унинг адабий мактаби бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бу мактабдан бўлиш учун Кафка каби ёзиш талаб этилади. Кафка каби ёзиш учун Кафка каби яшаш, туйиш, таъсирланиш керак бўладики, бунинг асло иложи йўқ. Чунки инсон тақдири бетакрор ва вариантсиздир. Кафканинг асарлари бетакрор ва ўхшашсиз инсонларнинг қайтарилмас ҳамда ғаройиб ҳаёти тасвиридан иборат бўлгани учун ҳам қимматлидир. *«Менда адабий қизиқишлар йўқ, мен ўзим адабиётдан иборатман»*, – деганди Ф.Кафка дўстларидан бирига. Унинг бу гапи чин эканлигини вақт исботлади.



А. Камю (1913-1960)

**Альбер Камю** 1913 йилда Жазоирда туғилиб ўсган. У асли француз бўлса-да, қора танли жазоирликларни севарди. Унинг қора танли жазоирлик болалардан дўстлари ҳам кўп эди. Ўша даврда Жазоир французлар қўл остида бўлиб, маҳаллий халқни босқинчилар ниҳоятда эзиб, оғир азобларга солиб ишлатарди. Хат-саводи паст бўлган жазоирликлар бу оғир қийинчиликларни пешанага ёзилган тақдир тақозоси деб тушунарди.

Альбер бой-бадавлат французлардан кўра, жазоирлик меҳнаткаш ва қашшоқ халққа кўпроқ хайрихоҳ эди. Хаттоки у Жазоирдаги француз босқинчиларига бир қадар нафрат кўзи билан қарайди. Босқинчиликка қарши ғазаб туйғуси бир умр юрагида тош бўлиб котади ва бутун ижоди давомида нафрат ифодасига айланади.

«Бахтли олам» романида, «Инқироз» қиссасида, «Қамал ҳолати» пьесасида, «Нигоҳ», «Қувғинлик ва салтанат», «Ижод ва эркинлик» каби ҳикояларида адибнинг атроф-муҳитга нисбатан теран нигоҳини кўриш мумкин. Оламни зийрак англаш, чуқур идрок этиш ҳисси ёзувчи ижодининг ғоявий йўналишига сингиб кетган.

XX аср жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан бири деб тан олинган «Бегона» қиссасининг қаҳрамони ўз дунёқарashiга ва ўз фикрига эга бўлган Мерсо образидир. Айни чоғда романинг бош образи Мерсо – метин ирода эгаси. У букилиб, хушомад қилиб яшашни инсон учун пасткашлик аломати деб билади. Камю ўз қаҳрамони зиммасига XX аср инсонларига хос фазилатларни юклайди. Бу қиёфа Уйғониш даври ёки кейинги

даврлар ижтимоий ҳаётидаги инсонлардан кескин фарқ қилади. Энг муҳими, ёзувчи инсон образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

«Бегона» қиссаси чоп этилган кезларда қизгин мунозараларга сабабчи бўлди. Ёзувчига сон-саноксиз мактублар келди.

Мерсонинг адвокат билан, прокурор билан суҳбати ҳам ўқувчини ўйлантириб қўяди. Диалоглар ва воқеалар баёнида ўзига хос фалсафа яшириниб ётибди. Воқеа камокқа тушган Мерсо тилидан баён қилинса-да, унинг ички ҳиссиётлари кўрсатиб берилган. Мерсо камгап, ўлимдан қўрқмайди. У ўлим ҳукмини эшитганда ҳам ўзини йўқотиб қўймайди. Унинг ўз фикри, дунёқараши бор.

Ҳар бир адибнинг ўз тасвир услуби мавжуд. Альбер Камюнинг ҳам ўзига хос овози ва бетакрор тасвир услуби бор.

Альбер Камю Жазоир университетида ўқиб юрган кезларидаёқ чин инсоний қалбга эга бўлган дўстлар топади. У бой-бадавлат оиладан етишиб чиққан талабалар билан эмас, кўпроқ ўртамиёна ва қашшоқ оиланинг болалари билан дўст тутинади.

Альбер Камю бор-йўғи 47 йил умр кўрди. Умрининг охиригача Парижда яшади. Шу қисқа умри давомида улкан ишлар қилишга, кўплаб асарлар ёзишга улгурди. Унинг асарлари кўпгина тилларга таржима қилинган.

XX асрнинг 50-60-йиллари Ғарб адабиёти учун улкан ютуқлар билан бирга қувончли хабарлар йили бўлди. Бир қатор адиблар Америка адабиётининг атоқли намояндалари Жон Эрнест Стейнбек (1962), Уильям Фолкнер (1950), Эрнест Хемингуэй (1961), Сальвадор Квасимодо (1959), француз адабиётининг улуғ ёзувчилари Сен-Жон Перс (1960), Альбер Камю (1957) халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлдилар.

Альбер Камю ўзининг оташин нутқи билан, бадиий тасвир воситалари билан даврнинг муҳим муаммоларини ечиб беришга шошилади. Ёзувчи учун энг муҳим муаммо дахшатли ва ёвуз урушни тезроқ бартараф этиш, инсоният келажагини мана шу уруш балосидан қутқариб қолиш эди. Шунинг учун ҳам Альбер Камю халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Француз адиби партизанлар ҳақида махфий йўллар билан маълумотлар тўплайди. Бу маълумотларни тўплаб, яширин йўллар билан нашр қилади. «Немис дўстимга хат» номли китобчаси 1943-1944 йилларда муттасил нашр қилиниб, Германияга ва бошқа мамлакатларга юборилиб, халқни фашистларнинг ёвуз ниятларига қарши курашга чорлайди.

Альбер Камю 1945 йилда яширинча чиқадиган «Кураш» газетасига муҳаррирлик қилади.

Ёзувчи ўзининг «Сизиф ҳақида миф» (1942) номли эссеси билан Европани ўраб олаётган уруш тўфонидан қутқариб қолиш ҳақида даъват билан чиқади.

Альбер Камюнинг «Калигула» (1944) трагедияси тарихий воқеликка бағишланган бўлиб, 1945 йилда сахнага чиқади. Ёзувчининг «Ташқи олам» (1940) асари уруш даври адабиётининг ёрқин намуналаридан бири бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Альбер Камю Оранда яшайди. Бу даврда яратилган ва ёзувчи номини машҳур қилган асари «Вабо» роман-хикмати юзага келди. Бу роман устида ёзувчи қарийб беш йилга яқин меҳнат қилади ва ниҳоят, 1947 йилда роман ёруғ олам юзини кўради. Адиб ўз романи ҳақида тўхталиб: «Вабо» Европада авж олиб кетган миллатчилик, ирқчилик балосига қарши кураш нуктаи назарида дунёга келади», – деб таъкидлайди.

Романда Жазоирнинг Оран шаҳрида бўлиб ўтган воқеа қаламга олинади. Унда ёппасига қирғин балосини келтирган касаллик офатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Роман қаҳрамони Риэ табиб (врач) касалликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, захарланган қаламушдан тарқалган деган хулоса чиқариб, аниқ фикрий тўхтамга келади.

Муаллиф ўз романида инсоният бошига қирғин келтирган вабо тарихига тўхталади. Константинополда ҳар куни ўн минглаб одамларни ҳаётдан олиб кетган касаллик ёки етмиш йил илгари Кантонда бошланган ёппасига ўлим воқеаларини қаламга олар экан,

бош қаҳрамон Риэ тилидан муҳим манбаларни келтириб ўтади. «Ўн минг, юз минг айтишга осон, – дейди врач Риэ, – бироқ шунча одамни бир майдонга йиғиб ўлдириб юборсангиз қанақа даҳшатли кўриниш бўлишини ўйлаб кўринг. Бир кишининг ўлимига қанчалик ачиниш билан қараймиз. Бу бепарвогина мулоҳаза юритиладиган воқеа эмас». Бу жиҳатдан табиб Риэ билан асарнинг яна бир қаҳрамони Кастель ўртасида бўлиб ўтган суҳбат ҳам эътиборлидир.

Романда фақат Оранда тарқалган касаллик воқеаси берилибгина қолмасдан, бошқа қирғинлар, жумладан, Афинада қадимда бўлиб ўтган уруш даҳшатларига ҳам тўхтаб ўтилган.

#### **МАНВУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. «Модерн» сўзининг моҳиятини изоҳланг.
2. Модерн адабиётининг асосий йўналиши нимага қаратилган?
3. Модерн адабиёти юзага келишига қандай ижтимоий омиллар сабаб бўлди?
4. Модерн адабиётининг кўзга кўринган вакиллари кимлар?
5. Ўзбек адабиётида модерн ҳодисаси кимнинг ижодида бўртиб кўринади?
6. Франс Кафка ижодига унинг оилавий муҳити қандай таъсир кўрсатганлигини айтиб беринг.
7. Бўлажак ёзувчи шахсияти ва унинг ижоди ўртасидаги боғлиқликни тушунтиринг.
8. Кафканинг асарларидаги туганмас ғам, адоқсиз умидсизлик манбаи қаердалигини кўрсатинг.
9. Ёзувчининг «Эврилиш» ҳикоясидаги ота, она, сингил тимсоллари табиатини шарҳланг.
10. «Жараён» романининг бош қаҳрамонига хос хусусиятларни айтиб беринг.
11. А.Камюнинг модернистик асарлари ҳақида нималар биласиз?
12. Тубандаги *таянч тушунчаларни* изоҳланг: модерн, модерн адабиёти, модерн ёзувчи, модернизм, модернистик асар.

#### **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Жаҳон адабиёти намояндлари портретларига чизгилар. Т.: «Зар қалам», 2006, 150-153-бетлар.
3. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У., Йўлдошев Қ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфи учун дарслик. Тошкент: «Ўқитувчи», 2004, 354-355; 365-380-бетлар.

#### **15-майруза**

#### **Г.Г.МАРКЕС ИЖОДИ ВА МАГИК РЕАЛИЗМ.**

##### **Режа:**

1. Габриэль Гарсиа Маркеснинг ҳаёт йўли.
2. Габриэль Гарсиа Маркес – Лотин Америкаси адабиётининг йирик вакили.
3. Габриэль Гарсиа Маркеснинг адабий мероси.
4. Габриэль Гарсиа Маркеснинг магик романларига хос хусусиятлар.

*Таянч тушунчалар: реализм, магик реализм, Лотин Америкаси адабиёти, Маркес услуби, маркесча магик реализм, Лотин Америкаси романи, фантастика, миф, Қадимги Америка мифологияси, ижтимоий танқид, адабий таъсир.*



Г. Г. Маркес (1928-2007)

Габриэль Гарсиа Маркес – XX асрнинг сўнги чорагида жаҳон адабиёти тараққиётига катта таъсир кўрсатган ёзувчилардан бири. Унинг «Ёлғизликнинг юз йили» асари жаҳонга машхурдир.

Габриел Гарсиа Маркес (1927) Кариб денгизининг сўлим қирғоғида, Колумбиянинг шимоли-ғарбида жойлашган Аракатака шаҳарчасида дунёга келган. Кейинчалик Маркеснинг машхур асарларида тасвирланган қарийб барча воқеалар ана шу шаҳарчада содир бўлган ва бўлажак ёзувчининг болалик хотираларида бир умрга нақшланган эди.

Лотин Америкаси адабиётининг йирик вакили, “сеҳрли реализм” адабий оқимининг асосчиларидан бири, колумбиялик машхур адиб Габриел Гарсиа Маркес номи тилга олинганда, замонавий китобхон тасаввурида, аввало, унинг қиёфаси ва ижоди гавдаланади.

Иш топиш илинжида катта шаҳарга йўл олган ота-онаси, эндигина туғилган Габриелни бобоси – истеъфога чиққан полковник ва меҳрибон бувиси тарбиясига қолдириб кетишади. Болалигидан эркин ўсган, атрофдаги оламга “кўзини катта очиб қараган” Габриел, ўтмиш ва ҳозирги кун ҳақида тасаввурга йўғрилган сеҳрли ҳаёлларга чўмган бобоси, уйнинг муҳитига, шоирона қилиб айтганда, “худди донишманд мўйсафиддек мудраб қолган” эски уйида эшитган эртақ ва чўпчаклар, афсона ва қизиқарли ҳикоялар оламига бутунлай шўнғиб кетган эди. Табиийки, бу муҳит ёзувчининг ижодига таъсир этмасдан қолмади. Габриел, айниқса, бувиси билан жуда иноқ эди. Неварасини жону дилидан яхши кўрган бувиси кичкина Габриелга жуда кўп қадим афсона ва ривоятларни сўзлаб берарди. Улар эса, ўз ўрнида, боланинг хотирасида муҳрланиб, бўлажак ёзувчининг кўпгина асарлари негизини ташкил этди. Телеграфда ишлаган калтабин отаси, уй-рўзгор ташвишидан бошини кўтаролмаган муштипар онаси бир вақтнинг ўзида ўн олти фарзандни тарбиялаш билан овора эди. 1936 йил кичкинтой Габриелни Аракатакадан олиб кетишган ота-она унга жўяли тарбия ва таълим беролмадилар. Дастлаб, уни Барранкилья шаҳридаги Сан-Хосе интернатига топширадилар, бу ерда у ёлғизликнинг “неъмат”ларини кўзёшлари билан “татиб” кўрди. Сўнгра, уни Сипакира шаҳридаги коллежга ўқишга беришади. У ерда Габриел шеъриятга қизиқиб қолади ва коллежда чиқадиган газетада фаол қатнашади. Бахтли тасодиф туфайли дўстининг онаси шаҳар кутубхонасида ишларди ва Габриелни мутолаа учун кутубхонага бепул киритарди. Макондо образи, айнан, кутубхонанинг жимжит ва чанг босган муҳитида туғилган бўлса, ажаб эмас. 1947 йил ёш Габриел Колумбия пойтахти, осмонўпар тоғлар орасида жойлашган, рутубатли об-ҳаво қоплаган Санта Фе де Боготанинг кўркига кўрк солувчи, колониал услубда қурилган ва “инқилобий ғоялар ўчоғи” деб аталган Миллий университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киради.

“Ҳаёт ҳақида сўзлаб бериш учун яшаш” номли охириги ҳужжатли романида Гарсиа Маркес Богота ҳақида шундай ёзади: “Богота ўша пайтлари зулмат босган, одам қадами етмас беномнишон шаҳар эди. Шаҳарга XVI асрда конкистадорлар зулмидан қочган хиндулар асос солган эдилар. Менимча, ўша пайтлардан бери осмонни қоплаган булутлар тарқалмас, шивалаб ёққан ёмғир эса бир кунга ҳам тинмасди. Шаҳарнинг савдо маркази атрофида жойлашган сон-саноксиз қахвахоналарга кириш таъқиқлаб қўйилганди”. Ушбу ғамгин кайфиятдаги сўзлар дард-алам, ташлаб кетилганликни, ёлғизликни англамасди, асло. Аксинча, ёш Габриел уддабурон, ташаббускор, хушмуомалали, одамлар билан тез кириша оладиган, тил топиша биладиган некбинлар сирасидан эди. У ижод қилишни давом эттириб, Боготада чиқадиган “El Espectador” газетасида ўз мақола ва ҳикояларини эълон қилиб борди.

Дарвоқе, Гарсиа Маркес қаламига мансуб илк “Учинчи итоаткорлик” (1947) номли ҳикоянинг яратилиш тарихи Аракатака реаллигига чуқур сингиб, ушбу ҳаётбахш

чашмадан ҳовучлаб илҳом сувини ичади: “...Хира фонуси билан йўлни аранг ёритиб келаётган охирги трамвайга Чапинеро бекатида ҳақиқий чалишоёқ фавн кириб, бўш жойга ўтириб олди. Трамвайда мудраб ўтирган тўртта-бешта йўловчилардан ҳеч ким уни кўриб таажубланмаганлигига эътибор бердим. Шунинг учун бўлса керак, уни якшанба кунлари болалар боғида ҳар хил майда-чуйдаларни сотиб юрган ва атайлаб ясениб олган савдогарга ўхшатдим. Бироқ фавннинг ҳақиқатан мавжудлиги, қўл чўзса ушлаб кўриш мумкинлиги ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмасди: унинг чиройлиқкина шохчалари ва текисланган соқолчаси аниқ эчкиниқига ўхшарди. Трамвайга кириб келганида эса, туёқчалари тақиллаганини ўз қулоғим билан эшитган эдим. Унинг олдидан ўтаётиб, терисидан таралаётган ўткир бадбўй хидни ҳам сездим”. Бу ҳикояда Франц Кафканинг таъсири сезилиб туради, чунки ўша йиллари Гарсиа Маркес Ғарбий Европа модернизм адабиёти, хусусан, унинг Лотин Америкаси адабиётига кўрсатган таъсирига бағишланган жиддий тадқиқот устида иш олиб боргани маълум. Ёш қаламкашга ғамхўрлик кўрсатган газета билан ижодий ҳамкорлик узоқ давом этди ва икки тарафга, сўзсиз, катта фойда келтирди. 1955 йилда газетада унинг “Бир ўлимдан омон қолган ҳарбий денгизчининг ҳикояларига асосланган саргузаштлар ҳақида менинг ҳақиқатим”, деб номланган ўн тўртта очерки босилиб чиқади. Уларда колумбиялик ҳарбий кемаларда контрабанда ўтказиш фактлари фош этилгани боис, ҳукумат ва ҳарбий доираларда катта сиёсий можаро кўтарилди. Кўплаб ҳарбий ва сиёсий арбоблар истеъфога чиқарилди. Бу очерклар, бир оз вақт ўтиб, аниқроғи, ўнг қанот муҳолифотчилари – ҳарбийлар гуруҳи етакчиси Рохас Пинилья ҳукуматни ағдариб, ҳокимиятни ўз қўлига олганда, газета ёпилишининг сабабларидан бирига айланди. Бироқ унғача ҳали анча вақт бор эди. Марказий ва Жанубий Америка мустамлакаларида мустақиллик учун кураш бораётган йиллари Колумбияда фуқаролик уруши бошланади. 1948 йил қирғинбарот тўқнашувлардан ўзини олиб қочган Гарсиа Маркес Картахен-де-лас-Индиас шаҳарчасида қўним топади ва у ердаги институтда ҳуқуқшунослик таълимини олишни давом эттиради. Айни пайтда, “Universal” газетасида ҳам ишлайди. Қудратли давлатларнинг таъсирига тушиб қолган ҳамда сиёсий, молиявий-иқтисодий манфаатлар тўқнашув майдонида айланган Колумбияда Гарсиа Маркес ижодий фаолият билан бирга ижтимоий-сиёсий фаолият ҳам олиб боради. Ўқишини муддатдан олдин тугатишга мажбур бўлиб, ўзини адабиёт ва журналистикага бағишлашга қарор қилади. 1950 йилда Барранкилья шаҳрига бораркан, “El Heraldo” газетасининг муҳбири сифатида тўқнашувлар марказига тушиб қолади. Бир вақтнинг ўзида “Сроника” ҳафталигида сиёсий-ижтимоий мавзуларга бағишланган рўкни (бўлимни) ҳам бошқаради. Бир неча марта унинг ҳаёти қил устида бўлган эди. Шунга қарамадан, у ўзи танлаган йўлдан тоймади, заҳмат чекаётган оддий халқ билан ҳамнафас яшади. Айнан, шу пайтлари адиб “Уй” деб номланган катта асарга қўл уради. Эҳтимол, ушбу хомаки чизгилар, бетартиб қайдлар ва ёзувлар машҳур (у ҳақда куйида фикр юритамиз) романнинг пойдеворини ташкил этгандир. Кураш олиб борган томонлар вақтинчалик сулҳ тузиб, давлатда омонат тинчлик ўрнатилган пайтида Гарсиа Маркес билимини тўлдириш, таълимини охирига етказиш билан овора бўлиб, жуда кўп китоб ўқийди. Илмий ишида белгиланган йўналишдан четга чиқмасдан Эрнест Хемингуэй ва Уильям Фолкнер, Жеймс Жойс ва Виржиния Вулф, Франц Кафка ва Марсель Пруст ижодини пухта ўрганади. Айтиш мумкинки, ушбу машҳур адибларнинг ижоди унинг дунёқарашига, дунёни ҳис этишига, қолаверса, бадиий тафаккурига, услубининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

1950 йилларда у махсус муҳбир сифатида Италия ва Францияга боради, маълум вақт у ерда яшайди, ижод қилади. Қайтиш чоғи эса, Колумбияда вазият кескинлашгани боис Венесуэлла пойтахти Каракасда тўхташга мажбур бўлади ва шу тариқа ватанига қайтиши узоқ йилларга чўзилиб кетади. 1955 йили дўстлари кўмагида Гарсиа Маркеснинг “Хазон барглар” номли қиссаси нашрдан чиқади. Бу асарида у ўзини жиддий насрнависдек кўрсата олди. Қиссанинг мазмуни ҳам ўзгача эди. Аслида, “хазон барглар” деб, ёзувчининг қадрдон шаҳрида ишлаб пул топиш ва қоринни тўйдириш, кенг маънода,

хаётда ўз жойини топиш илинжида шахарма-шаҳар кезиб юрган дарбадар мусофирларни аташарди. Бу асарда илк бора Макондо шахарчаси тилга олинади. Ёзувчи қўлидан чиққан роман ва қиссаларда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, айнан, шу шахарда рўй беришини унинг ижодидан хабардор бўлган ўқувчи яхши билади. Шунингдек, бу асарда Гарсия Маркес ижодида марказий ўрин тутувчи – ёлғизлик мавзуси аниқ-равшан кўрина бошлайди.

Юқорида айтилганидек, 1955 йилдан бошлаб, “El Espectador” газетаси муҳбири сифатида ишлаган Гарсия Маркес Европанинг кўплаб давлатларига боради. 1957 йилда у Москвада ўтказилган Ёшлар ва талабалар халқаро фестивалида қатнашади. Дунёда тинчлик ўрнатиш, қитъаларда яшаётган турли элат ва миллатларни бирлаштириш, маданий алоқаларни боғлаш йўлида босилган катта қадамдек намоён бўлган ушбу муҳим воқеадан олган таассуротларини Маркес бир қатор очеркларига тасвирлайди. Римда яшаган пайтлари эса “Экспериментал кинематография маркази”даги режиссёрлик курсларида ўқиб, маълум кўникмага эга бўлади ва бир нечта хужжатли фильмни суратга олади. Иш юзасидан Парижда юрганида, Колумбияда навбатдаги тўнтариш содир бўлиб, “El Espectador” газетасининг ёпилгани, ўзи билан бирга ишлаган дўст ва ҳамкасбларининг сиёсий таъқибга олингани ёхуд ватанини тарк этганлари ҳақида хабар топади. Шундан сўнг, у Парижда қолиб бир қатор газеталарда фаолият олиб боради. Бу йиллар адиб ўз ижодий изланиш, ўз услубига сайқал бериш борасида тинимсиз меҳнат қилади. Ёзувчи, мукамал даражадаги бадиий ифодалиликка эришиш мақсадида, ўша пайтлари бошланган “Полковникка ҳеч ким ёзмайди” қиссасини сал кам ўн бир марта қайтадан ёзади. Ушбу изланишлар самараси ўлароқ, 1957 йилда қўлёзма оққа кўчирилади. 1957 йилда Гарсия Маркес озодлик ҳавосидан енгил нафас олган Каракасда яшаркан, “Momento” журнали билан ҳамкорлик қилади. Унинг ҳаётида тинч ва сокин дамлар ҳукм сура бошлайди. У ҳали 1946 йилда, талабалик даврида танишган ва умрбод бирга бўлишга аҳду паймон қилган Мерседес Барча Пардо билан 1958 йилга келиб оила куради. Адиб қисқа вақт Мексикада яшайди. У ерда фильмлар учун сценарийлар, журналлар учун мақолалар ёзиб, бир амаллаб кун ўтказиши. 1959 йилда Нью-Йоркда ишлаб юрган кезлари унинг биринкетин икки ўғли дунёга келади. 1961 йил Мексикада чиқадиган “Mito” журналида адибнинг “Полковникка ҳеч ким ёзмайди” қиссаси, бир йил ўтиб эса, “Гранде Онанинг дафн маросимлари” номли ҳикоялар тўплами босилиб чиқади.

1959 йил Гарсия Маркес Куба ҳукумати тасарруфидаги “Пренса Латина” информацион агентлиги билан ҳамкорлик қилади, унинг муҳбири сифатида кўпгина мамлакатларда хизмат сафарларида бўлади. Гарсия Маркеснинг бетиним ҳаёти, узоқ ва яқин мамлакатларда бўлиши, сафарлардан олган таассуротлари адиб дунёқарашини янада кенгайтирган бўлса, ажаб эмас.

Тан олиш керак, Буэнос-Айресда илк нашр этилган “Ёлғизликнинг юз йили” (1966) романи ўз муаллифига оламшумул шуҳрат билан бирга, тижорат йўлида ҳам мўмайгина даромад келтирди. “Ёлғизликнинг юз йили” романи жаҳон адабий жараёнида муаллиф кутганидан ҳам ортиқ доврўғ ва ном таратди. Романнинг яратилиши ўзига хос тарихга эга. Унинг охири режаси 1965 йилда, узоқ фикр-мулоҳазалардан сўнг тўлиқ шаклланган эди. Шундан сўнг, ёзувчи автомобилни сотади-да, оила боқишни турмуш ўртоғининг зиммасига юклаб, ўзи деярли ўн саккиз ой кабинетига “қамалиб олади”. Эҳтимол, у ўзини Вальтер Скотт, Виктор Гюго ёки Эрнест Хемингуэйга менгзагандир. Ким билсин. Номи улуғ бу ёзувчилар машҳур асарларини яратганларида, айнан, шундай йўл тутган эдилар. “Esquire” (Эсквайр) журналига берган интервьюсида адиб шундай дейди: “...Қарамоғимда хотиним ва жажжи икки ўғлим бор эди. Ўзим PR-менежер бўлиб ишлардим ва онда-сонда киносценарийларни таҳрир қилиб турардим. Китобни ёзиш учун эса ишдан воз кечиш лозим эди. Мен машинамни гаровга қўйдим ва пулларни Мерседесга топширдим. Ҳар куни у қандай бўлмасин менга қоғоз, сигарет, умуман, ишлаш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб турарди. Китоб ёзиб бўлинганда биз ёр-биродарларимиздан 5000 песо қарз бўлиб қолганлигимиз маълум бўлди. Бу катта пул эди. Айни пайтда, менинг жуда

муҳим китоб ёзаётганим ҳақида овоза тарқалган бўлиб, атрофдаги дўкондорлар бу ишда баҳоли қудрат кўмак бериб, ўз хиссаларини қўшмоқчи бўлганликларини маълум қилишди. Чучварани хом санашибди! Қўлёмани ноширга жўнатиш учун 160 песо керак бўлиб турганида ихтиёримизда бор-йўғи 80 песо қолувди. Ўшанда, мен Мерседеснинг хамир қориштиргичи ва соч қуритадиган фенини гаровга қўйдим. Бу ҳақда хабар топган хотиним: “Роман ёмон чиқмаса майлига эди”, деб мени юпатган эди. Ўшанда, роман жаҳон адабиёти сара асарлари каторидан ўрин олишини ким ҳам билибди, дейсиз”. Аурелиано Буэндиа оиласининг олти авлоди ҳаётида содир бўлган ғайриодатий, ғайри-ахлоқий, ғайритабиий, ақл бовар қилмас, қонунга зид воқеа ва ҳодисаларни тасвирларкан, Гарсия Маркес юксак бадиий маҳорат билан Буэндиа оиласига у ёки бу даражада мансуб кишилар ҳаётга умид-ишонч билан қарайдиган шодмон ва сабр-бардошли кашшоф (жаннат боғидек сўлим гўша Макондони Аурелиано Буэндиа биринчи бўлиб топган)лардан борган сари насли айниётган разиллар, ерда бесаранжом-бесаришта ҳаёт кечираётган, аранг кун кўраётган девоналарга айланаётганини кўрсатади. Романда Аурелиано Буэндиа сулоласи тарихида замонавий маданият замирида ётган индивидуализмнинг гуркираб яшнаши, тараққий этиши ва завол топиши жараёни кузатилади. Бу асослими, йўқми деган саволга жавобни ахтариш айни пайтда вақтни зое кетказишдир. Асарни ўқиган ҳар бир ўқувчи ўзича хулоса чиқаради. Айтмоқчимизки, Гарсия Маркеснинг аксар асарларида кўтарилаётган ёлғизлик ҲАЁТ деб номланган машаққатли йўлда инсонни муқаррар кутиб турган охирги, ҳазонрезга ўхшаш ҳаёт палласи, унинг хотимасидир. Аурелиано Буэндиа сулоласининг сўнгги вакили ҳаёт билан видолашгач, бирпасда кўтарилган тўполон шамол қурт-қумурсқа ва чумолилар кемириб, кукунга айлантириб ташлаган Макондони ер юзидан учириб кетди. 1967 йилда босилиб чиққан романнинг биринчи нашри ҳақида Чили шоири Пабло Неруда: “Эҳтимол, бу роман “Дон Кихот” давридан кейинги испан тилидаги улкан ғалаба, қутилмаган янгиликдир”, дея ўзининг ижобий фикрини билдиради. Муаллиф эса мутлақо бошқа фикрда эди. Интервьюда мухбирнинг: “Агар сиз меҳр-мурувватли, саховатпеша сеҳргар бўлганингизда нима қилган бўлар эдингиз?”, деган саволига, у тўғридан-тўғри, виждонан: “Ёзганларимнинг ичидан “Ёлғизликнинг юз йили” романини чиқариб, ёқиб ташлаган бўлардим. Мен бу китобни ёзганимдан уяламан, чунки менга маълум сабабларга кўра уни яхшилаб ёзишга вақт етмади”, деб жавоб беради. Адиб, ўз фикрини давом эттираркан, жумладан, шундай дейди: “Ақл-идрок нуқтаи назаридан қараганда, “Бузрукнинг кузи” романимнинг бадиий савияси анча юқори. Ҳар ҳолда аминманки, “Бузрукнинг кузи” – мени тоабат унутулишдан сақлагувчи асардир. Полковник Аурелиано Буэндиа ким бўлган – тарихий шахс ёхуд кўчанинг номими, деган саволга бош қотирилмайдиган, умуман, эсга олинмайдиган пайти “Бузрукнинг кузи” мени қутқаради. Маъсума Гўзал Ремедиос оппоқ, шахват доғи тегмаган чойшабда кўкка кўтарилиши ёки бир-бирига яқин қариндош ота-онада бутун авлод бошига тушган лаънатнинг аломати ризо – манхус калтакесак туғилгани ҳақида ҳикоя қилувчи роман “адабий зилзила” деб аталиши мутлақ нотўғридир”. Нима бўлганда ҳам, ёзувчи олифтагарчилик биланми ёки дилидагини яширмай, очикчасига гапираяптими, йўқми, билмаймиз. Бу муҳим эмас. Танқидчилар миф яратиш санъати, афсоналар ижодиёти ва “сеҳрли реализм” бадиияти хусусида баҳс-мунозара юритган бир пайтда, Гарсия Маркес ўзи ёзган китобларда ҳамма нарса ҳаётдан “кўчириб” олинган деб таъкидлашдан чарчамайди. Дарҳақиқат, “Ёлғизликнинг юз йили” романининг дастлабки 8000 донаси бир ҳафта ичида тарқаб кетди. Унга нисбатан “адабий зилзила” иборасини ишлатган перулик адиб Марио Варгас Льоса сўзларига қараганда, ушбу романда бадиий тўқима маҳсули – дастлаб қишлоқ, кейинчалик шаҳарга айланган Макондо – Лотин Америкаси, унинг асосчиси Аурелиано Буэндиа ўз авлодлари билан эса – дунё тимсолига айланди. “Ёлғизликнинг юз йили” – бу ҳақиқий адабий чангалзор, сеҳр-жоду, мажоз ва афсонадан иборат фантастик махлуқот”, деб ёзганди америкалик танқидчи Уильям Макферсон. У Лотин Америкаси адабиётининг

дурдона асари, “сеҳрли реализм бадиий йўналишининг ёрқин давоми”, дея эътироф этилди.

Дарҳақиқат, “сеҳрли реализм” деб аталмиш бадиий йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари – бу ғайриоддий характер ва ғайритабиий, таъбир жоиз бўлса, “мўъжизавий” воқеа-ҳодисаларни аслига монанд, “реалистик”, то майда тафсилотигача тўғри, ҳеч бир ҳаспўшлаш ёки бўрттиришга йўл қўймаган тарзда тасвирлашдир. Гарсиа Маркеснинг икром бўлишича, “реал ва фантастик бўлиб кўринган нарсалар ўртасида ўтказилган аниқ чегарани бузишга қарор қилдим, чунки мен гавдалантириб кўрсатмоқчи бўлган дунёда бундай ғов-тўсиқ йўқ эди”. Унинг қаҳрамонлари учун “насроний одобахлоқ”, “жумҳурият анъаналари”, “чет эл валютаси етишмовчилиги”, “ижтимоий тараққиёт” каби тушунчалар замонавий ақл, онг ва “яратувчанлик қобилият”ининг маҳсулидир. Уларга эса инсу жинс, “ёмон ва яхши” арвоҳларга ишониш, афсунгар жодулари ва ёмон одамларнинг “кўз тегиш”и каби тушунчалар анча яқин, чунки улар шундай “сеҳр”лардан иборат дунёда яшайдилар.

Романда юз йил ёлғизликка маҳкум этилган Буэндиа сулоласининг тарихи муфассал ҳикоя қилинади. Муаллиф ҳар доим ҳар хил – машҳур денгиз қароқчиси Френсис Дрейк давридан бошлаб, турли тарихий даврларга мурожаат қилади. Роман сюжети қизиқарли воқеалар билан шунчалик тўйинтирилганки, амалда фабула (тасвирланган воқеалар силсиласи)ни қисмларга ажратиш имкони йўқ, ромanning ҳар бир саҳифасида муҳим воқеалар юз беради.

“Ёлғизликнинг юз йили” романини идрок қилиш, “мағзини чақиш” бошқа модернист ёзувчиларнинг интеллектуал романларига қараганда, анча осон ва мароқли. Гарсиа Маркес ўз вақтида телесериаллар учун сценарийлар ёзгани шунчаки кўнгилхушлик, вақтичоғлик машғулоти бўлмаган, балки унинг ижоди учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаган. У тўлиқ англаган ҳолда “сара жамият” вакилларига эмас, балки оддий ўқувчиларга мақбул қилиб матн яратади. Шу сабаб роман оммабоп китобга айланди. Аслида, сценарийнавислик нуқтаи назаридан қараганда, Гарсиа Маркесни ҳақиқий постмодернист ёзувчи, десак бўлади. 1969 йил америкалик танқидчи Лесли Фидлер қаламига мансуб постмодернизм манифестидек янграган “Чегараларни босиб ўтинглар, жарликларни кўмиб ташланглар” мақоласидаги асосий фикр сифатида “оммавий” ва “элитар” санъат ўртасида чегараларни йўқ қилиш талаби кўтариб чиқилган эди.

Бу жиҳатдан қараганда, Гарсиа Маркеснинг “сеҳрли реализми”, мифология ва диний хурофотларига асосланган онгги ва тафаккурига йўғрилган бадиий методи оммавий китобхонга қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ижодкорнинг фикрича, китобхонга дунёни, айнан, шу тарзда тасвирлаш тушунарли бўлган. Масалан, Хосе Аркадио тунларни бедор ўтказиб, аллақачон ўлиб кетган лўли Мелхиседек (Маликсидк) билан гаплашиб чиқиши ўқувчини ажаблантиради. Бироқ “сеҳрли реализм”нинг оддий реализмдан фарқи шундаки, унда қандайдир бир ғалати, реал ҳаётда мумкин бўлмаган воқеа-ҳодислар рўй берганлигида эмас, қолаверса, улар одатий, ҳар куни бўлиб турадиган воқеа-ҳодисаларга айланганлигида, яна – темир буюмларни ўзига тортувчи магнит кучи, майда нарсаларни катталаштириб кўрсатувчи лупа, “замонамизнинг буюк кашфиёти”дек тақдим этилган муз, сув ва овқат орқали юқувчи уйқусизлик дарди, хуллас, шу ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар қандайдир сеҳрли нарсадек анланганлигидадир. Бу аснода, Гарсиа Маркеснинг ўз холаси ҳақидаги хотиралари диққатимизни тортади: “...У аломат аёл эди. Кунлардан бир кун у очик айвонда кашта тикиб ўтирганида, битта ажина-жиннига ўхшаш жувон каттакон тухумни кўтариб келди. Тухумда ўсимтаси бор экан. Бу нарса жувонни, дастлаб, хайратга, сўнгра, кўрқувга солди: “Муқаддас Биби Марьям ўз паноҳига олсини, бу ўсимтада шайтоннинг қўли бўлса-чи?! Бу тухум инсу жинсларнинг иши бўлгани турган гап”, деди у. Нима сабабдан билмадим, лекин холамнинг уйи қишлоқда сеҳр-жоду ишлари бўйича ўзига хос маслаҳатхонага айланган эди. Ҳар сафар фавкулудда нарсага дуч келиб ёки ғалати воқеага учраб, жавобини

тополмасдан, одамлар бизникига келиб сўрашар эди. Холамнинг бу чигал масалаларни осонликча, ортиқча куч ишлатмасдан ҳал этишидан ҳангу манг бўлиб қолар эдим. Кўз ўнгимда бўлаётган сеҳр-жодудан азбаройи кўркиб, қаерга яширинишни билмасдим. Нимаси биландир бу сирли ва мўъжизакор маросимлар мени ўзига тортарди. Тухум кўтариб келган жувонга қайтайлик. Жувон холамдан сўради: “Қаранг, нима учун тухумда бундай катта ўсимта бор? Холам жувонга сирли боқиб, кўзларини юмиб, бўғиқ оҳангда: “Бу қонхўр аждаҳонинг тухуми. Қўрада олов ёқинлар”, деб буйруқ бердилар. Холам, алланималарни пичирлаб, тухумни оловга ташлаб юборди ва тухум куйиб, палағда сасиб, бир пасда йўқ бўлиб кетди”. Ушбу табиийлик, софдиллик, соддалик “Ёлғизликнинг юз йили” романига калит берган бўлса, ажаб эмас. Бу романда ҳам даҳшатли воқеалар ва мудҳиш манзаралар тасвирланади, бир вақтнинг ўзида афсонавий ва ҳайратомуз, ғалати уйдирмалар ҳикоя қилинади.

1982 йилда Гарсиа Маркес адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлди. Нобель кўмитасининг расмий баёнотида: “...фантазия ва реаллик қоришиб бутун бошли қитъанинг ҳаёти ва муаммоларини ўзида акс эттирган роман ва ҳикоялари учун”, дегувчи сўзлар бор. Нуфузли мукофотни топшириш маросимида Швеция Фанлар академияси вакили Ларс Йюлленстен ўз нутқида: “Кўп йиллар мобайнида, Лотин Америкаси адабиёти шундай куч-қудратни кўрсатдики, уни бошқа адабиётларда учратиш амримаҳол. Гарсиа Маркес асарларида... испанча барокко, европача сюрреализм ва бошқа модернистик оқимларнинг таъсири аралашиб кетган... нафис услубни юзага чиқарган, энг муҳими, оптимистик руҳда янгради... Гарсиа Маркес ўз сиёсий қарашларини яширмайди, у иложсиз, бенасиб қолганлар тарафида туриб, уларга жабр-зулм ўтказиш ва улардан иқтисодий фойдаланишга қарши чиқади”, дейилган. Жавобан сўзланган нутқида эса, Марказий ва Жанубий Америка ҳаёти, шарт-шароити хусусида тўхталаркан, Гарсиа Маркес туб ва кўчириб келинган халқларни эксплуатация қилиш мавзусига ҳам жиддий эътибор қаратди. “Ўйлайманки, – дейди у, – нафақат Лотин Америкаси ҳаётининг адабий ифодаси, балки объектив воқелиги ҳам Швеция Фанлар академиясининг диққат-эътиборига лойиқдир”. Фикрини давом эттираркан, Гарсиа Маркес: “Ҳеч ким биров учун ўлиш ёки яшаш қарорини қабул қилмайдиган, муҳаббати ҳақиқий, бахти эса – амалга ошадиган, юз йил ёлғизликка маҳкум этилганлар эса, охир-оқибат, бахтли яшаш ҳуқуқини ўз кўлларига олган утопия яратгани учун жавобгарликни ёзувчи ўз зиммасига олади”, деб, ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигини яна бир қарра исботлайди. Кўпгина тадқиқотчилар Гарсиа Маркес ижодига Франц Кафка, Жон Дос Пассос, Виржиния Вулф, Альбер Камю, Эрнест Хемингуэй ва, айниқса, Уильям Фолкнер таъсирини алоҳида таъкидлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, Гарсиа Маркес ўз ижодида уларнинг услуб ва бадиий тажрибаларидан моҳирона фойдаланади. Унинг ижодида XX аср ўрталарида майдонга келган ва инсон ҳаётининг фалсафий тушунча ва категориялар тилида ифодалаб бўлмас мутлақ ноёблигини биринчи планга чиқарган фалсафий йўналиш – экзистенциализм руҳидаги оҳанглар – “ташлаб кетилган”дек ҳис этилаётган ёлғизлик, шахсий қадр-қимматни, инсонийлик хислатларни сақлаб ёки қундалик турмушнинг икир-чикирларига бутунлай шўнғиб, унга бардош беришда яққол кўринади. Айрим тадқиқотчилар Гарсиа Маркесни буюк ёзувчи, унинг шоҳ асари – “Ёлғизликнинг юз йили” романини эса – жаҳон адабиёти зарварақларида мангу қолажак асар деган фикрга асосли шубҳа билдиришади. Масалан, 1983 йилда америкалик мунаққид Жозеф Эпстайн “Изоҳлар” (“Commentary”) номли адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журналидаги “Шундай ҳам зўрмисиз, Габриэл Гарсиа Маркес?” номли мақоласида романнависнинг композицияни тузиш маҳоратига тан беради, аммо “унинг тийиқсиз фантазияси, “санъатқорона” услуби охир-оқибат меъдага уради”, деб мухтасар хулоса қилади. “Ижтимоий-сиёсий аҳамиятидан холи олиб қараганда, – давом этади Жозеф Эпстайн, – Гарсиа Маркес ҳикоялари ва романлари маънавий-маърифий соҳасида аҳамиятини йўқотади, одоб-ахлоқ меъёрларидан чиқиб кетади. “Буюк колумбиялик” ўз болалигининг жумбоғини ечиш мақсадида, бутун ҳаёти давомида изланади”. Ҳа, ахён-ахёнда шундай бетакаллуф фикрлар ҳам учраб туради.

Тўғриси айтганда, Гарсиа Маркес яратган адабий маконда ҳукм сураётган одоб-ахлоқ хусусида жиддий фикр-мулоҳаза юритишнинг ҳожати борми, йўқми, деган савол туғилади. Илк йирик асари “Хазон барглар” қиссасидан тортиб, то “Ҳаёт ҳақида сўзлаб бериш учун яшаш” (2002) деб номланган охириги ҳужжатли романигача бўлган давр мобайнида, Гарсиа Маркес ҳеч қачон маънавият, одоб-ахлоқ мезонлари хусусида фикр-мулоҳаза юритишга жазм қилмаган эди. Шунга қарамасдан, унинг асарларида очикдан-очик беҳаёлик, ахлоқсизлик ҳам йўқ эмас. Ўзининг сон-саноксиз интервьюларида ушбу адабий ҳодиса хусусида саволдан қочиб қутулолмаслигини яхши билган Гарсиа Маркес ярим чин, ярим ҳазил тарзда жавоб беради: “Ўйлашимча, Карпентьер “сеҳрли реализм” деб, аслида, реаллик дегувчи мўъжизани, айни, Лотин Америкаси, хусусан, Кариб денгизи мамлакатлари реаллигини шундай номлайди... У – сеҳрли... Ҳа, ишонинг менга... Бу ерда шунақаси бўлиб туради...”

Оддий қилиб айтганда, Гарсиа Маркес бадиий тўқиманинг унга кераги йўқлигига ишонтирмоқчи бўлади. 1979 йилда Гаванада яшаган пайтлари, “Bohemia” журнали муҳбири Мануель Перейра билан суҳбатда Гарсиа Маркес шундай дейди: “Фантазия – бу Уолт Дисней. Мени эса бу нарса умуман қизиқтирмайди. Агар менинг асарларимда бир грамм фантазия тополсалар, мен хижолат чеккан бўлардим. Бирорта китобимда фантазия йўқ. Масалан, “Ёлғизликнинг юз йили” романидаги Маурисио Бабилоньянинг сариқ капалаклари билан боғлиқ бўлган машҳур сахнани олайлик. У ҳақида: “О, нақадар гўзал фантазия!” дейишади. Жин урсин, у ерда ҳеч қандай фантазия йўқ! Бўлмаган гап! Аракатакадаги уйимизга ҳар замонда бир уста келиб турганини жуда яхши эслайман... Бувим кўлига латтани ушлаб, оқ капалакни ҳайдаганини эслайман. Жаҳллари чиққан бувим: “Жин урсин! Мен бу капалакни ҳайдаб кўчага чиқаролмаяпман. Бу уста ҳар сафар келганида капалак уйга учиб киради...”

...Таъкидлаш лозимки, Гарсиа Маркес ижоди Колумбия ва Венесуэлла минтақасида етакчи мавқе тутган адабий анъаналар билан узвий боғлиқ, айни пайтда, муҳолифлари ҳам бор. Бир томондан, унинг машҳур ўтмишдоши, “ям-яшил жаҳаннам” адабиёти асосчиларидан бири Хосе Эустасио Ривера ҳамда Лотин Америкаси адабиётида етакчи мавқе тутган “бадавийлик – цивилизация” қабилдаги анъанавий мифологемани кўтариб чиққан Ромуло Гальегосларнинг бадиий тажрибаси Гарсиа Маркесга фойда келтиргани аниқ. Бошқа томондан эса, унинг услуби ҳам, бадиий тўқимаси маҳсули бўлмиш Макондо образи ҳам Эрнест Хемингуэй ва Уильям Фолкнер таъсиридан холи деб бўлмайди.

Юқорида таъкидланганидек, Гарсиа Маркес ҳеч қачон “Шимолий америкалик марди калон”ларнинг ижобий таъсирини инкор этишга журъат этолмаган. Лекин Уильям Фолкнернинг Йокнапатофаси билан у таниш бўлмаганида ҳам, Макондо шаҳарчаси, барибир, унинг тасаввурида туғилар эди. Ахир, бахтли тасодиф туфайли, Хуан Карлос Онеттининг тасаввурида, бир вақтнинг ўзида ҳам хаёлий, ҳам жўшқин ҳаётга монанд Санта-Мария шаҳарчаси пайдо бўлди-ку. Бошқача айтганда, Макондо – тор маънода, экватор иклимида яшаётган, тропик чангалзорлар қоплаган, бирваракайига икки – Атлантика ва Тинч океанлари пўртана тўлқинларига, енгил шабадада мавжланиб қуйилаётган садоларига чўмилган Колумбия, кенг маънода эса, виқорли тоғ, серсув дарё, жазирама сахро, ям-яшил дашту биёбонларнинг сеҳрли диёри – Лотин Америкасининг тимсолига айланган шаҳарчадир. Макондо кўп жихатдан Гарсиа Маркес туғилиб ўсган Аракатака, қолаверса, у тақдир тақозоси билан бир неча вақт яшашга мажбур бўлган, ишлаган ва ўз кўзи билан кўрган кўплаб катта ва кичик шаҳарларга ўхшайди. Ўша жойларнинг иклими, муҳити, табиати, яшаш тарзи унинг 1950 йилларда яратилган ҳикоя ва қиссаларда ўз аксини топган ва Гарсиа Маркеснинг энг машҳур романига ўзига хос дебоча бўлган десак муболаға бўлмайди.

Қалин чангалзорларнинг одам қадами етмас ичкарасига бориб Макондо шаҳрига асос соларканлар, “Ёлғизликнинг юз йили” романи персонажлари, қайсидир бир маънода Х.Э.Риверанинг “Гирдоб” номли роман қаҳрамонлари босиб ўтган йўлни такрорлайдилар. Бироқ ўз қаҳрамонларини “ям-яшил жаҳаннам” чакалакзорларига ғарқ этаркан, Гарсиа

Маркес вақти-соати келгунча табиатнинг қарши ҳаракатини ҳис этиб кўришга имкон бермайди. Аурелиано Буэндиа сулоласининг биринчи вакили ва унинг содиқ ҳамроҳлари “бадавийлик”нинг “цивилизация” билан тўқнашувидан вужудга келиши эҳтимоли – хавфхатарни сезмайдилар. Қалбларида индивидуализм деб аталмиш иллатнинг уруғини олиб юрганларини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Макондода, дастлаб, ҳамма ўзаро тенг, тўкин-сочин дастурхон атрофида фаровон ҳаёт кечиришади... Бироқ бундай хотиржам ва сокин, роҳат-фароғат ҳаёт узоққа бормади. Макондони, нафақат, нафс балосига йўлиқиш, балки шахватпарастлик, тийиб бўлмас ҳирс, бадахлоқлик, риё, золимона ҳокимиятчилик, амри фармонлик каби иллатлар зулматга айлантиради. “Ердаги Боғи Эрам”дан ҳеч кимни ёқасидан олиб қувмайдилар – у ердан ўз ихтиёри билан кетишади. “Жаннатдан ташқарида”ги беҳад катта дунёда яшаб кўриш иштиёқи шу қадар кучлики, уни тўхтатиб, йўлини тўсиб бўлмайди. Роман давомида “нариги дунё чопарлари”, “цивилизация нишонлари” Макондони тўлқинга ўхшаб босиб олаверади. Цивилизацияга яқинлашиб, тугаш нуқталарни, ўхшаш жиҳатлар борлигини аниқлаш, унинг заҳарли ҳавосидан нафас олиш, ҳалокатга етакловчи меваларидан татиб кўриб Макондо ҳамма нарсани: қонли урушларни, сиёсий фитналарни, қирғин келтирувчи эпидемияларни, “банан ширкати” ўрнатган адолатсиз, шафқатсиз тузумнинг оқибатларини ҳам бошидан кечиради.

Демак, дастлаб, Макондо – Боғи Эрам, жаннатмакон юрт. Лекин бу сўлим гўша, тўкин-сочин ўлка, ҳаётбахш заминда яшовчилардан айримлари катта дунёга қочишни, озодликка чиқишни орзу қилишади. Бундай “туноҳ”нинг, аниқроғи Одам Ато ва Момо Ҳаво инъом этган нозу неъматлардан юз ўгиришдан бош тортиш, итоатсизликни намойиш этишнинг оқибати – муқаррар ёлғизликдир. Бу ҳаёт прозаси. Уни тийиб бўлмайди. У “санъаткорона”, юксак маҳорат билан ишлов берилган, сайқаллаштирилган. Эҳтимол, у, америкалик танқидчи Жозеф Эпстайн таъбири билан айтганда, ахлоқсизлиги билан меъдага тегар, лекин қўшиқдан сўзларни олиб ташлаб бўлмайди. Қайсидир бир маънода, Колумбия реаллиги аллақачон Гарсиа Маркесни “ёзиб” бўлди. У Колумбиянинг сеҳрли, фусункор кунларининг ширинсухан, хушовоз куйчиси бўлиб қолаверади.

Габо (Габриэль) ҳаётида ўчмас из қолдирган кимса унинг бобоси, истеъфодаги полковник Николас ҳисобланади. У ёшлигида қандайдир бир сабаб билан ҳамшаҳарларидан бирини ўлдирган ва гарчанд бутун шаҳарча аҳли уни оқлаган ва ҳатто химоя этган бўлса-да, марҳум оила аъзоларининг қасос олишидан қўрқиб, ўз оиласи билан бошқа қишлоққа кўчиб кетган ва ўша ерда яшаб қолган эди. Габо ана шу бобонинг ҳаёт тажрибасидан ва инсоний фазилатларидан баҳраманд бўлиб ўсди. Унинг ҳаётий саргузаштлари ҳақидаги ҳикояларидан, хотираларидан ўз романларида материал сифатида фойдаланди. «Бобом ва бувим, – деб эслайди Маркес, – жинлар билан тўлиб кетган эски уйда яшар эдилар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам иримчи бўлиб, ғаройиб тасаввурга эга бўлганлар. Уйимизнинг ҳар бир гўшасида марҳумлар ва улар тўғрисидаги хотиралар пинҳон топган, бинобарин, оқшомги соат олтидан кейин хонама-хона юриш қўрқинчли эди. Бу ажойиб ва айни пайтда даҳшатли оламдир».

Маркеснинг хотирлашича, унинг болалик пайтида ётган каравоти этагида уй меҳроби бўлган. Бу меҳробда эса авлиёларнинг ганчдан ясалган ҳайкалчалари бўлиб, уларнинг кўзлари қоронғиликда ёниб-ўчиб турган ва ҳар оқшом унинг хузурига, албатта, қора кийим кийган бувиси кириб, унга жинлар ҳақидаги бир-биридан ваҳимали ривоят ва чўпчакларни сўйлаб берган.

Маркеснинг болалик кезларида ўз идрокига сингиб қолган ана шу хотиралари унинг ижодидаги фантастика билан тутшиб кетувчи реализмнинг уфқларини белгилаб берди, унинг асарларидаги қаҳрамонлар руҳиятини таҳлил этиш тамойилини юзага чиқарди.

Габриэлнинг отаси доришунос бўлиб, у ўғлининг ҳам фармацевт бўлишини ва вақти-соати келиб, ўз ўрнини эгаллашини истар эди. Габриэль ота изидан бормади, кинофильмларда кўравериш ихлос қўйган – адвокатлик касбини орзу қилди. Аммо у дорилфунуннинг адлия

факультетида таҳсил кўрар экан, адвокатлик ҳам ўзининг табиатига бегона касб-кор эканлигини тушунди ва журналистика билан шуғуллана бошлади.

Маркес бадиий ижод соҳасига жуда эрта кириб келди. У дастлабки ҳикоясини 17 ёшда эканлигида ёзди. Бироқ журналистика 60- йилларга қадар унинг асосий касби ҳисобланиб келди. Маркеснинг журналистик фаолияти Боготада, «Эль Эспектадор» («Шарҳчи») рўзномасидан бошланди. У репортёр сифатида кундалик маҳаллий воқеалар хроникасини олиб борди ва шу жараёнда ҳаётий воқеаларни бутун тафсилоти билан илғаш ҳамда тасвирлаш санъатини эгалладики, бу ҳол кейинчалик унинг бадиий услубининг шаклланишида муҳим омил бўлди.

Маркес ёзувчи сифатида шаклланар экан, кўпроқ, Хемингуэй, Кафка ва айниқса, Фолкнер ижодидан кўпроқ баҳраманд бўлган. Аммо у ёзувчи ҳар қандай адабий таъсирдан халос бўлгандагина мустақил ижод йўлини бошлайди, деган ақидага қатъий амал қилади. Шунинг учун ҳам у мазкур ёзувчилар таъсиридан четга чиқиш ва ўз овозини, ўз услубини топишга катта аҳамият берди.

1955 йил июлида Маркес «Эль Эспектадор» рўзномасининг Оврёподаги муҳбири этиб тайинланади. Лекин у, кўп вақт ўтмай, Парижда Колумбия диктатори томонидан рўзноманинг ёпилганлиги тўғрисида хабар олади. Рўзнома таҳририяти эса ишсиз қолган журналистнинг Боготага қайтиши учун йўлкира юборади. Аммо Маркес ўша кезларда «Хосиятсиз соат» романини ёзишга чоғланиб юрган эди. У йўлкира учун юборилган пулга Парижнинг Лотин маҳалласидан ижара уй олиб, ижодга шўнғийди. Кўп ўтмай, роман устидаги иш юришмай қолиб, кекса полковникнинг тақдири ёш ёзувчи ҳаёлини банд этади-қўяди. Маркес «Хосиятсиз соат» романи қўлёзмасини йиғиштириб қўйиб, «Полковникка ҳеч ким ёзмайди» деган қиссасини ёзади. У асарни ўн бир марта қайта ишлаб, ниҳоят, ўзининг энг яхши асарларидан бирини китобхонга тақдим қилади.

Маркес кейинги йилларда Лотин Америкасида нашр этилган кўпгина рўзномаларнинг муҳбири сифатида Оврёпонинг қатор мамлакатларида бўлди; Венесуэлада эканлигида Перес Хименес диктаторлик режимининг инқирозга юз тутганини ўз кўзи билан кўрди; Куба инқилобидан рағбатланиб, Пренса Латина агентлигида хизмат қилди; 1961 йилда эса Мексикага кўчиб бориб, у ерда «Хосиятсиз соат» романига сўнгги нукта қўйди.

Ёзувчининг «Танҳоликнинг юз йили» ва бошқа энг яхши асарларида Колумбиядаги қайноқ жабҳадан бир оз четда кечаётган шаҳарча ҳаёти тасвир этилган. Аммо Маркес бу асарлари билан бутун дунёга ўз ватанининг бошига тушган фалокатларни кўрсатмоқчи, жабрдийда ватандошлари тақдиридан хабардор этмоқчи бўлади.

1965 йилда Маркесда «Ёлғизликнинг юз йили» романини ёзиш нияти пайдо бўлган. У бир ярим йил мобайнида қаттиқ ишлаб, ниҳоят, Лотин Америкаси насрининг доврўғини бутун дунёга таратган асарини ёзиб тугатди. Роман қисқа муддатда муаллиф номини бутун Лотин Америкасига, кейинроқ эса бутун дунёга машҳур ва маълум қилди. Бу даврда Маркес эндигина 40 ёш бўсағасида эди.

Маркеснинг «Оқсоқолнинг кузи» (1975) романида Лотин Америкасини даҳшатга солган ҳокими мутлақ тўғрисидаги афсона акс эттирилган ва фош қилинган.

Ёзувчининг сўнгги асарларидан бири «Ошкора қотиллик қиссаси»дир (1981).

Габриэль Гарсиа Маркес публицистика ва кино билан ҳам фаол шуғулланади. У адабиёт соҳасидаги улкан хизматлари учун 1982 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Габриэль Маркеснинг бошқа асарлари сингари, «Ошкора қотиллик қиссаси» ҳам мураккаб бадиий қурилмага эга. Ёзувчи асарга муайян ҳаётий воқеанинг бир маромда ўсиб боровчи тасвирини беришдан онгли равишда қочган. Асар асосида ётган фожиали фабула – олдиндан хабар қилинган қотиллик қиссанинг дастлабки сатрлариданоқ маълум бўлса-да, китобхоннинг бу фабула ривожини билан қизиқиши мутлақо сусаймайди. Аксинча, ёзувчи, худди терговчи сингари рўй берган фожаия изидан бориб, унинг бевосита ва билвосита шохидларидан фожаияга алоқадор тафсилотларни билиб олар экан, ана шу «тергов

тадқиқоти»нинг ўзиёқ китобхон диққатини оҳанрабо сингари бир нуқтага жамлаб, уни тизгинсиз хаяжонда ушлаб туради.

Қисса асосида ётган воқеа ҳаддан зиёд оддий. Педро ва Пабло Викарио исмли эгизак биродарлар Сантьяго Насарни сўйиб ташлашга аҳд қиладилар ва ўз аҳдларини бажарадилар. Уларнинг бундай ёвузона қарорга келишларининг боиси сингиллари Анхела билан боғлиқ. Фожиадан бир кун аввал Анхела билан Байярдо Сан Романнинг тўйи бўлиб ўтган, эгизаклар ҳам, Сантьяго Насар ҳам бу тўйда бир дастурхон атрофида ўтириб маишат қилган эдилар. Аммо куёв Анхелани қиз чиқмагани учун тонгга яқин ўз уйига олиб келиб ташлаб кетган. Анхела эса акаларининг зуғумларига чидолмай, Сантьяго Насар номини тилга олган эди. Одатда бундай маишатбозликдан кейин пешинга қадар ухлайдиган Сантьяго Насар эса епископнинг улар шахрига ташриф буюриши муносабати билан тонг саҳарда туриб, ҳеч нарсадан беҳабар, оппоқ – тантанали кийиниб, ўлим шарпаси кезиб юрган кўчага чиқади.

Маркес ана шу воқеага гўё ёзувчи кўзи билан эмас, балки терговчи кўзи билан қарайди. У фожиага турли даражада алоқадор бўлган ҳар бир персонажнинг Сантьяго Насарни қачон, қаерда ва қандай ҳолатда кўргани ё унинг ўлдирилажаги ҳақидаги хабарни қачон, қаерда ва қайси ҳолатда эшитганини дақиқама-дақиқа кузатиб, бу фожиа ва унга боғлиқ «синиқ хотиротнинг чил-чил парчаларини топиб, қайтадан бутлаш»га киришади. Ана шу тарзда асар «тергов иши» шаклини олади ва ўз-ўзидан унинг негизида фожиа сабабини топиш, бу сабабнинг яширин илдизларини аниқлаш вазифаси устуворлик қилади. Бу бадий вазифа эса руҳий таҳлилнинг асар бадий қурилмасидаги ролини ошириб юборади.

Лотин Америкасида – у Колумбия бўладими, Мексика ё Куба бўладими – яшаш ва фикрлаш тарзи мутлақо ўзгачадир. У ерда яшаш ва фикрлаш тарзига хурлик ва эркинлик муҳр босган кишилар истиқомат қиладилар. Мазкур қиссада ҳам шу тоифадаги кишилар ҳаёти тасвир этилган. Аммо бу кишилар ўз яшаш тарзларида қанчалик эркин бўлсалар, улар ўртасидаги муносабат, улар кечираётган ҳаёт шунчалик мураккабдир. Бир томондан, Сантьяго Насар сингари кишиларнинг ҳамма нарсада эркин ҳаракат этишлари, иккинчи томондан, Анхела каби қизларнинг бўлажак эрлари олдидаги қизлик масъулияти. Бир томондан, Сантьяго Насарнинг эгизак биродарлар билан тонгга қадар маишат қуриши, иккинчи томондан, Викариоларнинг бегона кишини эмас, бир соат аввал оғиз-бурун ўпишиб ўтирганлари Сантьяго Насарни унинг айбини аниқ билмай-суриштирмай туриб ўлдиришлари. Бундай зиддиятлар инсон ҳаётининг, инсоний муносабатларнинг мураккаблигидан дарак беради. Руҳ қанчалик озод бўлмасин, муайян қонунларга бўйсунуши лозим, деган хулоса асарнинг мураккаб бадий қатламида етакчи ўрин туган.

Хунрезлик юз бериши олдида ҳам, айниқса, кейин ҳам омманинг хайрихоҳлиги ва меҳр-шафқати қурбон тарафида бўлади. Аммо Викариолар ўзларининг қонли ниятларини қанчалик ошқора этмасинлар, чўчқани сўйишда ишлатадиган икки қаричлик пичоқларини кўни-қўшнилариининг кўзида чархлаб, Сантьяго Насарнинг йўлини пойлаб ётмасинлар, бирор кимса амалда бу жиноятнинг олдини олмайди. Фақат бир кимсагина эгизаклар кўлидаги пичоқларни тортиб олади ва шу билан гўё бўлажак жиноят эшигини тақа-тақ ёпгандек бўлади. Аммо кўпчилик бу хунрезликнинг оддий томошабинига айланади.

Шу тарзда қиссада шахс ва омма муаммоси қалқиб чиқади. Шахс ким бўлишидан қатъи назар, у Сантьяго Насар ё Анхела Викарио ёхуд Педро ва Пабло Викариолар бўладими, қиссада тасвир этилган омма уни бир уммон янглиғ ўз қаърига тортади. Шу дақиқадан эътиборан бирор кимса уни бу гирдобдан халос этиш чорасини кўрмайди. Ана шу омма Анхелани Байярдо Сан Романнинг кўзини шамғалат қилиб, унинг қўйнига тикмоқчи бўлади. Ана шу омма ҳалокат ёқасида турган Сантьяго Насарга ҳам, жиноят болтасини кўтарган эгизакларга ҳам ёрдам кўлини чўзиб, бирини ўлимдан, иккинчисини эса хунрезликдан олиб қолишга уринмайди.

Ёзувчи шахс билан омма ўртасидаги шундай чигал муносабатни, фожиавий жумбокни таҳлил этар экан, бундан бирор фалсафий хулоса чиқаришга ошиқмайди. Лекин асарда тасвир этилган воқеалар тўлкинидан шундай фикрга келиш мумкинки, муаллиф тўйда ҳам, қатл олдида ҳам томошабин бўлиб қолувчи, яхшиликка, фаол ҳаракатга қодир бўлмаган ўлик оммадан, гарчанд жиноятга қўл урган бўлса-да, фаол ҳаракат йўлини танлаган шахсни афзал билади. У ҳатто қотилликдан қўл силтамаган қассобларга ачинади; агар кимдир уларни бу шахтларидан астойдил қайтарганларида, улар Сантьяго Насарни бурда-бурда қилиб ташламасликлари мумкинлигини ҳам эътироф этади. Улардан бирининг қатл олдида хасталик туфайли қийналганига бежиз эътиборни қаратмайди. Қатлдан кейин эса уларнинг қамоқда ўлик ҳидидан халос бўлолмай, жирканч аҳволга тушганликларини шу қадар таъсирли тасвирлайдики, хунрезлик касофати бундан кейин эгизак Викариолар гарданида абадул-абад лаънат тамғаси бўлиб қолажаги маълум бўлади.

Маркес ўз асарига ўрта асрларда яшаган португал ёзувчиси Жил Висентининг «Такаббурлик билан ҳам меҳр-муҳаббат қозониш мумкин», деган сўзларини эпиграф қилиб олган. Бу эпиграф даставвал асардаги бошқа бир сюжет чизигига, ёрдамчи воқеага алоқадордир.

Анхела Байярдо Сан Романни илк бор учратганида, машҳур генералнинг бу бойвачча зурриёти унга ўта такаббур бўлиб кўринади. Байярдо Сан Романнинг лотереядан садафланган граммафон ютиш ва Анхеланинг эътиборини қозониш учун ҳамма лотереяни сотиб олиши ҳам, ўз қайлиғига совға қилиш учун бечора Конуснинг уйига харидор бўлиши ҳам, тўй куни эса пулни сочиб ташлаши ва сарфу харажатлар билан мактаниши ҳам такаббурлик белгилари бўлиб кўринади.

«Такаббур эркакларни жиним суймайди ўзи» – Анхеланинг бу сўзлари бежиз айтилмаган. Лекин вақт ўтгаи сайин Анхелада бу такаббур йигитга нисбатан илиқ туйғулар уйғонади. Шу туйғулар даъвати билан у Байярдо Сан Романга мактублар ёзади. Бу икки мингга яқин хатлар унинг меҳр тўла юрагидан отилиб чиққанлигига қарамай, маълум бўлишича, такаббур йигит уларнинг бирортасини ҳам очмаган ва ўқимаган экан.

Бояги эпиграф, аввало, Анхеланинг ана шу ошиқона ҳолатига дахлдордир. Аммо шу билан бирга, у Сантьяго Насар қисматидан ҳам четда эмас.

Омма ўлимга ҳукм этилганидан беҳабар ва шу беҳабарлиги туфайли бепарво юрган Сантьяго Насар ҳақида турлича фикрда бўлган. Электростанция хўжайини Поло Кардильоннинг айтишича, «Сантьяго Насарнинг бепарволиги унинг бегуноҳлигидан эмас, балки сурбетлигидан далолат берармиш». У воқеанавис билан суҳбатлашганида, «Йигитни пул қутуртирворганди, пул билан ажални сотиб оламан, деб ўйларди», – деган ёзғириб. Аксар омманинг назарида, «бу хушқад, бир оз рангпар, қош-қовоғию жингалак сочлари айна арабий йигит»нинг ўлим шарпаси кезиб юрган кўчада бепарво юриши такаббурлик аломати бўлиб кўринади. Эҳтимол, шунинг учундир омма уни ўлимдан сақлаб қолмайди. Бироқ у ваҳшиёна ўлимга гирифторм бўлганидан кейин омманинг кечикиб уйғонган меҳрини қозонади.

Терговчининг йигирма йил кейин воқеанавис томонидан топилган ёзувлари орасида бундай жумла ҳам бор эди: «Мени ишонтиринг – ақидапараст этинг, дунёни ўзгартириб юбораман». Бу «ташбехли, пурмаъно ибора» билан терговчининг нима демокчи бўлгани номаълум. Аммо эгизак Викариолар Сантьяго Насарнинг Анхела олдида айбдор эканлигига ишониб, шундай иш қилганларки, дунё бўлмаса ҳам, улар истиқомат қилган шаҳарнинг ярми ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Сантьяго Насарнинг бечора онаси мотам гурзисининг остида қолди. Қайлиғи Флора Мигель «ғаддор фалакнинг бу кўргиликларига аччиқма-аччиқ бир чегарачи билан қочиб кетди, бу иблис йигит эса уни каучук ўрадиган барзангиларга сотиб, Флорани расвойи жаҳон қилди. Лаънат тамғаси эса нафақат эгизак Викарио, балки уларнинг сингиси Анхеланинг ҳам бўйнида қолди.

«Мени ишонтиринг – ақидапараст этинг, дунёни ўзгартириб юбораман». Бу пурмаъно ибора, афсуски, ушбу қиссада ёвуз ниятли кишиларнинг хатти-ҳаракатини ўзида ифодалаб келади.

«Ошкора қотиллик қиссаси» ўша фожиали куннинг хроникаси шаклида майдонга келган. Аммо у хунрезлик рўй берган кундан йигирма йил кейин ёзилган. Муаллиф терговчи сингари айбдорни топиш вазифасини эмас, қатл воқеасини, уни юзага келтирган муҳитни тиклаш вазифасини ўз олдига қўйган. Лекин у ҳам, табиийки, терговчи сингари аниқ-тайин ҳукм чиқармайди. Айбдорни кўрсатиб, мана шуни отинглар, демайди. Зеро бу тасвир этилган воқеада муайян бир киши айбдор эмас. Ёзувчи пок ниятдан, эзгу мақсаддан холи кишиларнинг азалий одатлар асосида яшаётгани, уларнинг давр дарёсининг тинимсиз оқимидан беҳабар ва бепарво қолганларини кўрсатган, холос.

Габриэль Гарсиа Маркес ижоди нафақат Лотин Америкаси, балки ҳозирги жаҳон адабиётида катта воқеа бўлди. Бу, биринчи навбатда, воқеликнинг ва ҳаётий жараённинг мислсиз даражада ҳаққоний тасвир этилиши билан боғлиқ. Маркес биз учун тили, урф-одати, ҳаёт тарзи ва руҳий олами нотаниш бўлган кишилар ҳаётини суратчи тарзида акс эттирмай, уни бадиий тадқиқ этишга эришади. Худи шу нуқтада у бадиий юксаклик сари кўтарилади.

«Ошкора қотиллик қиссаси» шу маънода Маркеснинг шоҳ асари эмас. У ёзувчининг ўзига хос истеъдоди билан, бу истеъдоднинг ҳаётдаги чалқаш, мураккаб тақдирларни ёритиб кўрсатиш, инсоният кечираётган ҳаётнинг қат-қат пардалари орқасида яширинган кишилар руҳиятини акс эттириш иқтидори билан таништиради, холос.

Маркеснинг дастлабки асарларида унинг романларига хос бўлган асосий унсурлардан бири – фантастика мутлақо кўринмайди. Барча қаҳрамонлар бутун борлиқлари билан она заминга боғланганлар. Шу маънода «Катта онанинг дафн этилиши» ҳикояси кескин ажралиб туради. Бу ҳикоядаги Катта она образи тасвирида ҳажвий муболаға устуворлик қилса, унда тасвирланган Макондо эса афсонавий бир шаҳарча сифатида қад кўтаради. Шу ҳикоядан бошлаб Маркес жаҳон адабиётига бекиёс реалист санъаткор сифатида кириб келади.

Маркеснинг ўзига хос миллий насри фақат Лотин Америкаси адабиётининг эмас, балки жаҳон адабиётининг кейинги тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатди. Унинг «Ёлғизликнинг юз йили» «Мустабиднинг кузи», «Ўлат изғиган кезларда муҳаббат», «Ойқиз, муҳаббат, авлиё, шайтон ва бошқалар» сингари дурдона романлари жаҳон адабиёти равнақиға бетакрор ҳисса бўлиб қўшилди.

#### **МАВЗУНИ МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. Габриэль Гарсиа Маркес қайси давр жаҳон адабиёти тараққиётига катта таъсир кўрсатди?
2. Габриэль Гарсиа Маркеснинг жаҳонга машҳур асари қайси?
3. Ёш Маркес ҳаётида ўчмас из қолдирган кимса ким эди? Ёзувчи унга бағишлаб қандай асарлар ёзди?
4. Нималар Маркеснинг ижодида фантастика билан туташ реализм уфқларини белгилаб берди?
5. Қайси ёзувчиларнинг ижоди Маркес ижоди шаклланишига таъсир кўрсатди?
6. Маркеснинг қайси асарида Лотин Америкасини даҳшатга солган ҳокими мутлақ тўғрисидаги афсона акс эттирилган ва фош қилинган?
7. Ёзувчининг сўнгги асари қайси?
8. Габриэль Гарсиа Маркес нечанчи йилда Нобель мукофотига сазовор бўлди?
9. «Ошкора қотиллик қиссаси» асарида кимнинг қайси сўзлари пешсўз (эпиграф) қилиб олинган?
10. «Ошкора қотиллик қиссаси» романининг асосий ғоясини нималар ташкил қилади?
11. Мазкур асарнинг бадиий қиммати, сизнингча, нимада?
12. Маркеснинг магик романлари ҳақида нималар биласиз?
13. Тубандаги *таянч тушунчаларни* изоҳланг: магия, магик роман, жаҳон адабиёти, адабий замин, фантастика, қаҳрамон руҳияти, психологизм, тасвирлаш санъати,

бадий услуб, адабий таъсир, ҳажвий муболаға, афсона, мураккаб бадий қурилма, бадий вазифа, фожиа, эпиграф (пешсўз), миллий наср.

#### **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. (XVIII-XX асрлар). – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Жаҳон адабиёти намояндалари портретларига чизгилар. Т.: «Зар қалам», 2006, 173-176-бетлар.
3. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти: 11-синф учун дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 1995, 327-334-бетлар.
4. Маркес Г.Г. Ёлғизликнинг юз йили. Роман ва қисса. «Жаҳон адабиёти дурдоналари» туркуми. – Т.: «Шарқ», 2005. – 480 бет.

## **2.2. Семинар машғулоти мавзуси ва режалари (44 соат – 1-жараёнда)**

### **1-мавзу. Мифология ва бадий адабиёт. (2 соат).**

Режа:

1. Мифология тушунчасининг моҳияти. Фольклор асарларида мифология.
2. Ёзма адабиётда мифологик мотивлар. Антик адабиётда мифологик мотивлар.
3. Мифнинг жаҳон адабиёти тадрижидаги ўрни.
4. Мифология ва миф поэтикаси жаҳон адабиётини ўрганишда адабий-назарий, фалсафий-эстетик асос сифатида.

### **2-мавзу. Гомернинг қаҳрамонлар характерини яратиш маҳорати (“Илиада” ва “Одиссея” дostonлари асосида). (2 соат).**

Режа:

1. Гомернинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Илиада” дostonининг сюжети ва образлари.

3. “Илиада” достонида тарихийлик.
4. Достонда мифологик элементларнинг намоён бўлиши.
5. “Одиссея” достонининг сюжети ва образлари.
6. “Одиссея” достонида тарихийлик.
7. Достонда мифологик элементларнинг намоён бўлиши.

### **3-мавзу. Шарқ ва Ғарбда масалчилик ва дидактика. (2 соат)**

Режа:

1. Дидактика тушунчасининг моҳияти.
2. Ғарб ва Шарқ дидактикасининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ғарб ва Шарқ дидактикасининг нодир намуналари.
4. Гесиоднинг “Меҳнат ва кунлар” асари.
5. Гесиод ва Шарқ дидактикаси.
6. Эпоз масалларида дидактика.

### **4-мавзу. Антик давр юнон лирикасининг поэтик хусусиятлари. (2 соат).**

Режа:

1. Юнон лирикаси.
2. Монодик ва тантанали лирика.
3. Элегия ва Ямб.
4. Юнон лирикасида вазн

### **5-мавзу. Юнон драмаларида умуминсоний қадриятлар: («Занжирбанд Прометей», «Шоҳ Эдип», «Медея» драмалар асосида). (2 соат).**

Режа:

1. “Занжирбанд Прометей” драмасида умуминсоний қадриятларнинг бадиий талқини.
2. “Шоҳ Эдип” драмасида умуминсоний қадриятларнинг бадиий талқини.
3. “Медея” драмасида умуминсоний қадриятларнинг бадиий талқини.

### **6-мавзу. Аристофан ва комедия жанри. (2 соат)**

Режа:

1. Аристофаннинг ҳаёти ва адабий мероси.
2. Аристофан комедияларининг ғоявий-баиий хусусиятлари.
3. Комедия жанри табиати ва имкониятлари.
4. Комедиянинг сатирадан фарқи.
5. Эллинизм даврида янги комедия.

### **7-мавзу. Қадимги юнон ва Рим прозаси. (2 соат)**

Режа:

1. Юнон ва Рим прозасининг шаклланиши ва турлари.
2. Юнон ва Рим адабиётида тарихий проза.
3. Юнон ва Рим адабиётида риторик проза.
4. Юнон ва Рим адабиётида фалсафий проза.

### **8-мавзу. Қадимги Рим шоирлари (Вергилий, Гораций, Овидий ижоди) (2 соат)**

Режа:

1. Антик давр шоирлари ижоди: мавзу ва ғоялар.

2. Сапфо ижоди.
3. Вергилийнинг “Энеида” достони.
4. “Буколикалар” ва “Георгикалар”.
5. Гораций “Эподлар”и, “Сатиралар”и ва “Номалар”и.
6. Рим элегияси ва Овидий ижоди,
7. Овидийнинг “Метаморфозалар” асари.

**9-мавзу. Жаҳон адабиётида қахрамонлик эпосларининг муштарак жиҳатлари. (2 соат).**

Режа:

1. “Илиада” ва “Одиссея” эпослари.
2. “Рамаяна” эпоси.
3. “Алпомиш” эпоси.
4. Бу эпосларнинг муштарак жиҳатлари:
  - А) мотивлар;
  - Б) образлар;
  - В) воқеалар ва бадиий ғоя.

**10-мавзу. “Дон Кихот” – асарининг ғоявий-бадиий хусусиятлари. (2 соат)**

Режа:

1. Рицарлик – куртуаз адабиётининг ўзига хос томонлари.
2. Рицарлик адабиётида шарқона жувонмардлик ва ахийлик масалалари.
3. Сервантеснинг ҳаёти ва ижоди.
4. Сервантес ижодида “Дон Кихот” асарининг ўрни.

**11-мавзу. “Илоҳий комедия”да Данте ижтимоий-ахлоқий қарашларининг ифодаланиши. (2 соат).**

Режа:

1. Ғарб ва Шарқда Уйғониш даври. Бу давр адабиётининг ўзига хос жиҳатлари.
2. Данте – Уйғониш даврининг йирик вакили.
3. Шекспир – Уйғониш даврининг сўнгги вакили.
4. Шарқ Уйғониш даври адабиёти вакиллари. А.Навоий ижоди.
5. Уйғониш даврида Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари.

**12-мавзу. Ф.Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль” асарида схоластик тафаккурга қарши сатирик муносабатнинг ифодаланиши. (2 соат).**

Режа:

1. Француа Рабленинг ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида.
2. “Гаргантюа ва Пантагрюэль” – 5 китобдан иборат эпопея.
3. “Гаргантюа ва Пантагрюэль” – халқ орзу-истакларини чуқур акс эттирган асар.
4. “Гаргантюа ва Пантагрюэль”да тарбия масаласи.
5. “Гаргантюа ва Пантагрюэль”да уруш ва тинчлик масаласи.
6. “Гаргантюа ва Пантагрюэль” романи образлари.

7. “Гаргантюа ва Пантагрюэль” - сатирик асар.

**13-мавзу. “Декамерон” ва “Минг бир кеча” асарларининг қиёсий таҳлили. (2 соат)**

Режа:

1. Жованни Боккаччонинг ҳаёти ва адабий фаолияти.
2. “Декамерон” – Боккаччонинг энг муҳим асари.
3. “Декамерон” – ҳикоялар тўплами.
4. “Декамерон”да тарғиб қилинган асосий ғоялар.
5. “Декамерон” ва “Минг бир кеча” асарларининг ўхшаш ва фарқли томонлари.
6. “Декамерон” ва “Минг бир кеча”да “қисса ичида қисса” усули.
7. “Минг бир кеча” асарининг шаклланиш тарихи ва тузилиши.
8. “Минг бир кеча” эртаклари сюжети.
9. Жаҳон адабиётида “қисса ичида қисса” усулида яратилган асарлар: А) “Калила ва Димна” асари; Б) М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романи; С) Ч.Айтматов асарларида “қисса ичида қисса” усули;

**14-мавзу. Шекспир поэма ва сонетлари. (2 соат).**

Режа:

1. Вильям Шекспирнинг ҳаёти ва адабий фаолияти.
2. Шекспирнинг муаллифлик масаласи.
3. Шекспир ижодининг даврларга бўлиниши.
4. Шекспир ижодининг биринчи даври.
5. Шоирнинг “Венера ва Адонис”, “Лукреция” поэмалари.
6. Шекспир сонетлари.

**15-мавзу. Шекспир драмалари. “Ҳамлет” – Шекспир ижодининг чўққиси. (2 соат).**

Режа:

1. Шекспирнинг тарихий хроникалари: “Ричард III”, “Генрих IV”, “Генрих V”.
2. Шекспир комедиялари: “Қийиқ қизнинг қуйилиши”, “Ёз кечасидаги туш”, “Венеция савдогари”.
3. Шекспир трагедиялари: “Ромео ва Жульетта”, “Юлий Цезарь”, “Гамлет”, “Отелло”, “Қирол Лир”, “Макбет”.
4. “Гамлет”да бош қаҳрамон масаласи.

**16-мавзу. Ғарб ва Шарқ маърифатчилиги: муштараклик ва ўзига хослик. (2 соат).**

Режа:

1. Маърифатчилик адабиётининг классик маърифатчиликдан фарқи ва ўзига хослиги.
2. Немис маърифатчилик адабиёти. Г.Э.Лессинг, Ф.Шиллер ва И.В.Гёте ижодида маърифат масаласи.
3. Ғарб ва Шарқ маърифатчилигининг муштарак ва фарқли жиҳатлари.
4. Ғарб ва Шарқ маърифатчилигининг йирик вакиллари.

**17-мавзу. “Гулливёрнинг саёҳатлари” романида Ж.Свифт фантастикасининг реалистик негизи. (2 соат)**

Режа:

1. Ж.Свифтнинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Гулливернинг саёҳатлари” романи – Ж.Свифт ижодининг гултожи.
3. “Гулливернинг саёҳатлари” романининг таркибий тузилиши ва образлар таркиби.
4. “Гулливернинг саёҳатлари” романида фантастикаси.
5. Романда Гулливер образи.
6. Романнинг бадиий хусусиятлари.

**18-мавзу. Европа адиблари ижодида шарқона мотивлар. (Байрон ва А.Дюма асарлари мисолида). (2 соат).**

Режа:

1. А.Дюманинг “Граф Монте Кристо” романида Шарқ мавзуи.
2. Гёте ижодида Шарқона мотивлар. “Ғарбу Шарқ” девони.
3. А.С.Пушкин ижодида шарқона мотивлар. “Қуръонга иқтибос”.
4. С.Есенин ижоди ва шарқ мавзуи.

**19-мавзу. И.В.Гёте асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари (2 соат)**

Режа:

1. И.В. Гёте – немис маърифатчилик адабиётининг йирик вакили.
2. Ижодкорнинг ҳаёт йўли.
3. Гёте ижодида шарқ мавзуи.
4. “Ёш Вертернинг изтироблари” романи – XVIII аср немис адабиётининг машҳур асари.
5. “Фауст” фожиасининг образлар олами ва бадиий хусусиятлари.

**20-мавзу. В.Скотт ва Ж.Ф.Купер – тарихий романлар устаси. (2 соат).**

Режа:

1. Вальтер Скотт – йирик инглиз ёзувчиси.
2. Вальтер Скотт – тарихий романлар устаси.
3. “Айвенго” романида халқ вакиллари образи тасвири.
4. Романда Робин Гуд образи.
5. Ж.Ф.Купернинг ҳаёти ва ижоди.
6. Купернинг “Америка Вальтер Скотти” номини олиши.
7. Купер – Америка адабиётида тарихий романлар асосчиси.
8. Купер романларининг ўзига хослиги.

**21-мавзу. Стендаль ва Бальзак асарларида ижтимоий ҳаёт ва инсоний қадриятлар. (2 соат).**

Режа:

1. Фредерик Стендалнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Адибнинг “Қизил ва Қора”, “Парма ибодатхонаси” романлари.
3. Оноре де Бальзакнинг ҳаёти ва ижоди.
4. Бальзак романларида ижтимоий ҳаёт ва инсоний қадриятлар муаммоси:  
А) “Горио ота” асарида; Б) “Гобсек” асарида; В) “Евгения Гранде” асарида.

**22-мавзу. Генрих Гейне ижодида ватан бирлиги масаласи. (2 соат).**

Режа:

1. Генрих Гейненинг ҳаёти ва ижоди.
2. Шоир шеърларида муҳаббат талқини.
3. “Йўл лавҳалари” – очерклар тўплами.
4. “Германия. Қиш эртаги” достони – Г.Гейне ижодининг юқори чўққиси.
5. Гейне шеърларининг ўзбекчага таржима қилингани.

## **2.2. Семинар машғулоти мавзуси ва режалари (22 соат – 2-жараёнда)** **1-мавзу. Пушкин ижоди. (2 соат)**

Режа:

1. А.С.Пушкиннинг ҳаёти ва ижоди.
2. Пушкин ижодининг илк дари.
3. Пушкин – лирик шоир.
4. Шоир поэмалари.
5. Пушкин – прозаик.
6. Пушкин – драматург.

## **2-мавзу. М.С. Лермонтов шеърларида эрк ва ватанпарварлик ғоялари. (2 соат)**

Режа:

1. М. Лермонтовнинг ҳаёти ва ижоди.
2. М.Лермонтов шеърларида эрк ва ватанпарварлик ғоялари.
3. “Шоирнинг ўлими” шеъри – мустабид жамиятга айбнома.
4. “Замонамиз қаҳрамони” романи таҳлили.
5. М.Лермонтов – драматург.

## **3-мавзу. Л.Толстой – романавис. (2 соат).**

Режа:

1. Л.Толстойнинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Уруш ва тинчлик” романида уруш ва тинчлик муаммосининг ўзига хос бадиий талқини.
3. “Анна Каренина” романида шахс эрки ва ахлоқий-маънавий қадриятлар муаммоси.
4. “Тирилиш” романида Л.Толстойнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари инъикоси.
5. Л.Толстой ижодининг жаҳон адабиёти тараққиётидаги ўрни (таржима, адабий таъсир, нашр масалалари).

## **4-мавзу. Ф.Достоевский – романавис. (2 соат).**

Режа:

1. Ф.Достоевскийнинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Телба” романида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини.
3. “Жиноят ва жазо” – психологик роман.
4. “Ака-ука Карамазовлар” романида Ф.Достоевский дунёқарашининг бадиий инъикоси.
5. Ф.Достоевский ижоди ва жаҳон адабиёти.

## **5-мавзу. Мопассан ҳикоя ва романларида психологик таҳлил. (2 соат).**

Режа:

1. Ги де Мопассан ҳаёти ва ижоди.
2. Ги де Мопассан – мохир новелланавис.
3. Ги де Мопассан романлари: “Ҳаёт”, “Азизим”.
4. Мопассан ҳикоя ва романларида психологик таҳлил масаласи.

**6-мавзу. Марк Твен – Америка демократик адабиётининг йирик вакили. (2 соат).**

Режа:

1. Марк Твеннинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Том Сойернинг бошидан кечирганлари” романи.
3. “Гек Финн” романида Гек Финн образи.
4. Адибнинг тарихий романлари: “Шахзода ва гадо”, “Жанна д`Арк”.
5. Марк Твен памфлетлари.

**7-мавзу. Жек Лондон, Т.Драйзер асарларида инсон муаммолари талқини. (2 соат).**

Режа:

1. Жек Лондоннинг ҳаёти ва ижоди.
2. Жек Лондоннинг “Шимол ҳикоялари”.
3. Жек Лондон романлари: “Темир товон”, “Мартин Иден”
4. Теодор Драйзернинг ҳаёти ва ижоди.
5. Адибнинг “Бахти қаро Керри” романи.
6. Ёзувчининг “Истак трилогияси” – Америка адабиётида танқидий реализмнинг энг яхши намунаси.
7. Т.Драйзернинг “Америка фожиаси” романи.

**8-мавзу. Хемингуэй асарларида инсон матонати ва ирода кучининг ифодаси. (2 соат).**

Режа:

1. Э.Хемингуэйнинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Чол ва денгиз” асари сюжети.
3. Сантьяго образида инсон матонати ва ирода кучининг ифода этирилиши.
4. Хемингуэй ижодининг жаҳон адабиётидаги ўрни.

**9-мавзу. Г.Г.Маркеснинг “Бузрукнинг кузи” романида реалистик ва мифологик элементларнинг уйғунлиги. (2 соат).**

Режа:

1. Г.Г.Маркеснинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Ошқора қотиллик қиссаси” асарида композиция ва услуб.
3. “Ёлғизликнинг юз йили” романида магик реализм.
4. “Бузрукнинг кузи” – рамзий асар. Унинг сюжети ва қаҳрамонлари.
5. “Бузрукнинг кузи” романида реалистик тасвир ва мифологик элементлар ифодаси.
6. Г.Г.Маркес ижодининг ўзбек адабиётига таъсири.

**10-мавзу. Модернизм ва Кафка ижоди. (2 соат).**

Режа:

1. Модернизм адабиётининг майдонга келиши ва моҳияти. Жаҳон адабиётида модернистик йўналиш таракқиёти.

2. Модернизм шаклланишининг ижтимоий ва маданий омиллари. Модернизм тарихи ва тараққиёт босқичлари.
3. Модернизмнинг назарий ва фалсафий асослари.
4. Модернизм йўналишлари: экспрессионизм, дадаизм, кубизм, футуризм, абстракционизм, сюрреализм...
5. Ж.П.Сартр ва экзистенциализм.
6. Ф.Кафканинг ҳаёти ва ижоди.
7. Ф.Кафка ҳикояларида инсон ва жамият муносабатларининг акс этиши. “Эврилиш” ҳикояси.
8. “Жазо колонияси” ҳикояси.
9. Ф.Кафка – романнавис. “Америка” ва “Кўрғон” романлари.
10. “Жараён” – инсонлик жамияти тузилмасига поэтик айбнома.

### **11-мавзу. Камю ва абсурд фалсафаси. (2 соат).**

Режа:

1. Абсурдизм ҳақида маълумот. Ўзбек адабиётшунослигида абсурдизмга оид баҳслар.
2. А.Камюнинг ҳаёти ва ижоди.
3. “Бегона” қиссасида абсурдизм фалсафасининг акс этиши.
4. “Вабо” романида ижтимоий маммоларнинг бадиий инъикоси.
5. “Отамга хат” ва “Бодом гули” эсселари.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- амалий машғулотларга тайёргарлик;
- семинар машғулотларига тайёргарлик;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабанинг ўқув, илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий таълим.

**Мустақил иш ўқитувчининг талабаларга аввалда бериб қўйиладиган фаннинг мавзулари асосида ташкил этилади. Мустақил иш учун қуйидаги топшириқларни бажариш тавсия этилади:**

1. Ҳомернинг қаҳрамонлар характерини яратиш маҳорати (“Илиада” ва “Одиссея” достонлари асосида)
2. “Рамайна” ва жаҳон қаҳрамонлик эпослари

3. “Илиада” достонида тарихийлик ва мифологик элементлар
4. Эзоп масалаларида дидактика
5. “Медея” трагедияси ва “Арганавтлар” қиссаси
6. “Илохий комедия”да Данте ижтимоий-ахлоқий қарашларининг ифодаланиши
7. Ф.Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль” асарида схоластик тафаккурга қарши сатирик муносабатнинг ифодаланиши
8. “Ҳамлет” Шекспир ижодининг чўққиси
9. “Дон Кихот” асарида гуманистик ғояларнинг тарғиб қилиниши
10. “Гулливернинг саёҳатлари” романида Ж.Свифт фантастикасининг реалистик негизи
11. Г.Э. Лессингнинг “Донишманд Натан” асарида диний қарашлари инсонпарварлик ғояларининг қарши қўйилиши (“Жаҳон адабиёти” журнали, 2004, 4-5-сонлар).
12. Ф.Шиллернинг “Қароқчилар” трагедиясида эрксеварлик ғояларининг илгари сурилиши
13. Гёте “Фауст” асарининг асосий ғояси
14. Байрон ижодида романтизмнинг ўрни
15. Стендальнинг “Қизил ва қора” романида ижобий қаҳрамон муаммоси
16. Бальзак асарларида умуминсоний қадриятлар
17. “Бовари хоним” романида ижтимоий-сиёсий ва эстетик хом хаёлликнинг фош этилиши
18. Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърый романи реалистик асар сифатида
19. Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва Жазо” романида психологизм
20. Э.Зоянинг “Ҳамал” романида меҳнат ва манфаат масаласи
21. Мопассан ҳикояларида психологик таҳлилнинг чуқурлиги

### “ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАРИХИ” ФАНИДАН О/Н

#### С А В О Л Л А Р И

1.	Жаҳон адабиёти тушунчасини ташкил этувчи асосий мезонлар нималардан иборат?
2.	Жаҳон адабиёти намунилариининг умумий жиқатларини белгиловчи адабиётшуносликка доир усул бу...
3.	«Антик давр» истилоҳи... деган маънони билдиради.
4.	«Мифлар ҳақиқатдан хабар берувчи афсонадир», деган сўзлар қайси мутафаккирга тегишли
5.	Мифологияда «хаос» сўзи қандай маънони билдиради?
6.	Мифологик замонда «космос» бирламчими ёки «хаосми»?
7.	Бирор уруғ ёки қабиланинг пайдо бўлишига оид мифлар қандай номланади?
8.	Инсоният келажаги ҳақидаги мифлар . . . мифлар деб аталади?
9.	Анимизм қандай маънони билдиради?
10.	«Тотем» сўзи қайси миллат тилидан олинган?
11.	Аржун, Зол, Мойра, Демитра қандай образлар сирасига киради?

12.	Гомернинг тарихда яшаб ўтганига шубҳа билан қараган 18- асрда яшаган француз олими ким эди?
13.	Гомернинг «Илиада» асарига ёзилган пародия қандай номланади?
14.	«Илиада» асари . . . нинг ғазабини куйлашга бағишланган.
15.	14 йил она юрт илинжида сарсон кезган антик қаҳрамон?
16.	Одейссей юртига қайтганида уни биринчи бўлиб қандай ҳайвон танийди?
17.	«Занжирбанд Прометей» асарида иштирок этувчи фоний қиз образи?
18.	«Эфиопида» юнон туркум дostonларининг қайсига тегишли?
19.	Фива туркумига доир қайси дostonларда Эдип ўғиллари Этиокл ва Полиник ўртасидаги кураш тасвирланган?
20.	Юнонча «Рапсод» сўзининг маъноси...
21.	«Меҳнат ва кунлар» асари конфликт қайси образлар мисолида кўрсатилган?
22.	«Меҳнат ва кунлар» асарини муалиф кимга панд-насихат тарзида ёзган?
23.	Қадим юнонда мусика, ракс жўрлигида ижро этилаладиган кўшиққа нисбатан қандай термин қўланган?
24.	Қадим юнон лирикасида қўланилган шеърий вазн қандай номланади?
25.	Элегия жанрига асос бўлган грекча «elegn» сўзининг маъноси нима?
26.	Қадим юнонда «Ғалаба қасидаси» маъносида ишлатилган хор лирикасига доир жанр номини аниқланг
27.	Борликни билишда материалистик ёндашув назариясини илгари сурган анитик файласуф ким?
28.	Машхур Гиппократ қандай фалсафий оқимга мансуб бўлган?
29.	Трагедия термини қайси мифологик образ билан боғлиқ ҳолатда пайдо бўлган?
30.	Эдип авлодлари ҳаётига доир «Фиванинг етти душмани» асарининг муаллифини аниқланг
31.	Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асари қаҳрамони номи остида бутун бир психологик метод ишлаб чиққан олим ким эди?
32.	Тарихчи Геродотга катта таъсир кўрсатган қадим тарихий асар қандай номланади?
33.	Қадим юнонда нотикликнинг қандай турлари мавжуд бўлган?
34.	Нотиклик анъаналаридан таълим берувчи муаллим қандай ном билан аталган?
35.	Дудук ва ёмон овоз эгаси бўлишига қарамасдан нотиклик санъатини юксакларга кўтарган риторик ким?
36.	Платон асарларида учрайдиган «ялангаёқ даҳо» образининг реал тимсоли кам бўлган?
37.	Платоннинг «Давлат» асарида жамият неча табақага ажратилади?
38.	Александрия даврида «подачи-чўпонлар кўшиғи» маъносини билдирувчи қандай лирик жанр мавжуд эди?
39.	Прогополиник «Мақтанчоқ жангчи» асаридаги қандай қаҳрамон ҳисобланади?
40.	Вергилийнинг «Энеида» асарида қайси давр воқеалари қаламга олинган?
41.	Кельт халқлари «бардлар» деганда кимни тушунадилар?
42.	Ирланд саглари эрамизнинг қайси асрларидан бошлаб ёзиб олина бошлаган?
43.	Ўрта асрлар Германиясида халқ бахши–шоирлари қандай аталган?
44.	Маврлар билан бўлган курашда кўрсатган хизматлари тақдирланмагани учун жонига қасд қилган француз эпоси қаҳрамони...
45.	Ўрта асрлар Европа рицарлик фалсафасига таъсир кўрсатган шарқлик олим. . .
46.	Ўрта аср Европа рицар романларига хос муҳим хусусиятлардан бири. . . ҳисобланади
47.	Ўрта аср Европа драмалари асосида нима ётган?
48.	Ўрта аср театр томошалари нима деб аталган?
49.	Европада уйғониш бошланган сана ва жой номини аниқланг.
50.	Шарқ ва Ғарб уйғонишини нисбатан холис ўрганган европалик олимлар кимлар

	ҳисобланади?
51.	Данте туғилган йиллари Италияда фаолият олиб борган партия қайси жавобда тўғри кўрсатилиган?
52.	Данте 9 ёшида севиб қолган Беатриче кимнинг қизи эди?
53.	Дантенинг «Янги ҳаёт» асари нечта мустақил шеърдан иборат?
54.	«Базм» асарида Дантенинг қандай қарашлари акс этган?
55.	«Илоҳий комедия» асари фабуласи қайси асар таъсирида юзага келган?
56.	Ибн Синонинг қайси асари Дантенинг «Илоҳий комедия» асарига фалсафий асос вазифасини ўтаган?
57.	Франческо Петрарка қаерда ва нечанчи йили туғилган?
58.	Петрарканинг 1343 йилда ёзилган фалсафий асари қандай номланади?
59.	Француз уйғонишига ижобий таъсир кўрсатган ҳукмдор номини аниқланг.
60.	«Бахт ва бахтсизлик, қувонч ва изтироб, бойлик ва камбағаллик ўзгармас бирликдир», деган қараш-Франция уйғонишининг қайси мутафаккири томонидан илгари сурилган?
61.	Фрнсуа Рабле шарқона гиёҳ билан даволаш усулини қайси шаҳарда ўрганди?
62.	Гипократнинг қайси машҳур асари Рабле томонидан шарҳлаб нашр этилган?
63.	«Гаргантюа ва Пантагрюэль» асарида қайси поэтик усул етакчилик қилади?
64.	Мигель де Сервантеснинг отаси қандай касб эгаси эди?
65.	Сервантес испан армиясининг қандай қўшин турида ҳарбий хизматни ўтаган?
66.	Сервантес ижодий фолияти давомида нечта навелла ёзган?
67.	Машҳур «Дон Кихот» асарининг 1-қисми нечанчи йили ёзилган?
68.	Сервантес «Педро де Урдемалос» пьесасида қандай кишилар психологиясини очиб берган?
69.	Англия уйғонишининг илк даврида инглиз романчилигида қандай поэтик йўналишлар мавжуд эди?
70.	Уйғониш даври Англиясида Оксфорд унверситети қайси йўналишлардаги тўғарак ташкил этган?
71.	«Утопия» асари инглиз Уйғониш даври мутафаккирларидан қайси бирининг қаламига тегишли?
72.	Кристофер Марлонинг «Улуғ Темурланг» пьесасида Амир Темур образига қандай талқин берилган?
73.	«Доктор Фаустнинг фожиавий ҳаёти ва ўлими» асарининг муаллифи ким?
74.	Машҳур Вильям Шекспир қандай оилада туғилган?
75.	Шекспир «Глобус» театрида дастлаб кимнинг қўли остида иш бошлаган?
76.	Шекспир қайси йили қаерда вафот этган?
77.	Шекспирнинг аниқ сюжетининг реалистик талқинига асосланувчи асарини аниқланг?
78.	«Гамлет», «Отелло», «Қирол Лир» асарлари Шекспирнинг қандай асарлари сирастига киради?
79.	Шекспирнинг «Цимбелин» асари жанрини аниқланг.
80.	XVII аср Европада рўй берган 30 йиллик уруш қайси йилларни ўз ичига олади?
81.	Немис мутафаккири Мартин Опицнинг қайси асарида тил софлиги, поэтика масалалари хусусида сўз юритилади?
82.	«Симплисиус Симплициссимус» асари қайси XVII асар немис мутафаккирига тегишли?
83.	XVII аср немис драматурги Каспар фон Лоэнштейннинг қайси асарида 30 йиллик уруш баракко эстетикаси асосида асосида талқин этилган?
84.	XVII-XVIII аср Европа адабиётида кўзга ташланган қайси адабий оқим ўрта аср диний қарашлари ва антик адабиёт гуманизмини ўзига мужассам этган?
85.	Қайси испан мутафаккири ижодидаги халқчиллик Мадрид университети

	профессори Алкала Рамира томонидан «кўпол», «варвар» она, деб баҳоланган?
86.	Классицизмнинг фалсафий асослари қайси мутафаккирлар ижодида акс этган?
87.	Сентиментал эстетика тамойилари акс этган «Сентиментал саёҳат» асари кимга тегишли?
88.	XVIII аср Европа шеъриятига «қабр ортидаги ҳаёт» мавзусини ким олиб кирган?
89.	Ф.Шиллернинг «Ғожиавий саънат ҳақида» асари кимнинг фалсафаси таъсирида ёзилган?
90.	Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» романи қайси одабий методга асосланади?
91.	Вальтернинг қайси асарида тарихий фактлар бузиб талқин этилган?
92.	Байроннинг «Каин» (Қобил) асари қандай сюжетга асосан ёзилган?
93.	Инсон талқинида генетик омилларга таянувчи адабий оқим бу...
94.	Символизм эстетикаси қаерда ва қачон пайдо бўлган?
95.	1909 йилда Маринетти томонидан асос солинган адабий-эстетик оқим қандай номланади?
96.	«Эпилепсия» тўпламининг муаллифи М. Лерис ижоди қайси адабий оқим тамойилларини акс этиради?
97.	Керкегор, Ясперс ва Хайдеггерлар томонидан фалсафий асослари ишлаб чиқарилган, «инсоният ҳаёти маънисизликдир», деган қарашни илгари сурувчи фалсафий-бадий дунёқараш – экзистенциализм қачон пайдо бўлган?
98.	А Камю асаридаги Мерсонинг ҳаёт тарзи қандай талқин этилган?
99.	Жаҳон адабиётининг барча давларида актив фаолиятда бўлган адабий оқимни аниқланг?

### **“Жаҳон адабиёти тарихи” фанидан Яқуний назорат саволлари**

1. “Бовари хоним” романида ижтимоий-сиёсий ва эстетик хомхаёлликнинг фош этилиши
2. “Буколикалар” ва “Теоргикалар”.
3. “Таргантюа ва Пантагрюэл” асарида сатиранинг роли ва аҳамияти.
4. “Горио ота”, “Гобсек”, “Евгения Гранде” асарларининг етакчи ғояси.
5. “Гулливернинг саёҳатлари” романида Ж.Свифт фантастикасининг реалистик негизи
6. “Декамерон” ва “Минг бир кеча” асарлари ўртасидаги муштараклик.
7. “Дон Кихот” асарида гуманистик ғояларнинг тарғиб қилиниши
8. “Жаҳон адабиёти тарихи” фанининг мақсад ва вазифалари.
9. “Жаҳон адабиёти тарихи” фанининг номланиши, объекти, географик миқёси.
10. “Илиада” достонидаги мифологик элементлар.
11. “Илиада” достонининг мавзуси, тарихийлиги.
12. “Илохий комедия”да Данте ижтимоий-ахлоқий қарашларининг ифодаланиши
13. “Медея” трагедияси ва “Арганаутилар” қиссаси
14. “Меҳнат ва кунлар” дидактик асар сифатида.
15. “Одессия” ва “Алпомиш” достонлари ўртасидаги муштаракликлар.
16. “Одиссея” достонидаги мифологик элементлар.
17. “Одиссея” достонининг мавзуси, тарихийлиги.
18. “Рамаяна” ва жаҳон қаҳрамонлик эпослари
19. “Ҳамлет” – Шекспир ижодининг чўққиси
20. «Медея» драмаси.
21. «Минг бир кеча» ва жаҳон адабиётида «қисса ичида қисса» усули
22. «Шоҳ Эдип» драмаси.
23. Адабиётда танқидий реализмнинг пайдо бўлиш омиллари.
24. Ака –ука Гриммлар ижоди.

25. Александрия поэзияси ва унинг ўзига хосликлари.
26. Америка романтизм адабиётининг ўзига хос томонлари.
27. Англия маърифатчилиги.
28. Англия Уйғониш ғоялари ва Шекспир ижоди.
29. Англия уйғонишининг дастлабки вакиллари.
30. Англияда классицизм.
31. Англияда Уйғониш даври адабиёти
32. Антик давр грек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари
33. Антик давр юнон адабиётида Фива циклидаги трагедиялар
34. Антик давр юнон адабиётининг ўзига хос хусусиятлари
35. Антик давр юнон лирикасининг поэтик хусусиятлари
36. Аристофон ва комедия жанри.
37. Атика ва эллинизм даври юнон адабиёти
38. Ахилл ва Одессей образларида акс этган Ҳомернинг ахлоқий-эстетик қарашлари.
39. Байрон ижодида романтизмнинг ўрни
40. Байрон ижодида шахс эрки ва халқ озодлиги масаласи.
41. Бальзак асарларида умуминсоний қадриятлар
42. Бальзак ижоди.
43. В.Гюго асарларида миллий озодлик мавзуи.
44. Вергилийнинг “Энеида” достони.
45. Г.Гейне ижодида реализм ва танқидий реализмнинг уйғунлиги.
46. Г.Флобернинг “Бовари хоним” романида романтизм адабиётига муносабат.
47. Г.Э. Лессингнинг “Донишманд Натан” асарида диний қарашлар ва инсонпарварлик ғояларининг қарши кўйилиши
48. Г.Э.Лессинг ижоди.
49. Ғарб ва Шарқ маърифатчилиги: мушратаклик ва ўзига хослик.
50. Ғарб ва Шарқ маърифатчилигининг муштарак ва фарқли жиҳатлари.
51. Гесиод ва Шарқ дидактикаси.
52. Гесиоднинг “Меҳнат ва кунлар” асари.
53. Гёте “Фауст” асарининг асосий ғояси
54. Гораций “Номалар”и.
55. Гораций “Сатиралар”и.
56. Гораций “Эподлар”и.
57. Гораций ижоди.
58. Гофман ижоди.
59. Д.Дидро ижоди.
60. Данте – Ўрта асрларнинг охири ва Уйғониш даврининг илк шоири.
61. Данте ва Шарқ маданияти.
62. Данте ижоди.
63. Дастлабки Рим шоирлари.
64. Европа адиблари ижодида шарқона мотивлар.
65. Европа Уйғонишининг давлари, омиллари ва ўзига хосликлари.
66. Ж.Бокаччо ва Италия уйғонишида наср.
67. Ж.Ж.Руссо ижодида маърифатпарлик ғоялари.
68. Ж.Санд ижоди.
69. Жаҳон адабиётида уйғониш масаласи.
70. Жаҳон адабиётида Шекспир масаласи.
71. Жаҳон адабиётининг давраштирилиши.
72. Жаҳон маданияти Уйғонишининг тадрижи.
73. Жаҳон мифологияси ва эпосидаги муштараклик.
74. И.В.Гёте ижодида маърифат масаласи.
75. Империя даври Рим адабиёти.

76. Инглиз маърифатчилик адабиётининг йўналишлари, вакиллари ва жанрлари.
77. Инглиз романтизмида Байроннинг тутган ўрни.
78. Инглиз романтизмида Шеллининг тутган ўрни.
79. Испан қаҳрамонлик эпослари.
80. Испанияда классицизм.
81. Италия Уйғониш адабиётининг тараққиёт босқичлари.
82. Италия уйғониши.
83. Қадимги Шарқ адабиётининг антик адабиёт билан муштарак жиҳатлари.
84. Қадимги Шарқ халқлари адабиётининг жаҳон адабиётига таъсири масаласи.
85. Қадимги юнон прозаларининг бадиий адабиётга алоқадорлиги.
86. Классицизм адабиёти (XVII аср Ғарбий Оврўпо адабиёти).
87. Классицизм адабиётининг назарий асоси ва жанрлари.
88. Классицизм адабиётининг тараққиёт босқичлари.
89. Классицизм адабиётининг ўзига хослиги.
90. Классицизм адабиётининг аҳамияти.
91. Маърифатчилик адабиёти (XVIII аср Ғарб ва XIX аср Шарқ маърифатчилиги).
92. Маърифатчилик адабиётининг аҳамияти.
93. Маърифатчилик адабиётининг классик маърифатчиликдан фарқи ва ўзига хослиги.
94. Миф ва жаҳон адабиёти.
95. Мифнинг жаҳон адабиёти тадрижидаги ўрни.
96. Мифология ва миф поэтикаси жаҳон адабиётини ўрганишда адабий-назарий, фалсафий-эстетик асос сифатида.
97. Монодик ва тантанали лирика.
98. Немис адабиётида романтизмнинг манбалари ва шакллари.
99. Немис қаҳрамонлик эпослари.
100. Немис маърифатчилик адабиёти.
101. Немис танқидий реализмининг ўзига хослиги.
102. Оведийнинг “Метаморфозалар” асари.
103. Овидий ижоди.
104. П.Мериме новеллаларида реал воқеликка танқидий муносабатни ифодалаш.
105. Петрарка лирикаси.
106. Реализм ва танқидий реализмнинг фарқли жиҳатлари.
107. Реализм эстетикаси.
108. Рим адабиёти ва кейинги давр Европа адабиёти.
109. Рим адабиётида тарихшунослик.
110. Рим адабиётининг “олтин даври”.
111. Рим адабиётининг асосий тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.
112. Рим поэзиясининг ўзига хосликлари.
113. Рим элегияси.
114. Рицарлик адабиётида шарқона жувонмардлик ва ахийлик масалалари.
115. Рицарлик адабиётининг ўзига хосликлари ва шакллари.
116. Романтизм адабиётининг назарий асослари ва ўзига хосликлари.
117. Романтизмнинг жаҳон адабиётидаги ўрни.
118. Романтизмнинг тарихий асосларда акс этиши.
119. Софокл – илк драматурглардан бири.
120. Стендалнинг “Қизил ва қора” романида ижобий қаҳрамон муаммоси
121. У.Теккерей ижоди.
122. Уйғониш адабиётининг аломатлари ва ўзига хосликлари.
123. Уйғониш даври адабиётининг ўзига хос томонлари
124. Уйғониш даври Шарқ ва Ғарб адабиётининг маданий алоқалари.
125. Уйғониш даври Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари.
126. Ўрта асрлар адабиётининг ўзига хос томонлари.

127. Ўрта асрларда шаҳар адабиёти ва унинг жанрлари.
128. Ф.Вольтер ижоди.
129. Ф.Купер – тарихий роман асосчиси.
130. Ф.Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль” асарида схоластик тафаккурга қарши сатирик муносабатнинг ифодаланиши
131. Ф.Стендалнинг “Қизил ва қора” романи.
132. Ф.Стендалнинг “Парма ибодатхонаси” романи.
133. Ф.Шиллер ижоди.
134. Ф.Шиллернинг “Қароқчилар” трагедиясида эрксеварлик ғояларининг илгари сурилиши
135. Францияда Уйғониш даври адабиёти
136. Француа Рабле ижоди.
137. Француз адабиётида В.Гюго ижоди.
138. Француз адабиётида танқидий реализм.
139. Француз қаҳрамонлик эпослари.
140. Француз классицизми ва унинг вакиллари.
141. Француз маърифатчилик ҳаракатининг ўзига хослиги.
142. XII – XIII асрларда рицарлик – куртуаз адабиёти.
143. Ҳомернинг “Илиада” достони.
144. Ҳомернинг “Одессия” достонри.
145. Ч.Диккинс ижоди.
146. Шарқ ва Ғарб қаҳрамонлик эпосларининг муштарак жиҳатлари.
147. Шарқ мифологияси, адабий намуналари.
148. Шарқ мусулмон маърифатчилигида мустамлакачилик, миллий парокандалик ва маърифий маҳдудлик масаласи.
149. Шарқ Уйғониши ва унинг аҳамияти.
150. Шарқ Уйғониши ва унинг белгилари.
151. Шекспир – трагедия устаси.
152. Шекспир ва жаҳон драматургияси.
153. Шекспир драматургиясининг жанрлари ва уларнинг манбалари.
154. Шекспир ижодининг даврлари.
155. Шекспир поэмалари.
156. Шекспир сонетлари.
157. Шумер адабиётида Гилгамиш – абадий ҳаёт изловчи эпик қаҳрамон.
158. Эврипиднинг драма жанри ривожигаги ўрни.
159. Эзоп масалаларида дидактика
160. Элегия ва Ямб.
161. Эллинизм даврида янги комедия.
162. Энг қадимги ҳинд адабиёти.
163. Энг қадимги Шарқ адабиётининг кўзга кўринган намуналари.
164. Эсхил – илк драматурглардан бири.
165. Юнон адабиётида драманинг пайдо бўлиши.
166. Юнон адабиётида риторик проза.
167. Юнон адабиётида тарихий проза.
168. Юнон адабиётида фалсафий проза.
169. Юнон адабиётининг жаҳон адабиётига таъсири.
170. Юнон драмаларида умуминсоний қадриятлар: («Занжирбанд Прометей» асари мисолида.
171. Юнон лирикаси.
172. Юнон лирикасида вазн.
173. Юнон прозаси ва унинг йўналишлари.
174. Юнон театрининг хусусиятлари.

**“Жаҳон адабиёти тарихи” фанидан якуний назорат олиш учун вариант саволлари**

1-вариант

1. “Жаҳон адабиёти тарихи” фанининг мақсади.
2. Ғарб ва Шарқ маърифатчилигининг муштарак ва фарқли жиҳатлари.
3. Вергилийнинг “Энеида” достони.

2-вариант

1. Мифнинг жаҳон адабиёти тадрижидаги ўрни.
2. И.В.Гёте ижодида маърифат масаласи.
3. “Энеида” достони.

3-вариант

1. Мифология ва миф поэтикаси жаҳон адабиётини ўрганишда адабий-назарий, фалсафий-эстетик асос сифатида.
2. “Меҳнат ва кунлар” дидактик асар сифатида.
3. Ҳомернинг “Одессия” достонида афсонавий макон тушунчаси.

4-вариант

1. Энг қадимги Ҳинд адабиёти ва мифологияси.
2. Уйғониш адабиётининг аломатлари ва ўзига хосликлари.
3. Арифтофон ижоди.

5-вариант

1. Қадимги Шарқ адабиётининг антик адабиёт билан муштарак жиҳатлари: мифологиядаги муштараклик.
2. Монодик ва тантанали лирика.
3. Г.Э.Лессинг ва Ф.Шиллер ижоди.

6-вариант

1. Қадимги Шарқ адабиётининг антик адабиёт билан муштарак жиҳатлари: эпосдаги муштараклик.
2. Юнон адабиётида драманинг пайдо бўлиши.
3. Гораций ижоди.

7-вариант

1. Ахилл образида акс этган Ҳомернинг ахлоқий-эстетик қарашлари.
2. Юнон театрининг хусусиятлари.
3. Софокл ижоди.

8-вариант

1. Одессей образида акс этган Ҳомернинг ахлоқий-эстетик қарашлари.
2. Оведийнинг “Метаморфозалар” асари.
3. Илк драматурглар.

9-вариант

1. Юнон лирикасида вазн.
2. “Одессия” ва “Алпомиш”.
3. Эсхил ижоди.

10-вариант

1. Жаҳон адабиёти қадимги қаҳрамонлик эпослари.
2. Сапфо лирикаси.
3. Эврипид ижоди.

11-вариант

1. Аристофон ва комедия жанри.
2. Юнон насрида тарихий, риторик, фалсафий проза.
3. Эврипид ижоди.

12-вариант

1. Аристофон ва комедия жанри.
2. Юнон насрида тарихий, риторик, фалсафий проза.
3. Эврипид ижоди.

13-вариант

1. Юнон адабиётининг жаҳон адабиётига таъсири.
2. Эллинизм даврида янги комедия.
3. Ҳомернинг “Илиада” достонида тарихийлик масаласи.

14-вариант

1. Атика ва эллинизм даври юнон адабиёти.
2. Гораций “Эподлар”и, “Сатиралар”и ва “Номалар”и.
3. Ҳомернинг “Илиада” достонида маъбудлар образи.

15-вариант

1. Александрия поэзияси ва унинг ўзига хосликлари.
2. “Буколикалар” ва “Теоргикалар”.
3. Ҳомернинг “Илиада” достонида тарихийлик масаласи

16-вариант

1. Дастлабки Рим шоирлари.
2. Гесиоднинг “Меҳнат ва кунлар” асари.
3. Данте ва Шарқ маданияти.

17-вариант

1. Қадимги Рим адабиётида тарихшунослик.
2. Шарқ Уйғониши ва унинг аҳамияти.
3. Ҳомернинг “Одиссея” достонида тарихийлик масаласи.

18-вариант

1. Рим поэзиясининг ўзига хосликлари.
2. Шарқ ва Ғарб қаҳрамонлик эпосларининг муштарак жиҳатлари.
3. Данте ижоди.

19-вариант

1. Юнон лирикаси жанрлари.
2. Рим элегияси ва Овидий ижоди.
3. Шекспир трагедия устаси.

20-вариант

1. Рицарлик адабиётида шарқона жувонмардлик ва ахийлик масалалари.
2. Англия Уйғониш ғоялари ва Шекспир ижоди.
3. Ҳомернинг “Илиада” достонида мифологик элементлар.

21-вариант

1. Француз маърифатчилик ҳаракатининг ўзига хослиги.
2. Шекспир ва жаҳон драматургияси.
3. Ҳомернинг “Одессия” достонида бош қаҳрамон масаласи.

22-вариант

1. Гесиод ва Шарқ дидактикаси.
2. Шекспир драматургиясининг жанрлари ва уларнинг манбалари.
3. «Медея» драмаси.

23-вариант

1. Инглиз маърифатчилик адабиётининг йўналишлари, вакиллари ва жанрлари.
2. Элегия ва Ямб.
3. «Занжирбанд Прометей» драмаси.

24-вариант

1. Антик давр юнон адабиётида Фива циклидаги трагедиялар
2. Ф.Вольтер, Д.Дидро ва Ж.Ж.Руссо ижодида маърифатпарлик ғоялари.
3. “Рамаёна” эпоси.

25-вариант

1. Немис маърифатчилиқ адабиёти.
2. Ҳомернинг қаҳрамонлар характери яратиш маҳорати.
3. «Шоҳ Эдип» драмаси.

26-вариант

1. Александрия поэзиясининг ўзига хосликлари.
2. Эзоп масалларида дидактика.
3. “Илоҳий комедия”да Данте ижтимоий-ахлоқий қарашларининг ифодаланиши

27-вариант

1. Рицарлик адабиётининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Гёте “Фауст” асарининг асосий ғояси
3. «Медея» ва “Арганавтлар”.

28-вариант

5. Ёзма адабиётда мифологик мотивлар.
6. Данте – Уйғониш даврининг йирик вакили.
7. А.Дюманинг “Граф Монте Кристо” романида Шарқ мавзуи.

29-вариант

1. Гораций “Эподлар”и, “Сатиралар”и ва “Номалар”и.
2. А.Дюма ижоди.
3. Гёте ижодида Шарқона мотивлар. “Ғарбу шарқ” девони.

30-вариант

1. Жаҳон адабиётида уйғониш масаласи.
2. Шекспир поэма ва сонетлари.
3. Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари.

## **“ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАРИХИ” ФАНИДАН МБИ МАВЗУЛАРИ:**

1. Жеймс Жойснинг “Эвелин” ҳикоясида адиб бадиий оламининг акс этиши.
2. Франс Кафка ҳикояларининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Интеллектуал романда инсонийлик ва қадриятлар муаммоси.
4. Борхес новеллаларида бадиий ғоя.
5. Э.Хемингуэй “Ёмғирда қолган мушук” ҳикоясининг ғоявий-бадиий ўзига хослиги.
6. А.Камюнинг “Калигула” драмасида абсурдизм ғояларининг акс этиши.
7. Антуан Сент Экзюпери ва унинг “Кичкина шахзода” асари.
8. Ф.Достоевский ижоди ва психоанализ.
9. Ф.Достоевский асарларида бадиий психологизм.
10. А.С.Пушкиннинг кичик трагедияларида бадиий ғоя ва образ.
11. Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” асарида бадиий хронотоп.
12. Модернистик адабиёт ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
13. “Шоҳ Эдип” асарининг психоаналитик талқинлари.

**14.** У.Шекспир ва М.Шайхзода ижодидаги типологик ўхшашликлар.

**15.** Фарб ва Шарқ Уйғониш адабиётида инсон концепцияси. “Жаҳон адабиёти тарихи” фанидан ўқилиши ва ёдланиши зарур бўлган асарлар рўйхати

1. “Занжирбанд Прометей”, “Шох Эдип”, “Одиссея”, “Иллиада”.
2. Данте А. “Илохий комедия”.
3. Шекспир У. “Отелло”, “Ҳамлет”, “Макбет”, “Ромео ва Жульетта”.
4. Гёте И. “Фауст”.
5. Бальзак. “Горио ота”, “Гобсек”.
6. Стендаль. “Азизим”, “Парма ибодатхонаси”, “Қизил ва қора”.
7. Хемингуэй. “Чол ва денгиз”.
8. Ж.Лондон. “Мартин Иден”.
9. А.С.Пушкин қиссалари.
10. М.Лермонтов. “Замонамиз қахрамони”.
11. Ф.Достоевский. “Телба”, “Жиноят ва жазо”.
12. Л.Толстой. “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”, “Тирилиш”.
13. Г.Маркес. “Бузрукнинг кузи”, “Ошқора қотиллик қиссаси”.
14. А.Камю. “Бегона”, “Бодом гули”.
15. Ф.Кафка. “Жараён”.

#### Ёдлаш учун:

Гёте. Фауст монологи.

А.С.Пушкин. “Е.Онегин”дан парча.

Шекспир. Ҳамлет монологи.

## ГЛОССАРИЙ

Компаративизм – 1) кенг маънода қиёсий адабиётшунослик; 2) тор маънода қиёсий адабиётшуносликнинг шаклланиш давридаги бир босқич, адабий фактлардаги ташқи ўхшашликларни қиёслаш билан чекланган давр.

Вульгар социологизм – XX асрнинг 20-30-йиллари шўро адабиётшунослигида кузатилган қарашлар тизими, адабиётга ёндашув тамойили. Бадиий матннинг ижтимоий жиҳатларига эътиборни кучайтириш.

Герменевтика – тушуниш назарияси, матнни талқин қилиш тамойиллари ҳақидаги таълимот, гуманитар фанларнинг методологик асоси.

Детерменизм – фалсафий категория бўлиб, воқеа-ҳодисаларни сабаб-оқибат муносабатлари шаклида тушуниш. Ҳар қандай воқеа-ҳодисани муайян сабабнинг натижаси деб тушунтиради.

Драматизм – бадиийлик модуси. Шахснинг ўзлигини намоён этишини чегаралаётган ташқи кучлар билан зиддиятли ҳолат.

Эстетик идеал – гўзаллик, эзгулик ва эстетик мукамалликнинг юксак даражаси ҳақидаги ҳис этиладиган конкрет-тимсолий шаклда акс этувчи тасаввурлар жами.

Жамиятда яшаётган ҳар бир инсон онгида мукаммал жамият, мукаммал ижтимоий муносабатлар, мукаммал инсон ҳақидаги тасаввурлар мавжуд бўлиб, буларнинг бари эстетик идеални ташкил қилади.

Интерпретация – талқин; бадиий асар мазмунини идрок қилиш, унинг мазмуни, бадиий концепциясини англаш, тушуниш.

Интертекстуаллик – фанга француз филологи Ю.Кристева томонидан киритилган термин бўлиб, унга кўра, ҳар қандай матн аввал мавжуд бўлган матнларни трансформация қилган ҳолда ўзига сингдирган цитаталар мажмуидир.

Классицизм – 17-асрдан 19-аср бошларига қадар Европа санъатида тарқалган оқим. Классицистлар антик адабиётни классик – мумтоз адабиёт деб ҳисоблаганлар а ўз ижодларида антик адабиёт аъналарини тиклашни мақсад қилиб қўйганлар.

Лейтмотив – асар ғоясининг муаллиф томонидан қайта-қайта, такрор-такрор таъкидланиши.

Тарихий-маданий мактаб – Европа адабиётшунослигида 19-аср ўрталарида шаклланган илмий йўналиш, мактаб. Тарихий-маданий мактаб ўз фаолиятида тарихийлик тамойилига таянади. Тарихий-маданий мактаб бадиий адабиётни миллат ҳаётининг муайян тарихий босқичидаги халқ руҳининг ифодаси деб билди ва барча адабиётлар – миллий мансублиги, қайси даврда ёки қайси услубда яратилганидан қтби назар тенг қимматга эга деган қарашни илгари сурди.

Метод – 1) ижодий метод. Бунда қайси даврда ва маконда яшаганидан қтби назар бир гуруҳ ижодкорлар услубига хос бўлган умумий жиҳатлар мажмуи тушунилади. М., реализм ва романтизм методи. 2) тадқиқот усули. Бу маънода метод бадиий асар ва адабий жараённи тадқиқ этиш тамойиллари ва усулларини билдиради.

Биографик метод – бадиий асарни муаллифнинг ҳаёт йўли контекстида ўрганиш усули.

Мифологик мактаб – 19-аср Европа адабиётшунослигида вужудга келган илмий мактаб. Унга кўра, адабиёт ва санъатнинг вужудга келишига мифлар асос бўлган; ғайбдан илҳомлантирилувчи халқ руҳи аввал мифларни яратади, кейин эса мифлардан эртак, эпос, лирик қўшиқ ва шу каби асарлар пайдо бўлади.

Модернизм – XX аср бошларида Европа адабиётида вужудга келган турли хил оқимларнинг умумий номи.

## ИЛОВАЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ БД 5120100-309

2015 йил «07» 01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг 2015 йил «02»  
02 даги «32»-сонли  
буйруғи билан тасдиқланган

### ЖАҲОН ВА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИ фанининг

### ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	– Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000	– Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120100	– Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек филологияси)

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил "02" 01 даги "1" – сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

#### Тузувчилар:

- А.Улугов - Ўзбек адабиётшунослиги ва жаҳон адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди
- О. Усмонов - Ўзбек адабиётшунослиги ва жаҳон адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

#### Такризчилар:

- Б. Тўхлиев - Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети профессори, филология фанлари доктори
- А. Тилавов - Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек адабиёти ва матншунослик кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-методик кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2014 йил "26" декабрдаги "6" – сонли баённома).

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг таълимнинг ижтимоийлашуви бўлимида кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг адабий-эстетик дунёқарашини бойитиш, уларда гўзаллик туйғуларини қарор топтириш адабиётнинг тарихий ва назарий хусусиятларини жамиятимизда олиб борилаётган ишлар орқали амалга оширишга қаратилганлиги билан белгиланади.

Адабий-эстетик кадриятларнинг миллий ва умумбашарий жиҳатларини, жаҳон ва туркий халқлар адабиётининг миллат ҳамда жамият раўнақидаги ўрнини талабаларга тушунтириш, уларда бадиий асарни чуқур тушуниш, таҳлил ва тадқиқ этиш малакасини ҳосил қилиши, жамоатчиликни жаҳон адабиёти ва туркий халқлар адабиётидаги мазмун ва шакл, мавзу ва ғоянинг моҳияти билан таништиришга кўмаклашиш, жамиятнинг маънавий манзарасини адабий-назарий тафаккур орқали акс эттиришга, бозор иқтисодиёти жараёнида бадиий адабиётнинг маблағ ва қиймат келтирувчи ҳодисага айланиб кетишига йўл қўймаслик учун амалий кўрсатмалар беради.

#### **Фаннинг мақсади ва вазифалари**

Мазкур фанни ўқитишнинг мақсади шуки, бадиий адабиёт тарихи ва адабий-назарий тафаккур тадрижининг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш, талабаларнинг адабий-эстетик тафаккурини, юксалтириш, илмий мушоҳаданинг вужудга келиши кўникмаларини ҳосил қилиш, фаол ижодкорлик руҳи ва масъулиятини шакллантиришдан иборат.

Жаҳон ва туркий халқлар фанининг вазифаси талабаларга, бадиият намуналарини индивидуал, миллий ва умуминсоний жиҳатларини илмий таҳлил қилишни ўргатиш, жаҳон ва туркий халқлар адабиётининг миллат ва жамият раўнақидаги ўрнини ва аҳамиятини талабаларга тушунтириш, талабаларда бадиий адабиётни тушуниш кўникмаларини шакллантириш, бадиий асарни идрок қилиш ҳамда уни филологик нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ этиш малакасини ҳосил қилиш, адабиёт ва инсон ўртасидаги муносабатни бадиийлик қонуниятлари асосида ўргатиш, жаҳон ва туркий халқлар адабиётида янги шаклланаётган ва оммалашаётган адабий ҳамда илмий метод ва йўналишларни жамоатчилик фикрига таянган ҳолда тушунтириш, миллий ва умуминсоний адабий-назарий анъаналарни халқнинг адабий-эстетик дидини юксалтиришдан иборат.

#### **Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури”, Давлат таълим стандартида акс этган талаба билимларига қўйиладиган талаблар асосида шакллантирилган.

#### **Жаҳон ва туркий халқлар адабиёти фани бўйича**

Бакалавр талаба жаҳон адабиётидаги асосий тамойиллар, жаҳон ва туркий халқлар адабиёти тарихини даврлаштириш муаммолари, жаҳон халқлари ва туркий халқлар фольклори, қадимги афсона ва ривоятлар, жаҳон халқлари фольклорининг муштарак жиҳатлари, жаҳон халқлари ва туркий халқлар фольклори мавзулари, жаҳон халқлари ва туркий халқлар фольклори қаҳрамонлари, фольклор сюжетларининг ёзма адабиётга ўтиши, фольклор дostonлари ва ёзма дostonлар, жаҳон халқлари адабиёти ва туркий халқлар адабиётидаги сайёр сюжетлар, дostonлардаги вариантлик, ёзма адабиётнинг шаклланиши, диний ва дунёвий адабиёт, таржима адабиёти, жаҳон ва туркий халқлар адабиётидаги жанрлар **ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.**

Бакалавр талаба жаҳон ва туркий халқлар адабиёти тарихининг назарий муаммолари, мумтоз ва замонавий адабиётдаги адабий тур ва жанрлар таснифи, мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарини таҳлил қилиш, жаҳон ва туркий халқлар адабиёти намояндалари, жаҳон ва туркий халқлар адабиёти тараққиёти тамойиллари, адабиёт намуналарида тарихий давр акс этганлиги, асарлар сюжети, асарлар қайси ижодий методга мансублиги, асарлар ғоявий мазмуни, асарларнинг асосий қаҳрамонлари, асарларнинг бадиий хусусиятлари, ижодкорларнинг таржимаи ҳоли, асарлар қандай қабул қилингани, баҳолангани, жаҳон ва туркий халқлар адабиёти тарихи тамойиллари тўғрисида хулосалар **чиқаришни билиши ва улардан фойдалана олиши лозим.**

Бакалавр талаба жаҳон ва туркий халқлар адабиётидаги адабий тур ва жанрларни фарқлаш ва уларнинг специфик хусусиятларини белгилай олиш, жаҳон ва туркий халқлар адабиётидаги асарларнинг поэтик хусусиятларини аниқлай олиш, асарларнинг хусусиятларини аниқлашда тарихийлик тамойилидан келиб чиқиш, жаҳон ва туркий халқлар адабиёти бўйича танланган мавзу юзасидан илмий умумлашмалар чиқара билиш, жаҳон ва туркий халқлар адабиётидаги тарихий, ижтимоий муҳит, ижодий мактаб ва анъаналарнинг ўрнини аниқлаш, бадиий асарларни услубий таҳлил этиш, бадиий асарлар сюжети, ғоявий-бадиий хусусиятлари тўғрисидаги фикрларни муайян тизим асосида ифодалаш, асарларни таҳлил қилиши жараёнида бадиий матн ва ижодкор услубини аниқлаш, фольклор ва ёзма адабиёт намуналарига тарихий давр асосида ёндашиш, шеърини асарларни таҳлил қилишда вазн ўлчовларини қўллаш билиш, асар мазмунига, унда ифодаланган ғояга ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериш, жаҳон ва туркий халқлар адабиёти намуналарининг эстетик моҳиятига кириб бориш, жаҳон ва туркий халқлар адабиётидаги тур ва жанрларни фарқлаш, жаҳон ва туркий халқлар адабиётида қўлланган бадиий тасвир воситаларини фарқлай билиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги - тилшунослик, ўзбек халқ оғзаки ижоди, тарих, эстетика, фалсафа, психология, социология каби фанлардаги умумий қонуниятлар билан боғлиқлиги кузатилади.

Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг долзарб масалалари талабаларга мустақил иш сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагогик технологиянинг турли методлари орқали ўтказилади.

#### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Талабаларда адабиётшунослик фани бўйича билимларни шакллантириш, бадиий асарларни илмий-эстетик таҳлил қилишга доир муайян билимга эга бўлиш ва уларни амалиётда татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён бевосита адабий-илмий, маънавий-маърифий соҳаларда амалий аҳамият касб этади.

#### **Фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Жаҳон ва туркий халқлар адабиёти фанини ўзлаштиришда ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, амалий машғулот, семинар машғулотлари шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг долзарб масалалари талабаларга мустақил таълим сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, техник воситалардан фойдаланилади. Маъруза, амалий ва семинар машғулотлари замонавий педагогик технологиянинг “мунозара”, “ақлий ҳужум” сингари методлари орқали ҳамда слайдлар намойиши билан ўтказилади.

#### **Асосий қисм**

#### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

Жаҳон ва туркий халқлар адабиёти – инсоният маданиятининг муштарак бир бўлаги.

Жаҳон ва туркий халқлар адабиёти қадимий тарихи. Жаҳон ва туркий халқлар фольклори ва ёзма адабиёти тўғрисида маълумот.

Жаҳон ва туркий халқлар адабиёти тарихининг асосий тамойиллари ва уни даврлаштириш. Жаҳон ва туркий халқлар адабиётининг Шарқ ва Ғарб адабиётига таъсири.

Жаҳон адабиёти ва туркий халқлар адабиёти фанининг мақсади-қадимги юнон, Рим, ҳинд, инглиз, француз, испан, итальян, немис, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман халқлари адабиёти тўғрисида муайян тушунча бериш. “Илиада”, “Одиссея”, “Рамайна”, “Маҳобҳорат”, «Манас», «Алпомиш», «Гўрўғли», «Қўрқут ота китоби»

сингари халқ дostonлари, Гомер, Эсхил, Софокл, Эврипид, Ғарб Уйғониш даври, Маърифатчилик даври адабиёти намояндалари, Бальзак, Стендаль, Золя, Мопассан, Флобер, Гёте, Пушкин, Лермонтов, Достоевский, Толстой каби Европа адабиёти вакиллари, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Жалолоддин Румий, Абай, Мухтор Аvezов, Чингиз Айтматов, Махтумқули сингари туркий адиблар ижодини ўрганиш.

Жаҳон ва туркий халқлар адабиёти фанининг тарих, фалсафа, эстетика, санъатшунослик каби фанлар билан чамбарчас боғлиқлиги.

Жаҳон ва туркий халқлар адабиёти фанининг Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда ўрганилиши.

### **Энг қадимги Шарқ адабиёти**

Қадимги Миср, Эрон, Ҳинд, Хитой адабиёти. Шарқ халқлари адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни. Шумер адабиёти - жаҳон адабиётининг ибтидоси. “Гилгамиш ҳақида дoston” эпоси.

### **Антик давр юнон адабиёти**

Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари. Гесиоднинг “Меҳнат ва кунлар” асари. Гесиод ва Шарқ дидактикаси. Юнон лирикаси. Монодик ва тантанали лирика. Элегия ва Ямб. Юнон лирикасида вазн.

### **Аттика ва эллинизм даври юнон адабиёти**

Драманинг пайдо бўлиши. Юнон театри. Илк драматурглар: Эсхил, Софокл, Эврипид. Аристофан ва комедия жанри. Юнон прозаси: тарихий, риторик, фалсафий проза. Эллинизм даврида янги комедия. Александрия поэзияси. Юнон адабиётининг жаҳон адабиётига таъсири.

### **Рим адабиёти**

Рим адабиётининг асосий тараққиёт босқичлари ва йўналишлари. Дастанлар Рим шоирлари. Рим адабиётида тарихшунослик. Рим адабиётининг “олтин даври”. Вергилийнинг “Энеида” дostonи. “Буколикалар” ва “Георгикалар”. Гораций ижоди. Гораций “Эподлар”и, “Сатиралар”и ва “Номалар”и. Рим элегияси ва Овидий ижоди, Овидийнинг “Метаморфозалар” асари, Империя даври Рим адабиёти, Рим адабиёти ва кейинги давр Европа адабиёти.

### **Ўрта асрлар адабиёти**

Шарқ ва Ғарб қаҳрамонлик эпосларининг муштарак жихатлари. Француз, испан, немис қаҳрамонлик эпослари. XII – XIII асрларда рицарлик – куртуаз адабиёти. Рицарлик адабиётида шарқона жувонмардлик ва ахийлик масалалари. Ўрта асрларда шаҳар адабиёти ва унинг жанрлари.

### **Жаҳон адабиётида Уйғониш даври**

Уйғониш адабиётининг ўзига хосликлари. Жаҳон маданияти Уйғонишининг тадрижи. Уйғониш даври Шарқ ва Ғарб адабиёти. Ғарбий Европа Уйғониш адабиёти. Данте ижоди. Петрарка лирикаси. Ж.Боккаччо ва Италия уйғонишида наср. “Декамерон” ва “Минг бир кеча”. Франция, Англияда Уйғониш даври адабиёти. Француа Рабле ва унинг “Гаргантюа ва Пантагрюэл” асари. Англия Уйғониши. Шекспир ижоди. Шекспир ва жаҳон драматургияси.

### **Классицизм адабиёти (XVII аср Ғарбий Оврўпо адабиёти)**

Классицизм адабиётининг тараққиёт босқичлари. Классицизм адабиётининг ўзига хослиги. Француз классицизми ва унинг вакиллари. Англия ва Испанияда классицизм.

Маърифатчилик адабиёти ва классик маърифатчилик. Англия маърифатчилиги. Француз маърифатчилик ҳаракатининг ўзига хослиги. Ф.Вольтер, Д.Дидро ва Ж.Ж.Руссо ижоди. Немис маърифатчилик адабиёти. Г.Э.Лессинг, Ф.Шиллер ва И.В.Гёте ижоди. Ғарб ва Шарқ маърифатчилигининг муштарак ва фарқли жихатлари.

Маърифатчилик адабиётининг аҳамияти.

### **Романтизм адабиёти**

Романтизмнинг назарий асослари ва ўзига хосликлари. Немис адабиётида романтизм. Ака – ука Гриммлар ва Гофман ижоди. Инглиз романтизми. Байрон ва Шелли

ижоди. Француз адабиётида романтизм. В.Гюго ва Ж.Санд ижоди. В.Гюго асарларида миллий овоздод мавзуи. Америка романтизм адабиёти. Ф.Купер ижоди. Романтизмнинг жаҳон адабиётидаги ўрни.

### **Реализм ва танқидий реализм адабиёти**

Реализм эстетикаси. Реализм ва танқидий реализм. Адабиётда танқидий реализмнинг пайдо бўлиш омиллари. Француз адабиётида танқидий реализм. Ф.Стендалнинг “Қизил ва қора” ва “Парма ибодатхонаси” романлари. Бальзак ижоди. “Горио ота”, “Гобсек”, “Евгения Гранде” асарлари. П.Мериме новеллалари. Г.Флобернинг “Бовари хоним” романи. Ч. Диккенс ва У.Теккерей ижоди. Немис танқидий реализмининг ўзига хослиги. Г.Гейне ижоди.

### **XIX аср рус адабиёти**

XIX аср боши рус адабиёти. Асосий адабий йўналишлар. Рус адабиётида романтизм. А.С.Пушкин ижоди. “Евгений Онегин” шеърӣ романи. Пушкин – драматург ва носир. Пушкин ижодида шарқона мотивлар. М.Ю.Лермонтов ижоди. Лермонтовнинг “Замонамиз қаҳрамони” романи. Лермонтов – драматург. Н.В.Гоголь ижоди. XIX асрнинг иккинчи ярми рус адабиёти. Ф.И.Достоевский ижоди. Достоевский ва жаҳон адабиёти. Л.Н.Толстой ижоди. Толстой – романнавис. “Иқронома” асари. “Ҳожимурод” қиссасида Толстойнинг ахлоқӣ – эстетик қарашлари. XIX аср рус адабиёти “Олтин даври”.

### **XX аср охири ва XXI аср жаҳон адабиёти**

Географияси, муаммолари ва ўзига хослиги. Санъат ва адабиётнинг асосий вазифаси масаласи. Анъанавий реализм ва новаторлик. О.Конт ва И.Тэннинг позитивизм фалсафаси. Э.Золя ва ака-ука Гонкурлар натурализи. Декадентлик адабиёти. Импрессионизм, символизм, модернизм. Модернизм йўналишлари: экспрессионизм, дадаизм, кубизм, футуризм, абстракционизм, сюрреализм. Сюрреализм эстетикаси. Кафка ижоди. Ж.П.Сартр ва экзистенциализм. Камю ва абсурд фалсафаси. Модернизм ва XX аср Шарқ адабиёти

### **Туркий халқлар адабиёти**

Туркий халқлар тўғрисида умумий маълумот. “Турк”, “туркий” сўзларининг шарҳи. Ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур, татар ва бошқа туркий халқларнинг жаҳон маданияти, илм-фани тараққиётидаги ўрни.

Туркий халқлар адабиёти тарихининг асосий босқичлари. Туркий халқлар фольклори. Туркум дostonлар. Дostonларда вариантлилик. Қаҳрамонлик, ишқ-муҳаббат мавзусидаги дostonлар. Туркий халқлар адабиётининг муштарак жиҳатлари. Туркий халқлар адабиётида таржимачилик. Туркий халқлар адабиётида Шарқ адабиёти анъаналари. Сайёр сюжетлар. Диний ва дунёвий адабиёт. “Алпомиш”, “Манас”, “Қўрқут Ота китоби”. “Гўруғли” туркум дostonлари. Туркий халқларнинг қадимий ёзма ёдгорликлари. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари. “Девону луғотит турк”, “Қутадғу билиг”. “Авесто” – зардўштилик китоби. Ислom дини ва туркий халқлар адабиёти. Туркий халқлар адабиётида Шарқ адабиёти анъаналари. Турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман адабиётидаги сайёр сюжетлар. Туркий халқлар адабиётида таржимачилик.

### **Турк адабиёти**

Турк халқи тўғрисида умумий маълумот. Турк фольклори ва ёзма адабиёти. Турк адабиёти тарихини даврлаштириш: ўрта асрлар турк адабиёти, усмонли турк адабиёти, танзимот даври турк адабиёти, XIX аср охири – XX аср 20–йиллари турк адабиёти, янги давр турк адабиёти, замонавий турк адабиёти.

XI–XVIII асрлар турк адабиёти. Мавлоно Жалолиддин Румий (1207-1279) ҳаёти ва ижоди. “Маснавийи маънавий”, “Ичингдаги ичингдадир”, “Мажолиси сабъа”. Юнус Эмро (1240-1320) ижоди.

Танзимот даври. Турк маданиятига Европа маданиятининг таъсири. Таржималар. Номиқ Камол, Абдулҳақ Ҳамид Тархон, Аҳмад Мидхат, Тавфиқ Фикрат, Холид Зиё Ушақлагил ижоди. XX аср турк адабиёти. Меҳмед Эмин Юрдакул, Меҳмед Акиф Эрсой, Умар Сайфидин, Зиё Кўкалп ижоди. Рашод Нури Гунтекиннинг “Чоликуши”, “Тамға”,

“Яшил кеча” романлари. Нозим Ҳикмат шеърляти. “Инсон манзаралари”, “Қон гапирмас” асарлари. Яшар Камолнинг “Инжа Мамад”, “Илонни ўлдирсалар” асарлари. Азиз Несин ижоди. Ўрхун Памук ижоди.

### **Озарбайжон адабиёти**

Озарбайжон фольклори. “Гўруғли”, “Ошиқ ғариб” дostonлари. Озарбайжон ёзма адабиёти. Низомий Ганжавий ижоди. “Хамса”. Шарқ адабиётида Хамсачилик. Муҳаммад Фузулий ҳаёти ва ижоди. “Лайли ва Мажнун” дostonи. Фузулий ижодида тасаввуфона ғоялар. Мирза Фатали Охундов ижоди. XIX аср охири–XX бошида озарбайжон адабиётида театр санъати ва драматургиянинг раvнақ топиши. XX аср озарбайжон адабиёти. Самад Вурғун, Сулаймон Рустам, Расул Ризо, Наби Хазрий, М.Урдубодий, М.Ҳусайн, М.Иброҳимов ижоди. Замонавий озарбайжон адабиёти.

### **Қозоқ адабиёти**

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.Mirziyoyev alohida ta'kidlaganlaridek: “Hozirgi vaqtda mamlakatimiz aholisining 32 foizini yoki 10 millionini 30 yoshgacha bo'lgan yoshlarimiz tashkil etadi. Yoshlarimiz haqli ravishda Vatanimizning kelajagi uchun javobgarlikni zimmasiga olishga qodir bo'lgan, bugungi va ertangi kunimizning hal etuvchi kuchiga aylanib borayotgani barchamizga g'urur va iftixor bag'ishlaydi.

“Dastur” adabiy-estetik qadriyatlarining milliy va umumbashariy jihatlarini, jahon adabiyoti tarixini o'rganishning millat hamda jamiyat ravnaqidagi o'rnini talabalarga tushuntirish, ularda badiiy asarni mukammal tushunish, tahlil va tadqiq etish malakasini hosil qilishi, jamoatchilikni jahon adabiyotidagi mazmun va shakl, mavzu va g'oyaning mohiyati bilan tanishtirishga ko'maklashish, jamiyatning ma'naviy manzarasini adabiy-nazariy tafakkur orqali aks ettirish, jahon adabiyoti

durdonalarini mukammal o`rganish orqali talabalarning badiiy tafakkurini takomillashiirish uchun ko`rsatmalar beradi.

Mazkur fanni o`qitishning **maqsadi** shuki, jahon adabiyoti tarixining muhim poetik-estetik qirralarini mujassam qilgan adabiy asarlarni o`rganish orqali badiiy-falsafiy qarashlardagi nazariy-badiiy evolyutsiyani ko`rsatib berish hamda adabiyot tarixi va adabiy-nazariy tafakkur tadrijining shaxs va jamiyat hayotidagi o`rni va ahamiyatini ochib berish, talabalarning adabiy-estetik tafakkurini, yuksaltirish, ilmiy mushohadaning vujudga kelishi hamda nazariy jihatdan tahlil qilish va talqin ko`nikmalarini hosil ilish, faol ijodkorlik ruhi va mas`uliyatini shakllantirishdan iborat.

Shuningdek, "Jahon adabiyoti" fani talabalarni jahon adabiyotining barkamol namunalari bilan tanishtirish, jahon adabiyotshunosligining ilmiy-nazariy xususiyatlarini, davrlar osha badiiy xususiyatlarining muhim qirralari bilan tanishtirishni maqsad qilib olgan.

Shu ma`noda quyidagi **vazifalar** muhimdir:

jahon adabiyoti namunalarining o`ziga xos, milliy va umuminsoniy xususiyatlarini ilmiy tahlil qilish asosida talabalarga bilim berish;

talabalarga yuksak saviyada yaratilgan badiiy adabiyot namunalarining bashariyat, millat va jamiyat ravnaqidagi o`rni va ahamiyatini lushuntirish;

talabalarda badiiy adabiyotni tushunish ko`nikmalarini shakllantirish;

talabalarda badiiy asarni idrok qilish hamda uni filologik nuqtai nazardan tahlil va tadqiq etish malakasini hosil qilish;

talabalarni adabiyot va inson o`rtasidagi munosabatni badiiylik qonuniyatlari asosida tahlil qilishga o`rgatish;

jahon adabiyotida yangi shakllanayotgan va ommalashayotgan adabiy hamda ilmiy metod va yo`nalishlar mohiyatini jamoatchilik fikriga tayangan holda talabalarga etkazish;

jahon adabiyotidagi milliy va umuminsoniy adabiy-nazariy an`analarni jamiyat hayotiga tatbiq etish orqali talabaning adabiy-estetik didini yuksaltirish.

**Fan bo`yicha talabalarning bilimiga, ko`nikma va malakasiga qo`yiladigan talablar quyidagicha:**

Jahon adabiyotidagi estetik qarashlar evolyutsiyasini badiiy adabiyot tarixi, adabiy-nazariy tafakkur tadrijining shaxs va tamiyat hayotidagi o`rni va ahamiyati, yuksak saviyada yaratilgan badiiy adabiyot namunalari, jahon adabiyotida yangi shakllanayotgan va ommalashayotgan adabiy-ilmiy metod hamda yo`nalishlar mohiyati bo`yicha **bilim berish;**

talabalarda yuksak saviyada yaratilgan badiiy adabiyot namunalarini nazariy, amaliy jihatdan talqin va tahlil qilish **ko`nikmalarini hosil qilish;**

badiiy adabiyotga jamiyat tarixi, milliy va umuminsoniy qadriyatlar, insonni ezgulik va ma`naviy barkamollikka boshlovchi g`oyalar hamda inson ruhiyatiga aloqador eng pok tuyg`u va kechinmalar in`ikosi sifatida munosabatda bo`lish, shuningdek, jahon adabiyoti namunalarini adabiy-estetik hamda ilmiy-nazariy nuqtai nazardan tahlil va talqin qilishda faol ijodkorlik ruhi va mas`uliyati malakalarini hosil qilish.

**2. Ma'ruza mashg'ulotlari**  
**“Jahon adabiyoti” fani bo'yicha ma'ruza mashg'ulotlari taqsimoti:**  
**I semestr**

№	Mavzular	Soat
1.	Kirish. “Jahon adabiyoti” fanining predmeti va mazmuni	2
2.	Mif va badiiy ijod	2
3.	Attika va elinizm davri yunon adabiyoti.	2
4.	Qadimgi Rim adabiyoti.	2
5.	O`rta asrlar Sharq va G`arb adabiyoti.	2
6.	Jahon adabiy hayotida uyg`onish davri adabiyoti masalasi. Italiya va Ispaniyada uyg`onish adabiyoti.	2
7.	Fransiya va Angliyada uyg`onish davri adabiyoti	2
8.	Klassisizm adabiyoti. (XVII asr G`arbiy Yevropa adabiyoti)	2
9.	Ma`rifatchilik adabiyoti.	2
10.	Romantizm adabiyoti.	2
11.	Realizm va tanqidiy realizm adabiyoti.	2
12.	Modernizm va postmodernizm adabiyoti	2
	Jami	24

**2. Ma'ruza mashg'ulotlari**  
**“Jahon adabiyoti” fani bo'yicha ma'ruza mashg'ulotlari taqsimoti:**  
**I semestr**

№	Mavzular	Soat
1.	Kirish. “Jahon adabiyoti” fanining predmeti va mazmuni	2
2.	Mif va badiiy ijod	2
3.	Attika va elinizm davri yunon adabiyoti	2
4.	Qadimgi Rim adabiyoti	2
5.	O`rta asrlar Sharq va G`arb adabiyoti	2
6.	Jahon adabiy hayotida uyg`onish davri adabiyoti masalasi. Italiya va Ispaniyada uyg`onish adabiyoti	2
7.	Fransiya va Angliyada uyg`onish davri adabiyoti	2
8.	Klassisizm adabiyoti. (XVII asr G`arbiy Yevropa adabiyoti)	2
9.	Ma`rifatchilik adabiyoti.	2
10.	Romantizm adabiyoti.	2
11.	Realizm va tanqidiy realizm adabiyoti.	2
12.	Modernizm va postmodernizm adabiyoti	2
	Jami	24

**3. Amaliy mashg'ulotlar**  
**“Jahon adabiyoti” fani bo'yicha amaliy mashg'ulotlar taqsimoti:**

## I semestr

№	Mavzular	Soat
1.	Antik davr Sharq va G`arb eposlari qiyosi	2
2.	Sofokolning “Shoh Edip” va “Shohnoma” asarlaridagi o`xshash syujetlar	2
3.	Trubador va Kurtuaz she`riyati.	2
4.	O`rta asar dramasiining syujetlari	2
5.	Dantening “Ilohiy komediya” asarining strukturasi va obrazlar tizimi	2
6.	Shekspir ijodi	2
7.	Fransua Rable va fransuz folklori	2
8.	D.Defoning “Robinzon Kruzo” romanida ma`rifat g`oyasi	2
9.	F.Shillerning “Qaroqchilar” tragediyasida erksevarlik g`oyalarining ilgari surilishi	2
10.	Gyotening “Faust” asari asosiy g`oyasi	2
11.	Bayron ijodida romantizmniig o`rni	2
12.	Stendalning “Qizil va qora” romanida ijobiy qahramon muammosi	2
	Jami	24

## 4. Seminar mashg`ulotlari

### “Jahon adabiyoti” fani bo`yicha seminar mashg`ulotlari taqsimoti:

## I semestr

№	Mavzular	Soat
1.	Yunon adabiyotining o`ziga xos xususiyatlari	2
2.	Rim adabiyotining shakllanishi	2
3.	O`rta asrlar Yevropa xalqlari eposi	2
4.	Uyg`onish davrining falsafiy, tarixiy va badiiy omillari	2
5.	Servantesning “Don Kixot” asarida an`ana va yangilik	2
6.	XVIII asr Yevropa ma`rifatchilik adabiyoti	2
7.	Yevropa tanqidiy realizmi va realizm adabiyoti	2
8.	XIX asr nemis va ingliz romantizmi	2
9.	O.Balzak asarlarida umuminsoniy qadriyatlar	2
10.	A.S.Pushkinning “Yevgeniy Onegin” she`riy romani realistik asar sifatida	2
11.	J.Joysning “Uliss”. A.Kamyuning “Begona”, F.Kafkaning “Jarayon” asarlari modernizm namunalarini sifatida.	2
12.	Amerika va Kanada adabiyoti	2
13.	Zamonaviy Sharq adabiyotida odam va olam munosabatlari	3

talqini.		
	Jami	27

## **ASOSIY NAZARIY QISM (ma`ruza mashg`ulotlari)**

### **1-Modul. Jahon adabiyotining qadimgi davri**

#### **1-mavzu: Kirish. “Jahon adabiyoti” fanining predmeti va mazmuni**

“Jahon adabiyoti” fanining nomlanishi, ob`ekti, geografik miqyosi, davrlashtirilishi. Fanning maqsad va vazifalari. Jahon adabiyotining antik davri: Shumer, Misr, Hind, Xitoy, Yunon, Rim va turkiy xalqlar adabiyoti. Ularning o`zaro mushtarak va farqli jihatlari. Jahon adabiyoti manbalariga tipologik, genetik, tarixiy, madaniy yondashuv.

Qadimgi Sharq adabiyoti. Hududiy va milliy tarkibi: Babil adabiyoti, Eron adabiyoti. Markaziy Osiyo adabiyoti. Mifologiyasi. Adabiy namunalari. Qadimgi Sharq xalqlari adabiyotining jahon adabiyotiga ta`siri masalasi. Shumer adabiyoti jahon adabiyotining ibtidosi sifatida. Shumer adabiyoti yodgorliklarining ko`lami va janrlari. “Gilgamish haqida doston” eposi. Gilgamish – abadiy hayot izlovchi epik qahramon. “Avesto” – Markaziy Osiyo xalqlarining mushtarak yodgorligi.

#### **2-mavzu: Mif va badiiy ijod**

Mif va jahon adabiyoti. Mifning jahon adabiyoti tadrijidagi o`rni. Mifologiya va mif poetikasi jahon adabiy hayotini o`rganishda adabiy-nazariy, falsafiy-estetik asos sifatida. Mifologik maktab: tarixi, vakillari. Aka-uka Grimmlarning “Nemis mifologiyasi” asari. Myuller asarlarida mifologik talqin. Losevning mifologiyaga doir qarashlari. Mif va falsafa, mif va estetika, mif va din. Mif va mif poetikasi jahon adabiyotini o`rganishning muhim asosi sifatida. Mifda kaos va kosmos tushunchalari, ularning badiiy adabiyot tarkibida bajaradigan vazifasi. Mifning shakllari: tabiat, jamiyat, inson, o`tmish, kelajak, yaratilishi va inqirozi haqidagi miflar. Frezer talqinida mif.

#### **3-mavzu: Attika va elinizm davri yunon adabiyoti**

Qadimgi Sharq adabiyotining antik adabiyot bilan mushtarak jihatlari: mifologiyadagi va eposdagi mushtaraklik. Gomerning “Iliada” va “Odisseya” dostonlari. Dostonlarning mavzusi, tarixiyligi va mifologik elementlari. Axill va Odissey obrazlarida aks etgan Gomerning axloqiy-estetik qarashlari. “Odisseya” va “Alpomish”. Gesiodning “Mehnat va kunlar” didaktik asari. Gesiod va SHarq didaktikasi. Yunon dramasi. Esxil. Sofokl. Evripid. YUnon lirikasi. Monodik va tantanali lirika. Elegiya va Yamb. Yunon lirikasida vazn.

#### **5-mavzu: Qadimgi Rim adabiyoti**

Rim adabiyotining asosiy taraqqiyot bosqichlari va yo`nalishlari. Dastlabki Rim shoirlari. Rim adabiyotida tarixshunoslik. Rim adabiyotining “oltin davri”. Vergiliyning “Eneida” dostoni. “Bukolikalar” va “Georgikalar”. Rim poeziyasining o`ziga xosliklari. Gorasiy ijodi. Gorasiy “Epodlar”i, “Satiralar”i va

“Nomalar”i. Rim elegiyasi va Ovidiy ijodi, Ovidiyning “Metamorfozalar” asari. Imperiya davri Rim adabiyoti, Rim adabiyoti va keyingi davr Yevropa adabiyoti.

Gerodotning “Tarix” asarida voqelikka real yondashuv. Uning o`z davrida yaratilgan boshqa tarixiy asarlardan farqi. Platonning “Qonunlar” kitobida dialogning o`rni. “Davlat” asarida jamiyatni toifalash masalalari. Platon asarlarida “Yalang`och daho” obrazi va uning prototipi. Platonning ideal haqidagi tushunchalari. Aristotelning “Metazika”, “Poetika” asari.

### **5- mavzu: O`rta asrlar Sharq va G`arb adabiyoti**

Firdavsiy “Shohnomasi”. Nizomiy ijodi. Xamsachilik an`anasining boshlanishi. Umar Xayyom ruboiylari. Rudakiy g`azaliyoti. Jaloliddin Rumiy “Masnaviy”si. Hofiz Sheroziy. Abdurahmon Jomiy. Sa`diy SHeroziy, Xusrav Dehlaviy ijodi. Sharq va G`arb qahramonlik eposlarining mushtarak jihatlari. Fransuz, ispan, nemis qahramonlik eposlari. XII – XIII asrlarda ritsarlik – kurtuaz adabiyoti. Ritsarlik adabiyotining o`ziga xos xususiyatlari. Ritsarlik adabiyotida sharqona juvonmardlik va axiylik masalalari. O`rta asrlarda shahar adabiyoti va uning janrlari.

Alisher Navoiyning turkiy til uchun kurashi. “Muhokamat-ul lug`atayn”. Turkiydagi “Xamsa”. “Xazoyin-ul maoniy” kulliyoti. Italyan shoiri Dante va Navoiy faoliyatida mushtarak jihatlari. Nemis olimi A.Kurella “Buyuk shoirning qaytadan kashf etilishi” maqolasi orqali Navoiy dahosining Yevropada tanilishi va qabul qilinishi.

Alisher Navoiy asarlarining xorijiy tillarga tarjimasini, uning olimlik faoliyati. Alisher Navoiyning jahon adabiyotida tutgan o`rni.

### **6-mavzu: Jahon adabiy hayotida uyg`onish davri adabiyoti masalasi.**

#### **Italiya va Ispaniyada uyg`onish adabiyoti\***

Uyg`onish adabiyotining alomatlari va o`ziga xosliklari. Sharq uyg`onishi va uning belgilari. G`arb uyg`onishi va uning belgilari. Sharq uyg`onishining g`arb adabiyoti rivojiga ta`siri. Jahon madaniyati uyg`onishining tadriji. Sharq uyg`onishi va uning ahamiyati. Uyg`onish davri Sharq va G`arb adabiyotining madaniy aloqalari.

Yevropa uyg`onish davri adabiyotining davrlari, omillari va o`ziga xosliklari. Italiya uyg`onishi. Italiya uyg`onish davri adabiyotining taraqqiyot bosqichlari. Dante ijodi. Dante o`rta asrlarning oxirgi va uyg`onish davrining ilk shoiri. Dante va Sharq madaniyati. Petrarka lirikasi. J.Bokkachcho va Italiya uyg`onishida nasr. “Dekameron” va “Ming bir kecha” asarlarida adabiy ta`sir.

### **7-mavzu: Fransiya va Angliyada uyg`onish davri adabiyoti**

Fransua Rable biografiyasi va ijodi. “Gargantuya va Pantagryuel” asari. Asar xususida M.Baxtin tadqiqotlari. Roman talqinida xalq kulgu madaniyatining o`rni. Asarda kinoya va komiklik hamda uyg`onish davri belgilarining aks etishi.

Ijtimoiy, falsafiy va estetik qarashlardagi yangilanishlar. Uyg`onish davri ingliz lirikasi, eposi va dramasi). Adabiy muhit. K.Marlo ijodi. Dramaturgiya va

teatrchilik. Globus teatri. Vilyam Shekspirning hayot yo`li. SHEkspir lirikasida sonetning tutgan o`rni va yangilanishi. Dramaturgiyasi.

### **8-mavzu: Klassisizm adabiyoti (XVII asr G`arbiy Yevropa adabiyoti)**

Klassisizm adabiyotining taraqqiyot bosqichlari. Klassisizm adabiyotining o`ziga xosligi. Klassisizm adabiyotining nazariy asosi va janrlari. Fransuz klassisizmi va uning vakillari. Angliya va Ispaniyada klassisizm. Klassisizm adabiyotining ahamiyati.

### **9-mavzu: Ma`rifatchilik adabiyoti**

Ma`rifatchilik adabiyotining klassik ma`rifatchilikdan farqi va o`ziga xosligi. Angliya ma`rifatchiligi. Ingliz ma`rifatchilik adabiyotining yo`nalishlari, vakillari va janrlari. Fransuz ma`rifatchilik harakatining o`ziga xosligi. F.Volter. D.Didro va J.J.Russo ijodida ma`rifatparvarlik g`oyalari. Nemis ma`rifatchilik adabiyoti. G.F.Lessing, F.Shiller va I.V.Gyote ijodida ma`rifat masalasi. G`arb va SHarq ma`rifatchiligining mushtarak va farqli jihatlari. Sharq musulmon ma`rifatchiligida mustamlakachilik, milliy parokandalik va ma`naviy mahdudlik masalasi. Ma`rifatchilik adabiyotining ahamiyati.

### **10-mavzu: Romantizm adabiyoti**

Romantizmning nazariy asoslari va o`ziga xosliklari. Nemis adabiyotida romantizmning manbalari va shakllari. Aka-uka Grimmlar va Gofman ijodi. Ingliz romantizmida Bayron va Shellining tutgan o`rni. Bayron ijodida shaxs erki va xalq ozodligi masalasi. Fransuz adabiyotida romantizm. V.Gyugo va J.Sand ijodi. V.Gyugo asarlarida milliy ozodlik mavzui. Amerika romantizm adabiyoti. F.Kuper – tarixiy roman asoschisi. Romantizmning tarixiy asoslarda aks etishi. Romantizmning jahon adabiyotidagi o`rni.

### **11-mavzu: Realizm va tanqidiy realizm adabiyoti**

Realizm estetikasi. Realizm va tanqidiy realizmning farqli jihatlari. Adabiyotda tanqidiy realizmning paydo bo`lish omillari. Fransuz adabiyotida tanqidiy realizm. F.Stendalning “Qizil va qora” va “Parma ibodatxonasi” romanlari. Balzak ijodi. “Gorio ota”, “Gobsek”, “Yevgeniya Grande” asarlari. Mopassan novellalarida real voqelikka tanqidiy munosabatni ifodalash. G.Floberning “Bovari xonim” romanida romantizm adabiyotiga munosabat. Ch.Dikkens va U.Tekkerey ijodi. Nemis tanqidiy realizmining o`ziga xosligi. G.Geyne ijodida realizm va tanqidiy realizm uyg`unligi.

**XIX asr oxiri va XX asr jahon adabiyoti.** Geografiyasi, muammolari va o`ziga xosligi. San`at va adabiyotning asosiy vazifasi, masalasi. Adabiyotda yangi ijtimoiy muammolarning paydo bo`lishi. An`anaviy realizm va novatorlik. O.Kont va I.Tenning pozitivizm falsafasi. E.Zolya va aka-uka Gonkurlar naturalizmi. Dekadentlik adabiyoti.

### **12-mavzu: Modernizm va postmodernizm adabiyoti**

Zamonaviy Yevropa adabiyoti. Modernizm hodisasini yuzaga keltirgan tarixiy-ijtimoiy omillar. Modernizm estetikasi va Onega Gasset. Modernizmda absurd muammosi hamda yevropasentrizm masalasi. Absurd dramaturgiyasi. Ong oqimi muammosi va psixoanaliz. Shakl va mazmun sathidagi evrilishlar. Xos va avom adabiyoti o`rtasidagi chegara.

XX asr fransuz modernizmi va postmodernizmi: aksilroman va aksildrama masalasi. XX asr dramaturgiyasi: dramaturgik nazariyalar qiyosi. Lotin Amerikasi adabiyoti. X.L.Borxes va U.Eko ijodida metaadabiyot hodisasi. Adabiy-falsafiy masalalar. Zamonaviy yapon adabiyotida odam va olam muammosi.

Postmodernizm va neorealizm hodisalari. Madaniyatlar sintezi. Postmodern adabiyotning mazmun-mohiyati, namoyandalari. Universal gumanizm, jami tirik mavjudotga teng qarash. Sharq Lotin Amerikasi. Afrika. Okeaniya xalqlari madaniyatiga qiziqish, madaniyatlarni teng ko`rish. Xos va avom adabiyoti o`rtasidagi chegaraning olib tashlanishi, ikkiyoqlama kodlashtirish tamoyili, janrlar mutatsiyasi, ijodda individ rolini inkor qilish. "Muallif o`limi" konsepsiyasi. Ikoning "Atirgul ismi" romani postmodernizmning manifesti sifatida.

## **AMALIY MASHG`ULOTLARNING MAVZULARI**

### **1-mavzu: Antik davr Sharq va G`arb eposlari qiyosi**

#### **Reja:**

1. Qadimgi Sharq adabiyotining antik adabiyot bilan mushtarak jihatlari: mifologiyadagi va eposdagi mushtaraklik.
2. "Iliada" va "Odiseya" eposlari.
3. "Ramayana" eposi.
4. "Alpomish" eposi.
5. Bu eposlarning mushtarak jihatlari: a) motivlar; b) obrazlar; v) voqealar va badiiy g`oya.

### **2-mavzu: Sofokolning "Shoh Edip" va "Shohnoma" asarlaridagi o`xshash syujetlar**

#### **Reja:**

1. Sofokl ijodida "Shoh Edip" dramasi tutgan o`rni.
2. "Shoh Edip" dramasi umuminsoniy qadriyatlarning badiiy talqini.
3. "Shoh Edip" asarining psixoanalitik talqinlari.
4. "Shoh Edip" asarida taqdirga munosabat masalasi.
5. "Shoh Edip" dramasi bilan va Firdavsiyning "Shohnoma" asaridagi o`xshash syujetlar.

### **3-mavzu: Trubador va Kurtuaz she`riyati**

#### **Reja:**

1. Trubador lirikasining asosiy vakillari: Bernard de Ventadorn, Bertran de Born.
2. Trubador lirikasining janrlari: kansona, sirventa, tensona, alba, pastorela, motam qo`shig`i.
3. Ritsarlik – kurtuaz adabiyotining o`ziga xos tomonlari. Minnezang.

4. Ritsarlik romanlarining asosiy sikllari.

#### **4-mavzu: O`rta asar dramasing syujetlari**

##### **Reja:**

1. O`rta asrlarda shahar adabiyoti.
2. O`rta asr dramasing syujetlari va "Injil" rivoyatlari.
3. O`rta asr adabiyotida liturgik dramaning o`rni.
4. O`rta asr adabiyotida dunyoviy dramatik janrlar: misteriyalar, mirakllar, fars va soti, moralite.

#### **5-mavzu: Dantening "Ilohiy komediya" asarining strukturasi va obrazlar tizimi**

##### **Reja:**

1. G`arb va Sharqda Uyg`onish davri. Bu davr adabiyotining o`ziga xos jihatlari.
2. Dante –Uyg`onish davrining yirik vakili.
3. "Ilohiy komediya"da timsollar talqini.
4. "Ilohiy komediya"da ramziy obrazlar ifodasi.
5. A.Oripov – "Ilohiy komediya" tarjimoni hamda bu tarjimaning shoir ijodiga ta`siri.

#### **6-mavzu: Shekspir ijodi**

##### **Reja:**

1. Vilyam Shekspirning hayot yo`li. Shekspirning mualliflik masalasi.
2. Shekspir lirikasida sonetning tutgan o`rni va yangilanishi.
2. Shekspir dramalari – eng yuksak ijodiy kuch mahsuli.
3. Shekspir tragediyalari va komediyalari: "Romeo va Juletta", "Yuliy Sezar", "Gamlet", "Otello", "Qirol Lir", "Yoz kechasidagi tush", "Qiyiq qizning tug`ilishi".
- 4 "Gamlet"da bosh qahramon masalasi.

#### **7-mavzu: Fransua Rable va fransuz folklori**

##### **Reja:**

1. Fransua Rablening hayoti va adabiy faoliyati haqida.
2. "Gargantyua va Pantagryuel" – 5 kitobdan iborat epopeya.
3. "Gargantyua va Pantagryuel" – xalq orzu-istaklarini chuqur aks ettirgan asar.
4. "Gargantyua va Pantagryuel"da tarbiya masalasi.
5. "Oltin eshak" asarida evrilish motivi.

#### **8-mavzu: D.Defoning "Robinzon Kruzo" romanida ma`rifat g`oyasi**

##### **Reja:**

1. D.Defoning hayoti va adabiy faoliyati haqida.
2. "Robinzon Kruzo" romanida inson matonati tasviri.

3. “Robinzon Kruzo” romanida oliy fazilatlar hamda inson kamolotida mehnatning o`rni masalasi.

### **9-mavzu: F.Shillerning “Qaroqchilar” tragediyasida erksevarlik g`oyalarining ilgari surilishi**

#### **Reja:**

1. F.Shiller – nemis mumtoz adabiyotining asoschisi.
2. “Qaroqchilar” tragediyasida ozodlik va erksevarlik g`oyalarining talqini.
3. “Qaroqchilar” tragediyasining badiiy-uslubiy xususiyatlari.

### **10-mavzu: Gyotening “Faust” asari asosiy g`oyasi**

#### **Reja:**

1. Gyote – yangi davr nemis adabiyotining ilg`or vakili.
2. “Faust” asarida axloqiy va ma`naviy g`oyalar talqini.
3. Asarda miflarning o`rni. Shayton Mefistofel obrazi tavsifi.
4. “Faust” asarida insoniy tanazzul tasviri.
5. “Yosh Verterning iztiroblari” asarining g`oyaviy-badiiy xususiyatlari.

### **11-mavzu: Bayron ijodida romantizmniig o`rni**

#### **Reja:**

1. J.Bayronning hayot va ijod yo`li.
2. Bayron ijodida sharqona g`oyalarning o`rni. “Sharq dostonlari” turkumi.
3. “Don Juan” va “Manfred” – romantizmning nodir namunalari.

### **12-mavzu: Stendalning “Qizil va qora” romanida ijobiy qahramon muammosi**

#### **Reja:**

1. F.Stendalning hayot yo`li va ijodiy merosi.
2. Adibning “Qizil va Qora”, “Parma ibodatxonasi” romanlari.
3. “Qizil va qora” romanida shaxs va jamiyat muammosi.
4. “Qizil va Qora” romanida ijobiy qahramon muammosi.

### **Seminar mashg`ulotlari bo`yicha ko`rsatma va tavsiyalar**

Seminar mashuloti uchun taqdim etilgan quyidagi mavzular “Jahon adabiyoti” fanining asosiy masalalariga daxldor bo`lib, ular talabalarning muayyan mavzular doirasidagi badiiy va nazariy adabiyotlar bilan mustaqil ishlash, mulohaza va mushohada yuritish, tahlil qilish, muhim xulosalar chiqarish yo`lida malaka va ko`nikmalar hosil qilishga mo`ljallangan.

Seminar mashg`ulotlarining taxminiy ro`yxati:

1. “Qadim Yunonistonning afsona va miflari”, “Hind miflari” asarlari tahlili.
2. Antik davr Sharq va G`arb eposlari qiyosi.
3. Sofokolning “Shoh Edip” va “Shohnoma” asarlaridagi o`xshash syujetlar.
4. Rim adabiyotining shakllanishi.
5. O`rta asrlar Yevropa xalqlari eposi.
6. Trubador va Kurtuaz she`riyati.

7. O`rta asar dramasiining syujetlari va “Injil” rivoyatlari.
8. Uyg`onish davrining falsafiy, tarixiy va badiiy omillari.
9. XVII- XVIII asrlar italyan adabiyoti.
10. Dantening “Ilohiy komediya” asarining strukturasi va obrazlar tizimi.
11. XVII asr nemis va ispan adabiyotining o`ziga xosliklari.
12. Fransuz va ingliz adabiyoti.
13. Shekspir ijodi.
14. Servantesning “Don Kixot” asarida an`ana va yangilik.
15. Fransua Rable va fransuz folklori.
16. XVIII asr Yevropa ma`rifatchilik adabiyoti.
17. Yevropa tanqidiy realizmi va realizm adabiyoti.
18. Yevropa sentimentalizmi estetikasi.
19. XIX asr nemis va ingliz romantizmi.
20. D.Defoning “Robinzon Kruzo” romanida ma`rifat g`oyasi. “Gulliverning sayohatlari” romanida J.Svift fantastikasining realisiik negizi.
21. F.Shillerning “Qaroqchilar” tragediyasida erksevarlik g`oyalarining ilgari surilishi.
22. Gyote “Faust” asarining asosiy g`oyasi.
23. Z.M. Boburning “Boburnoma” asari qomusiy asar sifatida.
24. Bayron ijodida romantizmniig o`rni.
25. Stendalning “Qizil va qora” romanida ijobiy qahramon muammosi.
26. Balzak asarlarida umuminsoniy qadriyatlar.
27. Pushkinning “Yevgeniy Onegin” she`riy romani realislik asar sifatida.
28. F.Dostoyevskiyning “Jinoyat va jazo” romanida psixologizm.
29. Jahon adabiyotida naturalizm estetikasi.
30. Jahon modernizm adabiyoti.
31. J.Joysning “Uliss”. A.Kamyuning “Begona”, F.Kafkaning “Jarayon” asarlari modernizm namunalari sifatida.
32. Lotin Amerikasi adabiyoti.
33. Zamonaviy Sharq adabiyotida odam va olam munosabatlari talqini.
34. O`zbek adabiyoti jahon adabiyotining bir uzvi sifatida.

## **SEMINAR MASHG`ULOTLARINING MAVZULARI**

### **1-mavzu: YUnon adabiyotining o`ziga xos xususiyatlari**

#### **Reja:**

1. Antik dunyo adabiyotining paydo bo`lish asoslari. Antik dunyo mifologiyasi.
2. Grek (yunon) adabiyoti. Yunon mifologiyasi.
3. YUnon adabiyotida Gomer va Gomer eposlarining o`rni.
4. «Iliada» va «Odisseya» poemalari syujeti va badiiyati.
5. Yunon she`riyatining o`ziga xos xususiyatlari. Uning rivojida Gesiod, Esxil, Sofokl ijodining o`rni.
6. Yunon adabiyotida proza va drama taraqqiyoti.
7. Yunon adabiyotida attika va elinizm davri.

## **2-mavzu: Rim adabiyotining shakllanishi**

### **Reja:**

1. Rim adabiyotida tarixshunoslik.
2. Rim adabiyotining “oltin davri”.
3. Vergiliyning “Eneida” dostoni. “Bukolikalar” va “Georgikalar”.
4. Rim poeziyasining o`ziga xosliklari. Gorasiy ijodi. Gorasiy “Epodlar”i, “Satiralar”i va “Nomalar”i.
5. Rim elegiyasi va Ovidiy ijodi. Ovidiyning “Metamorfozalar” asari.
6. Imperiya davri Rim adabiyoti, Rim adabiyoti va keyingi davr Yevropa adabiyoti.

## **3-mavzu: O`rta asrlar Yevropa xalqlari eposi**

### **Reja:**

1. “Xildebrant haqida qo`shiq”, “Nibelunglar haqida qo`shiq” – qadimgi german eposlari.
2. Inglizlarning “Beovulf haqida poema”si.
3. Kelt (irland) qissalari: “Usnex o`g`illarining qutilishi”, “Mak-Dato cho`chqasi haqida qissa”. “Kuxulin haqida qissalar”, “Kuxulinning Ferdiad bilan jangi”.
4. Fransuz qahramonlik eposi: “Roland haqida qo`shiq”.
5. Ispan qahramonlik eposi: “Sid haqida qo`shiq”.

## **4-mavzu: Uyg`onish davrining falsafiy, tarixiy va badiiy omillari**

### **Reja:**

1. Uyg`onish – Renessansning alohida belgilari.
2. Yevropa uyg`onish davri adabiyotining davrlari, omillari va o`ziga xosliklari.
3. Italiya uyg`onishi. Dante va Petrarka ijodida axloqiy-falsafiy traktatlar.
4. J.Bokkachcho va Italiya uyg`onishida nasr. “Dekameron” va “Ming bir kecha” asarlarida adabiy ta`sir.
5. Reformatsiya harakati va insonparvarlik. “Pleyada” shoirlari.
6. Angliya Uyg`onish davri yozuvchilari: V.Lenglend, Choser, Tomas Mor, F.Bekon ijodi.

## **5-mavzu: Servantesning “Don Kixot” asarida an`ana va yangilik**

### **Reja:**

1. Servantes hayoti va adabiy faoliyati.
2. Servantes ijodida “Don Kixot” asarining o`rni.
3. “Don Kixot” asarining syujeti va obrazlari.
4. Romanda gumanistik g`oyalarning targ`ib qilinishi va asar ahamiyati.

## **6-mavzu: XVIII asr Yevropa ma`rifatchilik adabiyoti**

### **Reja:**

1. Ma`rifatchilik adabiyoti (XVIII asr G`arb, XIX asr Sharq ma`rifatchiligi).

2. Ma`rifatchilik adabiyotining klassik ma`rifatchilikdan farqi va o`ziga xosligi hamda ahamiyati.
3. Ingliz ma`rifatchilik adabiyotining yo`nalishlari, vakillari va janrlari. Daniel Defo, Jonatan Svift, Semyul Richardson, Robert Berns ijodi.
4. Fransuz ma`rifatchilik adabiyoti: F.Volter, D.Didro, Bomarshe ijodi.
5. Nemis ma`rifatchilik adabiyoti: G.E.Lessing, F.Shiller, I.V.Gyote ijodi.

### **7-mavzu: Yevropa tanqidiy realizmi va realizm adabiyoti**

#### **Reja:**

1. Adabiyotda realizm tushunchasi: tanqidiy realizm.
2. Fransuz realizm adabiyoti: a) F.Stendal ijodi; b) O.Balzak ijodi.
3. G.Floverning "Bovari xonim" romanida romantizm adabiyotiga munosabat.
4. Ingliz tanqidiy realizmi: a) Ch. Dikkens ijodi; b) U.Tekkerey ijodi.
5. Nemis realizm adabiyoti. H.Hayne ijodi.

### **8-mavzu: XIX asr nemis va ingliz romantizmi**

#### **Reja:**

1. Romantizmning nazariy asoslari va o`ziga xosliklari.
2. Nemis adabiyotida romantizmning manbalari va shakllari.
3. Aka-uka Grimmlar va Gofman ijodi.
4. Ingliz romantizmida Bayron, Shelli, V.Skotning tutgan o`rni.
5. Bayron ijodida shaxs erki va xalq ozodligi masalasi.

### **9-mavzu: O.Balzak asarlarida umuminsoniy qadriyatlar**

#### **Reja:**

1. Onore de Balzakning hayoti va ijodi.
2. Balzak romanlarida ijtimoiy hayot va insoniy qadriyatlar muammosi:
  - a) "Gorio ota" asarida;
  - b) "Gobsek" asarida;
  - v) "Yevgeniya Grande" asarida.

### **10-mavzu: A.S.Pushkinning "Yevgeniy Onegin" she`riy romani realistik asar sifatida**

#### **Reja:**

1. A.S. Pushkinning hayoti va ijodi.
2. Pushkin – lirik shoir.
3. Pushkin ertak va poemalari.
4. "Yevgeniy Onegin" – she`riy roman.

### **11-mavzu: J.Joysning "Uliss". A.Kamyuning "Begona", F.Kafkaning "Jarayon" asarlari modernizm namunalari sifatida**

#### **Reja:**

1. Jeyms Joysning "Uliss" romani – jahon adabiy hodisasi sifatida.
2. A.Kamyuning hayoti va ijodi. "Begona" qissasida absurdizm falsafasining aks etishi.

3. F.Kafka asarlarida inson va jamiyat munosabatlarining aks etishi.
4. “Jarayon” – jamiyatga poetik aybnoma.

## **12-mavzu: Amerika va Kanada adabiyoti**

### **Reja:**

1. U.Folkner asarlarida til va uslub.
2. E.Xeminguey asarlarida inson talqini.
3. U.Stoyron. R.Ellison. D.Selendjelar ijodida Amerika yoshlari fojeasi.
4. Kanada adabiyotining dastlabki shakllanish davri (XVI-XVII asrlar).
5. XVIII asrgacha Kanada adabiyoti: kanadalik hindu, inuit va eskimoslarning og`zaki ijodi, dunyo va koinot yaralishi haqidagi afsonalari, an`anaviy folklor qo`shiqlari, yevropalik sayyohlar va missionerlar kundaliklari, harbiy askarlar, savdogarlarning taassurotlari, gubernatorlarning memuarlari. Fransuz va ingliz kanadasi adabiyotlari.
6. XVIII asrdan keyingi Kanada adabiyoti. Kvebek. Monreal va, ayniqsa, “Millat shoiri” deb tan olingan Oktav Kremazining she`riyati va adabiy merosi. Kanada adabiyotida nasr. Emmonning “Mariya Shapdelen” romani va “yo`qotilgan imkoniyatlar va yozilmagan kitoblar davri”. “Satira otasi” deb nom olgan Somas Xambertonning “Soatsoz” asari. XIX asr anglo-kanada adabiyotida muhim o`rin egallagan yozuvchilardan biri J.Richardsonning “Tekulis – G`arb kurashlari” poemasi. “Vakusta”. “Kanadada sakkiz yil”. “Tugallanmagan 1812 yil urushi” poemalarida Kanada hindularining amerikalik bosqinchilarga qarshi mardonavor kurashi. XIX asrning ikkinchi yarmida Kanada adabiyotida milliylik uchun kurashlar. Kanada adabiyotining rivojida mamlakatda adabiyot va madaniyat ravnaqiga davlat siyosati darajasida ahamiyat berilishi: “She`riyat tarbiyasi” dasturi. “Kanada shoirlari ligasi”. 2013-yilda adabiyot bo`yicha Nobel mukofotiga sazovor bo`lgan yozuvchi Elis Manroning ijodi.

## **13-mavzu: Zamonaviy Sharq adabiyotida odam va olam munosabatlari talqini**

### **Reja:**

1. Hozirgi zamon Sharq adabiyoti.
2. Lin Sin – Xitoy realizm adabiyotining asoschisi.
3. Mo Yan ijodi – ertak va haqiqat qorishgan adabiyot.
4. XX asr yapon novellalari (K.Abe, Akutagava ijodi misolida). XX asr yapon romanchiligi va Yasukari Kavabato ijodi.
5. Jo`rji Zaydon – arab romanchiligining asoschisi. Realistik qahramonlari. Arab adabiyoti. Abdurahmon al-Xomusiy – hikoyanavis.
6. Koreys adabiyotining o`ziga xosliklari.
7. Eron zamonaviy nasri va nazmi manzaralari.

## **Mustaqil ta`lim va mustaqil ishlar**

Talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etish, nazorat qilish va baholash quyidagi Nizom asosida olib boriladi. Mazkur nizom O`zbekiston Respublikasi

Vazirlar Mahkamasining 2001-yil 16-avgustdagi “Oliy Ta`limning Davlat ta`lim Standartlarini tasdiqlash to`g`risidagi 343-sonli qarorida qayd qilingan kadrlar tayyorlash sifatini nazorat qilishda talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etish, nazorat qilish va baholashni talab darajasida yo`lga qo`yishga qaratilgan.

O`zbekiston Respublikasi Oliy va O`rta maxsus ta`lim vazirligining 2005-yil 21-fevraldagi 34-raqamli buyrug`i bilan tasdiqlangan “Talaba mustaqil ishini tashkil etish, nazorat qilish va baholash tartibi to`g`risida namunaviy Nizom” asosida ishlab chiqilgan.

Talaba tomonidan mustaqil ishning bajarilishi reyting tizimi talablari asosida nazorat qilinadi.

Talaba mustaqil ishining maqsad va vazifalari:

1. Talaba mustaqil ishining maqsadlari quyidagilardan iborat:

talabalarda o`qituvchining rahbarligi ostida mustaqil bilim olish ko`nikmalarini shakllantirish;

talabalarni o`quv adabiyotlari va axborot vositalaridan unumli foydalanish usullariga o`rgatish;

o`quv ishlarini mustaqil ravishda bajarish uchun zarur bilim va ko`nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish.

2. Talaba mustaqil ishining vazifalari quyidagi ko`nikmalarini shakllantirishdan iborat:

yangi bilimlarni mustaqil tarzda puxta o`zlashtirish ko`nikmalariga ega bo`lish;

kerakli ma`lumotlarni izlab topishning qulay usullari va vositalarini aniqlash;

axborot manbalari va manzillaridan samarali foydalanish;

an`anaviy o`quv va ilmiy adabiyotlar, me`yoriy hujjatlar bilan ishlash;

Internet tarmog`idan maqsadli foydalanish;

ma`lumotlar bazasini tahlil etish;

topshiriqlarni bajarishda tizimli va ijodiy yondashish.

Talaba mustaqil ishini tashkil etish usullari:

fan o`quv dasturidagi ayrim nazariy mavzularni o`quv adabiyotlari va boshqa axborot vositalari yordamida mustaqil o`rganish;

berilgan topshiriq bo`yicha hisobot (referat) tayyorlash;

amaliy mashg`ulotlarga puxta tayyorgarlik ko`rish;

ilmiy ma`ruzalar va maqolalar tayyorlash;

kafedra ilmiy-tadqiqot ishlarida ishtirok etish;

mustaqil ish mavzulari bo`yicha reyting nazorat turlarini topshirish.

O`qitilayotgan fanning xususiyatlaridan kelib chiqqan holda talaba mustaqil ishini tashkil etishda boshqa shakllardan ham foydalanish mumkin.

Talaba mustaqil ishini nazorat qilish va baholash fan o`qituvchisi tomonidan amalga oshiriladi.

Yuqoridagilardan kelib chiib mazkur fan yuzasidan mustaqil ta`lim uchun:

turli tillardagi maxsus adabiyotlar bilan mustaqil ishlash, jahon adabiyoti namunalarini qiyosiy o`rganish, tahlil malakasini shakllantirish va barcha

masalalarni echishni ham rejalashtirish, talabaning mustaqil ishi yuzasidan ilmiy muhokama o`tkazish.

Maxsus adabiyot materiallardan foydalanish, matbuot materiallari vositasida xalqaro voqealarni o`rganib chiqish.

### **Tavsiya etiladigan mustaqil ta`lim mavzulari**

1. Eng qadimgi Sharq adabiyotida vatanparvarlik g`oyalari
2. Gomerning qahramonlar xarakterini yaratish mahorati
3. Ezop masalalarida didaktika
4. "Medeya" tragediyasi va "Argonavtlar" qissasi
5. Musulmon adabiyotining g`oyaviy motivlari
6. XX asr Amerika adabiyotida modernistik oqimlar
7. D.Defoning "Robinzon Kruzo" romani badiiyati.
8. J.Rumiyning falsafiy qarashlari
9. "Gulliverning sayohatlari" romanida giperbolaning o`rni.
10. F.Shillerning "Qaroqchilar" asarida tragik obrazlar.
11. Gyote "Faust" asarida umuminsoniy g`oyalar.
12. Bayron ijodida romantik obrazlar.
13. Pushkinning "Yevgeniy Onegin" she`riy romanida muhabbat motivlari.
14. Jahon adabiyotida Alisher Navoiy ijodiga qarashlar
15. Stendalning "Qizil va qora" romanida J.Sorel obrazi.
16. Lev Tolstoyning "Urush va tinchlik" romanida badiiy tasvir.
17. F.Dostoyevskiyning "Jinoyat va Jazo" romanida inson tabiati talqini.
18. E.Xeminguey ijodida inson va borliq muammosi talqini.
19. J.Joysning "Uliss". F.Kafkaning "Jarayon" asarlarida ekzistensializm talqini.
20. A.Kamyu va S.Bekketlar ijodida absurd g`oyasining namoyon bo`lishi.
- 21 Bernard Shou dramaturgiyasi
22. Turgenovning "Otalar va bolalar" romanida avlodlar o`rtasidagi tafovut.
24. Turkiy xalqlar adabiyotining mushtarak jihatlari.
25. Sharq va G`arb adabiy aloqalari.

**Kavkaz, Slavyan va Boltiqbo`yi xalqlari adabiyoti.** Mazkur adabiyotning o`ziga xos jihatlari, jahon adabiyoti tarixida tutgan o`rni. "Igor polki jangnomasi". Shota Rustaveli. Nodar Dumbadze ijodi. Rus adabiyoti. Pushkin she`riyati. Turgenov. Lermontov nasri. Gogol dramaturgiyasi. Tolstoy. Dostoyevskiy kabi daho adiblarning jahon badiiy tafakkuri tadrijiga ta`siri.

**Turkiy tilda so`zlashuvchi qardosh xalqlar adabiyoti.** Turkiy xalqlar adabiyotining mushtarak jihatlari. "Alpomish". "Manas". "Dada Qo`rqut" eposlari. Nizomiy Ganjaviy, Fuzuliy. Maxtumquli ijodi. Muxtor Avezov. Chingiz Aytmatov va Aziz Nesin. Nozim Hikmat. O`rxan Pamuk va boshqalarning ijodida umuminsoniy muammolar masalasi.

**O`zbek adabiyoti jahon adabiyotining bir uzvi sifatida.** Zamonaviy o`zbek adabiyotining asosiy xususiyatlari: nasr, nazm va dramaturgiya manzaralari. O`zbek adabiyotining tarjima muammolari. A.Navoiy, Bobur kabi mumtoz ijodkorlarning jahon adabiyotida tutgan o`rni. Zamonaviy o`zbek adiblari asarlarining jahon tillariga tarjimasini va xorijda kutib olinishi masalalari.

**Lotin Amerikasi adabiyoti.** XX asr Lotin Amerikasi adabiyoti vakillari Borxes, P.Neruda, Gabriel Markes, Kortasar ijodida milliy ozodlik mavzusi. Markesning “Tanholikning yuz yili”, “Oshkora qotillik qissasi” asarlarida milliy va umuminsoniy gʻoyalar talqini. P. Koclo romanlarida shakl-mazmun masalasi. Borxes hikoyanavis sifatida.

**Afrika, Avstraliya, Okeaniya mamlakatlari, Malayziya adabiyoti.**

Afrika adabiyoti yosh adabiyot sifatida. Afrika sheʼriyatining oʻziga xos xususiyatlari. Afrika kichik janrida inson muammosi. Afrika adabiyotida etnik qadriyatlar.

Avstraliyada ingliz adabiyoti. XVIII asrlargacha boʻlgan davrdagi mahalliy aborijenlarning ogʻzaki adabiyoti. Qitʼaga inglizlar kelishi bilan ingliz adabiyotining rivojlanishi (XVIII asrlardan keyin). Avstaraliyada sintez adabiyot. Qitʼaga boshqa xalqlar vakillarining kelib oʻrnashuvi tufayli Avstraliya adabiyoti sintez xarakteriga ega boʻlishi. Qitʼa adabiyoti asosini ingliz adabiyoti tashkil etishi.

Avstraliya adabiyotining 200 yildan ortiq taraqqiyot tarixining davrlashtirilishi:

- kolonial yoki ingliz-avstraliya davri (1788-1880);
- milliy davr (1880-1920);
- zamonaviy davr (1920 yillardan hozirgi kungacha).

Indoneziya adabiyoti. Singapur adabiyoti. Malayziyaning hind dostonlari taʼsiridagi xalq ogʻzaki ijodi. Islom taʼsiridagi adabiyot. “Sultonlar sulolasi”. “Sulalatus salatin”. XV asr. “Rajit Pasay tarixi” (“Hikaya Rajit Pasay”. Oʻsha asr). “Hang Tuah tarixi” (“Hikaya Hang Tuah” oʻsha davr. Qator qissalar va “Abdulloh qissasi” asari (1849). Muallifi Munshiy Abdulloh (1706-1854) malay adabiyoti asoschisi. XX asrda roʻy bergan ijtimoiy oʻzgarishlar va malay adabiyotidagi yangi shakllar. Turli janrlarda (sheʼriyat, nasr, drama, esse) ter toʻkkan Usmon Avang zamonaviy adabiyot asoschisi. “Malayziya milliy adabiyoti”, “mintaqaviy adabiyot”, “yasama adabiyot” tushunchalarining mazmun-mohiyati. Ingliz tilining umumiy adabiy til boʻlib qolishi.

Indoneziya adabiyoti. XIX asr oxiri – XX asr boshida vujudga kelgan indonez xalqi adabiyoti. Indoneziya adabiyoti ham boshqa Mingorol mamlakatlari kabi xalq ogʻzaki ijodining vorisi sifatida Indoneziya adabiyotining jahonga yuz tutishida muhim rol oʻynagan indonez tilidan tashqaridagi adabiyotlar: xitoy, golland tillaridagi adabiyotlar. Amir Hamzah. Hayril Anvar. Sitor Situmoranga kabi shoirlar, Marah Rusli kabi yozuvchilar ijodi. Marah Ruslining (1889-1968) tarixiy “Sitti Nurbaya” romani (1922).

Singapur adabiyoti. Singapur adabiyoti dunyodagi eng yosh adabiyotlardan biri sifatida. Hozirgi zamon Singapur sheʼriyatida barakali ijod qilayotgan shoirlardan Siril Vong, Eng Ay-SHen. Elvin Pang ijodi. Elvin Pang tayyorlagan “Timasik” antologiyasi.

Bangladesh adabiyoti. Bangladesh adabiyoti tarixi. Nobel mukofoti sovrindori Rabindranat Tagor hayoti va ijodi. Nazrul Islom hayoti va ijodi. Bangladesh davlatining Tagor va Nazrul Islom sheʼrlariga bastalangan ikki madhiyasi. Maykl Madhushudon Dotto. Shorot Chandr Chottopadhaya, Bonkim

Chondro Chottopadhaya, Mir Mosharraf Xosseyn. Qozi Abdul Vadud. Shamsur Rahmon. Sayyid Shamsul Haq, Al-Mahmud. Aminur Rahmon. Jibanananda Das kabi zamonaviy bengal adabiyotining kashshoflari. Jahon musulmon olamida she`ru g`azallari madrasalarda qo`llanma sifatida o`qitiladigan buyuk so`fiy shoir, asli kelib chiqishi samarqandlik bo`lgan Mirzo Abdulqodir Bedil hayoti va ijodi.

### **Asosiy va qo`shimcha o`quv adabiyotlar hamda axborot manbalari**

#### **Asosiy adabiyotlar:**

1. The Norton Anthology of World literature Shorter Edition. Ronald Goltesman, Laurens B.Holland. David Kalstone, Francis Murphy. Hershel Parker. William A. Pritchard. W.W. Norton and company. New York. London. 2009-2012.
2. World Book Encyclopedia. Chicago, London. Sydney. Ioronto: A Scott Fetzer Company. 1995. 26 volumes.
3. Aristotel. Poetika. – T.: Yangi asr avlodi, 2011.
4. Alimuhamedov A. Antik adabiyot tarixi. – T.: “O`qituvchi”, 1969.
5. Gegel. Estetika. – “Sharq yulduzi” jurnali. – 2014. – № .1-6.
6. Kramer S. Istoriya nachinayetsya v Shumere. – M.: “Nauka”, 1991.
7. Kun. – T.: “O`zbekiston”, 2013.
8. Ziyotov Z. Shumerlar va Turon qavmlar. – T.: Mumtoz so`z”, 2012.
9. Normatova Sh. Jahon adabiyoti. – T.: Cho`lpon, 2008.
10. Siddiqov A., Qosimov A. Jahon adabiyoti. – Farg`ona, 2015.
11. Hamdamov U., Qosimov A. Jahon adabiyoti. – T.: “Barkamol fayz Mediya”, 2017.

#### **Qo`shimcha adabiyotlar:**

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O`zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: “O`zbekiston NMU, 2016.
2. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat`iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo`lishi kerak. – T.: O`zbekiston, 2017.
3. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining “Oliy ta`lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari” to`g`risidagi Qarori. – “Xalq so`zi”, 2017 yil, 21 aprel.
4. “O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi to`g`risidagi PF-4947-sonli Farmoni 07.02.2017. – “Xalq so`zi” gazetasi, 2017 yil, 28-(6722) soni.
5. Belinskiy. Adabiy orzular. – T.: G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 1977.
6. Azizov Q., Qayumov O. Chet el adabiyoti tarixi. (XVIII-XX asrlar). – T.: «O`qituvchi», 1987.
7. Komilov N. Tafakkur karvonlari. – T., 1999.
8. Quronov D., Rahmonov B. G`arb adabiy-tanqidiy tafakkuri tarixi ocherklari. – T.: “Fan”, 2008.
9. Sulaymonova F. SHarq va G`arb. T., «O`zbekiston», 1997.

10. Saidov U. Sharq va G`arb: madaniyatlar tutashgan manzillar. – T.: “YAngi asr avlodi”, 2009.
11. Xolbekov M. XX asr modern adabiyoti. – T.: “Mumtoz so`z”, 2014.
12. Boltaboyev H., Mahmudov M. Adabiy-estetik tafakkur tarixi. 2 jildlik. – T.: “Mumtoz so`z”, 2013-2016.

### **Badiiy adabiyotlar:**

1. Bilgamish. (Ziyotov Z. Shumerlar va Turon qavmlari). – T.: “Mumtoz so`z”, 2012.
2. Gomer. Illiada. – T.: “O`zbekiston”, 2013.
3. Firdavsiy. Shohnoma. – T.: “Adabiyot va san`at”, 1984.
4. Dante. Ilohiy komediya. – T.: G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 2000.
5. Servantes. Don Kixot. –T.: G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 1990.
- 6 Gyote. Faust. – T.: G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 1994.
7. Shekspir. Saylanma. 5 jildlik. – T.: Fan, 2007.
8. Navoiy A. Lison-ut tayr. – T.: G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 2015.
9. Radiv Fish. Jaloliddin Rumi. – T.: “YAngi asr avlodi”, 2015.
10. Balzak. Gorio ota. – T.: G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 1968.
11. Stendal. Qizil va qora. – T.: “O`zbekiston”, 1986.
12. Mopassan. Novellalar. – T.: “O`qituvchi”, 1987.
13. Pushkin. Yevgeniy Onegin. – T., 1988.
14. Lermontov. Zamonamiz qahramoni. – T.: “O`zbekiston”, 2016.
15. Gogol. Revizor. – T.: “O`qituvchi”, 1974.
16. Turgenev. Otalar va bolalar. – T.: “YAngi asr avlodi”, 2015.
17. Tolstoy. Tirilish. 5 tomlik. 5-tom. – T., 1978.
18. Dostoyevskiy. Jinoyat va jazo. – T., 1977.
19. Chexov. Tanlangan asarlar. 3 tomlik. 1-tom. – T.: “O`zbekiston”, 1957.
20. Usta va Margarita. – T.: “Sharq”, 2008.
21. Xeminguey E. Chol va dengiz. – T.: “Yosh gvardiya”, 1986.
22. Jek London. Martin Iden. – T.: “Yangi asr avlodi”, 2015.
23. Gabriel Garsia Marques. Yolg`izlikning yuz yili. – T.: “SHarq”, 2005.
24. Poelo Koelo. Alkimyogar. – T.: “Yangi asr avlodi”, 2005.
25. Kafka. Jarayon. – T.: “Sharq”, 2015.
26. Kamyu. Begona. – T.: “Yozuvchi”, 1995.
27. Jeyms Joys. Navqiron san`atkorning yoshlikdagi siyrati. – T.: “Akademnashr”, 2014.
28. Hesse H. Cho`l bo`risi. – T.: “Sharq”, 2006.
29. Aytmatov Ch. Qiyomat. – T.: G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 1989.
30. Nodar Dumbadze. Abadiyat qonuni. – T.: “Sharq”, 2006.
31. Robindranat Tagor. Hikoyalar. – T.: “O`qituvchi”, 2004.
32. Kobo Abe. YAshik odam. – T.: “O`qituvchi”, 2017.

33. Somerset Moem. Oy va sariq chaqa. – T.: “Davr Press” NMU, 2012.
34. Ekzupuere. Kichkina shahzoda. –T.: “Yangi asr avlodi”, 2017.
35. Jan Dominik Bobbi. Skafandr va kapalak. – “Jahon adabiyoti” jurnali, 12-son.

**Internet ma`lumotlari**

- 1 . [http / www. e-adabiyot.uz.jahon.html](http://www.e-adabiyot.uz.jahon.html)
2. [http / www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
3. [http / www. library.ru.3](http://www.library.ru.3)

### ТЕСТ НАМУНАЛАРИ

Жаҳон адабиёти тушунчасини ташкил этувчи асосий мезонлар нималардан иборат?	Гўзаллик, хунуклик фожевийлик	Халқчиллик, синфийлик, партиявийлик	*Умуминсонийлик Миллийлик, индивидуаллик	Бадийлик, Фалсафийлик, Ижтимоийлик
Жаҳон адабиёти намуналарининг умумий жиқатларини белгиловчи адабиётшуносликка доир усул бу...	Генетика	Психологик усул	Антропология	*Типология
«Антик давр» истилоҳи... деган маънони билдиради.	*Қадимий	Янги	Умумий	Халқона
«Мифлар ҳақиқатдан хабар берувчи афсонадир», деган сўзлар қайси мутафаккирга тегишли	Сократ	*Аристотель	Платон	Демокрит
Мифологияда «хаос» сўзи қандай маънони билдиради?	Таркиб, тараккиёт	Ўзига хослик	*Тартибсизлик, йўқлик	Умидсизлик, тушкунлик
Мифологик замонда «космос» бирламчиси ёки «хаосми»?	«Космос» бирламчиси	*«Хаос» бирламчиси	Ҳар иккиси бирламчиси	Иккаласи ҳам бирламчиси эмас
Бирор уруғ ёки қабиланинг пайдо бўлишига оид мифлар қандай номланади?	Этикологик	Космогоник	Антропология	*Этногоник
Инсоният келажаги ҳақидаги мифлар . . . мифлар деб аталади?	Космогоник	*Эсхотология	Этиологик	антропология
Анимизм қандай маънони билдиради?	*лотинча «рух»	юнонча «онг»	тибетча «жон»	ингилизча «ўлим»
«Тотем» сўзи қайси миллат тилидан олинган?	*Жанубий америка хиндулари	Шимолий америка хиндулари	Олтой турклари	Мўғил миллати
Аржун, Зол, Мойра, Демитра қандай образлар сирасига киради?	Бадий образ	«Шоҳнома» образлари	«Ромаяна» образлари	*Мифологик образлар
Гомернинг тарихда яшаб ўтганига шубҳа билан қараган 18- асда яшаган француз олими ким эди?	*Де Обиньяк	Ге Волфор.	А.Вольф	Ж.Руссо
Гомернинг «Илиада» асарига ёзилган пародия қандай номланади?	«Транхобранхит»	«Эвандеҳапария»;	*«Батрохомуомахия»	«Эфиоподия»
«Илиада» асари . . . нинг ғазабини куйлашга бағишланган.	Зевснинг	Апаллонинг	Гекторнинг	*Ахилланинг
14 йил она юрт илинжида сарсон кезган антик қаҳрамон?	Ясон	Эней	Агомемнон	*Одиссей
Одейссей юртига қайтганида уни биринчи бўлиб қандай ҳайвон танийди?	От	туя	*ит	мушук
«Занжирбанд Прометей» асарида	Рада	Пнелопа	Рио	*Ио

иштирок этувчи фоний қиз образи?				
«Эфиопида» юнон туркум дostonларининг қайсига тегишли?	Киприя	Фиваида	Троя	*Фива
Фива туркумига доир қайси дostonларда Эдип ўғиллари Этиокл ва Полиник ўртасидаги кураш тасвирланган?	«Илиада», «Эфиопида»	«Шоҳ Эдип», «Эдиподия»	«Ктприя», «Аргонавтика»	*«Фиваида», «Эпигонлар»
Юнонча «Рапсод» сўзининг маъноси...	*Бахши	Сеҳргар	Синчи	Кўшиқчи
«Меҳнат ва кунлар» асари конфликт қайси образлар мисолида кўрсатилган?	Бўри ва куён	Чаён ва тошбақа	*Қирғий ва булбул	Ниначи ва чумоли
«Меҳнат ва кунлар» асарини муалиф кимга панд-насихат тарзида ёзган?	дўсти Феомедга	тоғаси Пиндарга	қўшниси Полиникка	*укаси Персга
Қадим юнонда мусиқа, рақс жўрлигида ижро этилаладиган кўшиққа нисбатан қандай термин қўланган?	Лирика	Монодик кўшиқ	*Мелос	Элегия
Қадим юнон лирикасида қўланилган шеърий вазн қандай номланади?	*Гекзометр	Спандометр	Доктометр	Парнометр
Элегия жанрига асос бўлган грекча «Iegn» сўзининг маъноси нима?	Най	Марсия;	*Қамиш	Чилтор
Қадим юнонда «Ғалаба қасидаси» маъносида ишлатилган хор лирикасига доир жанр номини аниқланг	Трохей	Дионис	*Эпиникий	Ямб
Борликни билишда материалистик ёндашув назариясини илгари сурган анистик файласуф ким?	Платон, Сукрот	Аристотель, Протгор	*Анаксагор, Демокрит	Сукрот, Лукреций
Машҳур Гиппократ қандай фалсафий оқимга мансуб бўлган?	Содда материалистик	*Софистик	Атомистик	Идеалистик
Трагедия термини қайси мифологик образ билан боғлиқ ҳолатда пайдо бўлган?	Зевс	Гера	Эрос	*Дионис
Эдип авлодлари ҳаётига доир «Фиванинг етти душмани» асарининг муаллифини аниқланг	*Софокл	Эврипид	Эсхил	Алкей
Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асари қахрамони номи остида бутун бир психологик метод ишлаб чиққан олим ким эди?	Ф.Ницше	Г.Гегель	*З.Фрейд	К.Юнг
Тарихчи Геродотга катта таъсир кўрсатган қадим тарихий асар қандай номланади?	*Харон «Эрон тарихи»	Гекатея «Ерни айланиб, чиқ иш»	Платон «Давлат»	Платон «Қонунлар»
Қадим юнонда нотикликнинг қандай турлари мавжуд бўлган?	Тарихий, адабий, илмий	Илмий, сиёсий, тарихий	Тантанали, ривой, сиёсий	*Сиёсий, суд, эпидектик

Нотиклик анъаналаридан таълим берувчи муаллим қандай ном билан аталган?	Агитатор	Ритор	Ректор	*Риторик
Дудук ва ёмон овоз эгаси бўлишига қарамасдан нотиклик санъатини юксакларга кўтарган риторик ким?	Лисей	Горгий	*Демосфен	Короп
Платон асарларида учрайдиган «ялангаёқ даҳо» образининг реал тимсоли кам бўлган?	Платоннинг ўзи	Геродот	Гомер	*Сукрот
Платоннинг «Давлат» асарида жамият неча табақага ажратилади?	*4та	6та	3та	5та
Александрия даврида «подачи-чўпонлар кўшиғи» маъносини билдирувчи қандай лирик жанр мавжуд эди?	Г.Шеоргика	Элегия	Ямба	*Буколик а
Прогополиник «Мақтанчоқ жангчи» асаридаги қандай қахрамон ҳисобланади?	Ижобий қахрамон	Трагик қахрамон	Салбий қахрамон	*Комик қахрамон
Вергилийнинг «Энеида» асарида қайси давр воқеалари қаламга олинган?	Август ҳукмронлиги даври	Троя уруши даври	*Троя урушидан кейинги давр	Аттика даври
Кельт халқлари «бардлар» деганда кимни тушунадилар?	Актёрни	Драматургни	*Кўшиқчи-мадҳиябозни	Цирк кўрсатувчиларни
Ирланд сағлари эрамизнинг қайси асрларидан бошлаб ёзиб олина бошлаган?	1-2-асрлар	3-4 асрлар	*7-8 асрлар	5-6 асрлар
Ўрта асрлар Германиясида халқ бахши-шоирлари қандай аталган?	Жанглёр	Хуг	*Шпилман	Гастрион
Маврлар билан бўлган курашда кўрсатган хизматлари тақдирланмагани учун жонига қасд қилган француз эпоси қахрамони...	Эрамбр	Ориор	Ролланд	*Де Оранж
Ўрта асрлар Европа рицарлик фалсафасига таъсир кўрсатган шарқлик олим. . .	Ибн Сино	*Ибн Рушд	Ибн Арабий	Санойи Балхий
Ўрта аср Европа рицар романларига хос муҳим хусусиятлардан бири. . . ҳисобланади	Воқеликнинг реал тасвир этилиши	*Аваниюр сюжет	Мифологик сюжет	Қолипловчи ҳикоя усули
Ўрта аср Европа драмалари асосида нима ётган?	Мифлар	Халқ ривоятлари	*«Инжил» ривоятлари	Рицарлик саргузаштлари
Ўрта аср театр томошалари нима деб аталган?	*Мистериялар	Театр	Драмалар	Мимлар
Европада уйғониш бошланган сана ва жой номини аниқланг.	*XIV аср Италия	XIII аср Испания	XVI аср Франция	XV аср Англия
Шарқ ва Ғарб уйғонишини нисбатан холис ўрганган европалик олимлар кимлар	В.Вундт, Я. Грим, А. Афанасьев	*И.Оберли, Н.Конрад, В.Жирмунск	Е.Мелитинский, Н.Кун, А.Афанасьев	Е.Мелитинский, Ю.Борев,

хисобланади?		ий	в	В.Шкловский
Данте туғилган йиллари Италияда фаолият олиб борган партия қайси жавобда тўғри кўрсатилиган?	Демократлар ва монархистлар	*Гибеллинлар ва гвельфлар	Монархистлар ва гвельфлар	Оқлар ва демократлар
Данте 9 ёшида севиб қолган Беатриче кимнинг қизи эди?	*Фолко Портинари	Симоне де Барде	князь Гвидо	Гвидо Гвиницелли
Дантенинг «Янги ҳаёт» асари нечта мустақил шеърдан иборат?	20 та	40 та	*30 та	100 та
«Базм» асарида Дантенинг қандай қарашлари акс этган?	Ижтимоий қарашлари	Сиёсий қарашлари	Ахлоқий қарашлари ахлоқий қарашлари	*Фалсафий қарашлари
«Илоҳий комедия» асари фабуласи қайси асар таъсирида юзага келган?	«Хумча»	«Мақтанчоқ жангчи»	«Севги санъати»	*«Энеида»
